Қудрат МАШАРИПОВ



# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

## БУЮК ВАТАНПАРВАР САРКАРДА

63.3(5Ў3б)47
М-38
30 та

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Қудрат МАШАРИПОВ



# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

## БУЮК ВАТАНПАРВАР САРКАРДА

ТОШКЕНТ – 2019
«НАВРЎЗ» НАШРИЁТИ

УЎК: 842.30.12
КБК: 85.(Ўзб)10
А – 08

Қудрат МАШАРИПОВ.
ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ – БУЮК ВАТАНПАРВАР САРКАРДА. – Тошкент: "Наврўз" нашриёти. 2019. 400 б.

ISBN 978-9943-563-71-1

Китоб Хоразм Маъмун академиясининг "Жалолиддин Мангуберди – буюк ватанпарвар саркарда" мавзусидаги лойиҳаси доирасида тайёрланди. *Мазкур китоб улуғ аждодимиз, Ватан озодлиги учун курашган* буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланади. Китобда Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги илгариги қараш ва фикрлар қайтадан кўриб чиқилди ва қиёсий таҳлил қилинди. Жалолиддин Мангуберди тарихига доир ёзма маълумотлар, мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари атрофлича ёритишга ҳаракат қилинди. Китоб барча қизиқувчиларга мўлжалланаган.

Форсча матнларни т.ф.н.
Мадамин Эшмуродов таржима қилган.

| | |
|---|---|
| Лойиҳа раҳбари: | И. И. Абдуллаев |
| Тақризчилар: | т.ф.д. проф. А. С. Сагдуллаев<br>т.ф.д. проф. Р. Ҳ. Сулаймонов<br>т.ф.н. доц. Ў. И. Абдуллаев |
| Маъсул муҳаррир: | т.ф.д. Б. Абдухалимов |
| Муҳаррир: | ф.ф.д. А. Ўрозбоев |

Китоб Хоразм Маъмун академиясининг Илмий Кенгашида (2018 йил 05 мартдаги 11-сонли баённомаси) нашрга тавсия қилинган.

© Қ.Машарипов.
«Жалолиддин Мангуберди – буюк ватанпарвар саркарда» 2019.
ISBN 978-9943-563-71-1
© "Наврўз" нашриёти, 2019.

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROT-RESURS MARKAZI
INV. № 2932/20









## СЎЗ БОШИ

Хоразм цивилизацияси, бу воҳада шаклланган қадимий Хоразм давлати нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Асрлар давомида бу ҳудудда шаклланиб, ривожланган давлатлар ўзбек давлатчилигининг муҳим босқичларни ташкил қилади. Хоразм давлати, айниқса, ўрта асрларда Марказий Осиёда бўлиб ўтган барча сиёсий жараёнларда фаол қатнашган. Бу ерда ҳукмронлик қилган сулолаларнинг баъзи ҳукмдорлари ислом тарихида ҳам катта таъсир ўтказган. Хоразм воҳаси қайси бир салтанат ва давлат таркибида бўлмасин, ўзига хос тарихи ҳамда маданияти билан ажралиб, унинг моддий ва маънавий мероси ўзбек халқининг бой ўтмишининг намунасидир.

Истиқлол шарофати билан озодлик ва эрк курашчиси бўлмиш буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг тарихий номи қайта тикланди. Республикамиз биринчи Президенти И.Каримовнинг “Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради. Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғururидир”, – деган таърифи бизнинг тадқиқот мавзумизнинг моҳиятини тўлиқ ўзида мужассам этади.

Республика зиёлиларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида номи унут бўлган кўплаб буюк тарихий сиймоларнинг номлари қайта тикланиб, тарихий адолат қарор топди. Бу эса ўрта асрлар тарихини янада чуқур ўрганишга имконият яратди. Мустақиллик йилларида чоп этилган дарслик ва адабиётларда мазкур давр воқеалиги тўлиқ ўз аксини топа бошлади. Жумладан, мазкур саъйи- ҳаракатларнинг амалий натижаси сифатида 1999 йилда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейи нишонланиб, 2000 йилда “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидганларидек: “Хоразм ҳақида сўз юритганда, машҳур шоиримиз Омон Матжоннинг мустақиллигимиздан олдин ёзган бир шеъри ёдимга тушади. У киши “Нега Хоразмда тоғлар йўқ?” деган саволни қўйиб, “Хоразмнинг буюк тоғлари бор – бу Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ферузлардир”, деб жавоб беради. Бугун биз чексиз ғурур ва ифтихор билан бу рўйхатга Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Ҳофиз Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний сингари улуғ аждодларимизнинг қутлуғ номларини ҳам қўшиб айтишга тўла ҳақлимиз. Айниқса, енгилмас саркарда, Ватан ҳимоячиси, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердининг она юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонати, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, халқимиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб келмоқда. Бор-йўғи ўттиз икки йилгина умр кўрган бу жасур баҳодирга ҳатто унинг ашаддий душмани Чингизхон ҳам тан бериб, “Қани энди, менинг ҳам Жалолиддинга ўхшаган ўғлим бўлса эди, дунёдан беармон ўтардим”, деб айтган сўзларини сизлар албатта яхши биласизлар. Минг афсуски, биз мана шундай улуғ аждодимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни ёшларимизга тўла етказаяпмиз, деб айта олмаймиз. Мен шу йил 3 август куни ижодкор зиёлиларимиз билан бўлган





учрашувда шу масалани кўтариб, жумладан, Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳар томонлама етук бадиий фильм яратиш таклифини билдирган эдим.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2018 йил 20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида ўтказилган мажлисда эса, Жалолиддин Мангуберди сиймосини, унинг фаолияти тарихини манбалар асосида жиддий ўрганиш долзарб илмий масала сифатида белгилаб берган эдилар ҳамда бу қаҳрамон ҳақида холисона ва чуқур илмий таҳлил қилинган китоб ёзиш лозимлиги тўғрисида фикр билдирган эдилар.

Чунки ануштегин-Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди шахсияти, фаолияти ва ҳарбий истеъдоди барча даврларда давлат арбоблари, саркардалар ва оддий халқ учун қизиқарли бўлиб келган. Ўрта асрларнинг кўплаб машҳур муаррихлари бу мард аждодимиз ҳақида махсус асарлар ёзишган, тарихларда жасоратини мадҳ этишган. Хонлар, султонлар, амирлар унинг савқулжайш (стратегия) ва тарбиятулжайш (ҳарбий усул, тактика)ларини ўз қўшинларида қўллашга ҳаракат қилишган, ҳарбий академияларда унинг жанг усуллари алоҳида ўрганилган. Бу саркарданинг қаҳрамонлигига барча ҳукмдорлар ҳавас қилишган. Шу жиҳатдан олганда, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти, айниқса ёшларни Ватанга чуқур муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ўрни жуда муҳимдир.

Жалолиддин Мангуберди барча даврларда озодлик учун курашган қаҳрамон бўлиб келган ва ҳатто келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Айниқса, бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, Жалолиддин Мангуберди, шубҳасиз, миллий қаҳрамонимиз ҳисобланади. Дини, миллати ва юрти учун курашган шундай мард қаҳрамон тарихи ёшларга ғурур ва ифтихор руҳини бағишлаши табиий ҳамда келгусида ҳам қанча авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда жуда катта ўрин

тутади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Жалолиддин Мангуберди ҳақида китоб ёзишнинг ўзига хос қийинлик тарафлари ҳам борки, жуда катта ҳажмдаги ёзма манбалар маълумотларини ва шу кунгача Жалолиддин Мангуберди ҳақида ёзилган жуда кўплаган тадқиқотларда акс этган маълумотларни тарихий холислик нуқтаи назаридан ҳамда илмий жиҳатдан чуқур танқидий таҳлил қилиш асосида ёзиш лозим. Зеро, бу масалада нафақат Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятини алоҳида тадқиқ қилиш лозим, балки, унинг замондошлари – Чингизхон, мўғуллар саркардалари, шу даврдаги Ўрта Шарқ, Кавказорти ва Эрон ҳудудларидаги ҳукмдорлар ҳамда шу ҳудудлардаги тарихий жараёнларни, тарихий вазиятни ниҳоятда чуқур ўрганиш ва илмий холислик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва шу асосдагина хулосалар чиқариш ва китоб ёзиш керак.

Қўлимиздаги мазкур китоб айни шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ёзилган китоб деб ўйлаймиз.

**Б. АБДУҲАЛИМОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор Ўзбекистон Фанлар**
**академияси вице - президенти**







## МУҚАДДИМА

Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоб ёзишга киришиб, мавзу юзасидан маълумот тўплаш жараёнида, у ҳақида ёзилган китоб ва асарларда, дунё миқёсида у ҳақида кам билишади, дея таъкидланади. Лекин, бизнингча бу фикрни аслида тескарисига таҳлил қилсак, тўғри хулоса келиб чиқади. Яъни, бугунги кунда дунё илм-фанида Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда кўпчилик одамлар етарлича маълумотларга эга эканликлари айни ҳақиқат. Дунё миқёсида бизнинг олимлардан мустақил равишда Жалолиддин ҳақида жуда кўплаган тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳам рост. Афсуски, бизнинг Ўзбекистонимизда жамиятнинг барча қатламларида у инсон ҳақида кам маълумотга эгалар. Зеро, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги юртимизда холисона таҳлил асосида нашр қилинган ва холисона фикрлар билдирилган адабиётлар йўқ эмас, аммо улар жуда камчиликни ташкил қилади. Афсуски, борларида ҳам баъзи масалаларда эски тадқиқотларга боғланиб қолинганлик ҳолати ва ундаги фикр ва қарашлар доирасидан чиқилмаган ҳолда баён қилин-

ган адабиётлардан иборат. Баъзи асарлар эса бадиий жиҳатдан жуда бўрттирилиб юборилганки, улар илмий асарлар сирасига кирмасдан, хаёлотга эрк берилган бадиий асарга айланиб қолган. Шу жиҳатдан олганда ҳам Жалолиддин Мангуберди сиймосини батафсил ва холисона очиб бериш учун биз ўз тадқиқотимизда манбашунослик ва тарихшунослик масалаларига кенгроқ саҳифа ажратдик. Бу ҳақда эса китобимизнинг биринчи бўлимида батафсил тўхталиб ўтамиз.



Шу ўринда алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Хоразмшоҳ- ануштегинлар даври ва у билан боғлиқ ҳолда Жалолиддин Мангуберди образи ёзма меросининг библиографияси ва адабиётлари сони мингга яқинни ташкил қилиб, тарих фанининг жалолиддиншунослик йўналиши аллақачон шаклланиб бўлди, десак муболаға бўлмайди. Лекин бу манба ва адабиётларнинг катта кўпчилигида Жалолиддин ҳақида қисқа маълумотлар келтириб ўтилган ва айнан Жалолиддин Мангуберди ҳаётини очиб берувчи маълумотларни ўзида акс эттирувчи манба – тадқиқотлар эса жуда кам. Шундан келиб чиқиб, биз Жалолиддин Мангуберди ҳақида қисқа тўхталиб ўтган манбалар ва тадқиқотларни кўздан кечириб, улардаги маълумотларнинг холислиги бўйича таққослаш асосида таҳлил қилиб, хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик. Шунинг учун ҳам мавзу библиографияси нисбатан кенгайиб кетгани ҳолда тадқиқот бўлим ва бобларидаги иқтибослар фақат энг муҳим бўлган манба ва тадқиқотлардан келтириб ўтилди.



Булардан ташқари, Чингизхонга нисбатан Жалолиддин Мангубердига кўпроқ босқинчи ёки ёвуз ҳукмдор сифатида баҳо берган тадқиқотчилар ҳам борки, афсуски, бундай тадқиқотчилар, айниқса, замонавий олимлар, ёзувчилар ва манбашунослар ичидан кўпроқ









чиқмоқда. Бундай муносабат жумладан, Россия ва Кавказорти давлатлари тарихчилари ва қолаверса, Европа мамлакатлари тарихчилари тадқиқотларида кўпроқ кузатилади. Айниқса, Кавказ халқлари вакилларида Жалолиддинга нисбатан нафрат ҳисси мавжуд бўлиб, энг ачинарлиси, бу давлатлар тарихчилари ҳам тарихий манбалардаги маълумотларни холисона мулоҳаза қилмаслик оқибатида, ўзларидаги манбалардаги бўрттириб кўрсатилган маълумотларга кўр-кўрона боғланиб қолиш оқибатида, бу ҳудудларнинг мўғуллар томонидан босиб олинишидан кўра Жалолиддин Мангуберди томонидан босиб олиниши кўпроқ вайронагарчиликлар келтирилганлигини бот-бот таъкидлаб келмоқдалар. Ҳатто Хоразмшоҳлар-ануштегинийлар тарихи билимдони Зиё Буниёдовнинг шу давлат тарихига бағишланган тадқиқотининг охирги чорагида ҳам бундай муносабат яққол кўзга ташланади. Бу фикрни мазкур тадқиқотчининг "Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097 - 1231)" асари таржимонлари А. Аҳмад ва М. Маҳмудлар ҳам таъкидлаб ўтишган.

Умуман олганда, Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги бугунги кунда шаклланган қарашлар асосан иккита тадқиқотчи қарашлари асосида шаклланганлиги кўзга ташланади. Яъни, XX аср бошидан то ҳозирги кунгача бўлган даврдаги Жалолиддин Мангуберди мавзуси тадқиқотчиларининг деярли барчаси В.В.Бартольд ва З.Буниёдовларнинг тадқиқотларида шаклланган қарашлар доирасидан чиқа олмаяптилар. Тўғри бу тадқиқотчилар Хоразмшоҳлар- ануштегинийлар даври тарихини ва хусусан Жалолиддин Мангуберди фаолияти тарихини ўрганиш ишига жуда катта ҳисса қўшганлигини инкор қилмаймиз. Аммо уларнинг бу борадаги залворли меҳнатларини ҳурмат қилган ҳолда шуни

таъкидлаш лозимки, бу эски қолипдаги қарашлардан чиқиш вақти етмадимикан?

Чингизхон образи хусусида эса бунинг тамоман аксини кўраяпмиз. Жумладан, 1995 йил декабрда АҚШнинг "Вашингтон пост" газетаси Чингизхонни иккинчи минг йилликнинг энг буюк кишиси деб эълон қилди. Ҳозиргача баъзи хориж тадқиқотчилари Чингизхон ёки мўғул босқини ўзидан кейин жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлигини кўп бора таъкидлаб келмоқдаларки, бундай муносабат ўрта асрлар ва янги давр Европасида бўлганидек, IX – XII асрлар Шарқ Уйғониш маданиятини умуман тушунмаслик оқибатида ҳамда бу маданият даҳоларининг аксари қисми араб тилида ўз тадқиқотларини ёзганлиги учун, умумий араб маданияти деб аталиши каби тарихий хатоликдан бошқа нарса эмас. Аммо тан олиш кераккки, араб босқинидан кейин ҳақиқатдан ҳам илм-фан ва маданиятнинг юксак даражада ривожланиши юз бергани ҳолда мўғул босқинидан кейин бу даражадаги маданий юксалиш рўй бермади. Марказий Осиёда рўй берган XIV – XV асрларни ўз ичига олувчи иккинчи Уйғониш даври ҳам Амир Темурнинг Ўрта Осиёни мўғуллар зулмидан озод этгандан кейингина рўй берди.





Қолаверса, бугунги кунда Чингизхоннинг мўғул давлатига асос солиши ва унинг кейинги истилолари, мўғул империясининг вужудга келиши масалаларига "янгича" қараш вужудга келганки, унинг шахсини жуда ортиқча иделлаштириб юборилишига олиб келмоқда. Тўғри, Чингизхон илгари кўпроқ ёвуз босқинчи, фақат қонхўр ва билимсиз, халқлар кушандаси сифатида тасвирланган эди. Аслида, Чингизхоннинг тарихий шахс сифатидаги мавқеи ўз даврининг кўпгина ҳукмдорларидан баланд бўлган. Шунингдек, у моҳир саркарда ва









ўз замондошларидан анча илгарилаб кетган ақлли ва уддабурон сиёсатчи ҳам бўлганлигини, келажакда қилиниши лозим бўлган ҳар қандай ишларини жуда пухта режалаштириб, кейин амалга оширувчи ҳукмдор бўлганлигини тан олиш лозим. У ўз даврининг буюк даҳоси бўлган бўлиши мумкин, аммо бир ҳолатни эсдан чиқармаслигимиз керакки, у яшаган даврдаги ва у ёки мўғуллар бўйсундирган давлатлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар унинг муваффақиятларини белгилаб берган асосий омиллардан бўлган деб ўйлаймиз. Бизнингча агар Чингизхон эмас бошқа шахс тарих майдонига чиққанида ҳам худди шундай бўлган бўларди. Чунки умумий ҳолатда, IX асрдан XVI асргача Европада, Осиё минтақасида эса ундан кейинги асрларда ҳам шундай вазият шаклланган эдики, буни биз қанчадан давлатлар вужудга келиб, инқирозга юз тутганлигида ёки қанчадан-қанча сулолалар тарих майдонига келиб кетганлигида кўришимиз мумкин. Ҳатто, кимлар учундир даҳо ҳисобланган Чингизхон тузган давлат ҳам бу жараёнларга қарши туролмасдан, ўлимидан бор-йўғи 32 йилдан кейин ва ўзидан учта ҳукмдордан кейин парчаланиб, 1259 йилда Якка мўғул империяси улусларга бўлиниб кетди.

Ҳозиргача Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги тадқиқотларда энг асосий муаммоли масала бу, унинг ношуд сиёсатчи бўлганлиги учун Грузия, Кичик Осиё ва Ўрта Шарқ давлатлари, халифалик билан биргаликда мўғулларга қарши кураш олиб бормасдан, уларга қарши кераксиз урушлар олиб борганлиги оқибатида мўғул босқинини бутунлай бартараф эта олмади деган қарашнинг мавжудлигидир. Бундай қараш мавжудлигининг асосий сабаби эса, ҳозиргача Чингизхон ҳақида асар ёзган тадқиқотчиларнинг унинг шахсини ўта иде-

аллаштириб юбориши оқибатида у билан замондош бошқа тарихий шахсларга эса бир ёқлама баҳо берилиши ва нохолис хулосалар шаклланиши натижасидир. Тадқиқотчиларнинг аксарияти мавзуни чуқур таҳлил қилмасдан ана шу қарашлар билан чекланиб қолмоқдалар. Биз тадқиқотимизда фақат Жалолиддин Мангуберди сиёсий фаолиятидан келиб чиқиб эмас, балки шу даврдаги Кичик Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларидаги сиёсий вазиятни ҳамда шу ҳудудлардаги давлатлар ҳукмдорлари сиёсий фаолиятини кенг миқёсда таҳлил қилиш асосидагина унинг фаолиятига баҳо беришга ҳаракат қилдик. Шунинг учун мазкур давлатлар ҳақидаги китоблар ва тадқиқотларни ҳам қиёсий таҳлил қилиб, китобимиз библиографиясига киритдик.



Жалолиддин Мангуберди ҳақида сўз юритганда яна бир муаммоли вазият борки, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда кўплаган тадқиқотлар, асарлар ёзилган бўлсада, бу асарларнинг деярли катта кўпчилигида унинг ҳарбий кучи ва ҳарбий санъати ҳақида деярли ҳеч қандай чуқур илмий таҳлил қилинган бўлим, билдирилган фикр ёки бу ҳақда махсус асар йўқ. Мазкур мавзу бўйича Хоразмшоҳ-ануштегинийлар тарихига бағишланган тадқиқотларда қисқа тўхталиб ўтилган. Аммо бу тадқиқотларнинг дерли барчасида мазкур масалани очиб беришда З.Буниёдов ёки турк тадқиқотчиси Ойдин Тонарийнинг маълумотларига таянилган. Бу иккала тарихчининг бу соҳада ва бу мавзуда қилган меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Лекин, уларнинг тадқиқотларини таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, улар ҳам мавзуга оид баъзи маълумотларни ҳеч қандай илмий таҳлил қилмасдан, фақат маълумот сифатида келтириб ўтганлар, холос. Афсуски, ҳозирги кунда ҳам уларнинг мазкур фикрлари ҳукмрон қараш





сифатида кўпгина тадқиқотларда акс этмоқда ва ҳалигача танқидий таҳлил қилинмаган. Шу жумладан, Жалолиддиннинг ҳарбий санъати масаласи ҳам шундай муаммолардан бири ҳисобланади. Зеро, айнан шу мавзуни чуқур ўрганиш орқалигина Жалолиддин Мангубердининг нафақат замонасининг, балки ҳозирги кунда ҳам дунёнинг энг машҳур инсонлари қаторига кирувчи Чингизхоннинг энг муносиб рақиби бўлганлиги ҳамда мўғулларга қарши энг узоқ кураш олиб борган ягона тарихий шахс эканлигини тўлиқ очиб бериш мумкин. Бутун дунёда нашр қилинадиган юз энг буюк ўрта асрлар лашкарбошилари ҳаёти ва фаолияти акс эттириладиган китобда ҳам Жалолиддин Мангуберди Чингизхон, Салоҳиддин Айюбий, Ричард Шерюрак каби машҳур лашкарбошилар билан бир қаторда тилга олиниб, унга шиддатли, кучли ва тўхтатиб бўлмайдиган лашкарбоши дея таъриф берилган.

Мазкур тадқиқотда биз ҳам илмий таҳлиллар асосида Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъати, жанг услуби ва унинг жаҳон ҳарбий санъатига қўшган ҳиссасини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотимизда Хоразмшоҳлар-ануштегинийлар ва Чингизхон мўғул давлатларининг вужудга келиши ва тараққиёти масалаларига қисқароқ тўхталиб ўтдик. Чунки бу масалалар жуда кўплаган тарихий тадқиқотларда, асарларда ва дарсликларда етарлича очиб берилган деб ўйлаймиз.

Мазкур китобда Чингизхон ва мўғулларнинг ҳарбий санъати масаласига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Чунки айнан шу мавзу орқали бўйсундирилган халқлар ва давлатларнинг шу жумладан, ўз даврининг энг кучли давлатларидан бири бўлган Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг инқирози ва мўғуллар томонидан йўқ

қилиниши сабабларини таҳлил қилиш учун келтириб ўтдик. Зеро, Жалолиддин Мангуберди оддий босқинчига эмас балки, ўз даврининг моҳир давлат арбоби ва энг лаёқатли лашкарбошисига қарши кураш олиб борган. Ва айнан шу жиҳатдан, ким Жалолиддин ҳақида қандай хулоса чиқармасин, уни ҳам буюк шахс сифатида тан олишимиз, унинг босқинчиларга қарши кураш олиб борган буюк ватанпарвар саркарда, замонлар оша унутилмайдиган қаҳрамон сифатида тан олишимиз лозим.

Китобни ёзишда катта ёрдам бергани учун ҳамда ўзининг докторлик диссертацияси баъзи материалларидан фойдаланишга рухсат берганлиги учун филология фанлари номзоди Мадамин Эшмуродовга алоҳида миннатдорчилик билдирамиз. Китобни ёзишда фойдаланилган форсча матнларни таржима қилиш ва нашрга тайёрлашда ҳам М.Эшмуродов ёрдам берди.

Бу китобни нашрга тайёрлашда катта ёрдами учун Хоразм Маъмун академияси раиси, биология фанлари доктори Икром Абдуллаевга ва айниқса, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлари учун “Ўзсаноатқурилишбанк” ходимларига чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз.





# I БЎЛИМ

2932/20

# I БОБ.
## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ФАОЛИЯТИГА ЁЗМА МАНБАЛАРДА ВА ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА БЕРИЛГАН БАҲО: ФИКРЛАР ВА ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

I.1.

# Жалолиддин Мангуберди фаолиятининг ёзма манбаларда акс этиши




Хоразмнинг XII асрнинг иккинчи ярми XIII асрнинг бошлари тарихи ёки Хоразмшоҳ-ануштегинлар даври ва у билан боғлиқ ҳолда Жалолиддин Мангуберди образи ёзма меросининг библиографияси ва адабиётлари сони мингга яқин десак муболаға бўлмайди. Жалолиддин Мангубердининг биографи бўлган машҳур тарихчи ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти” асари таржимони Комил Матёқубов тарих фанининг жалолиддиншунослик йўналиши аллақачон шаклланиб бўлди, деганда ҳеч







муболағасиз ҳақ эди[1]. Жумладан, Хоразмшоҳ - ануштегинийларнинг, хусусан, Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар билан тўқнашуви, унинг ҳарбий салоҳияти ва бошқарувчилик қобилияти ва охир-оқибат, Хоразм давлатининг босиб олиниши ёки тугатилишининг олдини ола билмаганлиги масаласининг турли замонда ва давлатларда ўрганилиши мавзу бўйича адабиётларнинг кўплигидан дарак беради. Бироқ буларнинг асосий қисми чет элларда амалга оширилганлиги ва айниқса, Жалолиддин Мангуберди фаолиятининг Ўзбекистонда яқиндан бошлаб кенг миқёсда ва тўлиқ ўрганилиб бошланганлиги, бу йўналишда қилинаётган ишларнинг салмоғи ҳали кам эканини кўрсатмоқда.

Маълумки, XII асрнинг иккинчи ярми XIII асрнинг бошларидаги давр ислом тарихининг энг қоронғу саҳифаларини ташкил қилади. Бизгача етиб келган манбаларнинг маълумотлари бир-бирларига қарама-қарши бўлиб, муҳим тарихий воқеалар саналарини аниқлаш ҳам қийин. Бу муаммога ҳатто, В.В.Бартольд ҳам дуч келганини айтган[2]. Ваҳоланки, бу давр мусулмонлар тарихида муҳим аҳамият касб этади: бу даврда салжуқийлар давлати таназзулга дуч келиб, икки янги сулола Ғурийлар ва Хоразмшоҳларнинг юксалиши, Хоразмшоҳларнинг мусулмон рақиблари ва қорахитойлар устидан ғолиб чиқишлари, уларнинг тахти итоатида барча ислом оламининг шарқий худудларининг кириши, қудратли империя (салтанат)га айланиши даврига тўғри келади. Бу манбаларда акс этган, ташқаридан шундай қудратли кўринган салтанатнинг ички томондан заифлиги ташқи душман билан тўқнашувида тез намоён бўлгани ва айниқса, Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган ку-

[1]Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти./ Камол Матёқубов таржимаси./ – Т.: O'zbekiston, 2006. – Б.11. (Бундан кейин: Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.).

[2] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения, Т. I.-Москва: Издательство Восточной литературы, 1963. – С. 77.

рашлари воқеалари ва унинг фаолиятига берилган баҳолар эса кўп ҳолларда мавҳум ва баҳсталаб мавзулардан бири ҳисобланади.

"Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти" асарининг кириш қисми сифатидаги "Султон ҳаёти тарихи ҳақидаги асарлар" мавзусида Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги маълумотлар акс этган барча асарлар шартли равишда даврий жиҳатдан икки гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳни XIII – XVIII асрларда ёзилган ёзма битиклар ташкил қилгани ҳолда, иккинчи гуруҳни – XVIII – XX асрларда яратилган асарлар ташкил қилган ва улар асосан биринчи гуруҳ манбаларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга қаратилган асар ва тадқиқотлардан иборат[3].

Лекин Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти акс этган манба ва тадқиқотлар жуда кўпчиликни ташкил қилгани учун, уларни турли асосларга кўра даврлаштириш мумкинки, бироқ бу мавзумизга оид муаммоларни ҳал эта олмайди, аксинча мавзу библиографиясини ўрганишни ниҳоятда мураккаблаштириб юборади ёки асосий муаммо четда қолиб кетади. Шунинг учун биз мазкур муаммони мураккаблаштирмасдан, уни соддалаштириш учун Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти тарихини оддийгина икки гуруҳга: мавзу бўйича ёзма манбаларни алоҳида даврга, тарихшунослик тадқиқотларини иккинчи алоҳида даврга бўлишни лозим топдик. Жумладан:

1. XIII асрдан то XIX асргача бўлган турли тилдаги ёзма манбалар.

2. Ёзма манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида XIX асрдан то ҳозиргача кунгача ёзилган тарихий тадқиқотлар.

Шу билан бирга, араб ва форс тилларидаги манбаларни ҳам анъанавий услубда, яъни аввал араб, сўнгра форс

---

[3] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б.6.







тилидаги манбаларни келтириб ўтмасдан, уларда мавзумизга оид маълумотлар қай даражада келтириб ўтилганлиги жиҳатидан ёндашилди.

Сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди фаолияти ва унинг Чингизхон ва мўғулларга қарши олиб борган курашлари тарихи XIII аср Марказий Осиё, Кавказорти, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари тарихининг энг муҳим саҳифаларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда мазкур воқеалар жуда кўплаган ўрта асрлар ёзма манбаларида: араб-форс, сурия, грузин, арман ва хитой манбаларида акс этган. Табиийки, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги мазкур манбалар маълумотларининг қай даражада ишончли ёки ишончсиз эканлиги борасида ҳам турли саволлар туғилади. Аммо мазкур ёзма манбаларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада турли хил қарашлар ва муносабатларнинг шоҳиди бўламиз. Бундай фикрлар хилма-хиллигининг сабаблари шундаки, мазкур асарлар муаллифларининг воқеаларни қаердан ва кимдан олганлиги ёки воқеалар ва шахсларга қай даражада ҳамда қандай қарашда муносабатда бўлганлиги билан боғлиқ.

Аммо шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тарихини ёритишда Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни” (Султон Жалолиддин Мангуберди (ёки Манкбурни) ҳаёти тафсилоти) асари биринчи даражали манба сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Айтиш жоизки, Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин ва Жузжонийлар (бу муаллифлар ҳақида қуйироқда алоҳида тўхталамиз) Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди фаолияти тарихини Чингизхон, унинг ҳарбий бошлиқларининг юришлари тарихига нисбатан тўла баён этмаганлар. В.В.Бартольд хулосасига қараганда, “улар шундай бир шароитда қолиб кетганларки, шу хавотирли замоннинг

фақат бир қисмидан хабардор бўлиб қолганлар, холос"[4]. Ибн ал-Асир шу вақтда Байнаннаҳрайн (Месопотамия) да бўлган ва Туркистонда бўлган воқеалар ҳақида тўлиқ маълумот ололмаган. Фақат баъзи воқеалар, айнан Бухоро ва Самарқанднинг босиб олиниши воқеаси гувоҳлари тилидан баён қилинган. Жувайний ва унинг маълумотларига таянган Рашидиддин каби муаррихлар эса ўз асарларини ёзишда кўпроқ мўғуллардан ва ўзлари каби улар хизматида бўлган одамлардан маълумотлар олиб ёзганлар. Шунинг учун ҳам Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин ва Жузжонийлар асарлари мўғуллар босқини ва у билан боғлиқ воқеалар ҳақида жуда яхши маълумотлар берувчи энг асосий манбалар ҳисоблансада, Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги бирламчи энг асосий манба барибир ҳам ан-Насавийники ҳисобланади.

Зеро, ан-Насавий мўғуллар босқини даврида Хуросонда яшаб (Насада оламга келган, Хурандиз қалъасининг волийси бўлган ва ҳ.), Хоразмшоҳ Жалолиддин хизматига кириб, (1223 йили мунший сифатида кирган) доимо унинг ёнида бўлган ва бевосита кўпгина воқеаларни ўз кўзи билан кўрган. Шу билан бирга у бу санадан олдин ҳам Хоразмнинг баъзи амалдорлари билан алоқада бўлиб, шу давр (1223 йилгача) Хоразм давлати тарихига оид жуда қизиқарли маълумотларни тўплаган эди. Туркий ва араб тилларини ҳам билган Насавий ўз асарини Жалолиддин вафотидан 10 йилдан сўнг 1241 йили ёзишга киришган ва 1249 йили вафотидан олдинроқ тугатган.

Ан-Насавийнинг асари араб тилида ёзилган ва унинг тўлиқ бўлмаган икки нусхаси етиб келган. Ундан бир нусха Франция Миллий кутубхонасида ва иккинчиси Британия музейида сақланаётир. Асарнинг арабча матнини 1891 йили Октав Уда нашр этган. Шу олим уни 1895 йили француз тилига ҳам таржима этиб, чоп этган (Paris, 1895. In PÉLOV, III$^{e}$., sér., vol. IX-X). Шу таржима асосида 1914-1916

[4] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. / Сочинения, Т. I.-Москва: Издательство Восточной литературы, 1963. – С. 86.







йилларда Ю.Зиё ва А.Тавҳид, 1934 йили мустақил тарзда Нажиб Осим асарни турк тилида, 1945 йили Муҳаммад Али Носих томонидан араб тилидан форс тилига, 1953 йили эса О.Уда таржимаси асосида яна араб тилига Ҳофиз Аҳмад Ҳамдий ўгирган. Асар рус тилида қисман 1850 ва 1900 йиллари чоп этилган. "Сийрат"нинг рус тилидаги тўлиқ таржимаси асарнинг арабча матни билан Зиё Буниётов томонидан 1973 йили Бокуда чоп этилди.

2006 йили Камол Матёқубов мазкур асарни 1973 йилдаги Зиё Буниётов амалга оширилган рус тилидаги таржимаси асосида ўзбек тилига ўгириб, "Султон Жалолдиддин Мангуберди (ҳаёти тафсилоти)" номи билан Тошкентда "O'zbekiston" нашриётида чоп этган[5]. Китоб таржимоннинг кириш сўзи, таржима ва изоҳлардан (изоҳлар муаллифи Зиё Буниётов) иборат. Асар таржимасидаги баъзи камчиликлар сифатида тарихий шахслар, жой номлари, араб тилидаги асарлар номлари, баъзи истилоҳларнинг ўзбек тилида берилишидаги хатоларни кўрсатиш мумкин.

Жалолиддинга бағишланган шу манба асосида Жалолиддин Мангуберди ва Хоразмшоҳлар ҳақида Ғарбда К.Д'Оссон (бу олим биринчи маротаба 1852 йили "Сийрат" асари ҳақида маълумот берган), А.Мюллер, Ж. Бойль, В.Фишель, В.Одлен, Х.Хорст, Кл.Каен, Г.Готшальк, Б.Шпулер, Лен-Пуль, В.Розен, Е.Томас, К.Мейман, К.Витфогел, С.Босворт, В.В.Бартольд, А.Иқбол, И.Қафасўғли, О.Тонарий, В.Минорский, Е.Давидович ва бошқалар асарларини ёзганларки, улар ҳақида қуйироқда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Умумий ҳолатда Ан-Насавийнинг "Сийрат"ида 1218 йилдан 1231 йилгача Жалолиддин қўл остида бўлган салтанатда, яъни Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Озарбойжон, Грузия каби давлатларда бўлиб ўтган воқеалар, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад

[5]Қаранг: Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. / Камол Матёқубов таржимаси./ – Т.:: O'zbekiston, 2006. – 384 б.

ва Жалолиддин Мангуберди фаолиятлари, Чингизхон босқини ҳикоя қилинади. Бу манбанинг яна энг муҳим жиҳати, асарда келтирилган воқеалар тафсилоти Хоразмшоҳлар мавқеида турган тарихчи тарафидан баён қилинади. Шунинг учун бу асар Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятини очиб берувчи кейинги тадқиқотлар учун энг асосий манба ҳисобланган ва ҳозиргача шу мавқеда турибди.



Ан-Насавий Ибн ал-Асир ва Жузжонийлардан фарқли ўлароқ Хоразмшоҳлар давлатининг ички ва ташқи ҳаёти, Туркон хотун ва унинг мамлакат ҳаётидаги ўрни, салтанатнинг емирилиши сабаблари, кўчманчи турк қабилаларнинг (айниқса қипчоқлар ва Туркон хотун уруғидагиларнинг) сотқинликлари, Бағдод халифасининг икки - юзлама сиёсати, Жалолиддиннинг ички ва ташқи сиёсати (исмоилий ва айюбийлар, ғуррийлар билан муносабатлар), юришларининг сабабларини ҳамда оқибатларини холисона очиб берган ҳамда янгича асосда баён қилиб, талқинини бериб ўтади. Ҳатто, Жалолиддин Мангубердининг баъзи хатти ҳаракатларини холисона танқид қилиб ҳам ўтади.



Ан-Насавий асаридаги маълумотлари асосида нафақат Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ҳақида балки, Хоразмшоҳлар давридаги Хоразм давлатчилигининг долзарб муаммоларидан бўлган, Шарқ монархияси ва деспотизми масаласи, бошқарувнинг шохалари (вертикал ва горизонтал тарзда), ички ва ташқи сиёсат, алоҳида шахсларнинг ўрни, гегемон қабилалар ҳамда уларнинг ўтроқ аҳоли билан муносабатларини кенг ёритиш мумкин. Бу эса бизга шу асосда Жалолиддиннинг фаолиятиги ҳам баҳо бериш имкониятини беради яъни, қайси сабабларга кўра у мўғуллардан енгилди ёки Жалолиддин ҳақиқатдан ҳам ношуд дипломат бўлганми каби саволларга жавоб топиш мумкин. Унинг Ироқ ва Эронда тузган ўз давлатини сақлаб қола олмаганлигининг сабабларини ҳам тушуниш мумкин.





Ан-Насавийнинг асаридан ўша даврда ва ундан кейин яшаб ўтган тарихчилардан Ибн Холдун, ал-Фуватий, ал-Айний, ал-Хазражий Ибн Шаддод, аз-Заҳабий, ас-Сафадий, кейинги даврларда эса кўпгина бошқа тарихчилар фойдаланганлар.

Хоразмшоҳлар тарихига бағишланган энг муҳим асарлардан бири “Тарихи жаҳонкушой” (“Жаҳон фотиҳи (Чингизхон) тарихи”) номли йирик тарихий асар бўлиб, уни яратган тарихчи XIII асрда ўтган йирик олим ва давлат арбоби Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайнийдир. У дастлаб Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг Хуросондаги ноиби бўлган, мўғуллар хуружи вақтида Султон Жалолиддин билан бирга уларга қарши жангларда қатнашган ва кейинча мўғуллар хизматига қабул қилинган Баҳоуддин Муҳаммаднинг (у Хуросондаги мўғул ноиблари ҳузурида соҳиб девонлик вазифасида ишлаган) иккинчи ўғлидир.



Алоуддин ҳам ёшлигиданоқ мўғул ҳукмдорлари хизматида бўлган ва уч марта 1246 – 1247, 1249 – 1251, 1252 – 1253 йиллари Мўғулустонга, Қорақўрумга борди. Унинг исмоилийлар ҳузурига элчи бўлиб бориши, кейинчалик уларнинг бой кутубхонасини қўлга киритиб, ўзининг бой кутубхонасини тўплашга олиб келди. Аммо унинг ҳаёти анча таҳликали ва қийин кечди. 1283 йили Жувайнийнинг юраги ёрилиб вафот этди.

Бу маълумотларни Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой” асари ишончли манбалар ва ҳужжатлар асосида ёзилганлигининг исботи сифатида келтириб ўтдик. Китоб 1260 йили ёзиб тамомланган.



“Тарихи жаҳонкушой” асари уч қисмдан иборат. Хоразмшоҳ-ануштегинийлар ва Жалолиддин Мангуберди фаолияти тарихи учун “Тарихи жаҳонкушой”нинг I-II қисмлари алоҳида қимматга эга. Булар: 1) мўғуллар, уларнинг Чингизхон давридаги истилочилик юришларидан то Гуюкхон (1246-1249 йй.) давригача, шунингдек, Жўжихон, Чиғатойхон ва авлодлари тарихи, 2) Хоразмшоҳлар ва

Хуросоннинг мўғул ҳукмдорлари давридаги (1258-йилгача) тарихи жуда кўплаган манбалар асосида ҳамда содда тилда ёзилган. “Тарихи жаҳонкушой”нинг форсийча матни Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний тарафидан 1912, 1916 ва 1937 йиллари нашр этилган. Асарнинг тўла инглизча ва туркча-усмонлича (1 жилди) таржималари бор[6].



Рашидидин ўзининг машҳур “Жомеъ ул- таворих” асарини, Абдуллоҳ ибн Фазлуллоҳ аш-Шерозий эса ўзининг “Тарихи Вассоф” асарларини ёзишда бу асардан тўлиқ фойдаланган бўлсалар, кейинчалик Хоразмшоҳлар ҳақида ёзган ҳеч бир муаллиф бу манбани четлаб ўтиб кета олмаган.

Хуллас, Жувайний асари Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятини холисона очиб берган энг асосий манба сифатида, биз учун фақат Насавий асаридан кейинги манба ҳисобланади.



Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати, сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди фаолияти ва умуман, Чингизхон ва мўғуллар босқини даври воқеалари, шу даврлар халифалик ва мусулмон давлатлари тарихига бағишланган энг муҳим асарлардан бири- бу Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳид аш-Шайбоний, яъни Иззаддин Ибн ал-Асир ал-Жазарий номи билан машҳур бўлган муаррихнинг “ал-Комил фи-т-тарих” (Комил тарих, Тарихи комил) номли асаридир[7].

“Ал-комил фи-т-тарих” асари ўн икки жилддан иборат бўлиб, унда дунёнинг “яратилиши”дан то 1231 йилга



---

[6] Жувайний Хўжа Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо. // Қўлёзма Ўзбекистон ФА ШИ. – № 610. 261 варақ. Яна қаранг: Тошов Н.И. «Та'рих-и джахангуша» Ала ад-дина Джувайни – ценный источник по истории Центральной Азии XII-XIII вв. Автореферат канд.ист. наук. Ташкент: ИВ АН Узбекистана, 2004. – 22 с. Яна қаранг: Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо.(Жаҳон фотиҳи тарихи)./ Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Болтабоев, М. Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2015. – 504 б.

7 Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих (Полный свод истории). Избранные отрывки./ Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. – Т.: Узбекистан, 2006. – 560 с.+вкл. 32 с.

қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар йилма-йил, хронологик, яъни давр тартибида баён этиб берилади. Асар 1198 – 1199 йилларда ёзиб бошланиб, 1230 – 1231 йилларда тугалланган.

Шу билан бирга, муаррих ўз асарида келтириладиган иккита қарама-қарши фикрдан қайсисини танлашда қийналган ҳолда иккаласини ҳам келтирган[8].

В.В. Бартольд Ибн ал-Асир асарларининг қийматини юқори баҳолаб, уни ўз асарларига маълумот тўплаш жараёнида "улуғ бир виждонийлик ва ўша даврда камдан-кам *кўзга ташланадиган танқидий ёндашув билан* иш тутганини" қайд қилгани ҳолда, у бизнинг мавзумизга оид маълумотларини чуқур ва холисона таҳлил қилмаган. Яъни, Бартольд сўнгги Хоразмшоҳлар Алоуддин Муҳаммад ва Жалолиддин Мангуберди фаолиятни ёритиш жараёнида кўпроқ Ибн ал-Асирга боғланиб қолиб, улар ҳақида бир ёқлама хулоса чиқарган ҳамда Чингизхонни ортиқча идеаллаштириб юборган (бу ҳақда мавзумизнинг тарихшуносликка бағишланган қисмида батафсил тўхталиб ўтамиз). Жумладан, мўғул босқини ва унинг оқибатларида фақат Муҳаммад Хоразмшоҳни айбдор қилиб кўрсатади. Зеро, Хоразмшоҳ-ануштегинийларнинг мўғул босқинини бартараф эта олмасдан парчаланиб ке*тишига жуда кўплаган тарихий жараёнлар сабаб бўлган.* Буни замонавий тарихшуносларнинг аксарияти ўз асар*ларида таъкидлаб ўтганлар.*

Умумий ҳолатда Ибн ал-Асирнинг "ал-Комил фи-т-тарих" асарининг, Жалолиддин Мангуберди фаолияти акс этган XII жилди биз учун муҳим. Зеро, унинг муаллифи шу даврда яшаган ва кўп воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган. Айниқса, мўғуллар босқини билан боғлиқ воқеалар фақат араб тилидаги яна икки асарда – Шиҳобаддин Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насавий (вафоти 1249 йил)нинг

8 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения в 9 томах. Т. 1. Москва, 1963. – С. 46.

"Сийрат ас-султон Жалолиддин Мункбурний" ва Минҳожуддин Абу Умар Усмон ибн Муҳаммад ал-Жузжоний (вафоти 1250 йилдан кейин)нинг "Табақоти Носирий"асарида кенгроқ ёритилган, холос.



Аммо Ибн ал-Асирнинг бу асарини ўқиб чиқар эканмиз, унда муаллифнинг Хоразмшоҳларга нисбатан ёмон муносабатда бўлганлиги сезилади ёки қандайдир ғайирлик руҳи кўзга ташланади. Айниқса, Жалолиддин Мангубердига муносабат масаласида Ибн ал-Асирнинг асаридан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозимки, унда Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тарихига руҳий тушкунлик, ғамгинлик ҳолатида баҳо берилганлиги сезилади. Буни тушуниш мумкин. Зеро, ўз асарининг кириш қисмида, муаллиф бу асарни ёзишга узоқ вақт қўли бормаганлигини, ҳатто бу воқеаларнинг гувоҳи бўлгандан кўра туғилмагани яхши бўлганлигини ўз оғзи билан айтиб ўтади. Бундан ҳулоса шуки, ислом оламига жуда оғир мусибатларни келтирган мўғуллар босқинини ўзига руҳий жиҳатдан оғир олган муаллиф, бу фожиаларнинг сабабларини эмас, балки сабабчисини излайди. Унинг наздида эса бу фожиавий воқеаларнинг сабабчиси Хоразмшоҳлар сулоласи, шу жумладан, Жалолиддин Мангуберди ҳисобланади. Насавий ҳам ўзининг асари бошида Ибн ал-Асирнинг баъзи масалаларда ҳақиқатдан бироз чекинганлигини таъкидлайди[9]. Энг асосийси, бу манбадан кўпгина ёзма манбалар муаллифлари ва ҳатто, XIX асрдан кейинги тадқиқотчилар ҳам бирламчи манба сифатида фойдаланганлигидан Жалолиддин Мангуберди шахси ҳақида бу манбаларда ҳам салбий муносабат шаклланган. Бу, айниқса, араб манбаларига тааллуқли бўлиб, Ибн Восил, Сибт Ибн ал-Жавзий, Ёсин ал-Умарий, Ал-Калкашандий, Ибн Тиқтақа, Ибн Тангрибердий, Ибн Холликон, Ибн Қосир, Ибн ал-Ибрий, Ибн ал-Вардий, Ибн ал-Амид, Ғози Аҳмад Ғаффорий, Абулфараж, Байҳақий, Вассоф ва бошқа ўнлаб тарихчиларнинг





[9] Қаранг: ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 19.



ва кейинги тадқиқотчилар В.В.Бартольд ҳамда З.Буниёдовнинг асарларида Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги салбий фикрларнинг шаклланишини шу маънода тушуниш мумкин.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, замонавий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги негадир Жувайнийни Жалолиддин Мангуберди сиймосини идеаллаштириб юборганликда айблаб, Ибн ал-Асирни эса мўғуллар босқини ва Жалолиддин Мангберди тарихини ҳаққоний тарзда ёритган деб таъкидлашдан чарчамайдилар. XX аср бошидаёқ машҳур бошқирд сиёсий арбоби ва тарихчиси Аҳмад Заки Валидий Тўғон бежиз В.В.Бартольд асарларидан эҳтиёткорроқ бўлиб фойдаланишни таъкидламаган эди[10]. Шундай экан, эндиликда фақат В.В.Бартольд асарлари маълумотлари билан чекланиб қолмасдан, барча манба ва тадқиқотлар маълумотларини чуқур мушоҳада ва таҳлилга асосланган тарихни ёритиш вақти аллақачон етди ва бу манба ва тадқиқотларнинг ўзини танқидий ўрганиш лозим.



Тадқиқотда Ибн ал-Асир асарининг 2006 йилда амалга оширилган рус тилидаги терма таржимасидан (Тошкент: Ўзбекистон. Таржимонлар П.Г.Булгаков ва Ш.Камолиддин) *кенг фойдаланилди.*

Бизнинг тадқиқот мавзуси учун энг муҳим бўлган тўртинчи манба бу "Жомеъ ут-таворих" ("Тарихлар мажмуаси") асаридир. Асарнинг муаллифи машҳур қомусий олим, тарихчи, тилшунос, табиб ва йирик давлат арбоби Рашидиддин Фазлуллоҳ ибн Имодуддавла Абулхайр ал-Ҳамадонийдир. Унинг ота-боболари ҳам ўз замонининг ўқимишли кишиларидан бўлганлар ва отаси Элхонийлар саройида табиблик қилган. Рашидиддин 1247 йили Ҳамадонда туғилган. Ёшлигидан яхши ўқиб, ота



[10] Ibn Fadlan's reisebericht von A.Zeki Validi Togan. Leipzig, 1939; яна қаранг: Шигабиддинов Р. Неизвестные страницы А. Валидий. Пер. с башкирского языка Д.Рашидова. «Ўзбекистон тарихи», 2000, №1-2, 57-70-бетлар.

касбидан ташқари, кўпгина илмларни – илоҳиёт, табиий фанлар, мумтоз адабиёт, тарих, география ва бошқа фанларни пухта эгаллаган.

Элхон Абақахон (1265-1282 йй.) даврида унинг шахсий табиби бўлиб хизмат қилган, кейинча Ғозонхон (1295-1304 йй.) ва Ўлжойтухон (1304-1317 йй.)лар вазири бўлган Рашидиддин охири элхонийлар саройида ҳукм сурган фитна қурбони бўлди. У Ўлжойтухонни заҳарлаб ўлдиришда айбланиб, 1318 йилнинг 18 июлида қатл этилди, барча мол-мулки мусодара қилинди. Ўшанда унинг Табриздаги 600 000 жилд китобга эга бой кутубхонаси ҳам талон-тарож қилинди.



"Жомеъ ут-таворих" асари ўрта аср тарихнавислигининг ўзига хос ноёб асари ҳисобланади. Бу китоб ўрта аср Шарқ тарихчилигида янги анъанани бошлаб берган асар. Унда умумий тарих сифатида мусулмон мамлакатлари тарихи билан бирга, Ғарб мамлакатлари, Хитой ҳамда Ҳиндистон тарихини ҳам ёритишга ҳаракат қилинган, Шарқ мамлакатлари тарихини умум жаҳон тарихининг бир қисми, деб ҳисобланган.



"Жомеъ ут-таворих" асари 1301-1311 йиллари орасида Ғозонхоннинг топшириғи билан ёзилган. Асар уч қисмдан иборат: 1) мўғуллар ва улар асос солган давлатлар – Улуғ юрт, яъни Мўғулистон, Элхонийлар давлати ҳамда мўғуллар асоратига тушиб қолган мамлакатлар, Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг мўғул истолчисигача бўлган қисқача тарихи. 2) Шарқ мамлакатлари халқларининг исломиётдан аввалги тарихи, Араб халифалиги ва унинг таркибида ташкил топган Ғазнавийлар империяси, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати тарихи; Хитой, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи. 3) Ер курраси ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати. Афсуски, асарнинг сўнгги, учинчи қисми сақланма-









ган. Қўлёзма 1318 йили Рашидиддиннинг шахсий кутубхонаси талон-тарож қилинган вақтларда йўқолган бўлиши мумкин.

Мазкур асар, айниқса, унинг турк ва мўғул халқларининг Чингизхонга қадар кечган тарихи, Маҳмуд Кошғарий ва Алоуддин Отамалик Жувайний асарлари, Элхонийлар кутубхонасида сақланаётган “Олтин дафтар”, Чингизхон ва унинг ота-боболари тарихи, шунингдек, турк-мўғул халқлари тарихи ва ривоятларини яхши билган кишилар, Пўлод, Чжен-сян, Ғозонхон ва бошқаларнинг оғзаки ахборотлари, Ғарб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон халқлари тарихига оид қисмлари ўша вақтларда Эронга келиб қолган франциялик икки католик роҳиб, икки хитойлик олим ва кашмирлик роҳибнинг иштирокида ёзилган. Тўпланган маълумотларни тартибга солиш ишларини муаллифнинг ёрдамчилари Абдулла Кошоний ҳамда Аҳмад Бухорийлар бажарганлар.

“Жомеъ ут-таворих” асарининг айниқса, турк-мўғул халқлари тарихини ўз ичига олган қисми Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Китобнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Кавказ орти халқларининг XIII аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қисмлари ҳам бениҳоятда қимматлидир.

Асарнинг айрим қисмлари Катрмер (1836 й.), Э.Блоше (1911 й.), К.Ян (1941 й.), И.Н.Березин (1858-1888 йй.) тарафидан рус, француз ҳамда немис тилларига таржима қилинган ва форсча матни, сўз боши билан чоп қилинган. Унинг ўзбек тилига қилинган иккита таржимаси бор. Улардан бири Шайбонийлардан Кўчкинчихоннинг (1510-1530 йй.) топшириғи билан Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий томонидан қилинган ва муқаддима ва уч жилддан иборат. Бу таржиманинг ноёб қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

фондида 2 тартиб рақами остида сақланмоқда. Иккинчи таржима эса 1556 йили Нисо шаҳрида Солур боб ибн Қул Али тарафидан Урганч ҳокими Али Султоннинг (1572 йили вафот этган) буйруғи билан бажарилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Ашгабадда Туркманистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида сақланади.



"Жомеъ ут-таворих" асарининг тўла русча таржимаси 7 нафар мўътабар қўлёзмалар асосида 1946-1960 йиллари Санкт-Петербургда амалга оширилган.

Бу асар бизнинг мавзумизга оид қисмларида Жувайнийнинг асаридаги маълумотларни деярли такрорласа ҳам ундан фарқли равишда Жалолиддин Мангубердининг фаолиятига на танқидий ва на ижобий баҳо бермаган.



Кейинги асрларда барча мусулмон оламидаги тарихчилар ўз асарларида Хоразмшоҳлар даври тарихини кенг ёритишга ҳаракат қилганлар. Ўрта Осиёда жаҳон тарихига бағишланган барча асарларда Хоразмшоҳлар ва Хоразм тарихи, шу жумладан, Жалолиддин Мангуберди ҳақида алоҳида, махсус баён қилинади. Ана шундай асарлар сирасига Ёқут Ҳамавий, Сибт Ибн ал-Жавзий, Ёсин ал-Умарий, Закарий ал-Қазвиний, Ал-Калкашандий, Ибн Тиқтақа, Ибн Тангрибердий, Мирзо Улуғбек, Ибн Холликон, Ибн Қосир, Ибн ал-Ибрий, Ибн ал-Вардий, Ибн ал-Амид, Ғози Аҳмад Ғаффорий, Абулфараж, Байҳақий, Мирхонд, Вассоф, Абулғозий Баҳодирхон ва бошқа ўнлаб тарихчиларнинг асарларини тилга олиш мумкин[11]. Аммо уларнинг кўпчилигида бизнинг асосий масаламиз бўлган Жалолиддин Мангуберди билан боғлиқ воқеалар бирёқлама акс этган ёки бу мавзуга кам эътибор берилган. Шу билан бирга тан олиш керакки, бу асарларнинг аксарияти мўғуллар хизматида бўлган ёки



[11] Уларнинг асарлари номлари ва таркиби ҳақида муфассал қаранг: Собрание Восточных рукописей (СВР): (История). -Тошкент: Фан, 1998. (См. разделы: Всеобщая история, История Центральной Азии. – С. 15-252).

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROT-RESURS MARKAZI
INV. № 2932/20







мўғул ҳукмдорлари талаб ва буйруқлари асосида, мўғул ҳукмдорлари сарой ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда ёзилган. Бу манбаларнинг яна кўпчилиги эса араб халифалари сарой муҳити ва қарашлари асосида ёзилган. Шунинг учун, улардан Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумот олишимиз мумкин бўлгани ҳолда, улардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозимлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

"Тарихи гузида" ("Сайланган тарих") асари муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазвиний бўлиб, у XIII аср сўнгги чораги ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик географ ва тарихшунос олимдир. Унинг тўла исми Ҳамдуллоҳ ибн Абубакр ибн Аҳмад ибн Наср Муставфий Қазвиний бўлиб, келиб чиқиши бўйича араб ва 1281 йили Эрон Озарбайжонининг Қазвин шаҳрида туғилган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний Рашидиддин даврида Қазвин, Абҳар ва Занжон вилоятларининг молия ишларини бошқарган. Рашидиддин қатл этилгандан сўнг, унинг ўғли Ғиёсуддин Муҳаммаднинг (1327-1336 йиллари Элхоний Абу Саъиднинг вазири бўлган) хизматида бўлган. Тарихчи 1350 йили вафот этган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний "Зафарнома", "Тарихи гузида" ҳамда "Нузҳат ул-қулуб" номли асарлар муаллифидир.

"Тарихи гузида" умумий тарих йўналишида ёзилган асар бўлиб, унда қадим замонлардан то 1330 йилгача Эрон ва қисман, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Ҳамдуллоҳ Қазвиний вафотидан кейин ўғли Зайниддин томонидан асар давом эттирилган ва унга 1392 йилгача Эронда бўлиб ўтган воқеалар қўшилган. Асар муқаддима-фотиҳа ва олти бобдан иборат бўлиб, унга бизнинг тўртинчи боби муҳимдир. Унинг "Ислом даврида бўлган сулолалар" қисмида еттинчи сулола сифатида Хоразмшоҳлар даври тарихи ва улар билан замондош бўлган бошқа сулолалар даври ёритилган. Унда Хо-

размшоҳлар сулоласининг намояндалари ва уларнинг, шу жумладан, Жалолиддин Мангубердининг халифалик билан бўлган муносабати, Хоразмшоҳнинг мўғуллар билан олиб борилган сиёсати, мўғуллар босқини ва унинг оқибати ёритилган (186а-201б варақ)[12].

Китоб 1910 йили инглиз шарқшуноси Э.Браун тарафидан матн ва қисқартирилган инглизча таржимасини ҳамда 1960 йили Абдулҳусайн Навоий асар матнини нашр қилган.

Амир Ҳусайн Муҳаммад Али ал-Жафарий ар-Руғодий ёки кўпроқ Ибн Биби номи билан машҳур кичик осиёлик тарихчининг илмий оламда кўпроқ “Салжуқнома” номи билан машҳур форс тилидаги асарида ҳам бизнинг мавзумизга оид маълумотлар келтириб ўтилган. Кичик Осиё салжуқийлари тарихига бағишланган мазкур асарда Жалолиддин Мангубердининг халифа билан, Яқин ва Ўрта Шарқ айюбий ҳукмдорлари ҳамда Кичик Осиё салжуқий ҳукмдорлари билан муносабатлари масаласи бошқа манбалардагига қараганда кўпроқ акс эттирилган. Аммо муаллиф асосий умрини Қўния султонлиги ҳукмдорлари саройида Девон котиби лавозимида ўтказганлиги учун, тарихий воқеаларни мазкур давлат ҳукмдорлари нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда ёритган. Шу жиҳатдан у Жалолиддин Мангуберди сиймосига ҳам салбий нуқтаи назардан ёндошган. Жумладан, у Қўния султони Алоувиддин Қайқубоднинг қўшни ҳудудларга қилган босқинчилик юришларини тасвирлар экан, уларнинг бу хатти ҳаракатларини оқлашга ҳаракат қилган. Жалолиддин Мангубердини эса фақат босқинчи сифатида тасвирлаган. Аммо биз учун энг муҳими, унинг маълумотлари айнан Жалолиддин Мангуберди-

---

[12] Асар нусхаларининг тавсифига қаралсин: СВР (История). – 36-36; Миклухо-Маклай Н.Д. Описание персидских и таджикских рукописей института востоковедения. Вып. 3. – С. 59-66.







нинг мазкур ҳукмдорлар билан муносабатлари масаласини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг бу асари Мурсель Ўзтурк томонидан туркчага ўгирилган ва 1996 йилда Анқарада икки жилдда чоп этилган[13].

“Равзат ули-л-албоб” ёки “Равзат ули-л-албоб фи таворихал-акобир ва-л-ансоб” (“Акобир ва асил (кишилар) тарихи хусусида оқиллар боғи”) номли асарнинг ижодкори Фахриддин Абу Сулаймон Довуд ибн Абулфазл Муҳаммад Банокатий (1330 йили вафот этган) бўлиб, у XIII асрнинг II ярми ва XIV аср I ярмининг биринчи чора*гида ўтган шоир ва йирик тарихчи олимдир. У кўпроқ Ба*нокатий номи билан машҳур.

Банокат эски Тошкент шаҳри номларидан бири бўлиб, у Илоқ, яъни Оҳангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшилиш жойи яқинида жойлашган қадимий шаҳар, 1392 йилидан бошлаб Шоҳруҳия номи билан аталган. Банокатий Элхон Ғозонхон ҳамда Ўлжойтухон саройида хизмат қилган ва 1301 йили малик уш-шуаро (шоирлар подшоҳи) унвонига сазовор бўлган.

Лекин Банокатий кўпроқ тарихчи олим сифатида ва жаҳон тарихини ўз ичига олган “Равзат ули-л-албоб” номли асари билан машҳур бўлди. Асар 1317 йили ёзиб тамомланган ва муқаддима ҳамда тўққиз қисмдан иборат. *Биз учун унинг Хоразмшоҳлар давлати, хусусан Жа*лолиддин Мангуберди ҳақида қисқа бўлсада маълумотлар берувчи тўртинчи қисми ҳамда мўғуллар босқини воқеалари акс этган тўққизинчи қисмлари муҳимдир.

“Равзат ули-л-албоб” асари Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асари асосида ёзилган бўлиб, унинг қисқартирилган таҳрири деб айтиш ҳам мумкин. Лекин Банокатий асарида Рашидиддин китобида учрамайдиган маълумотлар ҳам бор.

“Равзат ули-л-албоб” XVII асрдан буён илмий жамо-

---

13 İbn Bibi (el-Hüseyin b. Muhammed b. Ali el-Ca'feri er-Rugadi). El Evamirü'l-Ala'iye Fi'l-Umuri'l-Ala'iye (Selçuk Name) / Çeviren Prof. Dr. Mürsel Öztürk. Cilt I-II. Ankara, 1996. Бу ҳақда яна қаранг: Запорожец, В.М. Сельджуки. – М.: Воениздат, 2011. – 295 с., илл.







атчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари лотин, турк, инглиз ҳамда француз тилларига таржима қилиниб чоп этилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Санкт-Петербург, Қозон, Душанбе ва хорижий мамлакатлар кутубхоналарида мавжуд. Китобдан Алишер Навоий ўзининг тарихий асарларини яратишда фойдаланган.

"Мунтаҳаб ут-таворихи Муъиний" номли Темурийлар даврига оид асар муаллифи Муъниддин Натанзийдир. У Исфаҳон шаҳрига қарашли, ундан қарийб йигирма фарсах масофада жойлашган Натанз шаҳрида туғилган. Ч.А.Сторининг маълумотига қараганда, асли сеистонлик бўлган. Форс вилоятининг ҳокими темурий Искандар Мирзо (Амир Темурнинг набираси, Умаршайхнинг ўғли, 1415 йили иниси Бойқаро Мирзо томонидан ўлдирилган) саройида хизмат қилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, "Муъиниддин Натанзий Султон Искандар даврида Ироқи Ажам ва Форсда шуҳрат топган олимлар ва шоирлар жумласидан бўлиб..., илмда ўз замонасининг етакчиси эди ва Мирзо Искандарнинг мақома ва ҳолати ҳамда тарихини ёзган"[14].

Муъниддин Натанзий қаламига мансуб бўлган ва бизнинг замонамизгача етиб келган бу асарнинг аниқ номи маълум эмас. У илмий жамоатчилик орасида "Искандарнинг исми номаълум муаллифи" (русчада: "Аноним Искандера") номи билан машҳур. Асар 1413 йили ёзиб тамомланган. Унинг иккинчи таҳрири ҳам бўлиб, "Мунтахаб ут-таворихи Муъиний" ("Муънинийнинг сайланган тарихи") деб аталади ва Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзога бағишланади.

"Мунтахаб ут-таворих" умумий тарих типида ёзилган асар бўлиб, оламнинг яратилишидан то Амир Темур вафотигача, 1405 йил 18 февралгача мусулмон мамлакат-

[14] Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро.Э.Браун нашри. Лейден-Лондон.: 1901. 371 бет.

ларида юз берган воқеалар ҳақида бахс юритади. Асар муқаддима ва уч бобдан иборат.

Умумжаҳон тарихига бағишланган асарнинг иккинчи жилди бутунлай Хоразмшоҳ-ануштегинийлар сулоласи тарихига ва шу даврда ҳукм сурган бошқа сулолалар тарихига бағишланган. Асарда Хоразмшоҳлар даври "Хоразм султонлари" номи билан тилга олинган (171[б]-177[а]). Асарнинг учинчи жилди ҳам мўғуллар, уларнинг босқини ва оқибатларини ўрганиб баҳолашда муҳим аҳамият касб этади[15]. Иккинчи жилдда Жалолиддин Мангуберди ҳақида ва мавзумизга оид бошқа муҳим маълумотлар бор.

Асарнинг учинчи қисмини ёзишда муаллиф Жувайний, Рашидиддин ҳамда туркий тилда ёзилган "Тарихи хоний" каби асарлардан кенг фойдаланган.

"Мунтахаб ут-таворихи Муъиний" асарининг матни 1957 йили Эронда Жак Обен тарафидан чоп этилган. Унинг кўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Англия, Франция ва Эрон кутубхоналарида мавжуд.

Ўрта Осиёнинг XIII асри тарихини тўлиқроқ баён қилувчи асарлардан яна бири Абу-л-Фазл ибн Муҳаммад Жамолиддин Ал-Қаршийнинг "Ал-Мулхақот би-с-Суроҳ" (Суроҳ луғатига иловалар) асаридир. Ушбу асар Чиғатой улусидаги (1227-1370) Қайдунинг вориси Чопар ҳукмронлиги даврида битилган ҳамда маҳаллий мусулмон олимига тегишли, Чиғатой улуси даврида ёзилган ягона тарихий асар ҳисобланади. Айнан шунинг учун мазкур асар мўғуллар ҳукмронлиги даври (1218-1370) Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон тарихи, ҳамда маданий ҳаётини ёритишда муҳим аҳамият касб этади[16].

Маълумки, Чиғатой улуси ва унинг бизнинг мавзумиз-

---

[15] Мунтахаб ат-таворихи Муини мансуб ба Муин ад-дин Натанзи. Ношир Ж.Обен. Теҳрон. 1336/1957.

[16] Қаранг: Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 611.

га қисман мансуб қисми, яъни 1224 – 1231 йиллар даври ҳақидаги маълумотлар Эрон ҳамда Хитой манбаларида берилган маълумотларга нисбатан анчайин заиф берилган ва ана шу даврнинг заиф қисмини Жамол ал-Қаршийнинг "Ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ" асари маълум даражада тўлдиради. Чунки Жалолиддин Мангуберди бу даврда ҳали мўғулларга қарши кураш олиб бораётган бўлиб, Чингизхон эса Ўрта Осиёни тарк этган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда Жалолиддинга қарши 1227 йилдан сўнг юборилган мўғул қўшинлари, айнан, кейинчалик Чиғатой улуси деб ном олган ҳудуддан кетган.

Ушбу манба ҳақидаги илк маълумотларни биз Мир Ҳайдарнинг (905/1499-958/1551) "Тарихи Рашидий" асарида учратамиз[17]. Бу асар муаллифи ҳам ушбу "Мулҳақот" ўзида муҳим тарихий-адабий маълумотларни жамлаганлиги билан қимматли эканлигини таърифлайди. Ҳозирга қадар "Мулҳақот би-с-Суроҳ"нинг учта нусхаси маълум бўлиб, улардан икки нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими фондида сақланмоқда. Асарнинг яна бир учинчи нусхаси эса профессор Ш. Х.Воҳидов томонидан топиб ўрганилди ва тўла таржима қилиниб, айни пайтда эса китобхонларни қизиқтирувчи бир китоб ҳолида нашр эттирилди[18].

Ҳажмига кўра, "Ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ" асари турли хилдаги маълумотлардан иборат бўлиб, 41 боб (зикр) дан иборат. Шубҳасизки, биз учун унинг тарихий қисми, яъни, бизнинг мавзумизга оид боблари муҳимдир. Улар жумласидан, Хоразмшоҳлар, "Мўғул ҳукмдорлари ва уларнинг тарихи зикри" қисмлари мавзуимиз учун қимматли. Асарнинг бу қисми ўзида мўғул ҳукмдорлари, Чингизхон тарихи ҳақида ва у билан боғлиқ ҳолда Жа-

[17] Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинение. Т. I. – Москва: Наука. 1963. - С. 52.

[18] Қаранг: Джамал ал-Карши ал-Мулхакат би-с-сурах. Введение, перевод с арабско-го-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х.Вохидова, Б.Б.Аминова. История Казахстана в персидских источниках. / Упоминание о монголъских хаканах и изложение их истории. Т. I.-Алматы. Дайк-Пресс. 2005.- С. 27, 117-126.







лолиддин Мангуберди ҳақида ҳам қимматли ва муҳим маълумотларни мужассам этган. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозим бўладики, мазкур асардаги воқеалар жараёни, *асосан, Мовароуннаҳр бўйлаб ёритилгандир*[19].

“Мажму ат-таворих” ёки “Зубдат ут-таворих” номли асар муаллифи Ҳофизи Абру номи билан машҳур бўлган йирик географ ва тарихчи олимдир. Унинг ҳақиқий исми Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофийдир.

Ҳофизи Абру темурий Шоҳруҳнинг кўрсатмаси билан ўзидан аввал ўтган тарихчилар Рашидиддин ҳамда Низомиддин Шомий асарларига қўшимчалар (зайл) ҳам ёзган.

Ҳофизи Абрунинг асосий катта тарихий асари “Мажму ат-таворих” бўлиб, уни муаррих Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунғур Мирзо (1433 йили вафот этган)нинг топшириғи билан 1423-1425 йиллари ёзган. Мазкур асар тўрт қисмга бўлинган бўлиб, биз учун унинг учинчи қисми муҳимдир. Унда салжуқийлардан тортиб то Хоразмшоҳ-ануштегинийлар сулолалари тарихи ҳамда мўғул босқини ва ундан кейин то хулагулар ҳукмдори Абу Саид давригача бўлган воқеалар ўз аксини топган. Шу жумладан, Жалолиддин Маангуберди ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

“Мажму ат-таворих” асарининг қўлёзмалари Тошкент ҳамда хорижий мамлакатлар Туркия, Олмония, Англия, Франция, Эрон ва бошқа мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда.

Хоразмшоҳ-ануштегинийлар тарихи, мўғуллар босқини ва унга қарши Жалолиддин Мангуберди олиб борган курашлари тарихи Жузжонийнинг “Табақоти Носирий” асарида кенг ёритилган. В.В.Бартольд Жузжоний ўз асарини ёзишда Ибн Хайсамнинг “Қисас ас-соний” асаридан, Фахриддин Муборакшоҳ Марварудийнинг генеалогияга оид асаридан кенг фойдаланганини таъкидлайди[20].

[19] Қаранг: Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1994. Б. 172.; Ўзбекистон милий энциклопедияси. – Т. 5. 2005. Б. 506.; Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинение. Т. I.-Москва:Наука, 1963. С. 549.

[20] Бартольд В.В. О некоторых восточных рукописях. // ИРАН, серия VI, т. XIII. – С. 924. – №4.

Жузжоний – Миҳожиддин Абу Умар Усмон ибн Сирожуддин Муҳаммад ўз асари “Табақоти Носирий”ни Деҳли Султони Элтутмишнинг ўғли Носириддин Маҳмуд (1246-1265)га бағишлаган. Бу асар 1260 йили ёзилган. Умумжаҳон тарихига оид мазкур асарнинг 16-чи табақасида Хоразмшоҳлар (18 саҳифада), 23-табақасида эса мўғулларнинг босқини ҳақида (62 саҳифада) маълумот беради[21].



Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти, унинг мўғулларга қарши курашлари тарихи жуда яхши очиб берилган яна бир асар “Китоб нафсат ал-масдур фи футури замон ал-масдур ва замон ас-судур ал-футур”дир. Мазкур манба 1930 йили Теҳронда нашр этилди[22]. Эрон олими ва адиби Мирзо Муҳаммад Қазвиний бу асарни Муҳаммад Зайдарига нисбат берилиши хато экани ва у ан-Насавийга тааллуқли эканини исботлаб берган[23]. Аммо ҳалигача унинг муаллифи ким эканлиги баҳслигича қолмоқда. Мазкур асарни эронлик тарихчи, адиб ва шоир Ризоқулихони Ҳидоят (1800-1871) нашрга тайёрлаган ҳамда у шу олим вафотидан анча кейин Ризоқулихоннинг кириш сўзи билан тошбосма шаклида чоп этилган (79+26 варқ, кичик ҳажмда). Ризоқулихон Ҳидоятнинг сўзига қараганда, мазкур асарнинг бир нусхасини у Мирзо Абдулло мунший Табаристонийнинг шахсий кутубхонасидан топган. Муаллиф асарнинг нусхаси ҳақидаги бошқа кодикологик маълумотларини бермаган. Фақат унинг 500 йил муқаддам ёзилгани таъкидланган. Асар нашридан сўнг юқорида номи тилга олинган Муҳаммадхон Қазвиний “Нафсат ал-масдур” матни ва маълумотла-





[21] Табақоти Носирий // Қўлёзма. Россия ФА ШИ Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институти. – № С 426 (572abb). Нашри: Tabaqati Nasiri. Edited by Abdul Hai Habibi. Kabul. Vol.I. 1963. Vol II. 1964.

[22] Нафсат ал-масдур. Иншои Шиҳобиддин Муҳаммад Хурандизи Насави. Тасҳиҳ ва тавзиҳи дуктар Амир Ҳасан Йаздагирди. Чопи аввал. -Теҳрон: Тус, Китобхонайи миллии Эрон. 1381. – 948 с. (форс тилида)

[23] Қаранг: Петрушевский И. Новый источник по истории монгольского нашествия. // Вопросы истории, 1946. –№ 11-12. – С. 121-126.

рини таҳлил қилиб, унинг муаллифи Муҳаммад Зайдари эмас, балки у Шиҳобиддин Муҳаммад Насавий қаламига мансуб эканини исботлашга уринди. Унинг хулосасига қараганда, Ризоқулихон "Сийрат" муаллифининг ватани бўлган Хорандиз сўзини "Зейдер" деб ўқиган (асарда бу сўз диакратик белгисиз келган). Хорандиз эса Ниса шаҳрига яқин бўлган қалъанинг номи бўлиб, у асарнинг икки жойида тилга олинган. Муҳаммадхон Қазвиний ан-Насавийнинг иккала асарида учрайдиган, шеърий парчалар ("Сийрат"да араб тилида, "Нафсат"да форсча), баъзи воқеаларнинг баёни ва тафсилотлари, муаллифнинг биографик маълумотларини солиштирганда шундай хулосага келган. Муҳаммадхон Қазвинийнинг хулосаларини И.Петрушевский ҳам тасдиқлаган[24].

Бу асарда ҳам воқеалар баёни юқори мансабдаги амалдор ва шахс тилидан баён қилинади. Масалан, ҳар иккала асарда муаллифнинг Аламутга, исмоилийлар ҳукмдори олдига Жалолиддин фармонига биноан улар томонига қочиб ўтган бир мўғулни Ширкабут қалъасига етказиш учун боргани ҳикоя қилинади[25]. Муаллиф буйруқни бажариб қайтгач, султонни ўз қароргоҳида топмагани, Хоразмшоҳни топмагач, уч ой Ганжада қолиб кетгани, султонга қарши Шараф ал-мулкнинг исён кўтаришини баён қилади[26].

1231 йили баҳорида муаллиф Хоразмшоҳ саройига келганида, уни Майафориқин ҳокими айюбийлар сулоласидан бўлган Шиҳобиддан ал-Малик ал-Музаффар Ғозий ҳузурига элчи қилиб жўнатилади[27]. Ҳар иккала асарда ҳам муаллифнинг Амид яқинидаги урушдан сўнг

[24] Петрушевский И. Новый источник по истории монгольского нашествия. // Вопросы истории, 1946. –№ 11-12. – С. 122. Оқойи Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний. Дар бобби нусхаи «Нафсат ал-масдур» таълифи Нураддин Муҳаммад Мунши. / Нафсат ал-масдур. Иншои Шиҳобиддин Муҳаммад Хурандизи Насави. – С. 38-81.

[25] Воқеа тафсилотлари ҳақида қаранг: Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди (97-боб. Тоторларнинг Султонга Ширкабут чегараларида қилган ҳужуми баёни) – Б. 266 ва кейингилари. «Нафсат ал-масдур». – Б. 38-44.

[26] Ўша жойда.

[27] Воқеа тафсилотлари ҳақида қаранг: Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди (105-боб.) – Б. 287 ва кейингилари. «Нафсат ал-масдур». – Б. 47-48.

(1231 йили август ойида) Хоразмшоҳни қайта кўрмаганини айтган.

"Нафсат ал-масдур фи футури замон ас-судур ва замон ас-судур ал-футур" (Замона фатаротининг содир бўлиши ва фатарот содир бўлиши замони шамолининг эсиш овози) асари форс тилидаги асар саналади. Бу асар муаллифнинг эсдаликлари бўлиб, унда баён қилинган воқеаларнинг иштирокчиси бир гуруҳ олимлар ан-Насавийнинг ўзи десалар, яна бир гуруҳ олимлар бу киши Муҳаммад Зайдари бўлган дейдилар ҳамда автобиографик асар деб ҳисоблайдилар. "Сийрат" эса Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳақидаги тарихий-биографик асар ҳисобланади.



"Нафсат ал-масдур"да ҳам худди "Сийрат"даги каби муаллифнинг бошидан кечирган воқеалари, ғам-қайғулари, тақдирини барча тафсилотлари билан баён қилган. Мазкур асар "Сийрат"дан етти йил олдин, яъни 1234-35 йилларда ёзилгани маълум бўлади. Бу асарда султон Жалолиддин биографиясига доир маълумотлар камроқ (26-55 бетлар) тилга олинса-да, бироқ унда "Сийрат"да учрамайдиган султон ҳаётига оид баъзи факт ва маълумотларни ўқиш мумкин. Жумладан, муаллиф Ганжада бўлган вақтида ганжаликларнинг султонга қарши қўзғолонга тайёргарчилик кўраётганларини ёзади. Муаллиф жонини хавфга солиб (Ганжа атрофи мўғуллар қўлида эди), Хоразмшоҳ қароргохига келади. Султон бу қўзғолон ҳақида ўз муншийсидан ҳам аниқ маълумот олади. Султон Жалолиддин бу қўзғолонни, 1231 йил 5 майдан 3 июнгача бўлган даврда бостиради.



"Нафсат ал-мастур"да муаллифнинг Майафориқинга бориб, Шиҳобиддин ал-Малик ал-Музаффардан элчи сифатида бориб, Хоразмшоҳга мадад беришини сўрагани "Сийрат"дан кўра тўлароқ берилади. Ал-Малик ал-Музаффар бу элчи билан хайрлашиш вақтида Беркридан маълумотномани каптар орқали олади. Унда мўғулларнинг 50 тача гуруҳи Беркри давонидан ўтиб келаётганлари ҳақи-









да хабар бор эди. Шундан кейин ал-Малик Хоразмшоҳга мадад бериш фикридан қатъиян воз кечади[28].

“Нафсат ал-масдур”нинг учдан бир қисми муаллифнинг Хоразмшоҳдан ажралгандан кейин бошидан кечирган воқеалар баёнига бағишланади. И.Петрушевскийнинг хулосасига қараганда, бу манбанинг энг қизиқарли қисмини ташкил қилади. Бу тафсилотлар муаллифнинг кейинги асарида учрамайди.

Муаллиф “Нафсат ал-масдур”да гувоҳ ва кўпгина воқеаларнинг иштирокчиси сифатида мўғулларнинг босқини, уларнинг Ироқайн, жанубий Арманистон, Озарбойжонда қилган ёвузликлари, қочоқларнинг азоб-уқубатлари, шаҳар ва қасабаларда феодалларнинг ўзаро уруш ва талон-тарожларидан тинч аҳоли бошига тушган оғир мусибатлар батафсил ҳикоя қилинади. Муаллиф ўз замонининг фожиасини ёрқин инсоний туйғулар билан ҳужжат сифатида ёзиб қолдирган. Унинг эсдаликлари ўша даврнинг бошқа муаллифларнинг (Ибн ал-асир, Киракос Гандзакский, Жувайний ва бошқалар) маълумотлари билан бирга катта аҳамиятга эга.

“Нафсат ал-масдур” асари манба сифатида Жалолиддин атрофидаги шахслар, амалдор ва мансабдорларнинг кайфияти яхши ёритилган. Жалолиддин ва унинг яқинлари ислом дини ҳимояси учун “кофир” (татар-мўғул)ларга қарши муқаддас уруш (ғазот) олиб борилганлари талқин қилинади. Энг асосийси, асар муаллифи тавсифида Жалолиддин тирик бир шахс сифатида, барча камчилик ва хатолари билан гавдаланади[29]. Хоразм давлатидан кетиб, Эрон, Ҳинд ва араб мулкларида, Кавказда мўғулларга қарши кураш олиб борган Жалолиддин мўғуллар саройидаги тарихчилардан Рашидиддин ва Жувайний

---

[28] Қаранг: Нафсат ал-масдур. – Б. 47-48; «Сийрат»даги маълумот: – Б. 287 ва кейингилари.

[29] Ибн ал-Асир ва Жузжоний Жалолиддин тавсифида муболаға қилмайдилар. Грузин ва арман муаллифлари эса Жалолиддинни прозелитизмга йўл қўйганликда айблайдилар. Қаранг: Петрушевский И. Новый источник по истории монгольского нашествия. – С. 125.

томонидан ҳурмат билан тилга олиниши, мард ва довюрак ўғлон, қаҳрамон ҳамда ғозий сифатида мақтовларга эга бўлиши катта аҳамиятга эга, албатта.

Форс тилидаги кейинги асрлар тарихий асарлардан Хоразмшоҳлар ва Жалолиддин Мангуберди даври тарихи Носириддин Абу Саид Абдуллоҳ ибн Имомаддин Абулқосим Умар ибн Фахриддин Абулҳасан Али ал-Базавийнинг (вафоти 1285-86 йил) "Низом ат-таворих" асарида[30] (Ўз ФА ШИ 9720 рақамли нусхадаги тўртинчи қисмидаги Хоразмшоҳлар ва мўғулларга бағишланган бобларида. 72$^{а}$-82$^{а}$; Санкт-Петербургдаги В 234-2 (266bb) рақамли нусхада 148$^{а}$-154$^{б}$ варақлар) ҳам Аббосийлар халифалари тарихи доирасида мавзумизга оид баъзи масалалар ёритилади[31].



Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абу Бакр Шабонгароий (1293-94–1332-33 йиллар) "Мажмаъ ал-ансоб" (Насаблар тўплами) асарида компилятив тарзда умумжаҳон тарихини Одам ато давридан бошлаб баён қилади. Муаллиф бу асарнинг иккинчи жилдининг иккинчи қисми учинчи бобида турли сулолалар тарихи билан бир қаторда Хоразмшоҳ- ануштегинийлар тарихини қисқа ёритиб беради.



Давр жиҳатидан ёндашиб манбаларни таҳлил қилар эканмиз, машҳур давлат арбоби, буюк астроном ва тарихчи Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус" асари ҳам мавзумизга оид муҳим манбалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

"Улуси арбаъ-йи Чингизий" ("Чингизийлар тўрт улуси" (тарихи) ёки "Тарихи арбаъ улус" ("Тўрт улус тарихи") номли асар муаллифи йирик давлат арбоби, саркарда, буюк олим ва илм-фан ҳамда маданият ҳомийси Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекдир.



30 Ал-Байзавий. Низом ат-таворих. // Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. – № 9720. 80+3 вар.; Шу муаллиф. Низом ат-таворих. // Қўлёзма. Россия ФА Санкт-Петербургбаги Шарқ қўлёзмалари институти. – № В 234-2 (266bb)

31 Мазкур асар нусхаларининг тавсифи ҳақида қаранг: СВР (История). – С. 30-32; Миклухо-Маклай Н.Д. Описание персидских и таджикских рукописей института востоковедения. Вып. 3. – С. 39-46.







“Улуси арбаъ-йи Чингизий” асарида XIII-XIV асрларда Мўғул империяси таркибига кирган мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда баён этилган. Китоб 1425 йилдан кейин тугалланган.

“Тарихи арбаъ улус” муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Ушбу китобнинг фақат қисқартирилган таҳририниг тўрт мўътабар қўлёзмаси бизгача етиб келган. Уларнинг иккитаси Англияда, биттаси Ҳиндистонда ва тўртинчи нусхаси АҚШда сақланмоқда.

Мирзо Улуғбек тарихий асарининг инглизча таржимаси *1838 йили Майлс томонидан Англияда чоп этилган.* Ўзбекча таржимаси Б.Аҳмедов, М.Ҳасаний ва Н.Норқуловлар бажарилиб, 1994 йили Тошкентда чоп этилди[32].

“Тарихи арбаъ улус” Хоразмшоҳ-ануштегинийлар сулоласининг сўнгги вакиллари Аловиддин Муҳаммад (1200 – 1221) ҳамда Жалолиддин Мангубердилар (1221 – 1231) тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда муаллиф, айниқса, Жалолиддин Мангуберди фаолиятига ижобий баҳо берган ва уни Чингизхоннинг энг *муносиб рақиби бўлганлигини алоҳида таъкидлайди*[33].

Машҳур тарихчи Мирхонд (вафоти 24 февраль 1498 йил) Алишер Навоий ҳомийлигида “Равзат ас-сафо фи сийрат ал-анбий ва-л-мулук ва-л-хулафо” (Анбиё, шоҳлар ва халифалар ҳаётларининг сафоли боғи) асарини (олтита жилдини) 1498 йили ёзиб тугатган. “Равзат ас-сафо” *кўплаб форс ва араб тилларида битилган манбалар асоси*да ёзилган. Муаллифнинг ўзи муқаддимасида 25 форс тилида ва 15 араб тилидаги асарларни ўз манбаси сифатида тилга олади. Муаллиф манбаларининг баъзилари бизгача етиб келмаганини инобатга олсак, унинг асарининг баъзи қисмларини нақадар аҳамиятли эканини тушуниш мумкин. Мавзуимиз доирасиада Мирхонд асарининг тўртинчи ва бешинчи жилдлари (қисм, дафтар, мужаллад) жуда муҳимдир. Айниқса, асарнинг бешинчи дафтари муҳим

---

[32] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: “Чўлпон” нашриёти, 1994. Б. 51 – 120 .

[33] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. –Б. 108 – 116 .

бўлиб, унда Жалолиддин Мангубердининг фаолияти тўлиқ баён этилган[34]. Бу муаллиф ҳам Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши озодлик курашига юқори баҳо берган.

Мирхонднинг мазкур асари Хива хонлари ва Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825), Муҳаммад Амин (1846-1855), Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1864–1910) буйруғи билан таржима қилинган. Тадқиқот мавзуига тегишли тўртинчи ва бешинчи жилдларини Муҳаммад Юсуф Рожий ибн қози Хўжамберди Хоразмий Муҳаммад Амин буйруғини Муҳаммадяъқуб меҳтар орқали олиб амалга оширган[35].

Бундан ташқари, ўзбек тилида "Равзат ас-сафонинг хулосаси", яъни қисқа вариантини Эшонжон ибн Муҳаммад хўжа Тошкандий (Хўжаев, 1872-1953) 1947 йили ўқув қўлланма сифатида тузган ва унга шахсларнинг кўрсатгичини ҳам берган[36].

"Хулосат ал-ахбор фи баёни аҳвол ал-ахёр" муаллифи Ғиёсиддин ибн Ҳумомаддин Муҳаммад Хондамир (вафоти 1535-36 йиллар) бўлиб, унда "оламнинг яратилишидан" 1470-71 йилгача бўлган умумжаҳон тарихи ҳикоя қилинади. Асарнинг саккизинчи "мақола"сида ($212^а$- $312^а$) Хоразмшоҳ-ануштегинлар сулоласи тарихи, тўққизинчи қисмида эса мўғуллар даври ($312^б$-$349^а$) баён қилинади. Асарнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи

---

[34] Мирхонднинг "Равзат ас-сафо" асарида Жалолиддин Мангуберди зикри. – Тошкент: Фан нашриёти, 1999. – 32 б.

[35] Шу таржима нусхасидан Ўзбекистон ФА ШИ фондида иккитадан (№№1813(IV ва V жилдалар),7415(IV жилди), 7393(V жилди)) сақланади. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси нусхаларининг тавсифи ҳақида қаранг: СВР (История). – С. 61–66; Бошқа нусхалари: Каталог фонда Института Рукописей АН Узбекистана. Том I. – Ташкент:Фан. 1989. – С.295 (IV жилд. –№ 1383). Форс тилидаги учинчи ва тўртинчи жилдларидан нусха шу захирада (бугунги кунларда Ўзбекистон ФА ШИ-З) 4282 рақамда сақланарди. Қаранг: Каталог фонда Института Рукописей АН Узбекистана. Том I. – Ташкент:Фан. 1988. – С.279.

[36] Хулосат «Равзат ус-сафо» // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА ШИ. – №9101/I. – 315+14 с. Айни шу муаллиф Мирхонд асарининг биринчидан еттинчи жилдларигача бўлган барча биографик маълумотларни жамлаб форс тилида 1947 йили «Хулосат «Равзат ус-сафо» асарини тузган(№ 9587/ I, 9102, ҳажми 143 вар). Худди шу муаллиф яна «Равзат ус-сафо»даги барча исмлар кўрсатгичини «Асмо ар-рижол «Равзат ус-сафо» номида тузган ва у ҳам юқоридаги асарлар билан бирга Ўзбекистон ФА ШИ сақланади (№9548).



жилдларининг мавзуимизга даҳли бор, яъни унда Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлар мавжуд.

Мавзумизга оид сўнгги манба бу Хива хони Абулғозихоннинг "Шажарайи турк" номи билан машҳур асаридир. Мазкур асарнинг асосий қисми 1663-1664 йилларда ёзилган. Асар қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат бўлиб, унинг бизга асосан учинчи қисми, яъни Чингизхоннинг туғилганидан то вафотигача бўлган тарихи баён қилинган қисми муҳимдир[37]. Унда Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши воқеалари қисман акс этган. Асар Абулғозихондан аввал ёзилган кўпгина тарихий китобларга (умумий сони 18) асосланган.



Юқоридаги манбалардан ташқари Жалолиддин Мангуберди ҳақида яна Ёқут Ҳамавийнинг "Мўъжам ал- булдон", Сибт ибн ал-Жавзийнинг "Мирърат аз-заман", Ёсин ал- Умарийнинг "Ал-асар ал-Жалолиййа", Ал-Кашкашондийнинг "Субҳ ал-ашъё", Ибн ат-Тиктаканинг "Ал-фахри фил адаб ас-султониййа", Закариё Қазвинийнинг "Асар ал-билад", Ибн Тангрибердининг "Ан-нужум...", Абул Фаражнинг (Бар Эбрей) "Абул Фараж хроникаси" (Умумий тарих) ва бошқа турдаги ҳамда бошқа мавзудаги тарихий асарлари киради.

Булар ичида асли Суриялик христиан Абул Фараж ибн Хорун (1226 – 1286 йиллар) ёки Бар Эбрейнинг (унга кўп-



[37] Абулғозийнинг ушбу асаридан 11 нусхаси Тошкентда (Ўз ФА ШИ) ва олтита нусхаси *Санкт-Петербургда сақланади. Қаралсин: СВР. История. – С. 154-155; Ахмедов Б.* Историко-географическая литература. – С. 72-78; Шу муаллиф.Тарихдан сабоқлар. – Б. 217-223; Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Институа Народов Азии. I. История. – С. 93-94; Яна қаранг: Лекции И.Н. Березина, записанные студентом В. Игнатьевым в 1866 г., 4-я лекция. / Архив востоковедов ЛО ИНА АН СССР, разряд III, опись 1. – № 31. В «Ученых записках ИВ АН СССР». VI, 1953. – С. 41 ва кейингилари (№29); Яна асрнинг бошқа нусхалари ҳақида қаранг: Pertsch W. Die Handschriften-Verzaeichnisse der königlichen Bibliothek zu Berlin. Bd.VI. Verzeichniss der türkischen Handschriften, Berlin. 1889. B. 228. №204; Rieu Ch. Catalogue of rhe Turkish Manuscripts in the British Muzeum. London. 1888. 282a; Blochet E. Catalogue des manuscrits turcs de la bibliothèque Nationale de Paris. T. I. Paris. 1932. 232. №141; Таржималари: Desmaisons P. Aboul-Ghâzi Bèhâdour-Khan. Histoire de Mogols et de Tatares..., St.-Pbg. I, 1871 (матни). II. 1874 (таржима); Абулгази. Шаджарайи турк. Перевод Тредъяковского. (Казань) 1770; Родословное древо тюрков. Сочинение Абуль-Гази хана хивинского. Перевод и предисловие Г.С. Саблукова. Казань, 1906. Ўзбек тилидаги нашрлари:

чилик яҳудийлиги учун шундай деб ном берилган деб ҳисоблашади, аслида эса у ўз туғилган шаҳри номи Эбродан келиб чиқиб, бар Эбро ёки Эбро ўғли деган ном олган) асари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг "Умумий тарих" ёки Европада "Хроника" деб ном олган асарининг иккинчи китоби "Дунёвий тарих" асарида ҳам Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу асарнинг XI боби хоразмшоҳлар – ануштегинийлар ва мўғуллар ҳукмронлиги даврларига бағишланган. Абул Фаражнинг бу асарини акаси Бар Саума 1297 йилгача бўлган воқеалар билан тўлдиради. Бу асарнинг яна бир қимматли тарафи Бағдод халифалари нуқтаи назаридан ёндашилган кўпгина араб тарихчиларидан фаркли равишда у воқеаларни нисбатан ҳаққоний тасвирлайди. Шу билан бирга хулокуйлар саройида табиб бўлиб ишлагани учун муаллиф кўпгина бошқа манбалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган[38].

Бу манбадан бошқа юқорида санаб ўтган тарихий манбаларнинг асосий хусусияти Ибн ал-Асирнинг китобидаги каби халифалар нуқтаи назаридан Жалолиддин Мангубердига бирёқлама таъриф берилган. Шу билан бирга уларда бизга тааллуқли маълумотлар юқоридаги асарлардан олинганлиги учун улар ҳақида муфассал тўхталиб ўтирмадик.

Бизнинг тадқиқот мавзумиз юқоридаги араб-форс манбаларидан ташқари мўғул ва хитой тилларида ёзилган манбаларда ҳам учрайди. Айниқса, Чингизхон ва мўғуллар хуружи даври тарихи, мўғул императорлари ҳукмронлиги даври тарихини бу манбаларсиз ўрганиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, бу манбаларда Жалолиддин фаолияти қандай акс этганлигини кўришимиз мумкин. Аммо Жалолиддин Мангуберди образи бу асарларда жуда кам акс этганлигини ҳисобга олмаганда, у мўғулларнинг, хусусан, Чингизхоннинг энг асосий рақиби сифатида акс этганлиги-

[38] Абуль-Фарадж. Книга занимательных историй / Пер. с сирийского, послесл. и примеч. А. Белова и Л. Вильскера; Ред. и предисл. Н. В. Пигулевской. — М.; Л.: Гослитиздат. Ленингр. отд-ние, 1961. — 296 с.





нинг ўзи аҳамиятлидир. Шу билан бирга бу манбаларда, хусусан хитой манбаларида, воқеалар биринчидан йилма-йил баён этилган, иккинчидан, уларнинг содир бўлган жойи ва вақти аниқ кўрсатилган.

"Монгол-ун ниуча тобчан" ("Мўғулларнинг махфий тарихи") XIII аср бошида ўрта аср уйғур имлосида ёзилган ва бизгача хитой имлоси, иероглифида хитойча таржимаси билан етиб келган. Асарнинг хитойча номи "Юань-чао би ши" ("Юань сулоласининг[39] махфий тарихи") деб аталади. У Хоразмнинг XIII асрдаги тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади. Унда Хоразмнинг Чингизхон хуружи пайтидаги тарихи ва Хоразмшоҳлар ҳудудлари халқларининг мўғул асоратига тушиб қолиши ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз.

"Монгол-ун ниуча тобчан" хитой тилига 1404 йили таржима қилинган. 1800 йили истефодага киритилган. Асар 1866 йили П.Кафаров тарафидан рус тилига таржима қилинган ва сўз боши, хитойча матни ва луғатлар билан қўшиб, 1941 йили С.А.Козин тарафидан "Сокровенное сказание" номи билан чоп этилган. Шу таржима асосидаги бу китоб 2017 йил қайтадан нашр қилинди[40]. Асарнинг Э.Хённинг тарафидан амалга оширилган немисча нашри мавжуд. Аммо биз учун энг муҳими бу манбанинг XI бобида Чингизхон қўшинининг Хоразмшоҳлар давлатига юриш йўналишлари, Хоразмшоҳ-ануштегинийлар ва Жалолиддин Мангубердининг улар билан олиб борган курашлари акс этган. Шу билан бирга бу манбада Хон Малик образи ҳам гавдаланган бўлиб, кўпгина манбаларда аслида Амин Малик шу ном билан эслатилгани ҳолда бу манбада у Темур Маликка ҳам қиёсланади.

"Мэн-да Бэй-лу" – яъни, "Мўғул-татарларнинг тўлиқ тасвири" асари муаллифи хитойлик Чжао Хун бўлган[41]. Бу

[39] Юань сулоласи – Хитойни 1259-1332 йилларда идора қилган сулола. Асосчиси Хубилайхон (1260-1294 йй.).

[40] *Сокровенное сказание монголов. // Перевод и замечании С.А.Козина.* – М.: Наука, 1941; Рязань. 2009; М.: Изд – во Э, 2017. – 382 с.

[41] *Мэн-да Бэй-лу (Полное описание монголо-татар) / Мэн-да Бэй-лу.* — М.: Наука, 1975. — 286 с.

манбада ҳам мўғулларнинг Хоразмга юриши билан боғлиқ ҳолда Жалолиддин Мангуберди фаолиятига тўхталиб ўтилган.

Бизнинг тадқиқотимиз учун яна бир муҳим асар бу "Си-ю лу" ("Ғарбга саёҳат тавсифлари") асари бўлиб, бу асарнинг муаллифи Чингизхоннинг маслаҳатчиси машҳур хитойлик Елюй Чу-цай (1189 — 1245)дир. У Чингизхон юришларида қатнашиб, кўпгина воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Асарнинг қиммати ҳам шунда.

"Шэн-у цинь чжен-лу" ("Муқаддас саркарда Чингизхоннинг ҳарбий юришлари тафсилотлари") номли асар асли мўғул тилида ёзилган, лекин унинг шу номдаги хитойча таржимаси бизгача етиб келган, холос. Унда Чингизхоннинг ҳарбий юришлари ва мўғуллар хуружи вақтида туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

"Шэн-у цинь чжен-лу" асарини биринчи марта Юань Чжон 1894 йили, Ван Говей номли тарихчи 1925-1926 йиллари кенг изоҳлар билан чоп этган. 1872 йили П.Кафаров асарнинг русча таржимасини, сўз боши ва зарур изоҳлар билан қўшиб, нашр этган. 1951 йили Пельо ва Гамбус унинг французча нашрини амалга оширганлар[42].

"Юань-ши" ("Юань сулоласи тарихи") Юань сулоласининг тўлиқ расмий тарихидир. Уни Сун-лян (1310-1381 йй.) бошчилигидаги 16 муаллиф-тузувчилар яратган деб ҳисоблайдилар. Китоб Мин сулоласининг императори Тайцзунинг буйруғи билан 1369 йили ёзиб тамомланган.

Асар тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг туркий халқлар тарихи ҳақидаги тўртинчи қисмида, еттинчи бобда мавзумизга оид маълумотлар келтирилган.

"Юань-ши"нинг айрим қисмлари турли йилларда Н.Я. Бичурин, Пельо, Л.Гамбис, Э.Хёниш, С.А.Козин, А.Вайли, Г.Франко, Ф.В.Клаваза ва Г.Ф.Шурманн тарафидан таржима қилинган[43].





[42] Шэн-у цинь чжен-лу (Описание военных походов Чингизхана). – www.literrus. com

[43] Перводы из Юань-ши. (История династии Юань).// Храпчевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – М.: АСТ ЛЮКС, 2005.



“Алтан тобчи” (“Олтин сўзлар”) XVII аср мўғул роҳиби Лубсан Данзан томонидан ёзилган. Унда мўғулларнинг тарихи, Чингизхоннинг юришлари бизгача етиб келмаган манбалар асосида ёзилган. Бу асарнинг XIII қисмида Чингизхоннинг Хоразмга юриши ҳамда Жалолиддин Мангубердининг фаолияти қисқа бўлса ҳам ёритиб ўтилган[44].

*Бу манбалардан ташқари ўрта асрлар Европа сайёҳлари*: Плано Карпини (1245 — 1247 йилларда саёҳат қилган), Гильом Рубрук (1253 — 1255 йилларда саёҳат қилган) ва Марко Поло (1271 — 1295 йилларда саёҳат қилган) эсдаликлари ҳам мўғуллар тарихини ва шу билан боғлиқ ҳолда Хоразм тарихини ҳам ўрганишда ёрдамчи манбалар сирасига киради. Айниқса, Чингизхон тарихини ўрганмоқчи бўлган деярли барча тадқиқотчилар Плано Карпини эсдаликларини четлаб ўтиб кета олмайдилар. Чунки унинг мўғуллар давлатининг вужудга келишининг илк босқичлари хусусидаги, мўғулларнинг қуролланиши, уруш олиб боришнинг услублари, ҳарбий тактика ва стратегияси, Чингизхон қўшинларининг Ўрта Осиёга юришлари, Синд дарёси бўйидаги жанг тафсилотлари, Урганч ва Янгикент каби шаҳарларнинг эгалланиши каби маълумотлари жуда муҳим. Айниқса, унинг Жалолиддин Мангуберди фаолиятига берган баҳоси жуда аҳамиятли бўлиб, Карпини унга “улуғ” деб таъриф берган. Зеро, у Жалолиддин ҳақидаги маълумотларни мўғуллардан эшитган ва шу жиҳатдан олганда, мўғуллар ҳам Жалолиддинга юқори баҳо берганлар деган хулосага келинади[45].



Бизнинг тадқиқотимиз мавзусига оид ёзма манбалар ичида арман, грузин ва албан тилидаги ёзма манбаларни ҳам тадқиқот доирасига киритиш лозим. Бу манбалар жумласига: асли албан бўлган Киракос Ганзекацинииг “Арманистон тарихи”, “Инок Магакиининг тарихи”, “Себастаци йилномаси”, “Степанос йилномаси”, “Смбат Спарапет йилномаси” ва баъзи ҳужжатлар (ёзишмалар, шартнома-



---

[44] Лубсан Дабсан. Алтан тобчи (Золотое сказание). – М.: Наука, 1975. 231 с.

[45] Путешествия в восточные страны, Плано Карпини и Гильом де Рубрук. Алматы, «Илым», 1993. 242 стр.

лар нусхалари ҳамда ёзма ёдгорликлар); грузин тилидаги манбаларга "Картлис Цховреба" хронографияси, сурияликлардан Григорий Абул Фараж йилномаси ва шу каби кўпгина манбалар киради[46]. Энг асосийси, бу манбалардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозимки, уларда Жалолиддин Мангуберди босқинчи сифатида тасвирланиб, баъзиларида мўғулларга нисбатан ҳам кўп ёвузликлар қилганликлари таъкидланади. Айниқса, грузин манбаларида Жалолиддиннинг қилган шафқатсизликлари жуда ҳам ошириб юборилган. Лекин, уларнинг кўпчилигига ўзлари ҳам бевосита сабабчи бўлганликларини ҳам тан оладилар. Грузин манбаларида, Жалолиддин Мангубердининг юришлари уларнинг худо олдидаги гуноҳлари учун бир жазо бўлганлиги ҳам таъкидланган. Бу манбалар Жалолиддин Мангуберди шахсига жуда танқидий ёндашганлари ҳолда, улар ҳам барибир Жалолиддиннинг Чингизхонга қарши олиб борган курашларини ёқлайдилар ва Жалолиддиннинг мўғул босқинидан ҳимоя қилувчи ягона девор бўлганлигини тан оладилар.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиққанимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумот берувчи барча манбаларни ўрганиш асосида шу хулосага келиндики, уларда Жалолиддин Мангуберди сиймосига қандай муносабатда бўлинишидан қатъий назар, унинг Чингизхоннинг энг муносиб рақиби, озодлик учун толмас курашчи, ватанпарвар қаҳрамон сифатида тан олинади ва унинг тарихдаги ўрнига муносиб баҳо берилган.

---

[46] Анонимный грузинский «Хронограф» XIV века / Пер.: Г.В. Цулая. М., 2005. 152 с.; Багратиони Давид. История Грузии. / Сост.: А. Рогава. Тб., 1971. 271с.; Гандзакеци Киракос. История Армении / Пер.: Л.А. Ханларян. М., 1976. 355 с.; Обзор источников по истории Азербайджана / Ред. З.М. Буниятов. Баку, 1964. 36 с.; Парсадан Горгиджанидзе. История Г рузии. / Пер. Р. К. Кикнадзе, В. С. Путуридзе. Тб., 1990. 182 с.; Степанос епископ. «Летопись» // Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII-XIV вв. / Пер. А.Г. Галстян. М., 1962. 155 с.; Себастаци. «Летопись» // Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII-XIV вв. / Пер.: А.Г. Галстян. М., 1962.-155 с.



I.2.

## Жалолиддин Мангуберди фаолиятига тарихий тадқиқотларда берилган баҳо: фикрлар ва қарашлар таҳлили



Юқорида келтириб ўтганимиздек, Жалолиддин Мангуберди ҳақида XIII асрдан тортиб то XIX асргача қанчадан-қанча тарихчилар, саёҳатчилар, географлар маълумотлар қолдирган бўлсалар, XIX асрдан то ҳозирги кунгача жуда кўплаган олимлар, тадқиқотчилар шу манбалар асосида асарлар ёздилар ҳамда тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шу нарса маълумки, ёзма манбалар маълумотлари шу кунгача ўзгармади ёки яна қанча вақт ўтса ҳам ўзгармайди, албатта. Аммо энг асосийси бу манбалар маълумотларига ёки Жалолиддин Мангуберди фаолиятига нисбатан қарашлар кўп марта ўзгарди ва ўзгармоқда. Тўғри бу тарихий жараёнларга, тарихий қонуниятга мос ҳолат. Аммо бу ҳолат ҳамма вақт ҳам тарихий қонуниятга мос келавермаслигини қуйида кўриб чиқамиз.



XIX асрнинг мумтоз тарихчи-шарқшунослари асарларидан тортиб то ҳозирги кунгача Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёки мақола ёзган тадқиқотчилар маъ-

лумотларини илмий таҳлил қиладиган бўлсак, бу мавзу бўйича ҳалигача муаммоли вазиятлар, баҳсли масалалар ва қарашлар хилма-хиллигининг шоҳиди бўламиз. Бунинг асосий сабабларидан бири юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразмнинг Хоразмшоҳ-ануштегинлар даври, яъни мўғуллар давригача бўлган даври тарихини акс эттирувчи ёзма манбалар, адабиётлар жуда кўпчиликни ташкил қилгани, қарашлар хилма-хиллигини келтириб чиқаргани ҳолда, иккинчи сабаби мазкур тадқиқотчиларнинг кўпчилиги асосан Чингизхон ва мўғуллар тарихини ёритиш борасида Жалолиддиннинг унга қарши курашини умуммўғул босқинининг кичик бир қисми сифатида қарашлари ҳисобланади. Яъни, бу хилдаги тадқиқотчилар учун Чингизхоннинг ҳарбий ва сиёсий бошқарув даҳоси олдида Жалолиддиннинг фаолияти кичик бир эпизод холос. Учинчидан эса, ҳар бир тадқиқотчи сўнгги Хоразмшоҳ фаолиятини фақат бир ёки иккита-учта манба маълумотларига таянган ҳолда ёритиши, уларнинг шу манбалар муаллифларининг қарашлари таъсири остига тушиб қолиши ҳамда фақат шу муаллифларнинг фикри тўғри деб нохолис ёндашувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.





Энди Жалолиддин Мангуберди фаолиятининг XIX асрдан то ҳозирги кунгача бўлган давр тадқиқотларида қай даражада акс этганлигини таҳлил қиламиз ва шу асосда унинг фаолиятига қай даражада баҳо берилганлигини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Бу тадқиқотларни ҳам даври ва мазмунига кўра икки гуруҳга бўламиз. Биринчи гуруҳни рус, собиқ совет, МДҲ давлатлари тарихчилари ва хориж тадқиқотчилари тадқиқотлари ташкил қилгани ҳолда, иккинчи гуруҳни эса, ватанимизда собиқ шўро тоталитар тизими даври ҳамда мустақилликдан кейинги ўзбек тадқиқотчилари томонидан қилинган ишлар ташкил қилади. Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, Жалолиддин Мангуберди тарихи акс этган тадқиқотларни турли жиҳатларга (тили, мазмуни, мавзуга муносабати ва





ҳоказо) асосланиб гуруҳларга бўлиш мумкин, аммо биз ўз тадқиқотимизда масала моҳиятини ўта даражада мураккаблаштириб юбормаслик учун шундай гуруҳлашни лозим топдик.

XIX аср ўрталарида Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги илк маълумотни Ғарб тарихига К. Д'Оссон олиб кирган. У 1852 йилда Амстердамда "Мўғулларнинг Чингизхондан Амир Темур давригача тарихи" номли асарини чоп этди. Унда Ан-Насавийнинг "Сийрат ас-султон Жалолиддин Менкбурни" асари ҳақида муфассал маълумотлар бериш жараёнида Жалолиддин Мангуберди шахсига ҳам баҳо бериб ўтган. Аммо у Жувайнийнинг асаридаги фикрига суяниб, Жалолиддиннинг исмини Мангуберди деб талқин қилади. Бунда у "Мангуберди" – "мангу" абадийлик, худо ато қилган мангулик деган маънони беришини таъкидлаган. Аммо кўпчилик олимлар унинг фикрига қўшилмайдилар.



Асли рус ҳарбий зобити бўлган М.И.Иванин ўзининг "Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур" асарининг биринчи қисмида Жалолиддин Мангуберди ҳақида бироз маълумотлар келтириб ўтади[47].

Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва тарихини чуқур ўрганган олимлардан бири бу машҳур рус шарқшунос олими В.В.Бартольд ҳисобланади. У ўзининг "Туркестан в эпоху монгольского нашествия"[48] асарида илк бор Ўрта Осиё тарихини, Хоразмшоҳ-ануштегинийлар тарихини ва Жалолиддин Мангуберди фаолиятини манбалар асосида, ижтимоий ва маиший шароитларга эътибор берган ҳолда ёритади.



[47] Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингис-хане и Тамерлане. СПб., 1875. 252 с.; Яна қаранг: Иванин М.И. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур.// Таржимон А. Маҳкамов. – Тошкент: "Фан", 1994. – 240 б. 51, 56,58,60,61,62, 66, 70

[48] Бартольд В.В. Туркистон в эпоху монгольского нашествия. Ч.І. (Тексты). СПб.: Издательство факультета вост. языков. СПб., ун-та. №4. 1898. 201+1 с. 80. Ч.ІІ. Соч.., Т. ІІ. 1963. – 575+VII с.; Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVIII в.-Сочинения. Т.3. –М.: «Наука», 1965, с.15-94; К вопросу о Чингизидах-христианах. Соч.., Т. ІІ.ч. 2. 1964. – С. 417-418.

Унинг бу асаридан биз ўз мавзумизга оид асосий маълумотларни оламиз. Аммо бу асарнинг кириш қисмида муаллиф китобининг номи мазмунига тўлиқ келмаслигини ёзади. Муаллиф махсус тадқиқот учун мўғуллар босқини даври, Ўрта Осиё тарихининг муҳим даврини олган. Ўрта Осиёнинг ундан аввалги асрлар тарихига эса ўзининг мақсади учун зарур бўлгани қадар мурожаат қилмоқчи эди. Бироқ мавзуга оид адабиётлар билан танишув, муаллифга ўзигача бўлган тадқиқотчиларнинг манбалар бўйича хулосалар қилмаганликларини кўрсатди. Уларсиз эса мўғуллар келганда Ўрта Осиё қай аҳволда эканлигини аниқлаш мушкул эди.



Асарнинг иккинчи қисмида, иккинчи ва учинчи бобларида мўғуллар босқинига қадар Ўрта Осиё, шу жумладан, Хоразмшоҳ-ануштегинийлар тарихи манбалар асосида ёритилган. Асарнинг тўртинчи бобида Чингизхон империяси ва унинг Ўрта Осиёни босиб олиниши тарихи ҳамда у билан боғлиқ ҳолда Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тадқиқ қилинади.



Шу пайтгача Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати ва умуман Жалолиддин Мангуберди ҳақида асарлар ёзган тарихчилар негадир бу тадқиқотчининг Жалолиддин ҳақида юқори баҳо берганлигини ёзадилар[49]. Аммо бу тадқиқотчининг Хоразм ва Хоразмшоҳ-ануштегинийлар тарихини биринчилардан бўлиб чуқур ўрганишга киришганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда шарқ ёзма манбаларини ўрганиш йўлидаги ўрни ва хизматларига ҳурмат билан қараган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, унинг ўрта асрлар Ўрта Осиё тарихига бағишланган фундаментал асарларида юқорида таъкидлаганимиздек, ижобий эмас балки, сўнгги Хоразмшоҳлар Аловуддин Муҳаммад ҳамда Жалолиддин Мангуберди



[49] Жумладан бизнинг юртимиз тарихчиси бўлган О. Машарипов шундай қарашдаги тадқиқотчи сифатида энг янги чоп этилган асарлар жумласига кириб, унинг асарида шу руҳ акс этган: Машарипов О. Хоразмнома. 7 – китоб. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар. – Урганч: "Қуванчбек - Машҳура", 2018. Б.601.



фаолияти тарихига фақат танқидий ёндашилганлигининг гувоҳи бўламиз[50]. Чунки у ҳам мўғуллар босқини даври тарихини кўпроқ Ибн ал-Асир маълумотларига таянган ҳолда тадқиқ қилишга ҳаракат қилган. Ибн ал-Асир эса юқорида кўп бора таъкидлаганимиздек Хоразмшоҳлар-ануштегинийлар сулоласига ва қолаверса, Жалолиддин Мангуберди фаолиятига нисбатан салбий муносабатда бўлган[51]. Буни ан-Насавий ҳам таъкидлаб, Ибн ал- Асирнинг ҳақиқатдан бироз чекинганлигини қайд этган[52].

В.В. Бартольднинг мазкур асарини таҳлил қилар эканмиз, унинг Хоразмнинг мўғуллардан енгилиб, давлатнинг парчаланиб кетиши ва Жалолиддин Мангуберди фаолияти ҳақидаги масалаларда қуйидаги хулосаларга келганлигини кўришимиз мумкин:



– Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз хукмронлиги даврида ҳамда ношуд сиёсати натижасида ҳарбийлар табақаси, руҳонийлар ва халқ оммасини ўзига қарши қилиб қўйди. Салтанат вазири мансабини йўқ қилгач, у ўзининг бюрократиясини ҳам заифлаштирди. У ташқи душманларига қарши чиқиш учун давлат тизимининг бирор бир унсури, аҳолининг бирор бир табақасига таяна олмади ва мағлуб бўлди;

– Чингизхон босқини арафасида Хоразмшоҳлар давлати оғир ички тарқоқликни бошдан кечирарди. Марказий ҳокимият заифлашди. Хоразмшоҳ қўшинига қатъий интизомга эга бўлган, тез ҳаракат тактикаларни ўзлаштирган мўғуллар армияси қарши турган;



– Жалолиддин Мангуберди бир гуруҳ қаҳрамонлар билан жасурлик мўъжизаларини кўрсата олишлари мумкин эди, бироқ катта ҳарбий кучни ўз атрофига тўплай олмади ва қабилалараро этник низолар олдини ола билмади[53].

---

[50] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. -Сочинения. Т.I. – М.: «Наука», 1964. С. 510, 527, 602-603.

[51] Ан – Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б. 9, 371, 375-376.

[52] Ан – Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б. 19.

[53] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. -Сочинения. Т.I. – М.: «Наука», 1964. С. 602-603.

Унинг Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг Чингизхон бошлиқ мўғуллардан енгилишининг ва охир-оқибат парчаланиб кетишининг сабаблари борасидаги бу хулосаларини қисман тўғри деб ҳисоблаймиз. Аммо Хоразмшоҳларнинг мўғуллардан енгилиб, давлат сифатида парчаланиб кетишида Бартольд айбни фақат Муҳаммад Хоразмшоҳга ағдаради ва уни энг асосий айбдор деб кўпгина тадқиқотларида кўп бора таъкидлаб ўтган.



Аммо унинг Жалолиддин Мангуберди тўғрисидаги фикрларини хато деб ҳисоблаймиз. Чунки у ўзининг тадқиқотларида Жалолиддин Мангуберди фаолиятига бир ёқлама баҳо берганлигини ҳамда Жалолиддин Мангубердининг қилган шафқатсизликлари Чингизхон қилган ёвузликлардан ҳам ўтиб тушади, деб нохолис хулосага келганлигини кўришимиз мумкин. Ва аксинча, Чингизхоннинг инсоният тарихидаги энг буюк ҳамда энг донишманд ҳукмдор сифатида талқин қилади[54]. Унинг бу борадаги қарашларининг шаклланишига, Жалолиддин фаолиятига салбий ёндашган Ибн ал-Асир ва грузин-арман тарихчилари қарашлари таъсир қилган, деб хулоса чиқариш мумкин[55].



В.В.Бартольднинг бундай хулосаларга келишининг яна бир сабаби, у ан-Насавий, Жувайний, Ибн ал-Асир ва Рашидиддин асарларидан бошқа асарларга ҳамда улардан кейинги асрлар, яъни XV – XIX асрлар манбаларига умуман ишончсизлик билан қараганлигидадир. Яъни, у кўпгина манбалар билан таниш бўлгани ҳолда, барча манбалар маълумотларини қиёсий таҳлил қилмаган ҳамда бир неча манбалар маълумотларига таянганлиги унинг хулосаларидан кўриниб турибди.



Лекин унинг бу қарашлари кўпгина тарихчилар ичи-

---

[54] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 527.

[55] Тимохин Д.М. К проблеме изучения истории государства хорезмшахов – ануштегинидов в отечественной исторической науке. // История Востоковедения: традиция и современность.// Материалы Всероссийской школы – конференции. М.: ИВ РАН. 2015.С. 97.



да ҳукмрон қарашга айланиб қолганлигидан, унинг тадқиқотлари илмий-танқидий жиҳатдан чуқур ўрганилмаган ва ҳатто, ҳозиргача кўпгина замонавий тадқиқотчилар асарлари ҳамда мақолаларида унинг қарашлари асосида хулосалар чиқарилмоқда[56].

Буни, ҳатто баъзи Жалолиддин Мангуберди мавзуси билан шуғулланувчи бугунги кун тадқиқотчилари ҳам тан оладилар[57].

Хуллас, XX асрнинг деярли 90-йилларгача Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзган олимлар Бартольднинг асари ва унинг хулосаларига боғланиб қолдилар. Шунинг учун кўпгина тарихий асарларда, ҳаттоки мўғуллар босқинига бағишланган асарларда ҳам Жалолиддин Мангуберди сиймосига жуда кам эътибор берилган эди. Айниқса, жамоавий чоп этилган муайян бир давлатлар ёки жаҳон тарихлари асарларида бу ҳолат жуда кучли ва узоқ сақланиб турди[58]. Тан олишимиз керакки, Ўзбекистонда собиқ совет даврида Жалолиддин Мангуберди ҳақида юртимиз тарихчилари ҳам деярли тадқиқотлар олиб бормаганликларининг сабаби шунда бўлса керак.



Аммо бу анъанага зид равишда асарлар ёзиш, яъни Хоразмшоҳ-ануштегинийлар ва Жалолиддин Мангубер-



[56] Тимохин Д.М. Соперник Чингис-хана: хорезмшах Джалал ад-Дин Манкбурны, личность и эпоха. М., 2013. С.320; Чернявский С.Н. Империя хорезмшахов. – М.: Вече, 2018. С.368, с ил.; Машарипов О. Хоразмнома. 7 – китоб. Ватан озодлиги йўлида *шаҳид бўлганлар. – Урганч: "Қуванчбек - Машҳура", 2018. Б.601.*

[57] Тимохин Д.М. К проблеме изучения истории государства хорезмшахов – ануштегинидов в отечественной исторической науке. С. 97; Чернявский С.Н. Империя хорезмшахов. С.5.

[58] История стран зарубежного Востока в средние века / Ред. Ф.М. Ацамба, Е.А. Беляев, И.М. Рейснер, Л.В. Симоновская. – М., 1957.; Всемирная история / Сост. Н.И. Конрад, И.П. Петрушевский, Н.А. Сидорова, Л.В. Черепнин. – М.,1957. Т. 3.; История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в. / Ред. Н.В. Пигулевская, А.Ю. Якубовский, И.П. Петрушевский, Л.В. Строева, А.М. Беленицкий. – Л., 1958.; История Азербайджана */ Ред. И.А. Гусейнов. – Баку, 1958. Т. 1.; История стран Азии и Африки в средние* века / Ред. Ф.М. Ацамба, Л.В. Симоновская. – М., 1968.; История стран зарубежной Азии в средние века / Ред. А.М. Голдобин, Д.И. Гольберг, И.П. Петрушевский. – М., 1970.; История Ирана. / Ред. Э.А. Грантовский, М.А. Дандамаев, М.С. Иванов, Г.А. Кошеленко. – М., 1977.; История Афганистана с древнейших времен до наших дней / Ред. Ю.В. Ганковский. – М., 1982.

ди ҳақидаги совет даврида ҳукмрон қарашларга қарама-қарши фикрлар билдирилган ҳамда Жалолиддин Мангуберди тарихини тўлиқроқ очиб беришга ҳаракат қилинган тадқиқотлар айнан собиқ совет davридаёқ пайдо бўла бошлаган. Жумладан, рус тарихчиси И.П.Петрушевскийнинг "Эроннинг жуда қадим замонлардан XVIII асргача бўлган тарихи" тўпламида чоп этилган "1220 – 1236 йилларда Эроннинг мўғуллар ҳукмронлиги давридаги тарихи" номли катта мақоласида бу ҳолат биринчи бор кузатила бошланди[59]. У В.В.Бартольддан фарқли равишда И.П.Петрушевский ўз тадқиқотларида Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини охиригача ёритади. Шу билан бирга у Жалолиддин Мангубердини моҳир саркарда бўлса ҳам, кучсиз сиёсатчи бўлганлигини таъкидлаш билан бирга Жалолиддинни Чингизхоннинг ва мўғулларнинг ягона муносиб рақиби бўлганлигини тан олади.

Кейинчалик "Татаро-монголы в Азии и Европе" деб номланган тўпламда ҳам кўпгина тадқиқотчилар мўғул босқинига ва шу асосда Жалолиддин Мангуберди сиймосига янгича назар билан қарай бошладилар[60].

Собиқ совет даври машҳур тарихчиларидан Б.Я.Владимирцев ўзининг "Чингизхон" номли тадқиқотида Хоразмшоҳ-ануштегинийлар тарихини жуда кам ёритиш билан бирга бу давлат ҳукмдорларидан фақат Жалолиддин Хоразмшоҳга эътибор қаратган. Аммо у Жалолиддин

---

[59] Петрушевский И.П. Иран под владычеством монголов 1220–1236 гг. // История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. – Л., 1958. – С. 164–211.

[60] Сандаг Ш. Образование единого монгольского государства и Чингисхан // Татаро-монголы в Азии и Европе. – М., 1977. – С. 23–46.; Кычанов Е.И. Монголо-тангутская война и гибель государства Си Ся // Там же. – С. 46–62.; Кутлуков М. Монгольское господство в Восточном Туркестане // Там же. – С. 85–107.; Пикунин М.Г. Чингисхан в Афганистане // Там же. – С. 140–150.; Галстян А.Г. Завоевание Армении монгольскими войсками // Там же. – С. 166–186.; Петрушевский И.П. Поход монгольских войск в Среднюю Азию в 1219–1224 гг. и его последствия // Татаро-монголы в Азии и Европе. – С. 107–140.



ҳақида на ижобий ва на салбий фикр билдирмаган[61].

Худди шундай қараш Э. Хара-Даван ва Е.И.Кычанов асарларида ҳам кузатилади[62].

XX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврга оид бир қатор тадқиқотларда, айниқса, бирор бир давлат ёки сулолалар тарихига бағишланган асарларда Жалолиддин Мангуберди тарихига тўхталиб ўтилган. Аммо уларда ҳам Жалолиддин Мангуберди сиймосига худди В.В.Бартольд қарашлари бўйича бир ёқлама баҳо берилган. Яъни, Жалолиддин шафқатсиз босқинчи сифатида қаралган[63].

Хоразмда давлатчилик масаласи доирасида Жалолиддин Мангуберди сиймосига С.П.Толстов ҳам катта аҳамият берган. Жумладан, у "По следам древнехорезмийской цивилизации"[64] асарида Хоразмшоҳлар ва Жалолиддин Мангуберди ҳақида тўхталиб ўтади.



Унинг яна бир асари "Древний Хорезм"[65] асарида муаллиф Хоразмшоҳлар тарихига археолог олим сифатида ёндашган ва атоқли тарихчи В.Минорский таъбири билан айтганда, Хоразмнинг шон-шуҳратини, унинг буюк тарихий хизматларини кўрсатиш мақсадида бу давлатнинг сиёсий ва ижтимоий тарихига доир баъзи маълумотларни баён қилган.

XX асрнинг 90-йилларигача бўлган давр Жалолиддин Мангуберди тарихи тарихшунослигида юқорида келтириб ўтилган ёзма манбалар таҳлилий ўрганиш-



[61] Владимирцов Б.Я. Чингисхан. 1-е изд. – Петроград, 1922. СПб., 2000.

[62] Хара-Даван Э. Чингисхан как полководец и его наследие. – Белград, 1929. Изд. в России – Элиста, 1991.; Кычанов Е И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – М., 1973;

[63] Гордлевский В.А. Государство Сельджукидов Малой Азии. – М., Л., 1941.; Али-Заде А.К. Социально-экономическая и политическая история Азербайджана XIII–XIV вв. – Баку, 1956.; Али-Заде А.К. Социально-экономическая и политическая история Азербайджана XIII–XIV вв. – Баку, 1956. – С. 13.; Анчабадзе З.В. Из истории средневековой Абхазии (XI–XVII вв.). – Сухуми, 1959.; История Грузии. С древнейших времен до 60-х гг. XIX в. / Сост. Н.А. Бердзенишвили, В.Д. Дондуа, М.К. Думбадзе, Г.А. Меликишвили, Ш.А. Месхиа. – Тб., 1962. Т. I.

[64] Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. - М.: Изд-Во Ан СССР, 1948.-324 с.

[65] С.П.Толстов. Древний Хорезм. -М. –Л., Издание МГУ, 1948.-352 с.

га бағишланган тадқиқотлар ҳам чоп этилган. Афсуски, уларда ҳам Жалолиддин Мангуберди сиймосига янгича қарашлар кузатилмайди[66].

Жалолиддин Мангуберди тарихини нисбатан холисона ўрганишга киришган биринчи тарихчи бу З.Буниёдов ҳисобланади. У илгариги Озарбайжон тарихига бағишланган тадқиқотлари асосида ҳамда Ан-Насавийнинг "Сийрат ас- султон Жалолиддин Манкбурни" асарини ва бошқа манбаларни чуқур таҳлил қилиши натижаси сифатида "Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097 – 1231)" номли асарини чоп қилди[67]. У В.В.Бартольд қарашларидан мутлақо фарқ қилувчи фикр ва хулосалар чиқардики, араб-форс тилларидаги манбалардан ташқари хитой, грузин, арман тилларидаги жуда кўп манбалар маълумотларини жалб қилди. Бунинг натижаси ўлароқ унинг бу асари ҳалигача хоразмшоҳ – ануштегинийлар ҳақидаги асосий асар ҳисобланади ва бу мавзуни тадқиқ қилувчи бирорта тадқиқотчи уни четлаб ўта олмайди. Аммо, бу асарнинг охирги чорагида Жалолиддин фаолиятига нисбатан баъзи нохолис хулосалар чиқарилганлиги кузатилади. Балким, Жалолиддиннинг Жанубий Кавказ ҳудудларнинг талон-тарож қилганлиги бундай муносабатни юзага чиқарган бўлиши мумкин[68].







---

66 Собрание материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. 1. 563.; Собрание материалов, относящихся к истории Золотой Орды / Сост. В.Г. Тизенгаузен. – М.; Л., 1941. Т. II.; Гаффаров А. Из области персидской историографии монгольского периода //Древности Восточные. Труды восточной комиссии Императорского Московского археологического общества / Ред.А.Е. Крымский. Т. IV. – М., 1913. – С. 1–70.; Галстян А.Г. Новые армянские источники о монголах. – М., 1960; Галстян А.Г. Завоевание Армении монгольскими войсками // Татаро-монголы в Азии и Европе. – М., 1977. – С. 166–186.; Гусейнов Р.А. Сирийские источники XII–XIII вв. об Азербайджане. – Баку, 1960.; Обзор источников по истории Азербайджана / Ред. З.М. Буниятов. – Баку, 1964. Персидские исторические тексты. Хрестоматия / Сост. Дж.Ш. Гиунашвили, Д.В. Кацитадзе. – Тб., 1972.; Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. / Ред. Б.А. Ахмедов. – Ташкент, 1988.; Анчабадзе Г.З. Источниковедческие проблемы военной истории Грузии. (Исследование грузинских исторических сочинений). – Тб., 1990.

67 Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, 1097–1231. – М., 1986.; Яна унинг: Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097 – 1231) // А.Аҳмад ва М. Маҳкам таржимаси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – 256 б.

68 Буниёдов З.М. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 253-254.







Бу даврда Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тарихи кўпгина хориж тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Уларга агар Жалолиддин Мангуберди тарихи акс этган манбалар таҳлилига бағишланган асарларни ҳам қўшсак, бундай тадқиқотлар кўпчиликни ташкил қилади. Шунинг учун улар ичида асосийларига тўхталиб ўтамиз.

XX аср инглиз адабиётлари орасида француз муаллифи Рене Краусcет (Груссе)нинг инглиз тилига ўгирилган "Дашт империяси. Марказий Осиё тарихи"[69] асари алоҳида ўрин тутади. Китобда мўғуллар билан боғлиқ воқеалар, Жалолиддиннинг уларга қарши кураши алоҳида боб сифатида берилган.

Краусcетнинг қайд этишича, у, асосан, Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги асосий манбалардан бири бўлган Насавийнинг асаридан фойдаланган. У ўз китобида ушбу асарлардан цитаталар келтиради ва айтарли янги маълумот бермайди. Аммо, Насавийдан фойдалангани учун у Жалолиддин Мангуберди тимсолида мўғулларга қарши курашган қаҳрамон сиймосини кўради. Аммо у ҳам Жалолиддинни моҳир лашкарбоши бўлганлигини тан олиши билан бирга ношуд дипломат бўлганлигини таъкидлаган.

Навбатдаги асар Десмонд Мартиннинг қаламига мансуб "Чингизхоннинг пайдо бўлиши ва унинг Шимолий Хитойни забт этиши"[70] асаридир. Шуни таъкидлаш жоизки, китобнинг илова қисмида берилган "Мовароуннаҳрнинг мўғуллар томонидан забт этилиши" мавзусини ҳисобга олмаганда, асарнинг ўзида Хоразмшоҳлар, хусусан, Чингизхоннинг ҳаёт йўли ва унинг фаолиятини ёритганда муаллиф деярли бутун асар давомида Жалолиддин ёки Хоразмшоҳларни тез-тез тилга олади.

Овен Латтиморенинг қайд этишича, муаллиф Хитой ва

---

[69] Qrousset R.L. Empire des steppes. Paris. 1938.; Груссе Р. Чингисхан. Покоритель вселенной. М.: Молодая гвардия, 2000. С. 94

[70] Desmond Martin. The Rise of Chingiz khan and his conguest of North Chine. Baltimore. The Johns Hopkins Press. 1950.

мўғул манбаларидан фойдаланган. Асар сўнгида хитой, япон ва мўғул адабиётлари рўйхати берилган.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлар олиш мумкин бўлган асарларнинг яна бири Эдгар Кнобличнинг "Оксус ортида. Марказий Осиёнинг археологияси, санъати, архитектураси"[71] асаридир. Китобда муаллиф Крауссет ва бошқаларнинг асарларидан иқтибослар келтиради.

Эдгар Кнобличнинг мазкур асарида тилга олинган воқеалар маҳаллий адабиётлардаги фикрларга мос келади.

Жалолиддин Мангубердининг Парвон жангидан бошлаб, Синд дарёси бўйидаги жангдаги мағлубияти ва Ҳиндистондаги фаолиятига бағишланган П.Жексоннинг "Жалолиддиннинг Хоразм ва мўғуллар кураши жараёнида Панжоб ва Синддаги фаолияти" асарида Жалолиддиннинг Ҳиндистонда қолмасдан Эрон ва Озарбайжонга келишининг сабаб ва оқибатлари таҳлил қилинган[72].

Ж.Бойл таҳрири остида чиққан "Эроннинг Кембриж тарихи" асарининг бешинчи жилдида Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган курашлари тарихи ўз аксини топган. Аммо унда Ўрта Осиё халқларининг қаҳрамонликлари ҳақида сўз очилмаган ва мўғулларга қарши кураш қаҳрамонлари бўлган Темур Малик ва Инонжхонлар ҳақида деярли маълумотлар берилмаган. Тадқиқотда мўғулларнинг Хоразмни "яшин" тезлигидаги босиб олишига алоҳида урғу берилган. Қисқаси у мўғулларнинг ҳарбий санъатига ҳаддан ошиқ баҳо бериб юборган. Бу истилонинг бошқа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний жиҳатларига эътибор берилмаган[73].

---

[71] Knobloch Edgar. Beyond the Oxus. Archaelogy. Art S Architecture of Central Asia. London, 1979.

[72] Jackson P. Jalal ad-Din, the Mongols and the Khwarezmian Conquest Panjab and Sind // Journal of Persian Studies. 1990. № 3–4.

[73] Cambridge History of Iran / red. J.A. Boyle. Cambridge, 1968. Vol. 5. 763 p.



Ғарбий Европа тарихчиларидан яна инглиз шарқшуноси Ж.Малькольмнинг мўғуллар истилоси билан боғлиқ асарини ҳам кўрсатиб ўтишимиз мумкин[74]. Бу асар жуда кўп манбаларга таянилиб ёзилган бўлсада, тарихий воқеалар тартибсиз тарзда келтирилган.

Инглиз генерали П.Сайкснинг "Эрон тарихи" асарида Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларининг забт этилиши ва Жалолиддин Мангубердининг қарши курашлари воқеалари акс этган[75].

Ҳарбий тарихчи бўлган С.С.Уолкернинг мўғулларнинг ҳарбий санъати, стратегияси ва тактикасини таҳлил қилишга ҳаракат қилган асари ҳам биз учун муҳим. Зеро, унда Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъати ҳам ҳарбий зобит нуқтаи назаридан таҳлил қилинган[76].



Немис тарихчиси Х.Хорстнинг Хоразмшоҳ- ануштегинийлар давлати тарихига бағишланган асарида, бу давлатнинг Чингизхон бошлиқ мўғуллар давлатидан енгилиш сабаблари таҳлил қилиниб, унда Жалолиддин Мангубердининг ўрни ва унинг мўғулларга қарши олиб борган курашлари тарихи батафсил таҳлил қилинган[77].

Афсуски, кўпгина мамлакатларда миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида кўплаб тадқиқотлар қилингани ҳолда бизда – собиқ совет тоталитар тизимининг коммунистик мафкураси ғоялари устун шароитида юртимиз олимлари деярли ҳеч қандай махсус асарлар яратмадилар. Совет мафкураси билан йўғрилган "Ватан тарихи" ёки Ўзбекистон тарихларида эса Жалолиддин Мангуберди фаолиятига ниҳоятда кам эътибор



[74] Malkolm G. Tht historu of Persia from the mosn corlu period to the prezent time contaluins and tkouln of the religin government usaaes and ckaracter of the ihha bitant of tbat kina dom vo 1-2? London 1815.

[75] Сайкс П. Торих-е Ирон. Дж.2, тарджомай-е Сейид Мухаммад Таки Гилани. Тегеран 1362.

[76] Уолкер С.С. Чингиз-хан, Пер.с англ.и предисловие А.И.Глебова-Богомолова. Ростов-на-Дону. "Феникс" 1998, С. 116, 122, 124, 128, 130, 133, 136, 139-276, 282-291; Cambridge. History of Iran, vol V, Cambridge, 1986. p.21-48.

[77] Horst H. Die Staatsverwaltung der Grosselğuqen und Horazmsahs (1038–1231). Wiesbaden, 1964. 192 p.

берилди ёки умуман бу китобларда тилга олинмади. Фақат атоқли шоир Мақсуд Шайхзода уруш йилларида “Жалолиддин Мангуберди” драмасини ёзган. Аммо у шу асари учун кейин қатағон қилинди ва асарнинг асл нусхаси эса нашр қилинмасдан қолиб кетди.

Шу даврда Жалолиддин Мангуберди ҳақида яна Тошкентда яшаган рус олими Б.Д.Жуковнинг “Последний хорезмшах. (Из борбы Джелаледдина Менгуберти с монголами)”[78] номли асари чоп қилинди. Аммо бу асар уруш шароитида чоп қилингани учун халқларни немис-фашист босқинчиларига қарши курашга руҳлантириш учун оммабоп- ташвиқот руҳидаги асар вазифасини ўтади, аммо урушдан кейин ноёб китобга айланиб, деярли йўқ бўлиб кетди.

Тадқиқот доирасида Б.Ғафуровнинг “Тожикистон тарихи” ва “Тожиклар” деган асарлари ҳам қимматлидир[79]. Мазкур асарда Хоразмнинг Хоразмшоҳлар ва мўғул ҳукмронлиги даври бой манбалар асосида ёритилган. Шунингдек, Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган.

Мўғуллар ҳақидаги тарихий асарлари билан машҳур ёзувчи В.Ян ҳам Жалолиддин тўғрисида асар ёзган. Аммо шу пайтдаги “халқлар доҳийси” бўлган И.В.Сталинга яхши кўриниш учунми ёки қатағон қилинишидан қўрққанлиги учунми сталинпараст олимлар томонидан бу асарни нашр қилишга рухсат берилмаган. Чунки Сталин асли миллати грузин бўлган.

Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши, юксалиши ва сўнгра емирилиб кетиши нафақат Ўрта Осиё, балки ўрта аср бутун мусулмон Шарқи тарихида муҳим жараён бўлди. Шу сабабдан ҳам бу мавзуга бағишланган

---

[78] Жуков Б.Д. Последний хорезмшах. (Из борбы Джелаледдина Менгуберти с монголами). – Ташкент, 1944.

[79] Гафуров Б.Г.. История таджикского народа в кратком изложении. Т. I. Изд. 3-е исправленное и дополненное. Гос. полит. издат. М.,1955. С. 291-302; Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М., Изд. «Наука», 1972. С. 447-453.

бир қанча тадқиқотлар яратилган. Жумладан, чет эллик олимлардан, хусусан, таркиялик олим Иброҳим Қофас ўғлининг “Хоразмшоҳлар давлати тарихи”[80] китобини тилга олиш мумкин. Муаллиф ўз асарида 1092-1221 йиллар давомида Хоразмшоҳлар давлатида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий воқеаларни батафсил баён қилади. Аммо, тадқиқотда Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда кам маълумот берилган ҳамда тарихчи бу мавзу кейинги тадқиқотлар учун алоҳида мавзу бўлишини таъкидлаб ўтган.

Ҳиндистонлик Раҳула Махапандитанинг “Марказий Осиё тарихи. Бронза асридан (мил.ав. 2900) Чингизхон давригача (милодий 1229)”[81] *китоби дастлаб ҳинд тили*да ёзилган бўлиб, сўнгра уни муаллифнинг ўзи инглиз тилига таржима қилган эди. Китоб 27 бобдан иборат бўлиб, унинг 26 ва 27-боблари Хоразмшоҳлар, хусусан, Жалолиддинга бағишланган.

Муаллиф асарида Хоразмнинг маъмурий бошқаруви, Чингиз билан Хоразмшоҳлар ўртасидаги низо, Жалолиддиннинг қочиши, унинг Парвондаги муваффақияти ва фожиона ўлдирилиши кабиларни алоҳида мавзу сифатида ёритиб берган.

Жалолиддин Мангуберди тарихини чуқур ва холисона ўрганган *яна бир туркиялик олим Ойдин Тонарий* қаламига мансуб “Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври”[82] асари кўпгина асл манбалар, жумладан, арабий, форсий, гуржий ва арманий қўлёзмалари асосида яратилган. Ушбу китобда баён этилган кўпгина воқеа-ҳодисалар, тарихий жараёнлар, ўша замондаги давлат, армия ва

---

[80] Иброҳим Қафес ўғли. Хоразмшоҳлар давлати тарихи. 485 – 618 (1092 – 1221). *Анқара, 1956. (турк тилида). Яна унинг: Хоразмшоҳлар давлати. тарихи 485 – 618* (1092 – 1221). // Туркчадан Назарбек Рафим таржимаси. – Т.: “Navro’z” нашриёти, 2016. – 316 б.

[81] Mahapandita Rahula Sankrityayana. Histoty of Central Asia. Bronze aga (2000 B.C.) To *Chengiz chan (1227 A.D.). New Dehli. 1964.*

[82] Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. (Турк тилидан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси). -Тошкент.: Шарқ, 1999.

адлия ташкилотлари, турли мансабдорлар, маросимлар тўғрисидаги маълумотлар берилади. Унинг бу асари ҳам З.Буниёдов асари каби мавзумизга оид биринчи даражали тадқиқот ҳисобланади.

Эронлик олим С.Дабирнинг инглиз тилида чоп этилган "Султон Жалолиддин Мангуберди" асари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги кунда уни мавзумизга оид муҳим тадқиқот сифатида тадқиқотлар доирасига киритишимиз лозим[83].

Шу билан бир вақтда покистонлик олим Х.Хон, Ироқ олими ал-Убид, эронлик олимлар Д.Сиёқий, А.Р.Ҳамадоний, И.Ҳақимий, иорданиялик Э.А.Латиф ва бошқалар асарларида мўғул истилосининг ва унинг оқибатларига муносабатнинг шарқдаги ҳолати, Жалолиддин Мангубердининг озодлик кураши тарихи масаласи маълум даражада акс этган. Аммо улар тадқиқот доирасига тортилмаган.

Жалолиддин Мангуберди фаолияти тарихига муносабат масаласи XX асрнинг 90-йилларидан кейин маълум сабабларга кўра илгаригига нисбатан ўзгара бошлади. Бундай муносабат Чингизхон ва унинг истилочилик юришлари тарихига нисбатан ҳам ўзгара бошлади. Жумладан, кўпгина тадқиқотчилар шу пайтгача Чингизхоннинг жаҳон тарихидаги ўрнига нохолис муносабатлар шаклланганлигини таъкидлаб, уни энди янгича таҳлил қилиш лозимлигини уқтирмоқдалар. Бундай қарашлар Европа тарихчилари орасида илгаридан ҳам мавжуд бўлсада, эндиликда бу тадқиқотчларнинг Чингизхон шахсини ўта "идеаллаштириш" ҳолатлари кузатилмоқда. Энг ажабланарлиси, бундай "идеаллаштириш"лар мўғул зулми ва мўғул босқини асоратлари энг узоқ сақланган Россия олимлари ичида ҳам кўзга ташлана бошлади.

Муносабатлар ўзгаришининг иккинчи сабаби, совет тоталитар империяси парчаланиб кетгандан сўнг му-

[83] Dabir S. Sultan Djalal ad-Din Horezmshah. Tehran., 1977. 210 p.

стақилликка эришган халқлар энди ҳар қандай мафкуралардан ҳоли тарихни яратишга киришиб кетдилар. Аммо бу ҳолат икки хил ижобий ва салбий қарашларни ҳам шакллантирдики, ижобий қарашлар бу илгариги ёт ғоялардан ҳоли бўлган ва холисона ёндошинилган асосдаги тарихни шакллантириш ҳаракатлари ҳисобланади. Салбий қарашлар сифатида эса бу биринчидан буюк давлатчилик шовинизми мафкурасининг юзага чиқишига, иккинчидан эса ўз миллати тарихини бошқа миллатлар тарихидан устун қўйишга интилиш ва бошқа халқлар тарихига нисбатан янада қадимий эканлиги кўрсатиш каби салбий ҳолатларининг юзага келишига олиб келди. Илгаридан тарихий илдизлари бир бўлишидан қатъий назар баъзи давлатларда машҳур тарихий шахсларни фақат “ўз миллий қаҳрамонлари” эканлигини уқтиришга уринаётган тарихчилар пайдо бўлди. Бундай жараён Россия, Белорусия ва Украина каби давлатлар қаторида, афсуски, бизнинг қўшнимиз бўлган давлатларда ҳам кузатилаётгани ачинарли ҳолат, албатта.

Жумладан, туркманистонлик олим А.Язбердиев ўз асарларида ва мақолаларида салжуқийлар туркманларнинг биринчи буюк сулоласи бўлган бўлса, Ануштегинийлар сулоласи иккинчи буюк туркман сулоласи деган сўзни кўп ишлатган[84]. Шу билан бирга туркман олимларининг аксарияти Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатини “Кўна Урганч туркманлари давлати” деб атаб, бу давлат ҳаётида туркманларнинг ҳал қилувчи рол ўйнаганларини таъкидлайдилар.

Айниқса, Жалолиддин Мангуберди ҳақида асарлар ёзган барча туркман олимлари фақат Жалолиддин Туркман ёки Жалолиддин Мангуберди Туркман сўзларини ишлатадилар.

Тожикистонда эса Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятига муносабат янада бошқача. Тожик олимла-

[84] Язбердыев А. Ануштегин Гарча – основатель династии хорезмских правителей.// Мирас. 2017, № 2. – С. 36 – 59.

ри тарихий шахсларни ҳеч қандай асоссиз ўзлаштириш соҳасида ҳам фаол ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, мўғул босқини ва бу жараён билан боғлиқ равишда мўғуллар босқини ҳақида ёзган аксари тожик олимлари тадқиқотларида Жалолиддин Мангуберди эмас Хўжанд ҳокими Темур Малик мўғулларга қарши курашга раҳбарлик қилган. Уларнинг асосий даъвоси Хўжанд ҳокими Темур Малик тожик халқининг фарзанди бўлиб, аслида мўғулларга қарши кураш қаҳрамони Жалолиддин эмас, Темур Малик бўлган эмиш. Аслида Темур Маликни тожик фарзанди ва миллий қаҳрамони сифатида илк бора Садриддин Айний қўллай бошлаган[85]. Афсуски, замонавий тожик тарихнавислигида бу янада яққол кўзга ташлана бошлади. Жумладан, Муллошо Давлатов ўзининг "Мўғул босқини арафаси ва мўғул босқини даврида Марказий Осиё (1201 – 1223 йиллар)" мавзусидаги докторлик диссертацияси авторефератида жуда кўп бора тожик халқининг мўғулларга қарши кураши сўзини ишлатади. Бу диссертациянинг олтинчи бобини эса "Хуросон тожикларининг мўғулларга қарши кураши" деб номлагани ҳолда, Марв, Нисо, Нишопур, Балх ва Ҳирот шаҳарлари аҳолисини тожиклардан иборат бўлганлигини таъкидлайди[86]. У дастлабки тадқиқотларида Жалолиддинни қаҳрамон сифатида тан олган[87]. Аммо кейинги асарларида у яна Темур Маликни асосий қаҳрамон сифатида кўра бошлади. Жумладан, юқорида келтириб ўтганимиз унинг авторефератида "Жалолиддин Мангубердининг умумий қўмондонлигидаги Темур Малик бошлиқ ватанпарварларнинг мўғулларга қарши мардоновор кураши" деган ибораларни жуда кўп бора келтириб ўтади. Бу тадқиқот-

---

[85] Айни С. А. Темурмалик – герой таджикского народа. Куллиёт, т.5. – Душанбе. 1963.175 с.

[86] *Давлатов Муллошо. Центральная Азия накануне и в период монгольского* нашествия (1201-1223 гг.) // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Душанбе – 2010. – 74 с.

[87] Средневековые письменные памятники о героическом деянии Джалал ад-Дина Манкбурны в Хорасане.//Фарханг, № 5-6, сентябрь-декабрь, 2007. С.13-19.



да Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўпгина шаҳарларида (айниқса, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида) туркий қўшинлар ва саркардалар хоинлик қилган эмиш-у, улар*нинг тожик аҳолиси мардонавор кураш олиб борган*[88].

Шунингдек, у яна ўзининг диссертацияси авторефератининг глоссарий қисмида мўғуллар Хоразмшоҳлар давлати аҳолисига нисбатан ишлатган “сартаул” атамаси тожикларга нисбатан ишлатилган деб таъкидлаган. Аслида эса “савдогар” маъносини билдирувчи бу атамани мўғуллар Хоразмшоҳлар давлати таркибида яшаган барча ўтроқ аҳолига нисбатан қўллашган.

Бундай қарашлар, афсуски, бошқа тожик олимлари тадқиқотларида ҳам кузатилади[89].



Қозоқ ва қирғиз тарихчилари ичида эса Чингизхонни ўзларининг миллий қаҳрамони сифатида талқин қилиш ғоялари кучаймоқда. Бундай қараш давлат сиёсатида *ҳам акс этиб, давлат томонидан 2008 йилда 100 тангалик* пул бирлиги муомалага чиқарилди ва унда Чингизхон тасвири акс этган.

Тарихчи С.Акимбековнинг Чингизхон ҳақидаги асарида, унинг давлатининг Евросиё тарихидаги ўрнига ортиқча баҳо бериб юборилган[90]. Бу эса ўз-ўзидан Жалолиддин Мангуберди фаолиятига нисбатан бошқача қарашларни шакллантириши турган гап.

XX аср охири ва XXI аср бошларида Россия тарихчилари орасида ҳам Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тарихига қизиқиш кучайганлигини кўришимиз мумкин. Бу биз учун қувонарли ҳолат, албатта. Аммо уларнинг кўпчилигида Чингизхон ва мўғуллар босқини тарихига юқорида таъкидлаганимиздек янгича назар би-



---

[88] Давлатов Муллошо. Центральная Азия накануне и в период монгольского нашествия. – С. 42-46, 57-66;

[89] Жумладан: Нурмухаммад Амиршохи. Давлати Куртхои Хирот (1245-1381), Душанбе, «Амри илм», 1996. С. 21-26.; Турсунов Н.О. Таърихи тожикон, Хужанд, 2001, С.424-438; Семь подвигов Темурмалика. Хуросон, Хучанд, 2003. С 404. ва бошқалар.

[90] Акимбеков С.М. История степей: феномен государства Чингисхана в истории *Евразии. Алматы, 2011. 639 с.*

лан қарашларнинг шаклланиши жараёнида, Жалолиддин сиймосига нисбатан қарашлар илгаригидек ўзгармасдан қолган[91]. Айниқса, Чингизхон ва мўғул империясининг "ҳаққоний тарихи"ни ёзиш ва шу асосда мўғуллар босқинига нисбатан илгариги "хато қарашлар"ни бартараф қилиш ишига Татаристон тарихчилари жиддий киришиб кетдилар. Улар ичидан жуда кўплаган "мўғулшунослар", "чингизхоншунослар" етишиб чиқди. Шунинг учун биз Жалолиддин Мангуберди тўғрисида тадқиқотлар олиб борган ёки қисман тўхталиб ўтган тарихчиларнинг ҳаммасини келтириб ўтирмаймиз. Фақат улар ичида энг асосийларига эътиборимизни қаратамиз.

Бундай тадқиқотлар ичида Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти ҳақида махсус тадқиқот олиб борган Д.М.Тимохин ишлари диққатга сазовордир. Муаллиф Жалолиддин Мангуберди фаолияти бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган ва унинг ҳақида 70 га яқин мақола, битта монография чоп қилдирган. У Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлар келтирилган араб-форс ва грузин-арман ёзма манбаларни таҳлил қилиб чиқиш асосида, баъзан В.В.Бартольднинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги фикрларини қораласа, баъзан эса унинг қарашларига қўшилади. Шунинг учун бу тадқиқотлар бизнинг мавзумизни очиб беришда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаган ҳолда ва меҳнатларини ҳурмат қилган ҳолда унинг тадқиқотларидан эҳтиётроқ бўлиб фойдаланиш лозим деб ўйлаймиз. Муаллиф гарчанд араб-форс, арман ва грузин манбаларини таҳлил қилиб Жалолиддиннинг мўғул босқинчиларига қарши курашган энг асосий қаҳрамон бўлганлигини тан олсада, унинг енгилиш сабабларини тушунтиришда якуний хулосага келмаган. Тадқиқотчи ўз асар ва мақолаларида Жалолиддин Мангуберди фаолияти тарихига илгаригидек, яъни, унинг

---

[91] Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. Чингис-хан: личность и эпоха. М., 1995. 272 с.; Султанов Т.И. Чингиз-хан и Чингизиды. Судьба и власть. М., 2006. 448 с.;







моҳир лашкарбоши, аммо, нўноқ сиёсатчи бўлганлиги маъносида муносабатда бўлишдан бутунлай воз кечмаган бўлсада, Жалолиддиннинг кўпгина ҳатти – ҳаракатларига ижобий баҳо беради. Шу билан бирга бошқа манбалар, яъни, мўғул ва хитой манбаларига камроқ эътибор қаратган. *Тўғри, бу манбаларда Жалолиддин Мангуберди* ҳақидаги маълумотлар кам бўлсада, уларнинг бирортасида Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳақида танқидий фикр билдирилмасдан, қайтанга унинг сиймосида муносиб рақиб тимсоли сифатида ҳурмат руҳи сезилади. Муаллиф шу маълумотлардан фойдаланганда унга якуний хулосалар чиқариш имконини берган бўларди[92].

У бир неча йиллар олиб борилган тадқиқотлар самараси ўлароқ, “Соперник Чингиз-хана: хорезмшах Джалал ад-Дин Манкбурны, личность и эпоха” монографиясини нашрдан чиқарди. Бу тарихчи ҳам В.В.Бартольднинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги маълумотларини ва фикрларини ҳамда унга тарихий шахс сифатидаги фаолиятига билдирган муносабатига танқидий ва холислик

[92] Бу ерда бизга унинг барча тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш имконияти йўқлиги учун фақат энг асосийларини келтириб ўтамиз: Тимохин Д.М. Арабо-персидские и кавказские источники XIII – XIV вв. о гибели государства султана Джалал ад-Дина Манкбурны // Единство гуманитарного знания : новый синтез : материалы XIX междунар. науч. конф. Москва, 25 – 27 янв. 2007 г. / Редкол. : М.Ф. Румянцева и др. М., 2007. С. 331 – 334.; Образ султана Джалал ад-Дина Манкбурны в арабо-персидских источниках XIII – XIV вв. // Вопросы истории, историографии, экономики, языкознания и литературы: Сборник аспирантских статей / Редкол.: Э.С. Ефимов и др. М., 2007.С. 303 – 314; Тимохин Д.М. О некоторых неточностях в сочинении Ан-Насави «Сират ас-султан Джалал ад-Дин Манкбурны» // Вспомогательные исторические дисциплины – источниковедение – методология истории в системе гуманитарного *знания: материалы XX междунар. науч. конф. Москва, 31 янв. – 2 февр. 2008г.* : в 2 ч. / Отв. ред. М.Ф. Румянцева и др. М., 2008. ч. 2. С. 615 – 618; Тимохин Д.М. Военная экспансия на территорию Кавказа хорезмшаха Джалал ад-Дина Манкбурны // Иран-наме. 2009. №2. С. 106 – 121; Тимохин Д.М. Арабо-персидские источники и историография о хорезмшахе Джалал ад-Дине Манкбурны: диссерт. на соискание ученой степени кандидата исторических наук. М., 2008. 198 с. Тимохин Д.М. Соперник Чингиз-хана: хорезмшах Джалал ад-Дин Манкбурны, личность и эпоха. М., 2013. 268 с.; Тимохин Д.М. Правления Джалал ад-Дина Манкбурны по данным сочинения ан-Насави // International Symposium on Culture of Governance in the Central and Western Asia. Istanbul, 2015. S. 67-68. Ва шу кабилар.

нуқтаи назаридан қараш лозимлигини таъкидлайди[93]. Шу билан бирга, бу тадқиқотчининг асар ва мақолалари Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги нафақат араб-форс, балки, грузин, арман, албан, Сурия манбаларидаги маълумотларни ҳам кенг жалб қилиш асосида таҳлил қилинганлиги билан диққатга сазовордир. Шу жиҳатдан олганда, тадқиқотимиз библиографиясида унинг барча мақола ва асарларини келтириб ўтишни лозим топдик.

Рус тадқиқотчиларидан яна Р.П.Храпчевскийнинг "Чингизхоннинг ҳарбий давлати" номли тадқиқотида Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда қисқа маълумотлар келтириб ўтсада, муаллиф унга Хоразмшоҳлар давлатининг энг қобилиятли лашкарбошиси сифатида юқори баҳо берган[94].

Т.И.Султоновнинг "Чингизхон ва чингизийлар. Тақдир ва салтанат" номли асарида ҳам худди шу ҳолатни учратамиз. Аммо у Жалолиддин хатти ҳаракатларига ҳеч қандай фикр билдирмаган[95]. Шу билан бирга бу муаллифнинг асарида Чингизхоннинг укаси Хасарнинг у билан келиша олмай ўз уруғларини олиб Хоразмга кўчиб кетгани, аммо у Хоразмшоҳ Алоуддин томонидан ўлдирилиши ҳамда бу воқеанинг Чингизхоннинг Хоразмга қарши уруш бошлашига яна бир сабаб бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтади. Лекин муаллиф бу маълумотни қайси манбадан олганлигини кўрсатмаган[96].

Чингизхон ва мўғулларнинг ҳарбий санъати ва жанг олиб бориш услублари, уларнинг қуролланиши ҳамда мўғул жангчиларининг қурол-яроғ турлари масаласи ҳам доимо жуда кўпчилик тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Чунки уларнинг инсоният тарихида энг катта ҳу-







---

[93] Тимохин Д.М. Соперник Чингиз-хана: хорезмшах Джалал ад-Дин Манкбурны, личность и эпоха. – М., 2013. 268 с.

[94] Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. // (Военно – историческая библиотека).– М.: Изд – во: "АСТ". "ЛЮКС". 2005. – 557, [3] с.

[95] Султанов Т.И. Чингиз-хан и Чингизиды. Судьба и власть. М., 2007. 448 с.

[96] Султанов Т.И. Чингиз-хан и Чингизиды. – С. 435.



дудларни босиб олишга муваффақ бўлганлиги, ўзидан бир неча баробар кучли давлатлар ва қўшинлар устидан қисқа муддатда ва осон ғалабага эришганликлари кишини лол қолдиради. Шу жиҳатдан олганда юқорида таҳлил қилганимиз, Чингизхон ва мўғуллар давлати тарихи ҳақида тўхталиб ўтган деярли барча тадқиқотчилар бу масалага албатта эътибор қаратиб ўтган. Шу жиҳатдан олганда фақат ҳарбий тарих нуқтаи назаридан келиб чиқиб, мўғулларнинг ҳарбий тарихини махсус ўрганган олимлар етишиб чиқди. Бу мавзуни энг аввало рус зобити М.Иванин бошлаб берган бўлиб, ундан кейин бу соҳада ҳам кўплаган мутахассис олимлар тадқиқотлар олиб бордилар ва ҳозиргача олиб бормоқдалар. Биз бу ўринда уларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Зеро, улар ичида баъзиларидагина Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган ва унинг ҳарбий санъати ва қўллаган жанг усуллари ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган. Жумладан, жуда қадим замонлардан бошлаб, то ўрта асрларнинг сўнгги даврларигача бўлган давр жаҳон халқлари ҳарбий санъати масаласига кенг эътибор қаратган олимлардан бири бу М.Горелик ҳисобланади. У бу мавзуда кўп- лаган тадқиқотлар олиб борган ва шулар жумласидан, мўғулларнинг Чингизхон ва унинг авлодлари даври ҳарбий санъати ҳақида ҳам кўплаб рисолалар муаллифи ҳисобланади. Ўз тадқиқотларида у махсус Хоразмшоҳлар-ануштегинийлар, улар билан замондош сулолалар ва давлатлар ҳарбий санъати ҳақида тўхталиб ўтгани ҳолда Чингизхон ва мўғуллар ҳарбий санъатини ўрганиш билан боғлиқликда Жалолиддин Мангуберди ҳарбий стратегияси ва тактикасини очиб беришга ҳаракат қилган[97].





---

[97] Горелик М.В. *Вооружение и военная организация войск Монгольской империи (первая половина XIII в.)*// Золотоордынская цивилизация. № 8. 2015. – С. 38 – 52; Его же: Армии монголо-татар X–XIV вв. Воинское искусство, оружие, снаряжение. М.: Изд-во «Техника-молодежи», 2002. 84 с.; Монгольская латная конница и ее судьба в исторической перспективе // Военное дело Золотой Орды: проблемы и перспективы изучения. Отв. ред. и сост. И.М. Миргалеев. Казань: ООО «Фолиант», Институт истории АН РТ, 2011. С.47–58.

Бу мавзуда юқорида келтириб ўтганимиз Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятини махсус ўрганаётган тарихчи Д.Тимохин ва яна И.Измайлов, Ю.Кулешов, Л.Бобров, А.Сальников ва В.Рохмистров каби рус тарихчилари ҳам ўз тадқиқотларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтиш жараёнида Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтганлар[98].

М.Горелик ва юқоридаги тарихчилар фикрича мўғулларда оғир қуролланган отлиқ жангчиларнинг пайдо бўлиши ва жанг майдонида понадай ёриб кириб зарба бериш ва жанг тақдирини ҳал қилиш усулини мўғуллар айнан Хоразм билан бўлган урушлардан кейин яратганлар[99].

Умуман, россиялик тарихчилар ичида фақат Чингизхон ҳаётига бағишланган ва мўғул босқини воқеаларини акс эттирган тадқиқотлар кўпчиликни ташкил қилиб, Д.Тимохин тадқиқотларини ҳисобга олмаганда, Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда кам маълумотлар мавжуд[100].

---

[98] Измайлов И.Л. Из истории домонгольского и раннезолотоордынского защитного *доспеха волжских булгар // Волжская Булгария и монгольское нашествие. Казань:* Институт языка, литературы и истории АН СССР, 1988. С. 87–102; Кулешов Ю.А. Оборот оружия в Золотой Орде // Золотоордынская цивилизация, №7. Казань, 2014. с. 199-251; Бобров Л.А., Сальников А.В. Тактический прием "тулгама" в военном искусстве монголов XIII в.// Исторический журнал " Былые годы". – Сочи, 2015. № 38(4) – С. 791. – 786 – 796 с.; Рохмистров В.И. Битва на реке Инд – Чингизхан наносит поражение армии хорезмшаха Джелал-ад-Дина (1221 год).// В кн.:Великие сражения Востока: сборник./ ред.-сост. Светлов Р.В. – М.: Яуза: Эксмо, 2009. – С.166-190.

[99] Горелик М.В.Монгольская латная конница и ее судьба в исторической перспективе // Военное дело Золотой Орды: проблемы и перспективы изучения. Отв. ред. и сост. И.М. Миргалеев. Казань: ООО «Фолиант», Институт истории АН РТ, 2011. С.47–58. Измайлов И.Л. Из истории домонгольского и раннезолотоордынского защитного доспеха волжских булгар // Волжская Булгария и монгольское нашествие. Казань: Институт языка, литературы и истории АН СССР, 1988. С. 87–102; Кулешов Ю.А. Оборот оружия в Золотой Орде // Золотоордынская цивилизация, №7. Казань, 2014. с. 199-251; Бобров Л.А., Сальников А.В. Тактический прием "тулгама" в военном искусстве монголов XIII в.// Исторический журнал " Былые годы". – Сочи, 2015. № 38(4) – С. 791. – 786 – 796 с.; Рохмистров В.И. Битва на реке Инд – Чингизхан наносит поражение армии хорезмшаха Джелал-ад-Дина (1221 год).// В кн.:Великие сражения Востока: сборник./ ред.-сост. Светлов Р.В. – М.: Яуза: Эксмо, 2009. – С.166-190.

[100] Жумладан: Чингисиана. Свод свидетельств современников. — М.: Эксмо, 2009. — 728 с.: Крадин Н.Н., Скрынникова Т.Д. Империя Чингис-хана. – М.: Восточная литература, 2006. – 557 с.; Злыгостев В. А. Субэдэй. Всадник, покорявший вселенную. – Уфа, 2011.; Бушков А. Чингисхан. Неизвестная Азия / А. Бушков. — М.: ОЛМА Медиа групп, 2008. — 544 с.; Тарнбул, С. Армия монгольской империи / С. Тарнбул. — М.: АСТ: Астрель, 2003. — 47 с.



Россиялик тадқиқотчилардан яна бири бу С.Чернявский бўлиб, у ўзининг “Хоразмшоҳлар империяси” номли асарида хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати тарихига, шу билан бирга Жалолиддин Мангуберди фаолиятига анча нохолисона ёндашган деб ҳисоблаймиз. Чунки у асл ҳужжатларни тўла-тўкис ўрганмасдан, маълумотларни қиёсий таҳлил қилмасдан туриб масалага бирёқлама ёндашган. Жалолиддин Мангуберди сиймосига нохолис муносабатда бўлиб, Ан-Насавийни ҳам унга бағишланган асарида кўплаб ёлғон маълумотлар келтириб ўтганликда, З. Буниёдовни эса кейинчалик озарбайжон миллатчисига айланиб кетганликда айблайди[101]. Лекин бу асарни ёзишда у айнан ўзи қоралаб турган Ан-Насавийнинг асаридан ва З.Буниёдов каби дунё тан олган тарихчи асаридан фойдаланиб, улардан жуда кўп иқтибослар келтириб ўтади. Тадқиқот библиографиясида ҳам тарихчининг анча кам манба ва адабиётлардан фойдаланганлиги кўриниб турибдики, муаммога бундай ёндошув тадқиқотнинг илмий савиясига ҳам салбий таъсир қилмасдан қолмайди, албатта. Шунинг учун унинг асаридан танқидий ёндошган ҳолда фойдаланиш лозим.



XX аср охири ва XXI аср бошларида хориж давлатлари (Европа, Осиё ва Америка ҳудудларидаги) илмий тадқиқотлар доирасида ҳам МДҲ давлатларидаги каби ҳолат кузатилади. Шунинг учун айнан Жалолиддин Мангуберди ҳақида нашр қилинган бирорта махсус тадқиқотни кўрмадик. Уларда ҳам асосан Чингизхонга ёки мўғуллар истилосига бағишланган асарларда Жалолиддин ҳақида қисқа маълумотлар мавжуд[102].



Энди эса юртимиз олимларининг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги тадқиқотларига тўхталиб ўтамиз.

[101] Чернявский С.Н. Империя хорезмшахов. – М.: “Вече”, 2018. – 368 с.: ил.

[102] Филлипс Э.Д. Монголы. Основатели империи Великих ханов / Пер. с англ. О.И. Перфильева – М.: Центрполиграф, 2004. – 1 74 с.; Уэзерфорд, Дж. Чингисхан и рождение современного мира / Пер. с англ. Е.Лихтенштейна. – М: АСТ; Владимир: ВКТ, 2008. - 493, [3] с., и др.

Ўзбекистонда юқорида айтиб ўтганимиздек, собиқ совет даври тизимидаги мавжуд мафкуравий тўсиқлар таъсирида Жалолиддин Мангуберди тарихи айнан ўз юртида кам ўрганилди.



Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина юрт қаҳрамонлари тарихига жиддий эътибор билан қаралиб бошланди. Бунинг натижаси сифатида, Ўзбекистон ҳукумати Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқатини ва чексиз муҳаббатини қадрлаш ва унинг порлоқ руҳини абадийлаштириш мақсадида 1998 йилда “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида” қарор қабул қилди. Қарорга кўра, ватанпарвар саркарданинг 1999 йилда юбилейи ўтказилиб, унинг юрти Хоразмда унга ҳайкал ўрнатилди, йирик кўча, майдон, жамоат корхоналари ва муассасаларига унинг номи қўйилди. Унинг фаолияти акс этган кўплаган манбалар таржима қилиниб, асарлар ёзилди. Жалолиддин Мангуберди ҳақида видеофильм, достон, пъеса ва бошқалар яратилди. 2000 йилнинг 30 августида “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган. Шу даврдан то ҳозирги кунгача Жалолиддин Мангуберди образини тўла-тўкис очиб бериш ва шу асосда фуқароларда ва айниқса, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини янада ривожтириш ишлари олиб борилди, кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва кўплаб ишлар амалга оширилди. Аммо шундай бўлсада, Жалолиддин Мангуберди ҳақида бир қанча асарлар ёзилган бўлсада, қаҳрамонимиз ҳаётини ҳали тўла-тўкис очиб бера олмаяпмиз. Чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, турли сабабларга кўра нафақат қўшнимиз бўлган МДҲ давлатларида балки, жаҳон миқёсида ҳам Жалолиддин Мангуберди сиймосида ҳақиқий қаҳрамонни кўрмаяптилар ҳамда унинг фаолиятига етарлича баҳо бермаяптилар. Бунинг асосий сабаби эса фақат ўзимизда бўлиб, Жалолиддин Мангуберди ҳақида тўлиқ илмий хулосалар чиқарилган, жаҳон миқёсида илмий савияси











юқори, залворли асарлар ёзишимиз керак. Тўғри, шу пайтгача юртимизда Жалолиддин Хоразмшоҳ тўғрисида ёзилган асарларга баҳо беришнинг ҳам ҳозирча мавриди эмас деб ўйлаймиз (чунки бундай тадқиқотлар ҳозиргача анча кам) ҳамда бу мавзуга қўл урган юртимиз тарихчи, шарқшунос, адабиётшунос, санъатшунос, драматург ва кинорежиссёрлар меҳнатини ҳурмат қилган ҳолда улардан янада илмий жиҳатдан юқори савияли асарларни ёзишларини кутиб қоламиз, холос. Жалолиддиншунослик йўналиши аллақачон шаклланиб бўлган, фақат уни янада бойитишимиз лозим.

Китобнинг муқаддима қисмида келтириб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ана шу заруратдан келиб чиқиб, Жалолиддин Мангубердини дунё миқёсида ижобий жиҳатдан янада кўпроқ таништирувчи, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйновчи асар ёзиш фикрини билдирган эдилар.

Юртимизда шу пайтгача Жалолиддин Мангуберди ҳақида Н.Тошев, Ш Саидов, Ҳ Нурмуҳамедов, Ҳ Содиқов, А.Сотлиқов, О.Машарипов, Ж.Раҳимов каби тарихчилар асарлар ёзган бўлсалар[103], у ҳақида тўпламлар нашр қилинди ҳамда Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихи ва Хоразм тарихига оид бир қатор ҳаммуаллифликдаги тадқиқотлар чоп этилди[104]. Шу билан бирга Жалолид-

[103] Нурёғди Тошев. Жалолиддин Мангуберди. - Т.: Комолот. 1999; Саидов Ш. Султон Жалолиддин Мангуберди давлати ва жанговор ҳаракатлар харитаси. – Тошкент, 2000; Нурмуҳамедов Ҳ. Жалолиддин Мангуберди. – Тошкент, 1999; Жалолиддин Мангуберди (ўзбек, инглиз, рус). Тошкент, 1999; Содиқов Ҳ. Султон Жалолиддин Мангуберди.// Тарихий қисса. – Т.: ART FLEX, 2009. – 54 б.; Сотлиқов А. Хоразмшох Жалолиддин Мангуберди. Хива-1999; Раҳимов Ж. Ватаннинг шерюрак фарзанди. – Тошкент: "Ўқитувчи" НМИУ, "Талқин", 2015. – 528 б. +32 рангли вклейка; Машарипов О. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар. // Хоразмнома. 7-жилд. – Урганч: "Қуванчбек – Машҳура" МЧЖ нашриёти, 2018. – 604 б.

[104] Матниёзов М., Олламов Я. Хоразм давлатчилиги тарихи. – Урганч: УрДУ нашриёти, 2009.–118б.;СаидқуловТ.ЎртаОсиёхалқларитарихинингтарихшунослигиданлавҳалар. -Тошкент.: Ўқитувчи, 1993; Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати (Қадимий тарих саҳифалари). -Тошкент.: Шарқ. 1999; Хорезм в истории государственности Узбекистана – Ташкент: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти", 2013. – 336 с.+32 с (вклейка); Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2018. – 440 б.

дин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тарихи ҳақида маълумотлар берувчи энг муҳим ҳисобланган ёзма манбалар (Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни" ("Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт тафсилоти"), Отамалик Жувайнийнинг "Тарихий жаҳонгўшой" ("Жаҳон фотиҳи тарихи") ва шу кабилар) ўзбекчага таржима қилингани ҳам илм оламида муҳим воқеа бўлди. Юқоридаги тадқиқотчилар асарлари ичида айниқса, Ж. Рахимовнинг 2015 йилда нашрдан чиққан "Ватаннинг шерюрак фарзанди" номли асари жиддий ва салмоқли тадқиқот ҳисобланади.

Аммо афсуски, юртимизда Жалолиддин Мангуберди ҳақида чоп этилган китобларнинг ҳаммаси ҳам мазмуни ва янгича қараш нуқтаи назардан талаб даражасида эмас. Уларнинг кўпчилигида ҳали ҳам эски қарашлар акс этган бўлиб, ёзма манбалар ва мавзуга оид тадқиқотлар маълумотлари илмий таҳлил қилинмаган. Жумладан, муаллифи Абу Абдуллоҳ Шоший бўлган "Мўғул босқини ёхуд мусулмонларнинг қонли кечмиши" номли тадқиқотда тарихий жараёнларга диний нуқтаи назардан ёндашилиб, Жалолиддин Мангуберди фаолиятига фақат танқидий баҳо берилган[105]. Муаллиф тадқиқот муқаддимасида бу китобни ёзиш жараёнида Ибн ал-Асир, ан-Насавий, Рашидиддин, Жувайний, Жузжоний ва айниқса, биз учун ҳали тадқиқот доирасига тортилмаган кўплаган ўрта асрлар ва янги давр араб ва турк манбалари ҳамда тадқиқотлари маълумотларидан фойдаланганини таъкидлаб ўтади. Аммо тадқиқотчи мазкур манбалардан фақат иқтибослар келтириб ўтиш билан чекланиб, улардаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилмаганлиги кўзга ташланади. Тадқиқотда мактаб дарсликларидан иқтибослар келтирилганлиги ҳам тадқиқот мазмунига ва илмийлигига таъсир қилмасдан қолмайди, албатта.

2018 йилда тарихчи О.Машарипов томонидан "Хо-

---

[105] Абу Абдуллоҳ Шоший. Мўғул босқини ёхуд мусулмонларнинг қонли кечмиши. – Электрон манба: IslamHouse. 2012. – 369 б.

размнома" туркумида чоп этилган "Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар" номли китобида ҳам Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти биз кутганимиздек *жиддий ва холисликда тадқиқ қилинмаган. Тўғри, китоб* бевосита Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳаёти ва фаолиятига бағишланмаган. Аммо китобнинг номидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг асосий катта қисмини Жалолиддин Мангуберди тарихи ташкил қилиши лозим эди. Деярли 600 бетдан иборат бу китобда эса Жалолиддин Мангубердига фақат юз бетдан сал кўпроқ саҳифа ажратилган. Энг қизиқарли тарафи, бу китобнинг "Кириш" қисмидан то охиригача мўғулларнинг бостириб киришига ҳам, бу давлатнинг мўғуллардан енгилишига ҳам султон Алоуддин Муҳаммад айбдор эканлиги узлуксиз такрорланаверган. Бу китобнинг мазмун-савиясига ҳам таъсир қилган[106]. Қолаверса, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг мўғуллар босқинидаги айби бу янги илмий кашфиёт эмаски, уни қайта-қайта такрорлайвериш зарур бўлса. Иккинчидан, бу билан муаллиф нафақат Муҳаммад Хоразмшоҳ, балки, Жалолиддин Мангуберди фаолиятига ҳам В.В.Бартольд нигоҳи билан қараб баҳо берганлиги яққол сезилиб турибди. Ҳали юқорида таъкидлаганимиздек, илмий мавзуси Ўрта Осиё тарихи билан боғлиқ бўлган Россиялик *тарихчилар ҳам В.В.Бартольднинг илмий қарашларини,* унинг хулосаларини қайтадан таҳлил қилиш лозимлигини, унинг қарашлари қолипида қолиб кетмасликни таъкидламоқдалар.

Юқоридаги Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ёки унинг тарихи қисман акс этган тадқиқотларни кўриб чиқиш жараёнида шундай хулосага келиндики, Россия, Европа ва Америка олимлари Жалолиддин Мангубердини мўғулларга қарши озодлик курашларини олиб борган қаҳрамон сифатида тан олсаларда, Жалолиддиннинг лаёқатсиз сиёсатчи бўлганлиги-

---

[106] Машарипов О. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар. // Хоразмнома. 7-жилд. – Урганч: "Қуванчбек – Машҳура" МЧЖ нашриёти, 2018. – 604 б.

ни таъкидлашдан нарига ўта олмаяптилар.

Осиё минтақаси олимлари эса Жалолиддин Мангубердини нафақат озодлик курашчиси ёки ватанпарвар саркарда, балки Чингизхоннинг муносиб рақиби ва у билан тенг тура оладиган тарихий шахс сифатида биладилар. Кавказорти давлатларининг, айниқса, Грузия ва Арманистон олимлари тадқиқотларида эса юқоридаги таъкидлаганимиздек, Жалолиддин Мангуберди тарихини ва шу даврлар араб-форс ва ҳаттоки, ўзларининг манбаларини чуқур таҳлил қилмаслик оқибатида Жалолиддин сиймосига нисбатан салбий ёндашув шаклланган.

Марказий Осиёнинг баъзи мустақилликка эришган давлатларида эса мавзумиз доирасидаги тадқиқотларда Жалолиддин Мангуберди уларнинг миллий қаҳрамони бўлганлиги ғояси устун бўлиб келмоқда (Туркманистонда) ёки баъзилари Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг аҳамиятини пасайтириб, ўзларининг бошқа миллий қаҳрамонларини яратмоқдалар (Тожикистонда). Баъзи давлатларда эса Чингизхонни ўзларининг миллий қаҳрамони сифатида талқин қилиш ғоялари кучаймоқда (Қозоғистон ва Қирғизистонда).

Булардан якуний хулоса қилиб, шуни таъкидлаш керакки, Жалолиддин Мангуберди ўз даврида ҳам кейинги даврларда ҳам ва ҳатто келгусида ҳам Ватан озодлиги йўлида толмас курашчи, ватанпарвар саркарда сифатида тарихда қолади. Буни Жалолиддин Мангуберди сиймосига даврлар ўтиши билан қизиқиш янада кучайиб бораёганлигида кўришимиз мумкин.









# II БОБ.
## ХОРАЗМШОҲ - АНУШТЕГИНЛАР ДАВЛАТИ ВА ЧИНГИЗХОН МЎҒУЛ ИМПЕРИЯСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАНАЗЗУЛИ



II.1.

# Хоразмшоҳлар-ануштагинлар давлатининг вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва ривожланиши







XI – XII асрларда Салжуқийлар давлатининг маъмурий чегараси шимолий ва шарқий йўналишларда ҳам анча кенгайиб Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразм унинг таркибида ягона сиёсий-маъмурий бирлик доирасига киритилган эди. Бироқ Ануштегин-Хоразмшоҳлар сулоласининг вакили Алоуддин Отсиз Хоразмшоҳ (1127-1156) мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилди ва шу сабабдан Салжуқийлар давлатининг ҳукмдори Султон Санжар (1118-1157) билан узоқ муддат уруш-талашлар олиб борди. Хоразмшоҳ







Отсиз дастлабки пайтларда ўн йил давомида (1138 йилгача) Султон Санжарга содиқ қолиб, хизмат қилди; сўнгра 1138 йили Манғишлоқни ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги Жанд шаҳрини босиб олди. Султон Санжар бу ҳаракатдан ғазабланиб Хоразмга қўшин тортмоқчи бўлганда, Отсиз кучига кўзи етмай, қилган гуноҳи учун узр сўрашга мажбур бўлди. Лекин кўп ўтмай Отсиз янги чопқинларни бошлади. У 1139 йили Бухорони эгаллади, бироқ Султон Санжар бунга қарши чора кўра олмади, чунки Мовароуннаҳрни қорахитойлар аста-секин эгаллаб, унинг ғарбий қисмига яқинлашмоқда эди. Султон Санжар 1141 йили Самарқанд яқинида қорахитойлар билан бўлган жиддий жангда мағлубиятга учрайди ва Мовароуннаҳр қорахитойлар қўлига ўтди. Бу ҳол Салжуқийлар давлатининг заволини тезлаштирди. Ушбу фурсатдан фойдаланиб Хоразмшоҳ Отсиз шу йилнинг ўзида Салжуқийлар давлатининг пойтахти Марвга бостириб келди; шаҳарни эгаллаб, кўплаб олимларни Хоразмга олиб кетди. Султон Санжар охирги кучларини йиғиб 1143 йили Хоразмга юриш бошлайди ва Гурганжни қамал қилади. Хоразмшоҳ Отсиз узр сўраб, улар яна ярашадилар. Ана шундай уруш-талашлар билан 1156 йили Хоразмшоҳ Отсиз ва 1157-йили Султон Санжар оламдан кўз юмдилар. Султон Санжарнинг вафоти билан салжуқийларнинг Хуросондаги давлати ҳам барҳам топди.

XII асрнинг бошларида, дастлаб Или дарёси хавзаси, сўнгра Иссиқкўл атрофига қорахитойлар келиб ўрнашдилар. Қорахитойлар давлатининг пойтахти Баласоғун шаҳрини эгалладилар ва у қорахитойлар давлатининг бош шаҳри бўлиб қолди. Бу ердан қорахитойлар Мовароуннаҳрга ҳужумлар уюштириб турганлар.

Қорахитойлар келиб чиқиши тўғрисида фанда ягона фикр йўқ. Баъзи тадқиқотчилар уларни Сибирнинг тунгус аҳолисига, бошқалар эса мўғулларга мансуб деб ҳисоблайдилар. Қорахитойлар ўз давлатини дастлаб (қорахитойлар XII аср бошларида Ляоси – Ғарбий Ляо

давлатини тузган, шу пайтда улар қорахитойлар пойтахти Баласоғунни ва Хитой давлатини ҳам эгаллаб олган туркий қидон уруғлари)[107] Еттисув вилоятида барпо қилганлар. Пойтахти Баласоғун шаҳри бўлган. Подшоҳлари "гўрхон" деб юритилган[108].

Ички зиддиятлар оқибатида сиёсий жиҳатдан тобора заифлашиб бораётган Қорахонийлар давлати 1070 йилларда салжуқийлар Султони Маликшоҳ II ҳукмронлиги даврида Салжуқийларга қарам бўлиб қолди[109]. XII асрнинг 40- йиллари бошида шарқдан келган кўчманчи қорахитойлар 1138 йили Хўжанд яқинида қорахонийларни ва 1141 йили Самарқанд атрофида Салжуқийларнинг Султон Санжар бошчилигидаги 30 минглик қўшинини енгиб, Мовароуннаҳр қорахитойлар қўли остига ўтди. Лекин Қорахонийлар давлати бу ерда номига бўлса-да, сақланиб қолди, марказ Самарқанд шаҳри эди. Чунки қорахитойлар Мовароуннаҳрда қолмади ва ўз вакиллари орқали ўлпон олиб туриш билан чекландилар.

Қорахитойлар Хоразмни ҳам эгалладилар. Аммо қорахитойлар Хоразмнинг ички ишларига аралашмай, ўзларига тобе ўлкалардан фақат бож олиш ва ўлпон йиғиш билан кифояландилар. Бунинг эвазига Хоразмшоҳ Отсиз билан қорахитойлар ўртасида шартнома тузилиб, Бухоро Хоразм ихтиёрига ўтди. Отсиз бу билан чекланиб қолмади ва 1152 йили Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида қорахитойлар босиб олган Жанд ва унинг атрофларига қўшин тортиб, у жойларни ўз қўл остига олди. Натижада Хоразмнинг чегараси шимол томонларга қараб анча кенгайди. Умуман, Отсиз бутун ҳукмронлиги давомида Хоразмни мустақил давлат қилиш учун кураш олиб борди, унинг мавқеини кучайтирди.

---

[107] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) (Ашраф Аҳмад ва Маҳкам Маҳмуд таржимаси). –Т.: 1998. –Б. 54.

[108] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т.: 1997. –Б. 98.

[109] Сабурова С. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй.). –Т.: 2008. –Б. 24.

Алоуддин Отсиз вафотидан сўнг (551 /июл-август 1156 й.) унинг сиёсатини унинг ўғли Эл-Арслон ибн Отсиз Хоразмшоҳ (1156-1172) давом эттиради. Эл-Арслон қорахитойларга қарши кураш олиб борди ва бу сиёсатда қорахитойлардан таъқибга учраб, Хоразмдан ҳимоя излаган қарлуқ қабилаларидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилди[110].

Хоразмшоҳ Эл-Арслон 1158 йили катта лашкар билан Мовароуннаҳрга юриш қилди ва Самарқанд вилоятида қорахитойлар билан бўлган тўқнашувда ғалаба қозонди. (Лекин кейинчалик қорахитойлар яна устун келиб, 1171 йили Хоразмга бостириб кирдилар ва Хоразмшоҳ қўшинини мағлуб этдилар.) Ниҳоят, 567 (1171) йилда қорахитойлар қўшини Амударёдан ўтиб, Хоразм чегараларига кириб келдилар. Бундан хабар топган Эл-Арслон тўғонларни очиб, Хоразм пойтахти яқинидаги йўлларни сувга бостиришга фармон берди. Хоразмшоҳ ўз қўшинлари билан Омул томонга чекинди. Ва қорахитойларга қарши жанг қилиш учун Шамсиддин Айёрбек бошчилигида қўшин юборди.

Хоразмшоҳ Эл-Арслон касаллиги туфайли жангда қатнашолмай, Омул шаҳрида қолди[111].

Қорахитойлар Хоразмшоҳлар қўшинларини мағлубиятга учратдилар, амир Айёрбекни асир қилиб, Самарқандга олиб кетдилар. Хоразмшоҳ касал ҳолида пойтахти Гурганжга қайтди. Ҳижрий 567 йил ражаб ойининг 19 куни (1172 й. 17 март) Хоразмшоҳ Эл-Арслон касалликдан вафот этди[112].

---

[110] Бунийдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. –Б. 50.

[111] Бунийдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. –Б. 51.

[112] Бунийдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. –Б. 50-51. Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих (Полный свод истории). Избранные отрывки. – С.270; Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо.(Жаҳон фотиҳи тарихи) – Б. 285; Бироқ Жамол Қарший унинг вафотини 596 рамазон /1199 й. июль- август деб беради. Қаранг: Джамал ал-Карши ал-Мулхакат би-с-сурах. Введение, перевод с арабского-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х.Вохидова, Б.Б.Аминова. История Казахстана *в персидских источниках. / Упоминание о монголъских хаканах и изложение их* истории. Т. I. -Алматы. Дайк-Пресс. 2005. - С. 27, 117-126.

Эл-Арслон вафотидан кейин, унинг ўғиллари Алоуддин Такаш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида Хоразм тахти учун кураш йилларида ҳам Хоразмнинг қорахитойларга ярим қарамлиги сақланиб қолди. Зеро, ака-укалар ўзаро низода гоҳ бири, гоҳ бошқаси қорахитойларга ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Чунончи, Хоразм тахтини дастлаб Султоншоҳ Маҳмуд эгаллайди ва мамлакатни бошқаришда унинг онаси Туркон Хотун бевосита ёрдам бериб турарди. Бу вақтда Эл-Арслоннинг иккинчи ўғли Алоуддин Такаш Жанд шаҳрида ҳоким эди. У укаси Султоншоҳга бўйсунмайди ва ўзини тахтга қонуний ворис деб билади[113]. Туркон Хотун унинг устига қўшин жўнатади. Такаш ёрдам сўраб қорахитойларга мурожаат қилади ва эвазига тўлов тўлаб туришга ваъда беради. Ушбу шарт асосида Такаш қорахитойларнинг лашкари билан Хоразмга келиб тахтни эгаллайди (1172 йил); укаси Султоншоҳ Хуросон томон чекинишга мажбур бўлади. Алоуддин Такиш Хоразмга мустаҳкам ўрнашиб олгандан сўнг қорахитойлар қарамлигидан қутилишнинг йўлини излай бошлайди. Чунки қорахитойлар Хоразмдан ўлпон олишни ва жабр-зулмни тобора кучайтирган эдилар. *1179 йил Такиш мамлакатда бор қорахитойларни қириб* ташлашни буюради.

Бу вазиятдан фойдаланиб, энди Султоншоҳ қорахитойлардан ёрдам сўраб Баласоғунга боради. Бироқ у бошлаб келган қорахитой қўшинлари Такиш билан тенглашишга ожизлик қилади. 1180 йилда Султоншоҳ уларнинг ёрдамида фақат Марв, Сарахс ва ўша атрофларни эгаллаш билан қаноатланади. Ака-укалар ўртасидаги тож-тахт учун кураш узоқ муддатга чўзилиб кетди ва фақат 1193 йил Султоншоҳ Маҳмуднинг вафотидан кейингина Алоуддин Такиш Хоразмнинг ягона подшоси бўлиб қолди[114]. Кейинги йилларда, яъни 1180 йилдан

---

113 Сабурова С. Ануштагин-Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй.). – Т.: 2008. –Б. 25.

114 Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 61.







бошлаб Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш ўз давлатининг шимолий чегараларини мустаҳкамлаб, Жанд шаҳрининг мудофаасини кучайтиради, уни мустаҳкам қўрғон ва йирик савдо марказига айлантирди. Айни пайтда, Такаш қорахитойларга қарши муросасиз кураш олиб бориб, унинг қўшинлари Шарқда қорахитойларнинг пойтахти Баласоғун атрофларигача ҳужум қилдилар[115].

Хоразмшоҳ Такаш "Куффор"ларга қарши жиҳод қилиш ва уларни ислом динига киритишни ўзининг энг асосий ва шарафли вазифаси деб эълон қилган. Унинг бу ҳаракати ҳижрий 576 йил рамазон ойида (1181 й. январ) ёзилган ва Ғур ҳокимига юборилган хатида ёрқин ифодаланган. Хатда Хоразм қўшинлари ўз мамлакати билан чегарадаги қипчоқлар ерига қадар бориш, улар олдига қўйилган вазифани шак-шубҳасиз бажарилиши уқтирилади. Ҳижрий 577 йил муҳаррам ойидан (1181 й. май) ўша Ғур ҳокими номига ёзилган бошқа бир мактубда Хоразм ва қипчоқ қўшинларининг қорахитойларга қарши ҳамкорликда ҳужум қилиш ҳақида гап боради[116].

Бу мактуб мазмунидан кўриниб турибдики, Ороний турк қабилалари йўлбошчиси Алп-Қора бошчилигида ҳадсиз-ҳисобсиз қипчоқлар Жанд чегарасига келганлар ва Хоразмшоҳга хизмат қилиш истагини билдирганлар. Алп-Қора катта ўғли Қиронни, уйғур беклари-ўғлонлари бўлинмаси билан Гурганжга юборади ва бутун уруғ-аймоғи билан Хоразмшоҳ қаерда жанг қил деса, ўша ерда жанг қилишга тайёрлигини билдиради. Такаш вакилларни ҳурмат-иззат билан қабул қилади, қимматбаҳо чопонлар ва совға-саломлар билан сийлайди. Қипчоқларни ўзининг 10 та лашкарбошиси билан Жандга, ўғли Носириддин Маликшоҳ ихтиёрига юборади[117].

Хоразмшоҳ ўғлига Жандда унинг қўл остида бўлган қўшинни қуроллантириб, Алп-Қора жангчилари билан

[115] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 60.

[116] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. –Б. 63.

[117] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. –Б. 63.

бирга қорахитойлар ерларини босиб олишга, эгаллаб турган ерларидан ҳайдаб юборишга ёки қириб ташлашга буйруқ берди[118].

Шу билан бир вақтда ҳижрий 577 йил жумадил–охир (1181 й. октябр) ойида Хоразмшоҳ Такаш Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдори отабек Жаҳон Паҳлавонга мактуб юбориб, унда шу маълумотларни баён этади ва қорахитойларга қарши курашга юборилган қўшинлар Тарозга етиб боргани, Жаҳон Паҳлавоннинг қариндоши бўлган Қирон унинг лашкарбошлари сафида эканини қўшимча қилади.

Ғиёсиддин ал-Ғурий номига ёзилган учинчи хатда Сарахс қўрғонини қамал қилиш учун қўшин юборган шаҳарлар қаторида Хоразмшоҳ Жанд шаҳрини тилга олади.

Кўриниб турибдики, 1180 йилдан бошлаб Хорзмшоҳ қўшинлари қорахитойлар пойтахти Баласоғун атрофларига эмас, (Сиғноқ малиги қўшинлари билан ҳамкорликда) ичкарироққа кириб борганлар. Худди шу вақтда, ҳижрий 578 йил 12 жумадил охир (1182 й. 14 октябр)да Хоразмшоҳ Мовароуннаҳр устига юриш қилади ва Бухорони босиб олади[119].

Султон Такеш жон берар чоғида, ўғли Қутбиддин Алоуддин Муҳаммадга бирлашган мустаҳкам давлат ва ташкилий жиҳатдан қудратли қўшинни мерос қолдирган эди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад 1200 йилда тахтга ўтиргандан бошлаб, унинг асосий душманлари қорахитойлар билан 1206 – 1210 йиллар давом уруш олиб бориб, уларни енгди ҳамда Талос водийсигача бўлган ҳудудни эгаллади. 1212 йили эса Мовароуннаҳрда қорахонийлар ҳукмронлигини ҳам батамом тугатиб, ўз давлатининг чегараларини то Қошғаргача кенгайтирди. Қорахитой-

---

[118] Сабурова С. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй.). –Т.: 2008. –Б. 26.

[119] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. –Б. 64.







лар давлатининг Шарқий қисмларини эса, найман қабиласининг бошлиғи Кучлук эгаллаган эди. У қарлуқлар билан бирлашиб, қорахитойларга қарши қаттиқ зарба берди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Хоразмшоҳга улкан давлат мерос қолди. Манбалардан кўриниб турибдики, унинг ҳукмронлигининг дастлабки даврлари жуда муваффақиятли кечган. Аммо 1212 йилдан бошлаб, у энг аввало ички сиёсатда, кейинчалик ташқи сиёсатда ҳам бир қатор муваффақиятсизликларга учрай бошлади. Бу, айниқса, бир тарафдан ўзининг онаси Туркон Хотунга боғланиб қолганлигида, иккинчи тарафдан у билан ҳокимият учун кураш олиб борганлигида яққол ўз ифодасини топди.

Тарихчи олим Зиё Буниёдовнинг ёзишича: "Мўғуллар истилоси арафасида Хоразмшоҳлар давлатида ўзига хос диархия – иккиҳокимлик тузуми юзага келди: мутлақ ҳукмдор деб Хоразмшоҳ Султон Алоуддин Муҳаммад ҳисобланарди, аслида у онаси Туркон Хотуннинг тўла итоатида эди. Туркон Хотун эса давлатнинг ички ва ташқи ишларида иккинчи ҳукмдор эди, дейиш мумкин, айрим масалаларда ҳатто ўғлига мухолиф эди ҳам"[120]. Аммо шу ерда воқеалар ривожини тўхтатиб туриб, Хоразмшоҳ-ануштегинлар давлатининг сиёсий бошқарув тизимининг қандай бўлганлиги хусусида сўз юритамиз. Зеро, Хоразмшоҳларнинг давлат бошқарув тизими Муҳаммад Хоразмшоҳдан бошлаб, маълум ўзгаришларга учради ва юқорида таъкидлаганимиз, ички сиёсатдаги бошланган инқирозларда бошқарув тизимининг инқирози ҳал қилувчи рол ўйнаган. З.Буниёдов ҳам Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлиги даврини таърифлаб ўтганидан кейиноқ, Хоразмшоҳларнинг ҳарбий ва давлат бошқарувини таърифлашга ўтган. Биз ҳам шундан келиб чиқиб, ануштегинийлар давлат бошқаруви қандай бўлганлигини таҳлил қиламиз. Бу давлатнинг ҳарбий тизи-

[120] Буниёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. – Б.159.

ми ҳақида эса қуйироқда махсус бобда тўхталиб ўтамиз. Шу билан бирга сарой ва давлат бошқаруви маласини очиб бериш жараёнида, Муҳаммад Хоразмшоҳ даври давлат бошқарув тизимини ҳам, сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди даври бошқарув тизими ҳамда бу соҳага киритган ўзгаришларни ҳам келтириб ўтдик.



Хоразмшоҳлар давлатининг бир қадар кучайиши Алоуддин Такеш фаолиятининг натижаси бўлди. Бу эса узоқ давом этган оғир жанглар натижасида, шунингдек, якка ҳокимлик учун курашларда қўлга киритилди: Текеш мамлакат тахтига даъвогар биродари Султон Маҳмудшоҳга қарши йигирма йилга яқин кураш олиб борди[121]. Манбаларнинг хабар беришича, Хоразмшоҳ қаерда бўлмасин ўша ер аҳолиси унинг идора усули ва кўрган маъмурий чораларидан мамнун бўлган. Такеш давридаги ҳокимият марказлашуви ўлпон тўлайдиган халқ аҳволини анча енгиллаштирган кўринади.



Такеш даврида давлат маъмурий идора бошқаруви қатъиятлиги ва тартиб интизоми билан ажралиб туради. Давлат қўшини қанғли, қипчоқ, ороний ва бошқа қабилалардан иборат ёлланма турк қўшини бир неча марта кучли ва жанговар тажрибага эга эканлигини кўрсатди. Жанг пайтларида, кўпинча, Такешнинг ўзи раҳбарлик қиларди.

Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бағдодий томонидан тузилган расмий ҳужжатлар тўпламида Хоразмшоҳнинг "буюк Отабек Шамс уд-давла ва-д-дин Ироқ Паҳлавони"га ёзилган тўрт мактуби сақланиб қолган. Тўрт мактуб ҳам дўстпарварлик руҳи билан суғорилган, уларда Текешнинг Отабек билан тинч-тотув муносабатда бўлишдан манфаатдорлиги сезилади. Хоразмшоҳ отабекка "олий насаб қардош" (биродари ҳумойун) деб мурожаат қилади[122].



[121] Қаранг: Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-Сурах. Введение, перевод с арабского и персидского, текст, факсимиле и комментарии и указатели. – Алматы: Дайк-Пресс. 2005. – С. 116-117.

[122] Китоб ат-Тавассул ила-т-тарассул. Бо саъй ва эҳтимоми Баҳманёр ва муқаддимайи Мирзо Муҳаммадхон Қазвини. Теҳрон, 1315/1936. Баъзи ҳужжатларнинг нашри: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. I. Тексты (Иншā). СПб., 1898. – С. 73-82.







Ануштегинийлар даврида ҳам давлат бошқарувида илгари кўриб ўтилган сулолалар бошқарувидан фарқли тизим бўлмаган. Зеро, бир томондан, сулолалар ўзгариши билан воқелик, яъни анъаналар шундайлигича қолаверган, иккинчи томондан, ануштегинийлар маълум муддат салжуқийлар даргоҳи билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлганликлари учун улардаги бошқарув тизими тажрибасини ўзлаштиришлари қийин бўлган. Демак, давлат бошқаруви икки тизимдан: олий даргоҳ ва девонлар *мажмуидан иборат бўлган*[123].

Давлат ташкилоти, яъни маъмурий бошқарув тизими сарой, девон(лар), ўрду (қўшин) ва қазоват (қозилик)дан иборат бўлган.

Ижроия ишларини девонлар, (вазирликлар) олиб бориб, бу тизим тепасида вазир (бош вазир) турган[124].

Сарой бошқаруви. Хоразмшоҳлар (Такеш, Алоуддин Муҳаммад ва Жалолиддин) моҳият эътибори билан эроний ва туркий – ислом султонларига хос салоҳият, қобилиятларни ўзида мужассамлаштирган бир ҳукмдор – султон[125] эдилар.

Кўпгина форс ва туркий-ислом давлатларида бўлгани сингари, Хоразмшоҳларда ҳам салтанат ворислиги масаласи маълум бир тамойилларга боғлиқ бўлмаган. Шунга қарамай, султон кўпинча катта ўғлини валиаҳд қилиб тайинлаб, бошқа шаҳзода ва юксак мартабали аъёнларни валиаҳдга итоат қилиш тўғрисида қасамёд эттирарди. Маълумки, султон Алоуддин Муҳаммад онаси Туркон Хотуннинг тазйиқи остида катта ўғли Жалолиддинни эмас, балки кичик ўғли Ўзлоқшоҳни валиаҳд этиб тайинлаган эди. Мўғул истилоси вақтида султон Хазар денгизидаги Абискин оролига қочди. Туркон Хотун эса мўғулларга асир

---

[123] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Тошкент.: Шарқ. 2000. – Б.144.

[124] Низомул-мулк. Сияр ал-мулук (Сиёсатнома)./ Форс-тожик тилидан таржимонлар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, Афтондил Эркинов. Иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 27-36.

[125] Султон ва халифа ўртасидаги тафовутлар ҳақида қаранг: Бартольд В.В. Халиф и султан. // Сочинения. Т. VI. – Москва: Наука, 1966. – С. 15-78.

тушади. Султон ўлимидан бир неча кун олдин ўғиллари Жалолиддин, Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳни ҳузурига чорлаб, Жалолиддин Мангубердини ворис қилиб, ўз қўли билан қиличини ўғлининг белига боғлаб қўяди[126]. Шу тариқа Жалолиддин валиаҳд қилиб тайин этилади. Бироқ Жалолиддин Абискиндан чиқиб, укалари билан Гурганчжга борган вақтида биродарларининг фитнасига дуч келди ва пойтахтни тарк қилишга мажбур бўлди[127]. Оқибатда Жалолиддин учун байъат ва жулус, яъни қасамёд ва тахтга чиқиш маросими ўтказилмай қолди. Жалолиддин бу маросимни фақат уч йилдан кейин Ҳиндистондан қайтиб, укаси Ғиёсиддин Пиршоҳни ва Хоразмшоҳлар империясининг Эрондаги эски вассалларини бўйсундирганидан сўнггина Ғиёсиддиннинг чодирида ўтказа олди, холос. Хонлар, маликлар, амирлар кафанлари ва қиличларини бўйнига илиб, пешоналарини ерга теккизгудай таъзим этиб қасамёд қилдилар[128].

Шу тариқа Жалолиддиннинг байъат[129] ва тахтга чиқиш маросими у валиаҳдликка тайин этилганидан сўнг анча узоқ муддатдан кейин амалга оширилди ва Жалолиддин қонуний султон сифатига эга бўлди.

Ҳукмдорнинг ҳокимият рамзи бўлган унсурлар турли-тумандир. Бу рамзлар икки: маънавий ва моддий унсурлардан иборат. "Унвонлар" ва "Хутба" маънавий унсурлар сирасига киради. Моддий унсурлар эса: "Сикка" (танга зарб этиш), "Тахт", "Тож", "Шамсия", "Либос", "Байроқ", "Ҳарбий мусиқа марши", "Туғ", "Камар", "Сарой-Боргоҳ" ва "Чодир-Саропарда-Юрта"дан иборат бўлган.

---

[126] Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.- Тошкент: O'zbekiston, 2006.– Б. 78-79.

[127] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. – Б. 80.

[128] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.– Б. 123-124.

[129] Байъат – қабул ва тасдиқдан иборат маросимдир. Тарихан бу ҳукмдорга итоатни билдирган. Бу маросим ҳукмдор ҳузурида ер ўпиш тариқасида, қуръонни қўлга олиб, кўпинча эса қилич ва кафанлик матони бўйинга осиб ижро этилган.







Ҳукмдорнинг қабул маросимлари (церемониал, рўзи бор, рўзи бордиҳи) саройда ёки чодирда ўтказилган[130].

Ҳукмдорнинг расмий ва шахсий ҳаёт кечирадиган ва бу ҳаёт учун керакли расм-русумларни ўтказишга масъул шахслар ишлайдиган бинога сарой/боргоҳ дейилган. Сарой икки – саломхона ва девондан иборат бўлган. Ҳарамда султоннинг никоҳида бўлган умр йўлдошлари ва жориялари яшаган. Манбаларда ҳарам ҳақида маълумотлар ҳам жуда кўп. Улардан султоннинг аёллари ва жорияларининг номлари, фарзандаларининг номлари, хотинларининг қайси уруғ ва қабиладан эканлари ҳақида маълумот олишимиз мумкин[131]. Саломхонада ҳукмдорнинг расмий ёки ғайрирасмий қабул маросимлари ўтказилган.

Хоразмшоҳларнинг саройлари Хоразм, Самарқанд, Табризда, шунингдек, бошқа йирик шаҳарларда ҳам ҳокимлар саройларида улар қўнишлари мумкин эди. Афтидан, бу саройларнинг баъзилари султон томонидан барпо этилмаган. Хоразмшоҳлар олдинги ҳукмдорлардан қолган саройлардан ёки забт этган шаҳарлардаги саройлардан *фойдаланган.*

Ҳукмдор саёҳат ёки сафарга чиққан вақтларда унинг учун катта бир чодир/юрта тикланар эди. Чодирда ҳам саройдагига ўхшаш ҳаёт кечирилган. Сарой ташкилотига мансуб амалдорлар бу ерда ҳам ўз вазифаларини ўтайверганлар. Султон сафарга чиққанида ҳарами ва хазинасини бирга олиб юрган. Вазият, шароит тақозосига кўра, Хоразмшоҳлар бутун умр тўхтовсиз юришда бўлган. Шунга кўра, уларнинг ҳаёти саройдан кўра, кўпроқ чодирда кечди, деса бўлаверади.

Ҳукмдорнинг сарой ёхуд чодирда ўтказган қабул маросимлари шартли равишда икки хил: расмий ва ғайрирасмий маросим бўлган. Айни чоғда султоннинг барча қабул маросимларини расмий ёки ғайрирасмий деб

---

[130] Низом ул-мулк. Сиёсатнома.– Б. 20-27.

[131] Низомул-мулк. Сияр ал-мулук. / Форс-тожик тилидан таржимонлар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, Афтондил Эркинов. Иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 165-173

кескин фарқлаш мушкул. Сарой хизматчилари расмий маросимларда ҳам, ғайрирасмий маросимларда ҳам ўз вазифасини ўташда давом этаверган. Ҳукмдорнинг ҳокимият рамзлари расмий ва ғайрирасмий қабулларда бирдек қўлланилган.

Расмий қабул маросимлари “рўзи бор” (қабул куни) да бўлиб ўтган. Вазир, давлат аркони, чет эл ҳукмдорлари ва вассал ҳукмдорлар, элчилар, маслаҳат кенгаши, раиятнинг қабули, зиёфатлар (хос ва ом қабули[132]) ана шундай маросимлардан эди.

Айш-ишрат мажлислари ва хилват эса ғайрирасмий қабул маросимлари сирасига кирган[133]. Расмий ва норасмий қабулларда саройда (ёки чодир, юртада) султон, соқчилари, унинг вазирлари барча ходимлари, аъён ва ашроф, ҳарбийлар, вилоят ҳукмдорлари, элчи ва меҳмонлар, уламонинг қатъий белгиланган жойлари бўлгани манбаларда акс эттирилган. Уларнинг жойлари қатъий равишда султоннинг орқаси, икки томони рўпара, ўриндиқ ёки тик туриш билан белгиланган эди.





Буюк Девон / Девони Олий ҳукумат идорасининг энг олий органи бўлган. Вазир, соҳиби девони давлат, соҳиби девони иншо, соҳиби девони истифо, соҳиби девони ишраф, соҳиби девони арз Буюк девон аъзолари бўлган. Буюк девон давлат ишлари муҳокама этилган ва қарорлар чиқарилган бир кенгашдир. Бироқ шуниси шубҳасизки, узил-кесил қарорни султоннинг ўзи чиқарган. Вилоятларнинг ноиб ва вазирлари Буюк девонга боғлиқ бўлган. Султоннинг амри билан юқорида номлари тилга олинган мақом эгалари устидан Буюк девонда тафтиш ўтказилиши мумкин эди. Бундай мисоллар манбаларда кўп келтирилган[134].



[132] Низомул-мулк. Сияр ал-мулук. / Форс-тожик тилидан таржимонлар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, Афтондил Эркинов. Иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 101-115.

[133] Ўша асар. – Б. 115 (Шароб ичиш тартиби ва қоидалари ҳақида).

[134] Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. -Тошкент: O'zbekiston, 2006. – Б. 177, 205-207 ва б.



Соҳиби девон. Анъанага кўра, вазирдан кейинги олий мансаб эгаси бўлган. Соҳиби девон вилоятлар ноиблари ва вазирларининг мурожаатларини девонга оширган ва девон аъзоси сифатида девонга тақдим этилган масалаларнинг аҳамиятини орттирган.

Лавозимининг аҳамияти, мавқеига кўра, қуйидаги девонлар мавжуд бўлган: Девони иншо, девони истифо, девони ишраф, девони арз ва девони назр.

Девони иншо. Давлатнинг ташқи ва ички ишлари юзасидан васиқалар ҳозирлаш, алоқани бошқариб туриш шу ташкилотнинг вазифаси эди. Бу девоннинг бошлиғига "мунший" дейилган. Шифрланган мактубларни ёзиш ва ўқиш муншийнинг вазифаларидан эди. Бундан ташқари, мунший султоннинг мактубларини ҳам ёзиб борган. Муншийга "соҳиби девони иншо" ҳам дейилган.



Котиб ал-иншо мансаби халифаликдаги сарой лавозимлари ичида энг қадимгиларидан бири ҳисобланган. Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида мамлакат ичкарисидаги ҳамда бошқа давлатлар вакиллари билан ёзишмалар, ҳужжатлар девон ал-иншо ёки девон ат-туғрода тайёрланган. Девон бошлиғи қасидагўйлик усулини мукаммал билган одам бўлган. Ҳужжатлар тайёрланганда унинг мазмуни билан бирга шаклига ҳам алоҳида аҳамият берилган[135].

Девони истифо. Бу ташкилот давлатнинг бутун молиявий ишларини юритган ва бошқариб турган. Девон бошлиғига "соҳиби девони истифо" ёки "муставофий" (яъни дафтардор) ҳам дейилган.



Юқорида эслатганимиз Фахриддин Али ибн Абул Қосим ал-Жандий Жандда девонда бир қанча вақт хазиначилар ноиби (муставофий) бўлиб хизмат қилди[136]. Муставфий – мамлакатнинг чекка ўлкаларидаги молиявий ишлар раҳбари (девон ул-истифо) молиявий маслаҳатчи[137].

[135] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.– Б.305.

[136] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. 44-боб. – Б. 127.

[137] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. – Б.336.

Девони ишраф. Бу ташкилот давлат даражалари, идораларини тафтиш қилиб турган. Бошлиғига "соҳиби девони ишраф" ёки "мушриф" дейилган.

Девони арз. Бу ташкилот қўшин бошқаруви, ҳарбийларнинг иқтолари, даромадлари, маошлари ва ҳарбий қисмларг анжомларининг қайди ва назорати билан шуғулланган. Бу девоннинг бошлиғига "соҳиби девони арз" ёки "ариз" ҳам дейилган.

Девони назр молиявий масалалар билан шуғулланган. Бу мансаб тўғрисида етарли маълумот йўқ. Девони назарнинг бошлиғига "нозир" дейишган[138].

Маншур – девон ишларини юритишга масъул шахс. У девондан чиқадиган ҳар бир фармон, ёрлиқни назорат қилган.

Вилоятларни бошқарувчи вазирлар ҳам давлатнинг катта амалдорлари эдилар. Бу вазирлик мансаби вилоят ёки шаҳарларда ноибликдан кейин иккинчи ўринда турган. Бу раҳбарлик лавозими фақат Хоразмшоҳлар давлатидагина мавжуд бўлган[139]. Бу мансабда ўша давр қоидасига мувофиқ туркийлар қўйилмаган. Бу вазирлар Хоразмшоҳга ёки унинг вазирига бўйсунган. Ушбу лавозим салжуқийлар саройидаги вакил мансабига тўғри келган. Жумладан, ан-Насавий бир пайтлар Наса вазири бўлган[140].

Вазир вилоятнинг энг ваколатли бошлиғи бўлган. Бу лавозимга обрўли, юксак мартабали одамлар қўйилганига қараб, ё Хоразмшоҳни ўзига қарашли ер-сув ёки сиёсий жиҳатдан муҳим мавқе тутган вилоят ва шаҳарларни бошқарганлар.

Пойтахтдаги сингари, вилоятларда ҳам вазирга қарашли бир оз кичикроқ девонлар бўлган. Девони вилоят

---

[138] Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. (Турк тилидан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси). Т.: Шарқ, 1999.– Б.86.

[139] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. – Б. 312. Яна қаранг: З.Буниёдов Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б.128.

[140] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. 65-боб. – Б. 181 ва кейингилари.







– девони истифо, девони ишраф, девони назар ва девони арз каби идоралар мавжуд эди.

Вилоятда вазирдан кейин энг нуфузли мансаб эгаси омил бўлгани ҳақида маълумот мавжуд. Омил "волий" маъносида ишлатилган. Омил бошқарувчи ёки ноиб каби ваколатга эга бўлган ва асосан солиқ тўплаш билан шуғулланган. Унинг бундан ташқари, баъзи бошқарув ваколатлари ҳам бўлганлиги маълум[141].

Жалолиддин Хоразмшоҳ даврида қуйидаги ноиб ва вазирлар бевосита марказга боғлиқ бўлган: Ироқи Ажам ноиблиги, Хуросон вазирлиги, Мозандарон вазирлиги, Табриз вазирлиги, Наса вазирлиги, Нишопур вазирлиги. Бинобарин, Эроннинг Озарбайжон, Аррон, Ироқи Ажам, Хуросон, Мозандарон, Наса, Нишопур, Кирмон, Форс вилоятлари Жалолиддинга қараган[178].

Отабек – "ота" ва "бек" сўзларидан ташкил топган. Бу унвон, дастлаб, салжуқийлар даврида жорий этилди. Дастлаб, салжуқийларнинг машҳур вазири Низомулмулкка шу унвон берилган эди. Манбалардан маълум бўлишича, отабеклик салжуқийлар даврида юксак унвон эди. Султонлар империя ҳудудларини сулола аъзоларига тақсимлаб берган вақтларида кичик ёшдаги шаҳзодаларга васий ва мураббий сифатида отабек тайинлар эдилар. Улар ўз хизмати, садоқати ва куч-қудрати билан танилиб, буюк амир даражасига кўтарилган қўмондон орасидан танлаб олинарди. Отабекликка асосан юқори лавозимда ишлаб турган обрўли ўғуз беклари ёки султон мамлуклари тайинланган. Салжуқийлар давлати бунинг ёрқин мисолидир. Масалан, Алоуддин Қайқубод Ғиёсиддин Кайхусравга янги забт қилинган Арзинжон вилоятини берган вақтида унга Муборизиддин Эртўқўшни отабек этиб тайинлаган эди. Отабеклар мустақил бир ҳукмдор ноиби мақомида турардилар.

---

[141] Низомул-мулк. Сияр ал-мулук. / Форс-тожик тилидан таржимонлар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, Афтондил Эркинов. Иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 50-62.

Шиҳна – вилоятнинг жамоат тартибини сақлаш билан шуғулланган. У халқнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигини таъминлаган, омилга солиқ йиғиш масалаларида ёрдам берган. Афтидан, шихна ҳарбий тоифага мансуб бўлган. Булардан ташқари, раис лавозими ҳам бор эди.

Раис – бу лавозим ҳар бир қалъа, шаҳар ва туманда бўлган. Бу лавозим эгаси шаҳарнинг обрўли кишилари орасидан маҳаллий аҳоли томонидан сайланган ва шаҳар миқёсида шиҳна вазифасини ўтаган. Раислар вилоят волийсига бўйсунган. Бу ўринда раислар раҳбарини тайинлаш Хоразмшоҳлар давлати миқёсида амалга оширилган фавқулодда ҳол деб қараш мумкин[142].

Муҳтасиб – шаҳарнинг бозорларини назорат қилган ва шаҳарни бошқариш билан боғлиқ вазифаларни бажарган. Маҳсулотлар, гўшт, меваларни текширувчи, озодалик ишлари учун масъул ҳамда аҳолининг ахлоқий ишлари бўйича кузатувчи бўлган. Бу мансабга аксарият ҳолларда маърифатли одамлар, фақиҳлар сингари олимлар орасидан имом унвонига эга бўлганлар қўйилган[143].

Ҳожиб – уммавийлар давридан эътиборан кўпгина ислом давлатларида мавжуд бўлган лавозимдир. Барча туркий давлатларида бу мансаб амалда бўлган. Ҳожибларнинг энг каттасига "амири ҳожиб" ёки "малик ул-ҳажжаб" дейилган. Салжуқийларда турк ғуломлари орасидан чиққан ҳожиблар бошлиғи – ҳожиби бузург саройнинг энг юксак мартабаларидан бири бўлган. Буюк салжуқийлар империясида ва унга қарам бошқа туркий давлатларда ҳожиблик муассасаси бевосита сомонийлар ва ғазнавийлар таъсири остида юзага келган. Салжуқийларда сарой ҳожиби ва унинг қўли остидаги ҳожиблар вазифаси асос эътибори билан саройда ташриф маросимларини йўлга қўйишдан иборат бўлган.







---

[142] Низомул-мулк. Сияр ал-мулук.– Б. 50-62. Ан-Насавий. Кўрсатилган асар, муқаддима, 302. Яна қаранг: Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври.. –Б. 87.

[143] Ойдин Тонарий. Кўрсатилган асар. – Б. 87. Яна қаранг: Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.– Б.334.







Даргоҳда бош ҳожиб ёки улуғ ҳожиб (ҳожиб ул-кабир) – Хоразмшоҳлар давлатидаги юксак мансаблардан эди. Одатда, ҳожиб турк миллатидан бўлар эди. Ҳожибларга ғоятда муҳим вазифалар, масалан, ҳожиб Хоразмшоҳга шахсий топшириқлари қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот берар, қабул маросимларини ташкил этар эди. Махсус музокаролар олиб бориш ва ҳатто, вазирлар фаолиятини тафтиш қилиш кабилар топширилган. Хоразмшоҳнинг бир неча ҳожиблари бўларди. Улар доимо султонга ҳамроҳ бўлиб туришар, унинг энг муҳим топшириқларини бажарар эди. Шунингдек, ҳожиб лавозимидаги амалдорларга бутун бир вилоят ноиблиги топширилгани маълум[144].

Қул // ғулом ҳар иккала тушунча бир маънодадир. Улар қул бозоридан сотиб олинган ёки аввалги ҳукмдордан кейингисига мерос бўлиб ўтган. Баъзан ғуломлар хусусий шахслардан ҳукмдорга, бир давлат ичида бир ҳукмдордан иккинчисига ўтган. Ўлган ҳукмдорнинг ғуломлари ва ғуломлардан чиққан ҳожиблар кўп ҳолларда тахтга янги чиққан ҳукмдор хизматига ўтар эдилар. Тайёрланган ғуломлар ҳожиблар қўли остида бўлганлар. Сарой ғуломлари билан давлат арконига қарашли ғуломлар орасида ҳуқуқий жиҳатдан бўлмаса ҳам ҳолати, мавқеига кўра катта фарқ бўлган. Сарой ғуломлари сафидан жой олиш ниҳоятда имтиёзли даражага кўтарилишни билдирган[145].

Манбаларда Хоразмшоҳлар саройида турли мансаблар ҳақида қизиқарли маълумотлар сақланиб қолган.

Ҳукмдорларнинг аъёнлари ва мулозимлари саройда яшаб турган сулола аъзолари ҳамда сарой ҳаётига оид ташрифларни ташкил этишга сафарбар қилинган хизматчилардан ташкил топган.

а) Хонадон аъзолари. Туркий ҳокимият анъанасига

---

[144] Шихоб ад-дин ан-Насави. Жизнеописание султана Джала ад-Дина Манкбурни. / Перевод З.Буниятова. Баку. – С. 1973, 70, 73, 206, 233, 235, 285.

[145] Низомул-мулк. Сияр ал-мулук..– Б. 100-101.

кўра, давлат ҳукмрон сулола аъзоларининг барчасига тегишли ҳисобланган. Хонадоннинг бундай юксак даражасига мувофиқ, сулола аъзолари замона расм-русумларига кўра саройда энг юқори мавқеини эгаллагани табиий бир холдир. Ҳукмдорнинг онаси, умр йўлдоши, фарзандлари (шаҳзодалар) хонадон аъзолари ҳисобланган. Бундан ташқари султоннинг ака-укалари, амаки-жиянлари ҳам хонадон мансублари эдилар.



б) Ҳожиблар. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳожиб сарой маросимларини ташкил этган ва бошқариб турган. Хусусан, у ҳукмдорнинг қабул маросимлари вақтида мавжуд қоидаларга риоя этилишини таъминлаган. Ҳукмдор билан давлатнинг муҳим мансабдорлари ўртасидаги алоқани таъминлаш ҳам ҳожибнинг зиммасида бўлган.



в) Маҳрамлар. Жалолиддиннинг саройида маҳрамлари ҳам бўлган. Уларга “ходимони хос” ҳам дейилган. Маҳрамлар “маликул хос” унвонига эга бўлганлар. Жалолиддин ўз маҳрамларига турли-туман мувaққат вазифаларни топшириб турган. Масалан, у Ҳиндистондан қайтгач, укаси Ғиёсиддинни итоат остига олиш учун маҳрамларидан Адақни йўллаган ва укасини ишонтиришга ҳаракат қилган. Бундан ташқари, султон маҳрамларидан Бадриддин ва Тожиддинларни элчилик ва “башорати фатқ” вазифасига тайинлагани ҳақида маълумотлар бор.



г) Сарой амирлари. Сарой ташкилотига мансуб бу амирлар тўғридан-тўғри ҳукмдорга бўйсунган. Сарой амирлари ўз хизмат лавозими ва унвонига кўра қуйидагича бўлган:

Устоздор (ёки устоз уд-дор) Хоразмшоҳлар саройида хизматкорлар ва ғуломларга бош бўлиб, хазинага тушган фойдадан ва солиқ тушумларидан муайян бир қисмини олиб, бу маблағни сарой ошхонаси, нонвойхоналар, шаробхоналар, отхоналар, саройдаги барча хизматчиларнинг сарф-ҳаражатига ажратган. Шунингдек, у ушбу

маблағдан маош бериш ва бошқа ҳаражатлар учун ҳам фойдаланган[146].

Амири охур (мирохур) – сайисчи, султон отхоналари бошлиғи. Отларнинг сони 30 минггача бўлгани маълум. Султон Алоуддин Муҳаммаднинг мирохўри Ихтиёриддин Қушлу[147] ихтиёрида 30 минг от бор эди. Бу султоннинг яна бир мирохўри Қўвчидоқ эди. Султон Жалолиддиннинг мирохўри "Энг айёр мулозимлардан бири" Одоқ-хон эди, у султоннинг барча жангларида ёнида туриб қатнашган эди[148].

Амири ишкор/шикор – султон овларини ташкил этувчи. Ҳукмдорнинг ов қуролларини сақлаган ва султон овга чиққан пайтлари унга ҳамроҳлик қилган. Айни замонда ов қўшин учун ҳарбий машқ ҳам ҳисобланган. Бу ишни ташкил этиш, ов ўтказиладиган жойларни олдиндан кўздан кечириш ҳам шу амирнинг вазифаси бўлган[149].

Таштдор – Бу лавозим эгаси ҳукмдор қўл ювганда унга қумғон ва чилопчин тутган. Олтиндан қилинган бу идишларнинг сақланиши учун масъул бўлган[150].

Бундан ташқари, бир таштдор султон ҳаммомлари ва ҳовузларининг бошлиғи бўлган. Унинг қўл остида бир неча ғулом бўлган. Таштдорлик мансабига султон жуда ишончли одамларини тайинлар эди. Юқорида тилга олганимиз Анўштагин салжуқий султон Малик саройида худди мана шундай таштдор мавқеига эришганда, унга мазкур мансабга вилоятда мутаносиб келувчи шихналик, яъни (раиси, қалъа бошлиғи). Хоразм шихналиги лавозими берилади[151]. Чунки таштдор хизмати билан

---

146 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. 82-боб, 214.

147 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. 16-боб, 58-бет; муқаддима, 314.

148 Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. –Б.132.

149 Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. – Б.74.

150 Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. – Б. 73- 74.

151 Жувайний. 1-том, 278-саҳифа. Яна қаранг: Тарихи жаҳонкушо. Лейден-Лондон. 2-жилд, 1916. – Б. 2.

боғлиқ барча ҳаражатлар Хоразм вилоятидан тушадиган солиқлар билан қопланарди[152].

Шаробдор – султон шаробхонасининг бошлиғи ва кузатувчиси. Шаробхонада ширин ичимликларни тайёрлаш учун шакар ҳам сақланар эди. Одатда амирлардан бири шаробдор бўлиб, унинг қўл остида бу ишга моҳир ғуломлари бор эди. Султон Жалолиддиннинг шаробдори амир Саъдиддин Али эди.



Давотдор (арабча давот – сиёҳдон сўзидан) – султонликда ёзув қуролларини ташувчи одам[153]. Ҳукмдорнинг ёзув-чизув асбоблари шай бўлиши ва сақланиши учун жавобгар шахсдир.

Қиссадор – бир ҳафта давомида султон номига ёзилган ариза, шикоятлар ва илтимосномаларни йиғиб олиб, Султонга етказиб берувчига ҳамда ундан тегишли жавобларни олувчига айтиларди. Султон одатда шикоят ва аризаларни жума оқшомида кўриб чиқарди[154]. Хоразмшоҳлар саройида қиссадор энг обрўли мансаблардан бири эди. Зеро, ҳукмдор билан оддий халқ ўртасида алоқа боғлаб раияат аҳволи ва зоридан хабардор қилиб туриш савобли ишини ҳамма ҳам ҳалол бажара олмаслиги табиий.



Султон Алоуддин Муҳаммаднинг қиссадори Нажибиддин Шаҳризўрий ҳукмдори ҳали султон Санжар даврида Хуросонда қўшин бошлиғи (соҳиб ул-жайш) бўлган вақтидан буён ёнида шу вазифада эди.

Бу мансаб анча обрўли бўлиб, урушлар бўлмаган, тинчлик пайтларида эгасига кўп даромад келтирган[155].

Шунингдек, манбаларда жомадор (либосчи) ва ибриқдор (ҳукмдор таҳорат олган вақтда қўлига сув қўйган) мансаблар ҳам Хоразмшоҳлар давлат ташкилотида бўлган.



[152] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., "Шарқ", – Б. 143-144.

[153] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.– Б. 350.

[154] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. 44-боб. – Б. 127.

[155] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. –Б.133.



Нозир – молиявий ишлар бўйича амалдор (Девон *ан-нозир ёки девони нозир)*[156].

Ал-ҳожиблар – саройларда одатда султон ёки шоҳларнинг, умуман ҳукмдорларнинг ишларини ал-ҳожиблар, эркак одамлар қилишган. Бу лавозимни Нахичевон маликаси ал-Жалолия Ойтуғмиш Отабек Паҳлавоннинг қизи – аёл киши ҳам бажарган. Тарихда бундан бошқа ҳожибалик қилган аёл бўлмаса керак[157].

Чошнигир – султон шаробларини татиб кўрувчи[158]. У дастурхон ёзилганида султон таомлардан заҳарланмаслиги учун ўзи биринчи бўлиб татиб кўрар эди[159].

Омил (кўплиги амилон, уммол) – девонда молиявий раҳбарлар ичида энг кичик вазифа. Ҳар бир туман, шаҳар, аҳоли яшайдиган маскан (букъа), қишлоқнинг солиқ йиғиш бўйича раҳбари бўлган[160].



Мушриф – девонда молиявий назорат ишларида хизмат қиладиган одамга айтилган[161].

Фаррош – султон ўрин-тўшаклари сақланадиган фаррошхона бошлиғи. Унинг ихтиёрида гиламлар, чодирлар; кўрпа-тўшаклар бўларди. Фаррош ва махсус ўргатилган ғуломлар султон атрофида доимо ҳозир турар эдилар[162].

Фақиҳ – давр анъанасига мувофиқ, султон саройида ислом ҳуқуқи (фиқҳ) илми устозлари – фақиҳлар ҳам ишлаганига оид баъзи маълумотлар мавжуд[163].

Мунажжим(лар) – Замона зайлига мувофиқ Жалолиддин *саройида мунажжимлар ҳам бўлган. Зотан султон* мунажжимларнинг сўзидан чиқмас, уларнинг ромла-



---

[156] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. – Б.363.
[157] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.– Б. 194.
[158] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.– Б. 361.
[159] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. –Б.133.
[160] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. – Б. 314
[161] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди.– Б. 321.
[162] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. –Б.133.
[163] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. –Б.133.

рига астойдил ишонар эди. Масалан, Исфаҳон яқинида мўғуллар билан тўқнашганларида мунажжимлар султонга уч кун кутиб, тўртинчи куни жанг бошлашни тавсия этдилар. Султон ҳам уларнинг сўзига кириб, зафар соатини кутди, аммо ғалабани бой берди[164].

Мустахдам(лар) – саройнинг умумий ишлари билан шуғулланган хизматчиларга муқаддими човушон бошчилик қиларди. Унинг қўл остида човушлар ва мустаҳдамлар хизмат қилган. Бинобарин, армияда човуш унвонли кичик бошлиқлар бўлганидек, саройда ҳам човушлар хизмат қилган. Улар сафарда султонга ҳамроҳлик қилганлар, чопарлик хизматини ўтаганлар.

Меҳтари меҳтарон – султоннинг хос хизматчилари бўлган муҳтарларнинг бошлиғи эди. Султоннинг булардан бошқа ходимлари ҳам бўлган[165].

Хоразмшоҳлар даврида сарой амирлари ҳукмдорлар ишонган ғуломлар орасидан, яъни ота-бобоси туркий бўлган қуллар орасидан тайинланган. Бу амирларнинг қўл остида етарли миқдорда аскарий қувватлар мавжуд бўлиб, бу қўшинлар бевосита ҳукмдорнинг гвардиясини ташкил этган.

Султон Алоуддин, шунингдек, Жалолиддин даврида сарой амирларига амир ва малик рутбаларидан ҳам юксакроқ бўлган "хон" унвони ҳам берилган[166].

Хулоса қилиб айтганда, ануштагин-Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги чоғида, хусусан, XIII аср бошларида Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида Хоразм буюк давлатга айланган эди. Унинг чегараси Орол ва Каспий денгизининг шимолий соҳилларидан Ироққа қадар борар, Кавказдан то Ҳиндуқуш тоғларигача етган эди.

Лекин бу юксалиш узоққа чўзилмади. Аслида, бу давлатнинг парчаланишига Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ноокилона сиёсатини ва мўғуллар ҳужуми даврида қўл-







[164] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. –Б.133.

[165] Низомул-мулк. Сияр ал-мулук. – Б.115.

[166] Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. – Б.74.





лаган хато мудофаа режасини асосий сабаб қилиб кўрсатадилар. Аммо бу ерда, энг аввало, шу даврда нафақат Шарқ давлатларида, балки Европа ҳудудларида ҳам кузатилаётган феодал тарқоқлик (бу терминни ҳозирги кунда жуда кам ишлатадилар, аммо шу термин ўша давр Евроосиё ва Африка қитъаларида кечаётган сиёсий жараёнларни жуда яхши очиб беради) жараёнлари ва унинг натижасида келиб чиқадиган давлат билан йирик ер эгалари, феодаллар, ҳокимлар ёки князлар ўртасидаги ички курашларга қўшилиб, давлатлар ўртасидаги ўзаро ташқи урушларнинг кучайиб кетганлиги асосий сабаб ҳисобланади. Чунки айнан Чингизхон босқини арафасида турли-туман давлатлар ва сулолаларнинг вужудга келиши ва тезда инқирозга учраш ҳолати рўй бераётган эди. Хитой ва Тибет ҳудудларида хитойликларнинг Сун, киданларнинг Ляо, чжурчженларнинг Цзинь ва тангутларнинг Си-Ся давлатлари ҳудудда якка ҳукмронлик учун курашётган, уларга баъзида уйғурлар ва Тибет давлатлари ҳам қўшилишиб турарди. Бизнинг юртимизда эса ўзингиз жуда яхши биласизки, бор-йўғи уч аср ичида ҳудудимизда ўнга яқин давлатлар вужудга келиб, тезда йўқ бўлиб кетдилар. Европада эса янада бошқачароқ вазият юзага келиб, бу ҳудуддаги давлатлар ўзаро ички курашлар натижасида расман қарам, амалда эса мустақил давлатчаларга бўлиниб кетаётган эди. Франция ўз қиролидан кучли бўлган қирқдан ортиқ герцог – графликларга, Германия эса ундан ҳам кўп юзга яқин кичик давлатчаларга, Киев Руси эса ҳар бири Европадаги ҳар қандай давлатлардан кенг ҳудудга эга бўлган 12 та князликка бўлинган эди. Бундай фикрларни янада кўплаб келтиришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам бир давлатнинг инқирозини фақат бир ҳукмдорга юклаб бўлмайди. Биз бу ерда Муҳаммад Хоразмшоҳни оқламоқчи эмасмиз, фақат тарихни янада чуқурроқ ва холисона таҳлил қилиш лозим деган фикрдамиз, холос. Зеро, ташқаридан қараганда кучли кўринган Хоразмшоҳлар

давлати, аслида чуқур сиёсий инқирозга юз тутиб, ўзаро ички уруғ-қабилалараро, диний ва ижтимоий зиддиятлар, вилоят ва шаҳар ҳокимлари ўртасидаги урушлар ва шундан кейингина, Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳамда унинг онаси Туркон хотин ўртасидаги қарама-қаршиликлар, уларнинг иккисининг ҳам қалтабин сиёсатлари натижасида Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқинига бардош бераолмади. Жаҳондаги бундай вазиятдан Чингизхон қандай фойдалана олганлигини қуйида кўриб чиқамиз.







II.2.

## Чингизхоннинг "Якка мўғул улуси" давлатига асос солиши ва "жаҳон мўғул империяси"ни яратиш йўлида олиб борган урушлари

Мўғуллар тарихи ҳақида учрайдиган барча манбалар ва тадқиқотларда, улар мену (менва) номи билан Хитойнинг "Тан шу" солномасида (Тан сулоласи 618-908 йилларда ҳукмронлик қилган) солномасида илк бора тилга олинади[167]. XIII юз йилликгача Хитой билан қўшни ва ҳозирги Мўғулистон, Олтой ва Сибирь ҳудудларида ўнлаб қабила ва уруғлар яшаб келиб, баъзида улар дашт қонунлари асосида иттифоқларга бирлашиб турганлар. Шулар ичида мўғул қабилалари ҳам бўлиб, уларнинг энг яқин қариндошлари шарқда татар ва кидан қабилалари, шимоли шарқда манчжурлар ва ғарбда туркий қабилалар бўлган. Бу учта этник гуруҳлар тил ва маданий алоқалар орқали Сибирнинг яна баъзи қабилалари билан ҳам бирлашган эдилар. Мўғулларни баъзида татарлар билан бир деб адаштирадилар.

Улар кўпроқ ўзларини "кўк турклар" ёки "қора татарлар" деб атаганлари ҳолда, ўзларини татарлардан алоҳида қа-

[167] Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. Чингис-хан: личность и эпоха. М., 1995. – С.11.(Кейинги бетларда: Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир.)

била эканликларини аниқ билганлар[168]. Таъкидлаш жоизки, мўғул атамаси ҳалигача ўзининг илмий исботига эга эмас. Бу хусусда олимлар турли фикрларни билдирадилар. Мўғул этногенези ҳам мураккаб масала бўлиб, X-XI асрларда эса асли Амур дарёси бўйларида яшаган 16 та уруғ-аймоқларга бўлинган татан (татар)ларнинг таркибий қисми сифатида уларнинг бир уруғидан алоҳида, мохе (мўғул) қабиласи вужудга келган деб ҳисобланади ва улар элат сифатида XIII асрда шаклланиб бўлган.



Бу қабила тезда кучайиб, 1135-39 йиллари Хитойга қатор юришларни амалга оширганлар. Ҳатто Хитой императорлари 1147 йили мўғуллар билан иттифоқ тузишга ҳам мажбур бўлишади[169].

XII аср ўрталарига келиб Байкал кўли атрофи, ҳозирги Мўғулистон ҳудудларида яшовчи туркий ва тунгус-манжур қабилаларининг кўпчилиги мўғуллар раҳнамоси Есугай баҳодир таъсирига ўта бошлайдилар. Лекин унга қарши турган татар, маркит қабилаларини бўйсундириш осонлик билан кечмайди. Есугайни татарлар зиёфат пайтида хиёнаткорона ўлдиришгандан сўнг, унинг ўғли бўлмиш Темучиннинг таъсири мўғуллар ичида кўтарила бошлайди.



Темучин (1155-1227) - кучли ва тадбиркор, айёр саркарда бўлиб, пароканда қабилаларни турли йўллар билан ўз қўли остида мустаҳкам бирлаштиришга муваффақ бўлган шахс эди.[170]

Унинг исми мўғулча, темир устаси маъносини билдиради. Унинг энг дастлабки ғалабаси, 1189 йилда у бошқа бир мўғул саркардаси Жамуха ёрдамида ўзининг эски рақиби маркитларни бўйсундирди. Айнан шу йили у бу ғалабадан сўнг мўғул нўён (ҳарбий бошлиқлар)лари ва навкарлари уни олқишлаб, мўғул ҳукмдори – хон деб эълон қилишган[171].



---

[168] Уэзерфорд Дж. Чингисхан и рождение современного мира.// Перевод на русский язык Лихтенштейн Е.- М.: АСТ; Владимир:ВКТ, 2008. – С. 21.

[169] Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – С.19

[170] Темучин (Чингизхон) таваллуди санаси юзасидан ҳозирда турли қарашлар ҳам мавжуд (1155, 1162 ва 1167 йиллар). Шартли равишда 1155 йил қабул қилинган.

[171] Уэзерфорд Дж. Чингисхан и рождение современного мира. – С.111







1201 йилда эса XIII аср бошида эса яна бир бошқа кучли қабила – татарлар устидан ҳам ғалаба қозонилади. Темучин 1203 йили керайитларнинг хони Ўнгхонни мағлуб этиб, қўнғирот ва найманлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди[172].

Мўғулларни бирлаштириш чоғида Темучин кучли ҳарбий тузилмани ташкил этди. Унга кўра мўғул қабилалари мингликларга бўлинган бўлиб, у бутун бир бошли ҳарбий округ вазифасига тўғри келар эди. Округлар тепасига садоқатли кишилар қўйилар эди. Темучин жуда интизомли, садоқатли ва ўта жанговар ҳарбий тузилмаларни яратишга муваффақ бўлди. Уларни бошқаришни эса аввало, ўз ўғиллари Жўчи, Чиғатой, Ўгедей, Тули, нуфузли хотини Бурте-фужен, энг ишончли сафдошлари Желме, Богурчи, Мухули, Субутой, Жебеларга топширди.

*Унинг мавқеи ошиб боришининг биринчи босқичи* 1189 йилда хон деб эълон қилинишдан бошланган бўлса, иккинчи босқичи даштдаги ўзининг энг кучли рақибларини (Таянхон, Тўктабеки, Жамуха, Тўғрул- Ўнгхон) енгиб, 1197 йилда ҳатто ўз давлатининг пойтахти – Авраргага асос солди. Кейинги йилларда ўз ҳокимиятини тўлиқ мустаҳкамлаб олгач, Темучин 1206 йили мўғулларнинг умумқурултойини чақиради. Қурултойда у олий мўғул ҳукмдори – қоон (хоқон) деб тантанали равишда эълон қилиниб, унга бош шаман Теб-Тангрий "Чингизхон" деган фахрий ном беради. "Чингиз" сўзи тарихчи Рашидиддиннинг ёзишича, "денгиз" сўзидан олинган бўлиб, рамзий маънода "денгиздай кучли", "буюк" ва "мусаффо" деган маъноларни англатади[173].

Қурултойда одат бўйича Чингизхон ўз туғи-байроғини кўтарди, 10 та лавозим жорий этиб, уни ўз яқинларига тақдим этади. Кўпчилик тадқиқотчилар негадир Чингизхоннинг пойтахти Қорақурум шаҳри бўлган деб таъкидлашади.

[172] Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – С.123 – 124.

[173] Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 1. Кн. 2 / Пер. с перс. О.И. Смирновой. М.; Л., 1952.- С.150.

Аслида унинг пойтахти (қароргоҳи) то ўлимигача Аварга бўлган. Қорақурум эса унинг вориси Ўқтой даврида 1235 йилда қурилган[174].

Ўз қўли остидаги мансабларни эса у 3 тоифага бўлиб, уларга аниқ вазифаларни бўлиб берди. У ўз қўшинларини ҳам ислоҳ этди. Қўшин уч қанотга бўлиниб, уларга Боорчу, Мухали, Наяа маъсул бўлдилар. Бутун Мўғулистон 95 та ҳарбий-маъмурий бирликка бўлинди. Янги мўғул давлати-Еке Мўнғол улус (буюк мўғул давлати) ёки "Хамаг монгол улус" (ягона мўғул давлати)деб атала бошланди.

Қурултойдан аввалроқ 1203 йилдаёқ ҳали бир тизимга эга бўлмаган қонунлар тўплами вужудга келиб, у ўз ичига ёрлиқлар (буйруқлар), ясоқ (қонунлар), билик (насиҳат)ларни олган эди. "Ясоқ" бизгача тўлиқ етиб келмаган бўлиб, у турли кўринишларда, манбаларда қайд этилади.

"Ясоқ" ўз ичига қуйидагиларни киритган: халқаро, шахсий, савдо ва суд ҳуқуқлари. Чингизхон тайин этган давлат бош ҳаками Шики Хутухуга "Ясоқ"қа қараб иш тутишни қатъий белгилаб берган эди.

"Ясоқ" қонунлари мўғулларнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари, мавжуд сиёсий тузум моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кескин ва жуда қаттиқ оҳангда, патриархал ҳарбий тузумни ўзида акс эттирган равишда тузилган эди.

"Ясоқ" қонунларининг асосий йўналишлари қуйидагича бўлган:

1. Ҳукмдор (хон) "Ясоқ"қа қатъий риоя этиши хусусида қасамёд қилиши ва унга амал қилиши, амал қилмагудек бўлса хонни умрбод қамаш мумкин бўлади;

2. Чингизхон мўғуллар орасида диний адоват келиб чиқмаслиги учун барчага тўла диний эркинлик беради. Руҳонийлар солиқдан озод этилади;

3. Аёллар наслни давом эттирувчи бўлганликлари учун ҳам уруш вақтида уларнинг гуноҳлари кечирилиши лозим;

4. Жазолаш даражаси сифатида ўлим жазосини энг кўп миқдорда қўллаш;

5. Босиб олинаётган мамлакатлар халқларига мутлақо

[174] Уэзерфорд Дж. Чингисхан и рождение современного мира. – С.121.







раҳм-шафқат қилмаслик.

Чингизхон шахсий гвардияси сонини (кешиктан) 9000 кишигача етказди. Унинг аъзолари ҳар 3 кунда навбатчилик қилар, уларнинг ишини шахсан хоннинг ўзи назорат қилар эди. 1204 йили уйғур алифбоси мўғул ёзуви учун қабул қилинди. Шунингдек мустақил давлат белгиси бўлган муҳр (тамға) ҳамда тақвим қабул қилинди[175].

1204 йилда эса Чингизхон юқоридаги кўрсатиб ўтилган даштдаги барча рақибларини енгандан сўнг ҳарбий ислоҳот ўтказади ва ўнлик тизимида бўлинган қўшинига асос солади. Аммо бу ислоҳот ҳақида китобимизнинг учинчи бўлимида, Чингизхоннинг ҳарбий санъатига бағишланган қисмида батафсил маълумот бериб ўтамиз. Чингизхоннинг ташқи юришлари айнан 1206 йилда найманларнинг бўйсундирилишидан бошланган. Аммо найманлар билан 1204 йилдан бошланган бу уруш яна то 1218 йилгача, яъни, найманлар сардори Кучлукнинг ўлдирилишигача давом этади. Татар қабилалари ва Жамуха ҳам айнан 1204 йилда тугатилган бўлсада, Чингизхон ўзининг энг хавфли душмани маркит қабиласини ҳам 1218 йига келиб тўлиқ мағлубиятга учратади.

Чингизхон ўзининг кейинчалик ҳарбий-иқтисодий салоҳиятини янада ошириб юборган юришини 1205 йилда танғутларга қарши бошлади.

Шу йили ва кейинги 1207 йилдаги иккинчи юриш даврида тангутларнинг кўпгина шаҳарларини эгалладилар. Учинчи юриш 1209 йилда бошланиб, бу сафар тангутларнинг пойтахти қамал қилинди.

Қамал бир давом қилди ва фақат 1210 йилда Шимолий Хитойнинг Цзинь сулоласидан ёрдам ололмагач тангутлар бўйсунишга мажбур бўлди.

Кўпчилик тарихчилар Чингизхоннинг янада кучайишига Шимолий Хитойнинг бўйсундирилиши сабаб бўлган дейдилар. Аммо, ҳарбий тарих билан шуғулланувчи олимлар айнан тангутларнинг Си Ся давлати билан урушлар Чингизхон-

---

[175] Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – С.126 – 127.

га илк бора кўчманчи – дашт ҳаётининг акси бўлган ўтроқ – деҳқончилик ҳудудларини, энг асосийси мўғуллар ҳали кўрмаган мудофаа тизимига эга бўлган шаҳарларни босиб олишни ўргатди. Хитойнинг босиб олиниши эса унинг ҳарбий салоҳиятини янада оширган. Аммо, бу давлатни ҳам тўлиқ бўйсундиришга фақат 1227 йилда яъни, Чингизхон ўлими арафасида эришилди[176].



Ғарбда Чингизхон ўзининг асосий эътиборини пойтахти Боласоғун бўлган қорахитой(қоракидан)ларнинг Си Ляо (Ғарбий Ляо) давлатига қаратди. Чунки, аввал Си Ся кейин бу давлатни енгса, унинг Хитойга юриши пайтида ҳеч ким орқасидан безовта қилмасди. Бу давлат ҳукмдорлари ўзларини туркий унвон “гўрхон” номи билан улуғласаларда, аҳолиси асосан мусулмон туркийлардан бўлгани учун, христианлик ва буддизмга эътиқод қилувчи қорахитойларни ёқтирмас эдилар.



Шундан фойдаланиб, кўпгина кичик вилоятлар гурхонга бўйсунмас эди. Натижада бир пайтлар Ўрта Осиёда энг кучли бўлган ҳамда қорахонийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар ва ғурийларни енгиб, уларни солиқ тўлаб туришга мажбур қилган қорахитойлар давлати бу даврга келиб заифлашиб қолган эди. Қолаверса, ҳамма юришларини олдиндан жуда пухта режалаштирадиган Чингисхон учун жуда қулай вазият вужудга келди.

Биринчидан бу даврда қорахитойлар хоразмшоҳлар билан уруш олиб бораётган ва 1206 – 1210 йиллар давомида Муҳаммад хоразмшоҳ улардан Талос водийсини тортиб олган эди. Иккинчидан, Чингисхон тор – мор этган найманлар йўлбошчиси Кучлук айнан, шу давлатдан бошпана топади ва унинг кейинги ҳатти – ҳаракатлари бу давлатнинг янада заифлашувига олиб келади.



Учинчидан, қорахитойларга бўйсунишни истамаган уйғурлар идиқути (Саодатбек) Барчуқ 1209 йилда гўрхонга қарши қўзғолон кўтариб Чингисхондан ёрдам сўради. Чин-

[176] Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. // (Военно – историческая библиотека).– М.: Изд – во: “АСТ”. “ЛЮКС”. 2005. – С.212

гизхон бу таклифни жондилдан қабул қилиб, ўз қўшинларини Или дарёси водийсигача олиб борди. Бу ерда яна унга қарлуқлар йўлбошчиси Арслон ва Олмалиқ ҳукмдори Бузар ўз итоаткорлигини билдирдилар. Бу юришнинг энг муҳим аҳамияти шу бўлдики, Чингизхон хизматига саводли ва билимдон уйғурлар кирдики, улар келгусида мўғуллар давлатида жуда муҳим ўрин эгалладилар.

Маданий жиҳатдан анча қолоқ бўлган мўғуллар кўп жиҳатдан уйғур ва мусулмон аҳли тажрибасидан кенг фойдаланишди. Шарқий уйғурларнинг бошлиғи Едиқут (Саодатбек) Чингизхоннинг дўсти ва маслаҳатчиси, собиқ найманлар хони Таянхоннинг муҳрдори уйғур Тататунга эса мўғулларни саводга ўргатар эди.

Мусулмон савдогарларининг зеҳни, тадбиркорлигига Чингизхон доимо юқори баҳо бериб, улардан кўпинча айғоқчилар сифатида ҳам фойдаланар эди[177].

Эндиликда Чингизхон Хитойга ҳужум қилган тақдирда орқа тарафдан яъни, Си Ся ва қорахитойлар тарафдан кутилаётган ҳужумлар олдини олгандан сўнг, 1211 йил баҳорда Цзинь империясига қарши ҳужум бошлади. У ўз армиясининг бу юришда ўтиш қийин бўлган Гоби қумликлари ҳудудларидан олиб ўтиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда Си Ся ва қорахитойлар билан тузилган сулҳда айнан катта миқдорда туяларни сўраганлиги бежиз бўлмаган. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек у қайси давлат ёки қабила устига юриш уюштиришдан қатъи назар, бу юришнинг ҳамма тарафини чуқур режалаштириш орқали амалга оширган. Айнан шу хусусият уни жаҳон миқёсидаги машҳур шахсга айлантирди.

Унинг рақиби Цзинь империяси 500000 кишилик катта қўшинга ва Буюк Хитой девори ҳамда иккита шунга ўхшаган деворларга эга бўлишидан қатъи назар, худди қорахитойлар ва Хоразмшоҳлар давлати каби чуқур инқирозни бошидан кечираётган эди. Цзинь сулоласи нафақат ижтимоий инқирозни, балким, сиёсий, иқтисодий ва зарур бўлса

177 Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – С.206

этносларaро инқирозни бошидан кечираётган эди. Маҳаллий аҳоли бўлмиш хитойликлар Цзинь сулоласига асос солган келгинди чжурчженларни умуман ёқтирмасди. Чингизхон буларни жуда яхши билган.

Умуман олганда, Чингизхон эски анъанага кўра, расман чжурчженларнинг вассали ҳисобланарди ва ҳар йили катта миқдорда ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлган. Уруш 1209 йил Цзинь императори Вей Шао Ван ўлпон йиғувчиларини атайин қувиб юборишдан бошланди. Буни Чингизхон атайин ўзи қилди ва урушни ҳам ўзи бошлади. 1211 йилда у Хитойга уч йўналишда юриш уюштирди. Ўнг қанот йўналишга унинг ўғиллари Жўжи, Чиғатой ва Ўқтой бошчилигидаги қўшинлар Цзинчжоуга, ўзи бошлиқ марказий қанот ва лашкарбошилари Жебе ва Субутой бошлиқ чап қанот қўшинлари Ханчжоу орқали пойтахт Чжендуга шимолдан ва ғарбдан зарба бериш учун ҳужум бошладилар. Мўғуллар саҳрони ёзнинг жазирамалари бошламасдан кесиб ўтишга муваффақ бўлдилар. Бунда уларга юқорида таъкидлаганимиздек ўлпон сифатида олинган туялар жуда қўл келди.

Цзинь қўшинлари мўғулларни шарқда кутиб олди. Жебе *бошлиқ чап қанот қўшинлари пойтахтни ҳимоя қилувчи* Ушабао қалъасини вайрон қилди ва Чингизхон қўшини билан бирлашди. Улар чжурчженларнинг режаларини илгари уларга хизмат қилган ва мўғуллар тарафига ўтиб кетган киданлар Елюй Туха ва Шимо Минань орқали билиб олдилар. Натижада Хуанэрьци ёнидаги жангда мўғуллар цзиньликлар устидан тўлиқ ғалабага эришдилар. Чингизхоннинг ўғиллари бошлиқ қўшин эса Хуанхэ дарёси бўйидаги кўплаган шаҳарларни эгаллаб, Цзинь қўшинларини икки йўналишда аракат қилишга мажбур қилдилар. 1212 йилгача саркарда Жебе нўён Чжундуга олиб борувчи Цзюй Юн Гуан қалъасини сохта чекиниш йўли билан эгаллаб, пойтахтга олиб борувчи йўлни бекитган бўлса, Чингизхон қўшини Лунхудай қалъасини эгаллаб, пойтахтни иккинчи тарафдан бекитиб қўйди. Жебе қўшинлари пойтахтни эгаллашга уриниб кўрди. Аммо уни эгаллай олмади. Лекин сохта чекиниш усули билан шарқий пойтахт Дунцзинни эгаллади.







1212 йил баҳорда Шимолий Хитойни ноқулай об-ҳаво туфайли тарк этган Чингизхон, кузда яна ҳужум бошлади. Аодунсян ёнидаги жангда Чингизхон ғалабага эришган бўлсада, ярадор бўлгани учун яна Мўғулистонга қайтиб кетди. 1213 йлда яна ҳужумга ўтиб цзинликлар қайтариб олган қалъаларни эгаллашга киришди. Шу йили бутун Шимолий Хитойни эгаллаган очлик хавфига, хитойликлар ва киданлар қўзғолон кўтаришига ҳамда тангутлар ҳужумига қарамай чжурчженлар қарши ҳужумга ўтдилар. Аммо, Вейчжуан ёнидаги жангда Чингизхондан қаттиқ зарбга учрадилар. Шунга қарамай улар Чжундуга олиб борувчи қалъаларни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Шу пайтда лашкарбоши Цзинчжун бошлиқ хитойликлар император Вэй Шао Ванни қатл қилдириб, унинг ўрнига Хуаньцунни император қилиб кўтардилар. Хуаньцун Чингизхон билан сулҳ тузишга қанча уринмасин бунинг уддасидан чиқа олмади. Чунки, мўғулларнинг уч қанот қўшинлари ҳам муваффақиятли урушлар олиб бораётган эди. Уччала гуруҳ ҳам пойтахт атрофларини тўлиқ эгаллаб, уни ҳар тарафдан қамал қилиш учун Хубей, Шаньси ва Шаньдун вилоятларини эгалладилар. Энди Чингизхоннинг ўзи сулҳ таклиф қилди. Хуаньцун бу сулҳ шартлари қанчаоғир бўлмасин бунга рози бўлиб, олдинги император қизини Чингизхонга хотинликка бериш ва жуда катта миқдордаги ўлпонни тўлашга рози бўлди. Бу пайтда кўпгина жанглар натижасида сийраклашган мўғул армиясига ҳам дам бериш лозим эди. Шунинг учун Чингизхон яна Мўғулистонга қайтиб кетди. Хуаньцин эса пойтахтни Чжундудан Далянга кўчирди. Чингизхон эса унинг бу хатти-ҳаракатини сулҳ шартларини бузиш ва хоинлик қилиш деб баҳолаб, яна унга қарши уруш бошлади. 1213-1214 йиллар давомида мўғуллар яна муваффақиятли урушлар олиб бориб, ўзларига 90 та шаҳарни бўйсудирдилар.

Хитойликларнинг чжурчженларни ёмон кўрганликлари учун оммавий мўғуллар тарафга ўтиши бошландики, бунда Чингизхоннинг яна бир иқтидори, душман ҳудудидаги давлатга қарши ҳар қандай кучни ўз томонига оғдириб олиш усулидан унумли фойдаланиш иқтидори яққол кўзга

ташланди. Мўғуллар тарафига ўтган хитойликлардан умумий сони 62 минг киши бўлган ва 46 гуруҳдан иборат қўшин тузилди. Бу эса Чингизхоннинг мўғуллардан иборат асосий қўшинни Мўғулистонга олиб кетиб, уларни бўлғуси урушга, Хоразм билан урушга тайёрлаш имконини берди.

1214 йил август – сентябрда Чжунду – Пекиннинг учинчи бор қамали бошланди. Цзиньликларнинг пойтахтни сақлаб қолиш учун қилган ҳар қандай ҳатти – ҳаракатларини Чингизхоннинг иқтидорли лашкарбошилари муваффақиятли ҳал қилдилар. Деярли бир йиллик қамалдан сўнг очлик пойтахт Чжунду аҳолисини таслим бўлишга мажбур этди. Мўғуллар шаҳарга кириб даҳшатли қирғин уюштидилар. Бу даҳшатли ҳолатни айнан шу йили Чингизхон ҳузурига борган Хоразм элчилари ўз кўзлари билан кўрган эдилар ҳамда уларни Муҳаммад Хоразмшоҳга етказдилар[178].



Чингизхон ҳузурига олиб келинган Цзинь мансабдорлари ичида асли кидан бўлган Елюй Чуцай ўзининг мағрурлиги билан Чингизхонга катта таъсир қилди ва уни ўзининг маслаҳатчиси қилиб олди. Айнан Елюй Чуцай Чингизхонга ва унинг ворисларига вайронагарчилик ва бўлар – бўлмас қирғинбаротлар давлатга фойда келтирмаслигини, унинг ўрнига солиқ ишларини йўлга қўйишни маслаҳат бериб, юз мингларча аҳолининг жонини сақлаб қолган[179]. Аммо, бу билан Цзинь империясини забт этиш якунланмади. Цзинликларнинг ўзлари яна сулҳ шартларини бузгандан сўнг 1217 йилда Чингизхон бу ерга ўзининг энг тажрибали лашкарбошиси Мухалини юборди. Ўзи эса бошқа Хитойга умуман қайтиб келмади. Цзинь имериясини тўлиқ бўйсундириш фақат 1234 йилда тўлиқ амалга оширилди.



Хитойнинг бўйсундирилиши Чингизхон учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Биринчидан, ўлжа сифатида жуда катта бойликка эга бўлди. Иккинчидан эса бу бойликлар ўз навбатида Чингизхоннинг янада кенг режаси Хоразмни бўйсундириш учун кучли қўшин тузишга йўналтирилди. Учинчидан эса, хитойликларнинг шу давр дунёсидаги энг



---

[178] Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – С.289-309.

[179] Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – С.234.



II.3.

# Хоразмшоҳ - ануштагинлар давлати ва Чингизхон ўртасидаги уруш ва хоразмшоҳлар давлати таназзули сабаблари ва оқибатлари



юксак ҳарбий санъатини ўзлаштирди.

Таъкидлаш жоизки, Хитойни забт этган Чингизхон ушбу истило билан кифояланиб қолмаслиги аниқ бўлган. Моваруннаҳрнинг бадавлат савдо аҳли, ўлканинг беҳисоб бойликлари, юқори маданиятли аждодларимиз яратган ажойиб меъморий бинолар, қолаверса қадимий юртимизнинг файзу-таровати мўғулларни анчадан бери ўзига жалб қилаётганлиги маълум эди. Мусулмон мамлакатларининг беҳисоб бойликлари тўғрисидаги афсона-ривоятларни эшитиб, текин ўлжа ва бойиш истагида бўлган мўғул ҳарбий зодагонлари Чингизхон бошчилигида зимдан ҳарбий юриш қилиш истагида турар эдилар. Чингизхон давлати ғарбда Қипчоқ чўллари, қорахитойларнинг кўчманчи Ғарбий Ляо (Си Ляо) давлатларини бўйиндиргач унинг давлати Хоразмшоҳ-Ануштагинийлар давлати билан чегарадош бўлиб қолган эди. Шубҳасиз, унинг ғарбдаги энг йирик ва кучли қўшниси ҳамда рақиби буюк Хоразмшоҳ-ануштагинийлар



давлати ҳисобланар эди.

Хоразм қўшинларининг мўғуллар билан биринчи тўқнашуви 1215 йили мўғулларнинг Дашти Қипчоққа юришида Хоразмшоҳ қўшинлари мўғулларнинг Жўчи бошчилигидаги ҳарбий қўшинига дуч келади. Ушбу тўқнашув Тўрғой даштида бўлиб ўтган. Ҳозирги адабиётларда унинг санаси 1217 ёки 1218 йил деб ҳам таъкидланмоқда[180]. Мўғуллар бу ерларда Чингизхоннинг буйруғига кўра маркит қабилаларига зарба бериш учун юриш қилган эдилар. Мўғул қўшини қўмондони Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи бўлиб, у Чингизхондан Хоразмшоҳлар давлатига нисбатан юриш қилиш хусусида ҳеч қандай кўрсатма олмаганликларини, шунинг учун у хоразмликлар билан жанг қилмаслигини айтади. Аммо Муҳаммад хоразмшоҳ унинг бу гапларига қарамай ҳамда ўлжани ҳам уларга беришини айтишига қарамай улар билан жангга киради. Натижада Жўжи ҳам жангга киришга мажбур бўлади[181]. Кўпгина манбаларда акс этган бу жанг тафсилотини таҳлил қилишда, шу манбалар воқеаларига асосланиб кўпчилик тадқиқотчилар хоразмшоҳнинг жангни ўзи бошлашининг сабаби сифатида унинг ақлсиз иш тутгани ва ва ўз кучига ортиқча баҳо бериб юборишда деб биладилар. Аммо, аслида ҳам шундай эдими. Бизнинг фикримизга кўра Муҳаммад хоразмшоҳнинг жангга киришига, биринчидан, агар шу давр давлатлари харитасини кўрадиган бўлсак, бу ҳудудлар иккала давлатга кирмаган бўлса ҳам Муҳаммад уни ўз ҳудудлари деб ҳисоблай бошлаган эди. Шунинг учун мўғулларнинг бу ҳудудни талон-тарож қилмасдан кетишган тақдирда ҳам барибир хоразмшоҳ бу ҳолатни ўз ҳудудларига тажовуз сифатида ҳам тушуниш мумкин эди. Жўжининг







[180] Тимохин Д.М. Первое сражение хорезмийцев и монголов на Тургайской равнине в 1218 г. и его последствия // Золотоордынская цивилизация. Сборник статей. Выпуск 5. – Казань: Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ, С. 326 – 334.

[181] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.28; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.345; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.194.

жангга қилмасликка ҳаракат қилишининг ва ўлжаларни ҳам беришга рози бўлиши бу фикрни тасдиқлайди. Иккинчидан, Чингизхон қайтанга жангга кирмасликка буйруқ бермасдан хоразмликлар билан тўқнашув бўлган пайтда жангга киришга буйруқ берган бўларди. Зеро, хоразмшоҳлар ҳудуди уни аввалдан қизиқтираётгани ҳолда уларнинг кучини синаб кўриш фойдадан ҳоли бўлмасди. Хоразмшоҳнинг мўғуллар аскарлари сони озлигини кўриб, ўз кучига ортиқча баҳо бериб юборгани тўғри албатта. Унинг жангни биринчи ўзи бошлаши ва ўз кучига ортиқ баҳо берганлиги мўғулларга жуда қўл келган. Бу жангнинг натижаси эса маълумки, Муҳаммад Хоразмшоҳ бу жангда енгилиб, сал бўлмаса унинг ҳаёти шу жангда тугаши мумкин эди. Аммо Жалолиддин Мангубердининг жасорати туфайли у омон қолади. Мўғуллар эса эртанги куни Чингизхон қароргоҳига кетадилар. Бу жангдан кейин Муҳаммад хоразмшоҳ мўғулларнинг жанг усулидан таъсирланиб, аста-секин уларга қарши уруш олиб бормаслик ҳаракатига туша бошлайди ва кейинчалик бутун давлат учун фожиа билан тугаган воқеалар сабабчисига айланади[182]. Чингизхон эса бу жангдан жуда яхши хулоса чиқариб, Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳам яхшигина маълумотга эга бўлади.

Жузжонийнинг ёзишича, султонни ҳар вақт ундан шарқда жойлашган давлатлар қизиқтирар ва унинг Хитой томонига ҳарбий юриш қилиш нияти ҳам бўлганлиги аниқ эди. Лекин Хитой Чингизхон томонидан ўша йили олинганлигини эшитган султон бу ҳолни тасдиқлатиш ва қолаверса Чингизхон давлати хусусида аниқ маълумот олиб келиш мақсадида сайидлар авлодидан бўлмиш таниқли зот Баҳовуддин Розийни ўз элчиси сифатида хон ҳузурига жўнатади.

Баҳовуддин Розий бошчилигидаги элчилар 1215 йил

---

[182] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).– Б.370; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С.351; Рашид ад-дин. Сборник летописей, С. 190.

июнида Пекинга кириб келдилар. Чингизхон элчиларни катта ҳурмат ва эҳтиром ила қабул қилди. Улар қайтиб кетишлари чоғи султонга атаб кўплаб ҳадя ва туҳфаларни тақдим этди. Бу хусусда Чингизхоннинг элчига берган номаси аҳамиятлидир. Унда: "Хоразмшоҳга айт, мен – Шарқнинг ҳокимимен, сен – Ғарбнинг ҳокимисен! *Иккимиз ўртамизда дўстлик ва сулҳ ҳақида қатъий* битим бўлсин. Икки тарафнинг савдогарлари ва карвонлари омон бориб, омон қайтсин ва менинг ерларимдаги қимматбаҳо буюмлар ва оддий матоларни улар сенинг тарафинга олиб келсинлар", – дея таъкидлаган эди. Таъкидлаш жоизки, кўпгина тадқиқотчилар, жумладан, З. Буниёдов ҳам бу билан Чингизхон ҳали ғарбга ҳужум қилмоқчи эмаслигини бу даврда савдо-сотиқ муносабатларига катта аҳамият беришини кўриш мумкин деб, нотўғри фикр билдирадилар[183]. Аслида эса, Чингизхон Хоразмни босиб олишни анча илгари ўйлаб юрган бўлиб, бу ҳатти – ҳаракатлар Муҳаммад хоразмшоҳни психологик жиҳатдан ҳам жуда яхши ўрганган Чингизхон учун жосусликни янада кучайтиришнинг бир йўли эди холос. Султонга тақдим этилган совғалар орасида Хитой тоғларидан келтирилган туя ўркачидек соф олтин бўлиб, уни алоҳида аравага қўшиб жўнатишган. Чингизхон Баҳовуддин Розий билан биргаликда ўзининг 500 туядан иборат карвонини ҳам жўнатди. Ушбу карвон ва ундаги элчилар султон томонидан 1218 йил баҳорида Бухорода кутиб олинди. Хитой ерларига эндиликда юриш қилиш мумкин эмаслигини англаган Хоразмшоҳ ўз диққат-эътиборини яна жануб ҳамда ғарб ерларига қаратади[184].

Хоразмшоҳлар билан Бағдод халифалиги муносабатлари ўртасидаги ўзаро кескинлик хоразмшоҳ Такиш давридаёқ юзага келган эди. 1215 йили Форс Ироқи ҳудудини эгаллаган хоразмшоҳ Муҳаммад халифа ан-Носирдан

---

[183] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.164 – 165.

[184] Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – С. 309.







(1180-1225) бир вақтлар салжуқий султонлари сингари унинг номини ҳам олий ҳукмдор сифатида хутбага қўшиб ўқишни талаб қилган эди. Бу борада султон томонидан юборилган элчилар натижасиз орқага қайтдилар. Ундан ташқари Ғазнадан топилган, собиқ Ғурийлар султони Ғиёсиддинга халифа томонидан хоразмшоҳларга қарши юришга чорловчи мактубларнинг қўлга тушиши, халифанинг исмоилийлар ва мўғуллар билан ўзаро муносабатлари – буларнинг барчаси ўзаро муносабатларни янада чигаллашувга сабаб бўлди[185].

1217 йили Бағдод халифаси ан-Носир (1180-1225) султоннинг Бағдодни унга топшириши ва унинг номини хутбага қўшиб ўқишини қатъий рад этгач, Муҳаммад Хоразмшоҳ катта кишилик қўшин билан Аббосийлар халифалигига юришни бошлаб юборади. Хоразмшоҳлар тангалари ва хутбалардан халифа номи чиқариб ташланди. Султон фармонига кўра термизлик шайх Аъламулк ат-Термизий халифа этиб тайинланди. Султоннинг юқоридаги ҳатти-ҳаракатлари кўпчилик уламолар томонидан маъқулланмайди. Улар султонга халифа устига ҳарбий юриш қилиш, ислом дунёсида хоразмшоҳга нисбатан салбий муносабат келтириб чиқаришини тушунтирмоқчи бўладилар. Уламолар норозилигини ҳисобга олмаган султон уларнинг кўпчилигини жазога тортади.

Аббосийлар халифалигига муваффақиятсиз юришдан сўнг, 1218 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг янги пойтахти деб эълон қилган Самарқанд шаҳрига кириб келди ва хутба, тангалардан эса халифа номини чиқариб ташлаш хусусида фармон берди. Ибн ал-Асирнинг маълумотига кўра 1218 йил февралида султон Нишопурда халифани вафот этган деб эълон қилиб, унинг номини хутбадан чиқариб ташлаган эди[186].

Ўша йили Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон ҳузурига

---

[185] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.117.

[186] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.117.

яна ўз элчиларини юборади. Бунга жавобан Чингизхон кечиктирмасдан қимматбаҳо совғалар ва моллар ортилган катта карвон билан ўз элчиларини хоразмшоҳлар султони ҳузурига юборади. Элчиларга хоразмлик таниқли савдогар Маҳмуд Ялавоч (Маҳмуд ал-Аромий) раҳбар этиб тайинланиб, унинг сафдошлари, бухоролик савдогар Али Хўжа ва ўтрорлик Юсуф Қанқалар элчилик рутбасига эга эдилар.



Султон Муҳаммад бу элчиларни 1218 йил баҳорида Бухоро шаҳрида қабул қилди. Элчилар Чингизхон султоннинг зафарли юришларидан хабардор эканлиги, уни қудратли подшоҳ сифатида тан олиб "ўзининг энг ардоқли ўғиллари қаторида" кўришини баён этишади. Чингизхоннинг султонга юборган номасида жумладан шундай дейилган эди: "Сенинг ишинг қандай улканлиги менга яширин эмас, сен ўз ҳукмингда нимага эришганинг ҳам ва сенинг фармонларнинг ердаги кўп мамлакатларда менга маълум. Мен билдимки, сенинг мулкларинг кенг бажо келтирилади. Сен билан тотувликни сақлашни мен ўзимнинг вазифаларимдан бири деб биламан. Сен мен учун энг азиз ўғлимдексан. Сенга махфий эмаски, мен Хитойни ва қўшни юртларни эгалладим, уларнинг қабилалари менга бўйсундилар".



Элчилар номаси, шубҳасиз, султонга маъқул бўлмади. Айниқса, мўғул давлатининг хони уни ўз "ўғли" қаторида кўриши, бу шарқ устамонлигида қарам қилиш ёки ўз ҳомийлигига олиш деган маънони англатишини султон яхши тушунар эди. Элчиларга султон жавоби маълум эмас, лекин ўша тунда у ўз ёнига Маҳмуд Ялавочни чорлаб бор ҳақиқатни баён этишни, унинг хизматига ўтиб, махфий жосус бўлиб хизмат қилишни буюради. Ўз ҳаётидан хавфсираган Маҳмуд Ялавоч, муаррих ан-Насавийнинг ёзишича, "султон эшитишни ҳохлаган" маълумотни айтиб, султон таклифига кўнади. Хоразмшоҳ унга қимматбаҳо жавоҳир совға қилиб, Чингизхон билан шартно-









ма тузишга рози эканлигини билдирди[187].

Чингизхон Маҳмуд Ялавоч гуруҳи хизматидан, тўпланган маълумотлардан мамнун бўлади. Зеро Ялавоч сохта "жосус" ролини ўйнаб, бор ҳақиқатни Чингизхонга етказ*ган эди. Ўша йилиёқ, яъни 1218 йили, Чингизхон султон* Муҳаммадга ўз миннатдорчилигини изҳор этиш ва ўзаро шартнома тузиш мақсадида катта савдо ва элчилар карвонини жўнатади. Улкан савдо карвони 450 та мусулмон савдогари ва 500 та туяга ортилган қимматбаҳо моллардан иборат эди. Ҳар бир савдогарларга тегишли моллар олиб келишлари учун битта олтин ва битта кумуш болишдан (75 динор) маблағ берилди. Ўз давлати қудратини намоён этиш ниятида Чингизхон Танғут ва бошқа давлатлардан ўлжа олинган, жанубий Сибир ва Хитойдан талаб келтирилган ажойиб, сара моллар билан хуржунларни тўлдирган эди. Карвон билан, шунингдек, Чингизхон элчиси, мўғуллардан бўлган Ухуна ҳам бўлиб, у Хоразмшоҳга Чингизхон номасини олиб келаётган эди. Нома жаҳон фотиҳлигига даъво қилаётган Чингизхон номидан буйруқнамо оҳангда ёзилган бўлиб, унда жумладан, "... биз бундан буён давлатлар ўртасида тинчлик ўрнатилишини буюрамиз..." дейилган эди. Нома Чингизхон очиқ-ойдин жаҳон эгаси бўлишга иштиёқи баланд эканлигидан далолат берар эди[188].

Шу ўринда бир воқелик ҳам эътиборга молик. Юқорида таъкидлаганимидек, 1218 йили мўғуллар ва хоразмшоҳлар қўшини ўртасида бўлган жангда Жало*лиддин Мангубердининг жасорати боис Жўчи қўшини* мағлубиятга учрайди. Бу хусусида Жўчи отаси Чингизхонга жанг тафсилотлари, хусусан, Хоразм аскарлари ва Жалолиддин ҳақида сўзлаб берган эди. Мазкур жангга муносабат Чингизхон томонидан жавобсиз қолдирилди. Ҳар ҳолда Чингизхон узоқни мўлжаллаган сиёсий йўлида

---

[187] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.55.

[188] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.164 – 165.

бу тўқнашувни синов деб қабул қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас деган фикримиз ўз тасдиғини топмоқда.

Юборилган карвонда асли мовароуннаҳрлик бўлмиш Умархўжа Ўтрорий, ҳаммол Мероқий, Фахруддин Дизакий Бухорий, Аминуддин Ҳаравий сингари савдогарлар карвон сарбонлари ҳамда ўрда элчилари бор эдилар. Карвон Урганч (Гурганж) томон йўл олган эди. Лекин, хоразмшоҳларнинг чегара вилояти Ўтрор ерларига кириб кириши биланоқ бу карвон ушлаб қолинди. Ўтрор ҳокими Иналхон (Инолчиқ, унинг форсий тахаллуси Ғойирхон эди) Туркон хотуннинг яқин қариндоши, Хоразмшоҳга яқин шахс бўлган. Иналхон, Ибн ал-Асир, ан-Насавийларнинг ёзишларича, хоразмшоҳ ижозати билан бу карвонларни талашга буйруқ бериб, карвон аъзоларини жосусликда айблайди ва уларни қириб ташлайди. Талаб олинган моллар Самарқанд ва Бухоро савдогарлари ўртасида тақсимланиб, хоразмшоҳ ушбу савдо моллари пулини ўзига олади. Баъзи тарихий манбаларда эса Иналхон гарчи карвонни тўхтатиш буйруғини олган бўлса ҳам, ўз ҳолича уни қириб ташлаган деб ҳам айтилади[189]. Нима бўлганда ҳам хоразмшоҳлар қўпол сиёсий хатога йўл қўйиб, элчиларни қирғин-барот қилдирадилар.

Ўтрор фожеасидан сўнг Чингизхон ибн Кафрожий Буғрони икки мулозим билан хоразмшоҳ ҳузурига элчи этиб жўнатди. Ас-Субқийнинг ёзишича, Чингизхон Ўтрор фожеасининг айбдори Иналхонни тутиб мўғуллар қўлига топширишини, элчилар ўлимининг сабабларини кескин тарзда сўрайди. Мўғуллар билан муносабатларни кескинлаштирмаслик учун *"Ўтрор ҳокимини Чингизхон қўлига топшириш керак"*, деган таклифни кўтарган шаҳзода Жалолиддиннинг фикрини султон рад этади. Султон буйруғи билан элчи бўлмиш ибн Кафрожий Буғро ўлдирилиб, икки мулозимнинг соқол-мўйловлари шармандали

189 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.155; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.343; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.186.







тарзда қириб ташланади. Хоразмшоҳ мўғуллар билан эртами-кечми, уруш бўлишини яхши англаган, қолаверса мамлакатда мўғуллар бостириб кириши хусусида турли миш-мишлар ҳам авж олган эди. Нима бўлганда султон ҳам Чингизхонга шу йўсинда дағдағали жавоб беришга қарор қилди. Тарихчи Рашидиддин ўзининг “Жомеъ ат-таворих” асарида ёзишича хоразмшоҳнинг ушбу дағдағаси ва қилмиши “Чингизхоннинг юрагига шундай таъсир қилди-ки, унда ортиқ чидам ва тоқат қолмади. Нафрат ўти билан ёниб у бир ўзи тепаликка кўтарилди, бўйнига белбоғини ташлаб, бош яланг ерга ётиб ибодат қилди. Уч кунгача йиғлаб худога нола қилиб ёрдам сўради...”[190].

Чингизхон ислом оламининг душмани бўлиб қолмаслик учун шундай йўл тутдики, уруш бошланишига расман хоразмшоҳ сабабчи бўлиб қолди, ўзини эса “олижаноб халоскор” деб ҳисоблади. Аслида эса уруш бўлишини у ҳар жиҳатдан ҳоҳлар, барча ҳаракатларини уруш бошлаши учун сафарбар қилган эди. Албатта хоразмшоҳ ҳам катта хатога йўл қўйган эди, лекин урушнинг сабабчиси ва бошловчиси фақат султон Муҳаммад хоразмшоҳ бўлмаганлигини, уруш бошланишига ҳар иккала томон ҳам сабабчи бўлганлигини тарихий воқеликлар таҳлили орқали билиб олиш мумкин[191].

Мўғуллар хоразмшоҳ устига ҳарбий юриш қилишдан аввал ҳоннинг буйруғига кўра ҳарбий саркарда Жебе Еттисув ва Қашғар устига 1218 йили ҳарбий юришлар қилиб, Кучлук давлатини тор-мор келтирди. Мусулмонларни доимо таъқиб этиб келган Кучлукка қарши бош кўтарган Шарқий Туркистон аҳолиси Жебени найманлар зулмидан озод этувчи “халоскор” деб қабул қилди. Зеро, Жебе мусулмонлар учун дин эркинлиги кафолатланишини эълон қилиб, мўғуллар ҳукмронлигини мустаҳкамлаган эди. Шундай қилиб мўғуллар Ўрта Осиёга ҳарбий

[190] Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.189.

[191] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.170.

юриш қилишдан аввал захира кучларини мустаҳкамлаб, Талас водийсигача бўлган ерларни ўз империялари таркибига қўшиб олдилар. Шу тариқа Чингизхон давлати бевосита хоразмшоҳлар билан чегарадош бўлиб қолди.



XIII аср бошларидаги Хоразмшоҳ Ануштагинийлар давлати юқорида таъкидланганидек, ўз ҳудудининг кенглиги, салтанат эгасининг нуфузи, халқнинг салоҳияти, маданияти, хўжалик ҳаётининг юқори савияда бўлганлиги билан мусулмон оламида буюк давлат саналар эди. Ўзининг кўпроқ қанғли-кипчоқ ҳамда туркманлардан иборат ёлланма қўшинига эга эди. Тарихий маълумотларга кўра умумий қўшиннинг сони 400.000 га қадар етиб, бу мўғуллар қўшинига нисбатан икки баравар ортиқ эди. Аммо, хоразмшоҳ-ануштегинийлар қўшинининг сони мусулмон тарихшунослигидаги анъанага кўра ошириб кўрсатилган. Бу ҳақда эса Жалолиддиннинг ҳарбий санъати ҳақидаги бўлимда батафсил тўхталамиз. Давлат мусулмон оламида қабул қилинган қонун чиқарувчи-даргоҳ ҳамда ижроия-девонлар тизимида бошқарилар, давлат бошлиғи султон ҳокимиятининг ҳуқуқлари ҳеч бир қонун-қоида билан чегараланмаган эди. Салтанатни ҳокимлар, ноиблар, вазирлар, лашкар бошлиқларидан иборат кучли ҳарбий аслзода гуруҳлар, муставфий (дафтардор ҳисобчилар), қозилар, садрлар ва бошқа кўплаб сарой мансабларидан иборат улкан аркони давлат доираси қуршаб турар эди.



Ҳокимлар кўп ҳолда ўз билганича иш тутишар, солиқлар тўплашнинг ҳам аниқ тизими йўқ эди. Ҳашар йўли билан бирон-бир йўл, кўприк, қалъа ва бошқа иншоотларни қуриш (сухра гирифтан) кенг тарқалган эди. Давлат аҳволи танг бўлганда кўп ҳолда иқтадорларга ишонч қолмас эди. Айрим вилоят ҳокимлари шахсан Туркон хотунга бўйсуниб, ўз билганларича иш тутар эдилар. Султон Муҳаммаднинг волидаси Туркон хотуннинг қўшин олий саркардалари бўлмиш қипчоқ саркардалари билан алоқаси мустаҳкам, ўзи шу қабилага мансуб



бўлганлиги учун уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб турар эди. Саркардалар, қўшин бошлиқлари, вазирлар, ҳокимлар кўп ҳолда унинг ижозати ва кўрсатмаси билан тайин этилар, улар ҳам ўз навбатида, аввало, Туркон хотунга бўйсунар эдилар. Туркон хотун бошқа туркий қабиладан бўлмиш келини Ойчечак ва унинг ўғли, набираси Жалолиддинни ёқтирмас, улар ўртасида ихтилоф кучли эди. Хоразмшоҳ "фарзандлик меҳри ва ҳокимиятга олиб келган шахс" сифатида онасининг сўзини икки қилмас, ҳамиша унинг фикрларига ҳоҳласа-ҳоҳламаса қўшилар эди. Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун аслида давлатдаги биринчи даражали шахс ҳисобланар, унинг шиори "эътасамту Биллоҳи Ваҳда" (яъни, "ёлғиз Оллоҳдан паноҳ сўрайман") муҳрига ёзилган бўлиб, ҳукмдор фармонига шу муҳри билан у биринчи имзо қўйса, унинг фармони вожиб ҳисобланар эди. Туркон хотун амри билан тахт вориси этиб ўз қавмидан бўлган невараси Ўзлоқшоҳ тайин этилган[192].

Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшини сони гарчи сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этсада, бу қўшин ҳарбий интизоми унча мустаҳкам бўлмаган, салоҳияти анча паст, кўпроқ жанубликлардан олинган ёлланма қўшин эди. Ўз навбатида бу қўшин ватан мудофааси учун эмас, балки кўпроқ истило, талон-тарож, ўлжа олиш учун мўлжалланган қўшин эди. Ҳақиқатда хоразмшоҳ кучли, ўзига муносиб келувчи рақиб билан кураш олиб боргани йўқ ҳисоби, бу эса юқорида қайд этилганидек, ўз ҳарбий маҳоратига нохолис тарзда юқори баҳо беришига олиб келган эди.

Хоразмшоҳлар қўшини ҳақида китобимизнинг учинчи бўлими, иккинчи қисмида батафсил маълумот бериб ўтамиз.

Жойларда ноиб ва ҳокимлик лавозимидаги амалдорлар оддий халққа нисбатан кўпинча зўравонлик, тазйиқ ила муносабатда бўлар, бу эса хоразмшоҳлар дав-

[192] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествие. С. 443; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.160.

латига нисбатан аҳолининг норозилигига сабаб бўлар эди. Солиқлар миқдори бир меъёрда турмас, меҳнаткаш омманинг аҳволи анча оғир эди. Масалан, 1218 йили Хоразмшоҳ Самарқанд мудофаа деворларини мустаҳкамлаш учун хирож солиғини бир йўла уч маротабагача ундириб олишга буйруқ берган эди. Солиқ ундириб олинган бўлсада, Самарқанд мудофааси учун ҳеч қандай иш қилинмади. Бу эса келгусида жуда фожиали оқибатга олиб келиб, Самарқанднинг мўғуллар томонидан босиб олинишининг сабабларидан бири бўлди[193]. 1206, 1212 – йилларда рўй берган Бухоро ва Самарқанддаги халқ ғалаёнлари ҳам ўз навбатида зўравонлик ва солиқлар ошиб кетишига қарши қаратилган эди. Солиқлар ва зўравонликдан эзилган халқнинг султон Муҳаммадга эътиқоди ва ишончи мўғуллар босқини арафасида сусайиб кетди. Шунингдек, султоннинг Бағдод халифалигига юриши ва ўз ҳолича термизлик сайидлардан бўлмиш Шайх Аъламулк Термизийнинг халифа деб эълон қилиниши Мовароуннаҳр уламолари ичида норозиликка сабаб бўлган эди[194].





Чингизхон ўзининг ривожланган тизимга асосланган айғоқчилар тармоғи орқали хоразмшоҳлар давлатидаги ушбу аҳволдан бохабар бўлган. Шунингдек, у ушбу қадимий маданият ва юқори салоҳиятга эга Мовароуннаҳр аҳлини осонликча бўйсундириб бўлмаслигини ҳам яхши билиб, бўлажак маҳорабага жиддий тайёргарлик кўрди. Ўтрор воқеасидан аввалроқ Чингизхон қўшинларининг Еттисувга қилган ҳарбий юришлари султон Муҳаммадни ташвишга солиб қўйган эди. Гарчи Хоразмшоҳ катта қўшинга эга бўлсада, ўзаро ихтилофлар, саркардаларга нисбатан ишончсизлик, ўз атрофидан хавфсираш хоразмшоҳ қўшинининг заифлашуви, ҳарбий интизомнинг пасайишига олиб келган эди.



[193] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.57.

[194] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествие. С. 439.







Чингизхон 1219 йили ўз ўғиллари бошлиқ 200 мингга яқин асосий ҳарбий кучлари билан анчадан бери пухта тайёрланган Хоразмшоҳ-Ануштагинийлар давлати устига ҳарбий юришни бошлади. Бу кучлар ёзни Иртиш дарёси бўйида ўтказиб, сентябр ойида чегарадан ўтади. Чингизхонга уйғур эдиқути (хони) Баурчак, қарлуқлар хони Арслонхон ва Олмалиқ ҳукмдори Сиғноқтегинлар ҳам ўз қўшини билан келиб қўшилдилар. Чегарадан ўтган Чингизхон ўз қўшини билан жанубий қозоқ чўлларининг Сирдарёга туташган жойидаги Ўтрор шаҳри яқинида тўплаб уни 4 қисмга бўлди.

Чиғатой ва Ўқтой қўшиннинг бир қисми билан Ўтрорни қамал этиб, уни эгаллаш учун қолдирилди. Иккинчи қисм эса Жўчи бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимидаги Жанд, Янгикент, Борчиғлиғкент, Сиғноқ шаҳарларни босиб олиш учун юборилди. Учинчи қисмдаги беш минг чоғли қўшинга Улоқ нўён ва Сукету черби бош бўлиб Ўтрордан жанубга юриш, Хўжанд ва Банокатни эгаллаш вазифаси топширилди. Чингизхон ўзи бош бўлган тўртинчи, асосий қисм (унинг таркибида таниқли саркардалар Жебе ва Субутой ҳам бор эди) Зарафшон воҳаси томон-Бухоро ҳамда Самарқандни истило этиш учун йўл олди[195].

Шундай қилиб, мўғул босқини бошлангач Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғулларга зарба бериш хусусида Урганчда (Гурганж) ҳарбий кенгаш чақиради. Унда кўзга кўринган давлат арбоблари, аслзодалар, ҳарбий саркардалар иштирок этадилар. Асли хивалик машҳур фиқҳшунос ҳамда давлат арбоби Шаҳобиддин ал-Хивақий бор қўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, узоқ йўл босиб келаётган мўғул қўшинига чегара бўйидаёқ ҳал қилувчи зарба бериш тўғрисида ҳарбий жиҳатдан ҳақ фикрни билдирди.

Мўғулларга қаршилик кўрсатишнинг иккинчи режасини шаҳзода Жалолиддин таклиф этган эди. Унга кўра

---

[195] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.136; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.198.

душманни Мовароуннаҳрга киритиб, сўнгра маҳаллий ҳудудни душманга нисбатан яхши билганликдан фойдаланиб, уни йўқ қилиш кўзда тутилган эди. Жалолиддин шу йўл билан душманни Хуросон ва Ироққа ўтказмасликни режалаштирган эди. Ундан ташқари яна икки таклиф ҳам ўртага ташланган эди. Лекин Хоразмшоҳ ўз саркардаларига, айниқса қипчоқ ҳарбийларига ишончсизлик билан қарар, катта қўшинни бир жойга тўплашдан, қўшин йиғилганда эса ўзини тахтдан ағдариб ташлашлари мумкин эканлигидан чўчир эди. Шунинг учун султон ва унинг онаси тазйиқи билан кенгаш мудофаа усулига ўтишни маъқул деб топди. Жами 450 тага яқин шаҳар (қалъа) ва вилоятлардан иборат бўлмиш давлатда қўшин катта жангга кириб, ватан шарафини ҳимоя қилиш ўрнига шаҳар ва қалъаларга бўлиб ташланди. Баъзи марказий шаҳарлар, жумладан «Бухоро ва Самарқанд мудофаасини мустаҳкамлаш зарур», деган фикрга келинди, холос. Аммо, бу мудофаа тизими ҳам қониқарли даражада ташкил этилмади. Бу пайтда мўғул қўшини аллақачон чегара ерларидан анча илгарилаб кета бошлаган эди[196].



Чегарадаги Ўтрор мустаҳкам шаҳар қалъа бўлиб, мўғулларга олти ой давомида мардонавор қаршилик кўрсатди. Ўтрор ҳокими Иналхон (Ғойирхон) қўлида 20.000 чоғли суворий бўлиб, хоразмшоҳ унга ёрдам тариқасида 50.000 кишилик "лашкари бирун"ни ҳам юборган эди.



Қамал давомида қўшимча тарзда яна Қорача Ҳожиб бошчилигидаги 10.000 кишилик отряд ҳам юборилди. Ўтрор ҳокими жасур ва мард саркарда Иналхон унга маҳорат билан бошчилик қилар эди. Аммо айрим зотларнинг хиёнаткорлиги туфайли, мўғуллар шаҳарга ёриб кирдилар. *Беш ойлик қамалдан сўнг Иналхон деярли* бир ой давомида 20 000 нафар қўшини билан шаҳар қалъасида қаршиликни давом эттиради. Охир-оқибатда Иналхон деярли бир ўзи қолиб, қалъа томига чиқиб,



[196] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествие. С. 439.

қўлига тушган нарсаси билан мўғулларга ҳужум қилган. Мард саркардани мўғуллар тириклайин қўлга тушириб, Самарқандга Чингизхон ҳузурига юборганлар. Чингизхон эса манбаларнинг ёзишига кўра, "кумушни эритиб ўз ҳузурида саркарданинг қулоқ ва кўзига қуйишни буюрган". Иналхон шу тариқа ваҳшиёна равишда ўлдирилган. Ўтрор шаҳри ўз жасорати эвазига мўғуллар томонидан буткул бузиб ташланди[197].

Хиёнат йўлини тутган Қорача Ҳожиб эса Ўтрор олинганидан сўнг мўғуллар томонидан қатл этилди. Ўтрорнинг собиқ ноиби Бадриддин ал-Амиднинг ҳам султонга нисбатан эски-ҳисоб китоби бор эди. Султон бир пайтлар унинг отаси ва қариндошларини қатл этган бўлиб, шундан кейин Бадриддин султонга хуфёна душманлик йўлини турар эди. Бадриддин ал-Амид Чингизхон томонига ўтиб, султонга таъсир ўтказишнинг бир ҳийласини таклиф қилди. Унга кўра асирга олинган султон ва унинг онаси қариндошлари номидан сохта хат тайёрланди. Хатда султон Қипчоқ ҳарбийларига, онасига беписандлик билан муносабатда бўлганини, эндиликда Туркон Хотун султоннинг бир ўзини ёрдамсиз қолдириш тўғрисида буйруқ бергани таъкидланган эди. Ушбу хат давлат ичида тез тарқалиб, султон қўлига ҳам етиб борди. Шундан сўнг султон қўшинни янада тезлик билан парчалаб, тарқата бошлади. Бу эса давлат ҳалокатини янада тезлаштирди[198].

Бухоро йўналишида кетаётган Чингизхонга эса Зарнуқ (Зеринуҳ) ва Нур қалъалари жангсиз таслим бўлдилар[199]. Чингизхон 1220 йилнинг феврал ойи бошларида (баъзи адабиётларда 7 февралда дейилади), Шарқдаги ислом дини гумбази, "бутун мусулмон шаҳарлари онаси" но-

---

[197] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.58; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.136-138; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.198-199.

[198] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.58-60

[199] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.146-147; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.204-205.

мини олган "исломий илмлар маркази" Бухоро яқинида пайдо бўлди. Ўрта аср тарихий манбаларида Бухоро "Шарқ мамлакатларининг ислом қуббаси ва шу мамлакатларнинг тинчлик шаҳри, мусулмонлар аҳли шаҳарларининг онаси" ("Қувват ал-ислом фи билоди-ш-шарқ ва мадинату-с-салом ҳазиҳил-билод ва умму жамиъул-муминил муслимин" номи билан донг чиқарган эди).

Уч кунлик шаҳар қамали бошланди. Бухорода бу пайтда 12.000 кишилик шаҳар гарнизони ва 20.000 кишилик "лашкари бирун" мавжуд эди. Лашкарларга нуфузли саркардалар Ихтиёриддин Қўшлу, Инанчхон Ўғулҳожиб, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчхон, мўғуллардан қочиб ўтган уйғур саркардаси Кўкхон (Гўрхон) бош эдилар. Аввал бошида қўшин мўғулларга зарба беришга муваффақ бўлди. Кейин эса мўғулларнинг қўли устун кела бошлади.

Саркардалардан Инанчхон базўр Амударёдан ўтиб қутулишга муваффақ бўлади, Ҳамид Пура Қорахитой мардонавор тарзда жангда ҳалок бўлди, қолган-қутган ҳарбийлар эса Бухорога қайтиб чекинишга мажбур бўлдилар. Аҳли Бухоро ўз ҳимоячиларидан айрилгандан сўнг, шаҳар аҳлининг жонини саломат сақлаб қолиш ниятида шаҳарликлар маслаҳатлашиб, Бухоро қозиси Бадриддин қози бошчилигидаги бир гуруҳ оқсоқолларни Чингизхон ҳузурига юборадилар. 1220 йили 10 феврал куни мўғуллар Бухорога кириб келадилар. Бухорога кириб келган Чингизхоннинг ҳатти-ҳаракатлари хусусида Рашидиддин шундай деб ёзган эди: "Чингизхон отда масжиди жоме олдига келиб тўхтади ва шаҳарнинг казо-казоларини ўз ҳузурига чақиртирди. Мўғуллар шаҳар омборхоналарини очиб, ғаллаларни ташиб олдилар. Қуръон нусхалари сақланадиган сандиқларни отларга охур қилдилар, масжидларга мешларда шароб келтириб жойлаб қўйдилар, шаҳар ҳофизлари ва ўйинчиларини чорлаб, рақсга туширдилар. Мўғуллар дол-ғулига келтириб ўз ашулаларини айтар эдилар. Оқсуяклар, уламолар ва шайхлар отбоқарлар ўрнида отларни қўриқлаш учун отхоналарда









турар ва ўша қабила келишларини, амр-фармонларини бажо келтириш билан машғул эдилар.” Бухоро талон-тарож хусусида муаррих ибн Аттор шундай ёзган эди: “Ул кун ҳақиқатда даҳшатли кун бўлди. Бори мангуга кетган эрларининг, хотинларнинг, болаларнинг товушларигина эшитилиб турди. Ваҳшийлар хотинларни. қизларни ҳам ўзларининг биродарлари кўз олдида таҳқирладилар. Бу таҳқирларга уларда кўз ёшларидан ўзга қурол топилмади. Кўплар даҳшатли манзаралардан кўра ўлимни ортиқ кўрдилар. Қози Бадриддин, Имом Рукниддин ва унинг ўғли бу номуссизлик манзараларига чидай олмай, ғазабланиб, ўзлари тенг бўлмаган душманга ҳужум қилиб, ҳалокат топдилар.”

Аксарият шаҳарликлар ўз қаршиликларини давом эттирдилар, тунда эса яширинча аскарларга ёрдам бериб, мўғул аскарларига қарши ҳужумлар уюштирдилар. Чингизхон бунга жавобан шаҳарни ёқиб юборишга буйруқ берди. Кўкхон бошчилигидаги 400 та мудофаачилар Бухоро аркида яна 12 кун қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Аркни эгаллаш учун қилинган мўғуллар ҳатти-ҳаракатлари зое кетди. Қалъадаги чуқурликлар одам ва ҳайвон ўликлари билан тўлиб кетди. Кўкхон ва у бошчилигидаги мудофаачилар қаҳрамонона ҳалок бўлганларидан сўнггина арк эгалланди. Бухороликлар қаршилиги мўғулларни қаттиқ ғазаблантирди. Бу жасорат эвазига мўғуллар шаҳар аҳлидан 30000 чоғли кишини қириб ташладилар. Келиб чиқишидан қатъий назар қолган аксарият аҳоли қулликка маҳкум этилди. Маърифатли, нозик таъб, маданиятли ва илмли Бухоро аҳли истилочилар томонидан зулм ва таҳқирланиш гирдобига тортилди. Бухоронинг эгалланиши султон ҳокимияти тугаб бораётганлигини намоён қилди. Тез орада Қундуз, Балх ва бошқа ҳудудлардаги ҳоким, амалдорларнинг кўпчилиги ҳеч иккиланмай мўғуллар томонига ўта бошладилар[200].

---

[200] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.65-66; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С.361; Жувайний. Тарихи

Бухородан сўнг Чингизхон Самарқанд шаҳри томон йўл олди. 1220 йил март ойи бошида у Самарқандга етиб келиб, ён-атрофдаги қишлоқларни ер билан яксон қилди. Чингизхон Самарқандни эгаллашга алоҳида аҳамият берди. Самарқанднинг Мовароуннаҳр учун, хоразмшоҳлар давлати учун аҳамияти беқиёс эканлигини Чингизхон яхши билар эди. Шаҳарда жанг учун 110 минг аскар мавжуд бўлиб, уларда 60 мингини туркийлар, ғуллар, ҳалажлар, хуросонликлар ташкил этар эди. Шаҳар ноиби Туркон Хотуннинг укаси Тўғайхон бўлган. Самарқандда шунингдек бир неча таниқли амирлар, саркардалар ҳам жангга шай бўлиб, маҳаллий хоразмликлар қўшини 50 мингни ташкил этарди. Шаҳарда ҳатто ҳарбий жангга ўргатилган 20 та фил ҳам бор эди.



Шаҳар озиқ-овқат заҳираси, мудофаа истеҳкомларининг пухталиги жиҳатидан бир неча йиллик қамалга ҳам чидаши мумкин эди. Ўз қароргоҳини мўғуллар босқини бошланиши биланоқ саросимада Балхга кўчирган султон Муҳаммад ҳам Самарқанд мудофаасига умид кўзи билан боқар эди.



Чингизхоннинг ўзи шаҳар ташқарисидаги Кўксарой қўрғонидан туриб шаҳар қамалига бошчилик қилди. 1220 йилнинг март ойининг бошларида шаҳар қаттиқ қамал қилиниб, тўхтовсиз ҳужум бошланди. Қамалнинг учинчи кунидан бошлаб унга Чингизхоннинг шахсан ўзи бошчилик қила бошлайди. Қамалнинг бешинчи куни уламо, зодагон, шаҳар ҳарбий бошлиқлари “кейинги қаршилик мақсадга мувофиқ эмас ва оммавий қирғин бўлишини олдини олиш керак”, деган мақсадда мўғулларга таслим бўлишга қарор қиладилар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом бошчилигида Чингизхон ҳузурига Самарқанд аҳли номидан элчилар ташриф буюрадилар. Мўғуллар Самарқанд бош сув иншооти – “Жўйи арзиз” – “Қўрғошин новаси”ни бузиб ташлаб, шаҳарни ташналик гирдобига



жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.150-153; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.205-206.







гирифтор қилдилар. Шаҳар истеҳкоми бузиб ташланди. 20 000 чоғли шаҳар мудофаачилари сув тошқини боис таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Тахминан 1000 нафарли мудофаачилар эса, султон томонидан 1211-1214 йилларда қурилган *Жоме масжидига кириб, душманга зарба* бера бошладилар. Мўғуллар масжидга ўт қўйиб, мудофаачиларни тирик ўлимга маҳкум этдилар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом ваколати билан ташқарига олиб чиқиб кетилган 50.000 нафар кишидан бошқа барча аҳоли қатламлари беҳад талон-тарож қилинди. 30.000 нафар ҳунарманд аҳли Чингизхон қариндош-уруғларига тақсим қилиб берилди. Тирик қолган шаҳар аҳлига 200.000 динор ўлпон мажбурияти юклатилди. Самарқандда жами аҳолининг фақат ¼ қисмигина тирик қолди, холос. Мўғуллар томонига хиёнаткорона ўтиб кетган собиқ шаҳар ноиби Тўғайхон тез орада ўзининг 30.000 кишиси билан Чингизхон буйруғига кўра қириб ташланди. 1220 йил 17 март Самарқанд мўғуллар томонидан истило этилган сана ҳисобланади.

Таслим бўлган шаҳарда мўғуллар қилган талон-тарожликлар туфайли “Сайқали рўйи замин аст” деб улуғланган, шарқнинг буюк шаҳарларидан бири ҳисобланган, бир пайтлар гуллаб-яшнаб турган Мовароуннаҳр пойтахти ҳувиллаб қолиб, ер билан яксон қилинди[201].

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг масъулиятсизлиги, ҳарбий бошлиқларнинг ўзаро иттифоқда бўлмаганлиги, халқ, мамлакат тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйиши оқи*батида бу даҳшатли воқеа содир бўлган эди.* Чингизхоннинг тўла ғалабага эриши учун иккита ҳолат тўсқинлик қилиб турар эди. Биринчиси – Хоразмшоҳлар пойтахтини эгаллаш бўлса, иккинчиси – султон Муҳаммад хоразмшоҳни қўлга олиш ҳисобланган. Мусулмон Шарқининг энг катта давлати ҳукмдорини қўлга тушириш Чингизхон олдига

---

[201] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С.353-355; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.159-163; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.206-208.

қўйилган асосий мақсадларидан бири сирасига кирар эди. Бунинг учун Чингизхон Жебе ва Субутой бошчилигида 20 минг кишилик сараланган аскарларни танлаб, уларга хоразмшоҳни изма-из таъқиб қилиш, уни қўлга олиб, мўғуллар ҳукмдори ҳузурига келтириш вазифасини топширди. Самарқанд истилосидан сўнг султон тезлик билан жануб томонга йўл олди. У жануб томон шунчалик шошилдики, тарихчилардан Ибн ал-Асир, Жузжоний, Жувайний, Рашидиддинлар бир овоздан таъкидлашганларига кўра Амударёдан ўтаётган вақтида 70 юк тиллани ҳам дарёга чўктириб юборган. Бу қимматбаҳо юклардан ташқари султон хазинаси ҳам сувга ғарқ қилинган эди. Бу вақтда султон Муҳаммад хоразмшоҳ Балхга етиб келиб, ўз қароргоҳидан воқеликни бефарқ кузатувчиси сифатида кузатар эди. Мўғуллар кириб келаётган вақтдаёқ унга Ироққа қараб чекинишни баъзи амалдорлар маслаҳат беришган, шу боис у узоқроқ ерларга чекинишни ҳам маъқул деб ҳисоблар эди[202].





Таъкидлаш жоизки, султоннинг анчагина қўшин тўплаши мумкин бўлган Хуросонни тарк этиши катта хатолик эди. Сабаби, айнан Хуросондан давлат мудофааси учун керакли қўшин йиғиш имконияти мавжуд бўлган. Султон 1220 йил апрелида Нишопурга келди. У Жебе ва Субутой бошлиқ мўғул қўшини уни изма-из таъқиб этишаётганидан хабардор бўлгани боис Нишопурни тезда тарк этди. Ан-Насавийнинг ёзишича султон Бистомга келгач, амир Тожиддин ал-Бистомийга Дамованд ва Мозандарон оралиғидаги тоғли ҳудуддаги олиб бўлмас Ардаҳн қалъасига ўнта сандиқ қимматбаҳо тошларни олиб бориб қўйишни буюрган. Уларнинг қийматига баҳо берган ан-Насавий икки сандиқнинг баҳосининг ўзи “бутун дунёнинг ҳирожига тенг”, дея баҳо берган эди. Бистомдан сўнг султон яна



[202] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.68-70; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С.357-359; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.150-153; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.208-214.







қалъама-қалъа, шаҳару-қишлоқ бўйлаб юриб борди. Чингизхон Хуросон қалъа ва шаҳарлар ҳокимларини агарда улар султонга бошпана беришса, кейинчалик ўзларининг тақдири аянчли бўлишини аввалдан чопарлар орқали огоҳлантириб қўйган эди. Шу боис жойларда мўғуллардан ҳайиққан маҳаллий ҳокимлар султонни истамайгина, совуқ қарши олар эдилар[203].

Хуросондаги кўпгина саргардонликлардан сўнг султон Каспий денгизининг жанубидаги Ашуради (Ашур) оролига бориб ўрнашади. Узоқ саргондарлик, ғам-алам, салтанат ва тожу-тахтдан айрилиш султоннинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам маънавий жиҳатдан эзилган собиқ ҳукмдор бу ерда плеврит (ўпка қобиғига сув йиғилиши) касалига чалинган эди. Султон қилган гуноҳларига иқрор бўлган ҳолда ушбу оролда азоб-уқубат билан 1220 йилнинг декабр ойида вафот этди. Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг, Жалолиддин отасининг мурдасини тоғлиқ Ардаҳн қалъасига олиб бориб дафн этади. Ардаҳн мўғуллар томонидан забт этилгандан сўнг, ўз вақтида султонни тириклайин қўлга тушира олмаган аламзада мўғуллар унинг мурдасини кавлаб олиб, Ўгедейга (Ўктой) юборишган. Ўгедей эса унинг мурдасини ёқиб юборишни ҳамда кулини кўкка совуришни буюрган. Шунингдек, хоразмшоҳларнинг ўз вақтида султон томонидан Ардаҳнга яширилган энг қимматбаҳо 10 та сандиққа жойланган жавоҳирлари ҳам мўғуллар қўлига ўлжа бўлиб тушган эди.

Тарихий манбаларда султоннинг жами 20 миллион ҳажмдаги олтин динорлари, 1000 юк атлас, қимматбаҳо матолар, 30 000 от-хачирлари ва бошқа бойликларнинг ҳаммаси мўғуллар қўлига ўтиб кетганлиги қайд этилади[204].

Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи бошчилигидаги мўғул босқинчилари режа бўйича Сирдарёнинг юқори қисми-

[203] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.68-70.

[204] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.68-70, 75-79.

даги ерларни эгаллаши лозим эди. Босқинчилар маълум муддатдаги қамалдан сўнг Сиғноқ ва Борчилиғкент шаҳарларини эгалладилар. Сиғноқ аҳолиси Жўчининг элчиси Ҳасан ҳожини ўлдириб, етти кун мардонавор қаршилик кўрсатдилар. Шаҳар олинганидан сўнг эса унинг барча аҳолиси қириб ташланди.



Сирдарёнинг юқори томонидаги Жанд, Шаҳриканд, Ёркент ҳимояси 10 минг кишилик қўшин билан амирлар амири (амири амирон), Туркон Хотуннинг яқин қариндоши Қутлуғхон қўлига топширилган эди. Қутлуғхон ҳудудни ўз ҳолига ташаб, хоинлик билан Хоразмга кетиб қолди.

Мўғуллар томонидан Жандга юборилган Чин Темур агар шаҳар Жўчига бўйин эгса аҳолиси омон қолишини ваъда қилди. 1219 йил 4 апрелда Жанд мўғуллар томонидан жангсиз эгалланди. Шаҳар аҳолиси ташқарига ҳайдаб чиқилиб, тўққиз кун оч-наҳор далада ушлаб турилди. Бу вақтда мўғуллар Жанд ва унинг ён-атрофини буткул талон-тарож қилдилар[205].



Уч кунлик қамалдан сўнг Банокат шаҳри ҳам эгалланиб, аҳолининг бир қисми қиличдан ўтказилди. Мўғулларнинг кейинги эътибори Хўжандга қаратилди.

Мўғуллар мустаҳкам қалъа ҳисобланган Хўжандга ҳужум бошлайдилар. Улар 20.000 нафар қўшин ва 50.000 минг чоғли асирга тушган ҳашарчиларни Хўжанд атрофига йиғадилар. Хўжанд ҳокими Темур Малик асли туркий саркардалардан бўлиб, хоразмшоҳлар давлатида моҳир саркарда сифатида ном чиқарган, султон ва унинг оиласига таниш бўлган шахс эди. Мўғулларга қарши тура олиш мумкин эмаслигини сезган Темур Малик (малик-ҳоким маъносида) тахминан 1000 нафар аскари билан Хўжанддан бир километр наридаги Сирдарёнинг мўъжазгина оролида жойлашиб олади. Қулай стратегик аҳамиятга эга бўлган бу оролга мўғуллар ўқлари, палахмон тошлари етиб бормас эди. Темур Маликнинг буйруғига кўра 12 та қайиқ ясатилиб, ўқ ўтмаслиги, ёниб кетмаслиги мақсадида бу қай-



[205] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.138-141.







иқларнинг усти намат билан қопланиб, сирка шимдирилган лой билан суваб чиқилади.

Темур Малик узоқ вақт мудофаа учун эндиликда оролчада туриш мақсадга мувофиқ эмаслигини тушуниб, бор озиқ-овқат захираси ва аскарларини 70 та кемага жойлаб, тунда дарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Мўғуллар икки соҳил бўйлаб Темур Малик кемаларига тўхтовсиз ҳужумни уюштирар эдилар. Ҳатто Банокат бўйида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига занжир ҳам тортиб қўядилар. Узоқ, узлуксиз жанг билан улар Жандга қадар етиб келдилар. Мўғул саркардаси Улус Иди Борчилиғкент ва Жанд яқинида манжаниқлар (тош отар замбараклар) ўрнатиб, қайиқларни бир-бирига туташтирган ҳолда, жасур саркарда йўлини тўсади. Узоқ жанглардан сўнг Темур Малик Гурганжга етиб келади ва шаҳар ҳимоясида қатнашиб, Жалолиддиннинг озодлик курашида фаол иштирок этади. Кейинроқ, узоқ саргардонликлардан сўнг саркарда Темур Малик ўз юртига дарвеш сифатида келиб, қаҳрамонона равишда мўғул ҳарбийлари қўлида ҳалок бўлади[206].

Чингизхон 1220 йилнинг ёзини Мовароуннаҳр жанубида ўтказмоқчи бўлди. Чунки, у жануб шаҳарларини эгаллашга шахсан бош қўшган эди. Зеро, жанубда ҳали босқинчилар қадами етмаган бир қатор бой вилоят ва шаҳарлар мавжуд эди. Аввал у Нахшабга бостириб борди. Шаҳарликлар мўғулларнинг мислсиз зўравонлик ва босқинидан яхши хабардор эдилар. Наҳшаб аҳли даҳшатга тушиб, шаҳарни мўғулларга ихтиёрий тарзда топширадилар. Шундай бўлса ҳам шаҳардан катта ўлпон ундирилади.

Чингизхон ёзни Наҳшабда ўтказиб, 1220 йилнинг кузида Термизга юришни бошлайди. Термиз Ҳиндистон ва Ўрта Осиё савдо йўллари туташган қулай ерда жойлашган бўлиб, унинг Амударё соҳилига туташган қалъаси ўз вақтида мустаҳкам равишда барпо этилган эди. Термиз ҳокими

[206] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.141-144.

Фахриддин мўғуллар босқинига мардонавор туриб жавоб беришга қарор қилди. Мудофаанинг ўн биринчи куни шаҳар эгалланди. Шаҳар буткул талон-тарож қилиниб, хонавайрон этилди. Шаҳар аҳли эса даштга ҳайдаб чиқилиб, қириб ташланди[207].

Мовароуннаҳрнинг асосий қисмлари-Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон, Қашқадарё водийлари, Бухоро воҳаси, Шош ва Фарғона водийси эгаллангач, Чингизхон эндиликда ўзининг асосий эътиборини хоразмшоҳлар давлатининг маркази Хоразм ўлкасига қаратди. Бу юришга ўғиллари Жўчи, Чиғатой, Ўктой (Угедей)ларни масъул қилди. Айниқса, хон мусулмон шарқининг энг катта шаҳри бўлмиш, маданият, савдо гуллаб яшнаган бой-бадавлат қадимги Урганч (Гурганж) истилосига катта аҳамият билан қаради.

Юқорида таъкидлаганидек Чингизхон ўз олдига қўйиган иккинчи муҳим масала бу – Хорамзшоҳлар давлати пойтахтини эгаллаш эди.

Бу борада Чингизхон пойтахтда турган Туркон хотун ҳузурига ўз вакили Донишманд ҳожибни юборди. Вакил олиб келган номада Чингизхон худдики ўзини Туркон хотун манфаатлари ҳимоячиси деб ҳисоблаб, унга бўйсунишини талаб қилди. Эвазига эса Туркон хотунга Хоразм, Хуросон, Амударёнинг жануб тарафидаги ерлар тақдим этилишини билдирди. Гурганж мустаҳкам мудофаа деворига эга, ҳатто 1204 йили ғурийлар султони Шаҳобиддин ал-Ғурийнинг қамалига ҳам дош берган, пойтахт аҳли, ўз жасорати ва ҳарбий тайёргарлиги билан ҳам ажралиб турар эди. Донишманд ҳожиб "маликаи олам" Туркон хотунга унинг ўғли султон Муҳаммад аллақачон қочиб кетганлиги, давлатнинг қатор ҳудудлари аллақачон мўғуллар қўлига ўтганлигини таъкидлади.

Табиийки, бу хабарлар Туркон хотун матонатию-жасоратини букиб юборди. У барча қимматбаҳо ашёларни йиғиб, пойтахтни тезлик билан тарк этишга киришди. Пойтахтдан

[207] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.168-169.







чиқиб кетиш чоғида у яна бир ёвузликка қўл урди. Малика гаровда сақланадиган, бир-вақтлар асирга олинган турли ўлка, шаҳар, ҳудудлар ҳокимлари, уларнинг ўғилларини, жами 26 нафар кишини Амударёга ғарқ этишини буюрди. Туркон хотуннинг кетиш жафосига қилган бундай ғаламислиги кўпчиликнинг ундан янада кўнгли совушига олиб келди. Туркон хотун ўз яқинлари, бойликлари билан Мозондарондаги Илол қалъаси бориб беркиндилар. Қалъа жуда мустаҳкам, озиқ-овқат захираси, қурол-яроғ етарлича эди. Мўғуллар қалъани 4 ой қамал қилдилар.

Қамал азоби ва сув танқислигидан чарчаган Туркон хотун охир-оқибатда таслим бўлди. Мўғуллар султонининг ёш ўғилларнини ўлдирдилар, аёллар эса Чингизхоннинг яқинларига бўлиб берилди. Туркон хотунга асирликда Чингизхон аёлларига чўри сифатидаги аянчли ҳаёт насиб этди. У хор-зорликда 1233 йили Қорақурумда вафот этди[208].

1221 йилнинг бошида "султон" деб эълон қилинган Жалолиддин ва шаҳзодалар Оқшоҳ, Ўзлоқшоҳлар билан Гурганжга келади. Лекин Гурганждаги сиёсий вазият, собиқ Жанд ноиби Қутлуғхоннинг унга қарши суиқасди, қипчоқ саркардаларининг хоинона ўзларини тутишлари, Жалолиддинни шаҳар мудофаасига бош бўлиш фикридан қайтарди. Қипчоқлар уни ҳокимият тепасига келишини ҳоҳламас эдилар. Бундай вазиятда мудофаани ташкил этиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолган эди. Ушбу воқеалардан сўнг Жалолиддин Темур Малик билан биргаликда 300 та киши билан шаҳарни тарк этиб Хуросонга йўл олади. Унинг ортидан эса, тез орада Оқшоҳ ва Ўзлоқшоҳлар ҳам йўл олишади. Жалолиддиннинг фаолиятини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлгани учун кейинги қисмларда бу буюк шахс фаолияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилади.

Гурганжда эса шаҳардаги қипчоқ саркардалари-Ўғул Ҳожиб, Эрбуқа паҳлавон ва бошқалар Туркон хотуннинг

[208] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествие. С. 499.

жияни ёш Хумортегинни "султон" деб эълон қилдилар.

Хумортегин лаёқатсиз, ўз фикрига эга бўлмаган, қўрқоқ шахс эди. Гурганжга Чингизхоннинг ўғиллари Жўчи, Чиғатой, Ўгедей, таниқли мўғул саркардалари Тулун черби, Устун нўён, Қозон нўён ва бошқалар ўз ҳарбий кучлари билан етиб келадилар. Хоразм Жўчи бошқаруви илкига тушганлиги учун ҳам, у шаҳарни тинчлик билан мўғулларга топширишни талаб этади. Лекин, нима бўлганда ҳам шаҳарнинг жасур ҳимоячилари мудофаага қатъий тайёргарлик кўриб, жонажон шаҳарларини мўғулларга беришдан қатъий равишда бош тортдилар. Пойтахт атрофини 100.000 дан зиёд мўғуллар қўшини билан ўраб олиш бошланди. Шаҳар деворларини бузиш учун манжаниқлар ўрнатилинади. Мўғуллар шаҳарни катта куч билан забт этишга киришдилар. Афсуски, янги "султон" шаҳар мудофаасига бош бўла олмади. Ҳолбуки, шаҳарда 90 минг кишилик ҳам қўшин бор эди.



1221 йил бошидан бошланган Гурганж қамали деярли 7 ой давом этади. Шаҳар аҳли мўғулларнинг қурол-яроғи, палаҳмон тошларни отувчи манжаниқлари, замбаракларидан чўчимай, мардонавор курашга киришдилар. Найза ва камон ўқларидан қўрқмай, шаҳар деворларининг бузилган ерларини қайта тиклай бошлайдилар. Бир гуруҳ урганчлик ҳарбий навкарлар шаҳардан деярли бир фарсаҳ узоқликдаги Боғи-Хуррам деган жойда мўғулларга зарба беришга ҳаракат қилиб, қаҳрамонона жанг қилдилар. Лекин, Жувайнийнинг ёзишига кўра, жангда қўшин ва қурол жиҳатидан устун бўлган мўғуллар шу ерлик тинч аҳоли, жангчилар билан биргаликда 100.000 дан зиёд аҳолини қириб ташлайдилар. Султон зобитларининг бошлиғи Фаридун Ғурий ўзининг 500 кишилик ҳарбий отряди билан мардонавор тарзда шаҳар деворлари ва дарвозалари ҳимоясига бош бўлди. Лекин қўрқоқ ва заиф "султон" Хумортегин шаҳар дарвозасини очиб бериб, ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида хиёнаткорона равишда мўғулларга таслим бўлди. Истилочилар шаҳарга бостириб кира











бошлайдилар. Тарихчилардан ан-Насавий, Жувайнийларнинг ёзишларига кўра Гурганж аҳолиси ҳар бир кўча, мавзени жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилганлар. Кўприк устидаги жангда шаҳарликлар 3000 нафардан зиёд мўғул аскарларини қириб ташлашга ҳам муваффақ бўлдилар.

Шаҳардаги жангларда хоразмлик машҳур аллома, файласуф ва олим, Кубровия тариқатининг асосчиси Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хевақий (1145-1221) ҳам фаол қатнашди. Ўзига "Ё Ватан, ё шарофатли ўлим" деган ғояни шиор қилиб олган бу 76 ёшдаги буюк шайх мўғулларнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифларини рад этиб, ўзининг беҳисоб шогирд, дўсту-ёрон, мухлису-сафдошлар билан шаҳар ички мудофаасида иштирок этади. Унинг жанговар чақириғига мувофиқ ҳар бир қарич ерни шаҳарликлар қаҳрамонона тарзда, бир томчи қонлари қолгунча ҳимоя қиладилар. Нажмиддин Кубро қаҳрамонона тарзда жанг қилиб, ўлим олдидан мўғул навкарига ташланиб, уни аввал ҳалок қилиб, сўнгра ўзи шаҳид бўлади.

Шаҳар мудофааси чўзилиб, ҳатто Чингизхоннинг ўғиллари Жўчи ва Чиғатой ўртасида ҳам ихтилоф чиқиб, шаҳарни эгаллаш бошқа бир ўғил - Угедейга топширилди. Беҳисоб қон тўкилиб, бундан сўнгги ҳимоя бефойдалигини сезган шаҳарликларнинг тирик қолганлар жонини омон сақлаб қолиш мақсадида таслим бўлишдан ўзга чоралари қолмади. Шаҳар кўчаларида жанг яна 7 кун давом этди.

Маданий ёдгорликлар, минглаб жилдга эга бой кутубхоналар ер билан битта қилинди. Шаҳар аҳлига омонлик сўраб борган таниқли уламо Оловуддин ал-Ҳаётнинг ёлворишлари ҳам зое кетди. Шаҳардан 100 000 дан кўпроқ ҳунармандлар ажратиб олиниб, Мўғулистонга жўнатилди. Шаҳар аҳли даштга ҳайдаб чиқарилиб, болалар ва аёллар бўлиб олинди. «Ортиқча» асирлар ҳақоратли ўлимга мубтало этилди. Жувайнийнинг ёзишича, ҳар бир мўғул аскарига шаҳарликлардан 24 та асир аскар тўғри келган

экан[209]. Қолган барча нарсалар ҳам беаёв талон-тарож қилинди. Шаҳар қўлга олинганидан сўнг унинг асосий қисми бузилиб, хонавайрон этилди. Бу разолатга ҳам қониқмаган мўғуллар Амударё тўғонини бузиб, шаҳарни сувга бостирдилар. Бу хусусда ан-Насавий Гурганж "қашқирлар уяси ҳамда бойўғли ва қарғаларнинг бошпанасига айланди", деб ёзган эди[210].



Гурганж қамали билан бир вақтда Чингизхон 1221 йилнинг баҳорида ўзининг эътиборини Амударёдан жанубдаги йирик савдо йўллари устида жойлашган бой маданий марказлар бўлмиш Балх, Ҳирот, Ғазна, Қандаҳор, Нишопур ва бошқаларга қаратди. Чингизхон шахсан Балх юришига бошчилик қилиб, шаҳарни забт этди. Балх аҳолисини эса қириб ташлади. Баъзи бир жанублик хоразмшоҳ ноиблари, жумладан Амин-ал мулк ҳам мўғуллар томонига хиёнаткорона равишда ўтиб кетдилар[211].



Хуросонда мўғуллар йўлидаги биринчи шаҳар Нисо бўлган. Мўғуллар 20 та тошотар замбарак (манжаник) ўрнатиб, 15 кун давомида шаҳарни тўхтовсиз қамал қилдилар. Шаҳар қўлга киритилгач унинг аҳолисини ташқарига ҳайдаб чиқариб, 70 минг аҳолини ўлдирдилар. Бу хусусда ан-Насавий афсус-надомат билан "улар билан йиртқич ҳайвонларни ва осмондаги қушларни тўйғаздилар. Қанчадан – қанча қонлар тўкилди, аёллар зўрланди, қанчадан-қанча болалар ўлдирилган оналарнинг кўкраклари ёнида ўлдирилди! Бу эса Хуросон вилоятларидан фақат биргинаси эди!", дея ёзган эди. Нисода Хоразмшоҳлар давлатининг таниқли намояндаларидан бири бўлмиш Шаҳобиддин ал-Ҳивақий ҳам ўлдирилди. Йўл-йўлакай мўғуллар дуч келган махаллий аҳоли вакилларини қилич-



[209] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.167.

[210] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.194; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.163-167; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.214-217.

[211] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.169-170.







дан ўтказиб бордилар[212].

1221 йилнинг февралида Хуросоннинг кўзга кўринган йирик шаҳри Марв аҳолисининг аксарияти бошига ҳам шу кун тушди. Марв шаҳри бир неча маротаба шафқатсизларча талон-тарож қилинди. Охир-оқибатда шаҳарда бирон кимса ҳам қолмади. Ҳолбуки, шаҳар мусулмон оламида ўз мадрасалари ва кутубхоналари, олиму-уламолари билан машҳур бўлиб, “Марви жаҳон” номини олган эди[213].

Жалолиддинга қарши кураш вақтида қатор қалъа, шаҳарлар қаттиқ жанглар билан ишғол қилинди (Бамиён, Ғазна, Қандаҳор, Гардиз, Валиён ва бошқалар). Мўғулларнинг жанубдаги охирги эгаллаган шаҳри Ҳиндистоннинг шимолий ғарбидаги Мўлтон шаҳри бўлиб қолди (1222 йил)[214].

Таъкидлаш жоизки, уч йил ичида буюк Хоразмшоҳлар давлати мўғуллар томонидан истило қилинди. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, Чингизхон бу давлатни босиб олиш режасини дарров амалга оширмаган. Тарихий жараёнларга қаралса шу ҳол намоён бўладики, 1215 йилдаги султон элчиларига Чингизхон Хоразмшоҳ қудратини тан олишини баён қилади. Кейинги уч йил ичида эса Хоразмшоҳлар *давлати тарихига бағишланган мавзуда қайд этилганидек,* Чингизхон ушбу салтанатнинг барча заиф жиҳатларидан воқиф бўлади. Мўғулларга султоннинг ўз салтанатидаги маҳаллий ҳоким ва амалдорларни давлат ҳокимиятидан четлаштириши, Бағдод халифалиги билан кескин муносабати, хоразмшоҳларнинг улкан (400 минг) лашкари амалда ўз маҳоратини анча йўқотгани, ички сиёсий низолар, султоннинг дин арбоблари билан ихтилофи ва бошқалар жуда қўл келди. Жангларда мўғуллар ҳарбий тактикаси ўз устунлигини ҳам намоён қилган эди. Султоннинг беқарорлиги, мўғуллар куч-қудратига ортиқча баҳо бериши, вазиятни тўғри ва соғлом тарзда таҳлил қила олмаслиги,

[212] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.71-75.

[213] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.182-194.

[214] Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.224, 226 – 228.

тожу-тахт, мамлакат, салтанат тақдири борасидаги иккиланишлари ва бошқалар ҳам давлат ҳалокатини тезлаштиришга кўмак берди. Мўғуллар эса аҳолини бўйсундиришнинг ягона усули сифатида фақат ўлимга урғу бердилар.



Манбаларда "Жаҳон султонлари пойтахти" ва "Инсоният буюк фарзандлари бешиги" номини олган Урганч (Гурганж), Шарқдаги "ислом таянчи" Бухоро, қадимий Афросиёб ватани Самарқанд, масжидларининг сони (1200 тага етган) билан машҳур "қуббатул ислом" Балх, ўз мадрасалари билан донғи кетган Марв, ўзининг нозиктаъб илмли кишилари билан маълум Нишопур ва кўплаб машҳур шаҳарлар талон-тарож этилиб, вайрон қилинди. Мўғулларнинг кучли зарбасига учраган баъзи шаҳарлар, масалан, Ўтрор, Сиғноқ, Борчилиғкент ва бошқалар умуман узоқ вақтгача дашту-биёбонларга айланиб қолди. Шу даврда яшаган араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160-1244) мўғул босқини хусусида шундай деб ёзган эди: "Улар (яъни мўғуллар) ҳеч кимга шавқат қилмадилар, аксинча хотинлар, болалар, эркакларни ўлдирдилар, туғилмаган гўдакларни нобуд қилдилар... Бу мусибат тўлқинлари турли томонларга тарқалди ва унинг фожеаси умумий бўлиб қолди ҳамда у шамол булутларни турли томонга ҳайдагани каби бутун вилоятларга ёйилди. Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб Туркистондаги Қошғар ва Баласоғун каби вилоятларни, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларини вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-тарож қилиб эгаллади. Татарлар ҳеч қайси шаҳарларни омон қолдирмадилар, кетаётиб ҳамма ерни вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар ўзларига ёқмаган барча нарсаларга ўт қўйдилар"[215].





215 Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С.346.






# II-БЎЛИМ



# I-БОБ.
## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ _ СЎНГГИ ХОРАЗМШОҲ. ХОРАЗМШОҲ ЖАЛОЛИДДИННИНГ ХОРАЗМ ДАВЛАТИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДАГИ ИЛК УРИНИШЛАРИ



I.1.

# Сўнгги хоразмшоҳнинг Хоразмни ташлаб кетиши сабаблари. Парвон ва Ҳинд дарёси бўйидаги жанглар. Жалолиддиннинг Ҳиндистондаги фаолияти





Жалолиддин оғир бир пайтда, Мовароуннаҳр уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми мўғуллар томонидан истило этилган, хоразмшоҳлар қўшини яксон қилинган, амирларнинг бир қисми хоинлик, қолгани ўз жони-мулкини асраш йўлига тушган, султон мамлакатни ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўзаро саросима ва таҳлика ҳукм сурган бир вақтда тарих саҳнасида пайдо бўлди. Жалолиддин шундай бир оғир вазиятда, Ватан ва халқ эрки учун курашиб, мўғулларга қарши 11 йил давомида кураш олиб борди, 14 маротаба



мўғулларга қарши от суриб, унинг 13 тасида ғолибликни қўлга киритишга муваффақ бўлди[216].

Мўғуллар босқини арафасида Жалолиддин гарчи катта ўғил бўлса-да, бувиси Туркон хотун томонидан ҳокимиятдан четлатилган бўлиб, тахт вориси этиб Туркон хотун уруғидан бўлмиш бошқа бир шаҳзода Қутбиддин Ўзлоқшоҳ валиаҳд деб эълон қилинган эди.

Таомилга кўра шаҳзодаларга турли ҳудудлар мулк этиб бўлиб берилган эди. Хусусан, Ғазна, Бамиён, ал-Ғур, Бўст, Такинобод, Замин-Давора ва Ҳиндистон билан чегарадош ерлар Жалолиддинга мулк этиб берилган эди. Гарчи Жалолиддин бувисининг изми билан марказдан четлатилган бўлса-да, лекин султон унга алоҳида муҳаббат билан қарар, унинг жасурлигини қадрлар, ўғлини ўзидан узоқлашиб кетмаслигини хоҳлар эди. Шунинг учун ҳам унга вазир этиб таниқли давлат амалдори Шамс-ал Мулк Шаҳобиддин Алп ал-Ҳаравийни, ноиб (ўринбосар) этиб эса саркарда Кузбар Маликни тайинлайди[217].

Мўғуллар таъқибидан ҳайиқиб, маълум вақт Хуросонда саргардон бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ плеврит (ўпкага сув йиғилиш) касали билан оғриб, тахминан 1220 йилнинг охирларида (ҳижрий 617 й.) қувғинликда Каспий денгизидаги Ашуради (Ашура) оролида вафот этди. Хоразмшоҳ ўлими яқин қолганини билган ҳолда бир пайтлар онаси тайзиғи билан валиаҳд деб эълон қилган Қутбиддин Ўзлоқшоҳни тахт ворислигидан маҳрум қилишини билдирди. Катта ўғли Жалолиддин, бошқа ўғиллари Ўзлагшоҳ ва Оқшоҳларни ёнига чорлаб, ан-Насавий ёзишига кўра шундай деган экан: “Ҳокимият иплари узилди, салтанат асослари бўшашди ва бузилди. Бу душманнинг мақсади аён бўлди: унинг чангали ва тишлари мамлакатга қаттиқ санчилди. Мен учун фақат ўғлим Жалолиддингина

---

[216] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.19.

[217] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.46.

қасос ололади. Энди мен уни тахтга валиаҳд этиб тайинлайман"[218].

Жалолиддин ўз инилари Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳлар билан отасини дафн этгач, 70 та кишиси билан тўғри Урганчга (Гурганж) келди. Тез орада унга Хўжанд ҳокими Темур Малик ва бошқа эрксевар кишилар ҳам келиб қўшилдилар. Халқ Жалолиддин Мангубердини шоду-хуррамлик ва катта умид билан кутиб олади[219].



Иниси Ўзлоқшоҳ ҳам унинг тахт ворислигини тан олган бўлсада, лекин, унинг тарафдорлари, жумладан Қутлуғхон номи билан машҳур Бужи паҳлавон бошлиқ баёт уруғи вакиллари уни тан олмадилар. Ўзлоқшоҳнинг тарафдорлари, аниқроғи, Туркон Хотун тарафдорлари Жалолиддинни ушлаб уни дарёга ташламоқчи бўладилар. Аммо, бу фитнадан хабар топган Инонжхон Ўғул Ҳожиб, бу хабарни дарҳол Жалолиддинга етказади. Жалолиддин Мангуберди бу алфозда мўғулларга қарши курашиб бўлмаслигини тушунгач ва 300 та кишиси билан яширинча пойтахтни тарк этади[220].



Жалолиддин 16 кун ичида Хоразмдан Хуросон ерларидаги Нисо қўрғони атрофига етиб келади. Чингизхон султон ўғилларининг Хоразмга қайтганликларидан хабар топгач, агарда улар Хуросонга чекинмоқчи бўлсалар, уларга қарши чиқади деган мақсадда Хуросоннинг ҳар ерига пистирмалар қўяди. Жалолиддин Нисо яқинида ўзининг 300 та аскари билан мўғулларнинг 700 кишилик отрядини зарбага учратади. Мўғуллар батамом мағлуб этилади. Ушбу ғалаба мўғулларнинг «афсонавий қудрати» ҳақидаги миш-мишларга чек қўяди. Жалолиддиннинг обрўси кўтарилиб, халқ оммасида ғалабага бўлган ишонч мустаҳкамланади[221].



---

218 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.78-79.

219 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.80.

220 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.80; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.214.

221 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.84.







Шундай бир вазиятда Жалолиддиннинг укалари Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳлар саросимага тушиб, нима қилишларини билмай, Жалолиддиннинг кетидан улар ҳам Хуросонга кетишади. Мўғулларнинг кичик отряди устидан ғалаба қозониб, бу ғалабага жуда катта эътибор бериб юборишади. Шундан сўнг улар айш-ишратга берилиб, Хуросоннинг Ҳабушан шаҳри яқинида мўғулларга қарши навбатдаги курашда қўлга тушиб, қатл этиладилар. Мўғуллар қатл этилган шаҳзодаларнинг каллаларини намойишкорона тарзда маълум бир вақт Хуросонда олиб юришади[222].

Жалолиддиннинг яна бир иниси, Ироқ ерларининг ноиби Рукниддин Ғурсанжий (манбалар унга «ақл-заковат ва кўркамликда тенги йўқ» деб таъриф беришган) Эроннинг Устунаванд қалъасида 6 ой мўғулларга қарши кураш олиб бориб, мардонавор тарзда ҳалок бўлади. Қалъа олинганидан сўнг Рукниддинни Тоймас нуённи ҳузурига олиб келишди. Нуён унга тиз чўкишни буюрди. Рукниддин уни рад этди ва қийноқли ўлимга маҳкум этилди[223]. Жалолиддиннинг бошқа бир укаси, бир вақтлар Кирмон, Макрон ва Кеш ерлари ноиби Ғиёсиддин Пиршоҳ Эроннинг Кирмон вилоятида муқим қолиб, ўзини «султон» деб эълон қилади. Кейинчалик Ғиёсиддин Пиршоҳ Жалолиддинга Эрон ерларидаги курашларида маълум даражада ёрдам беради. У ҳақда кейинги бўлимларда батафсил тўхталиб ўтилади.

Жалолиддин эса бу вақтда Нишопурга етиб келади. Бир ой давомида мўғулларга қарши курашиш мақсадида барча амир, саркардаларга қўшин йиғиш хусусида мурожаат қилади. Мўғуллар унинг ушбу фаолиятидан хабардор бўлганликларини билгач, Завзон (Нишопур ва Ҳирот оралиғида) туманидаги ал-Қоҳира қалъасига келиб ўр-

---

[222] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.86.

[223] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.96; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.423.

нашади. Афсуски, бу вақтда маҳаллий ноиб, ҳокимлар унинг атрофида жипслаша ололмайдилар. Ҳали етарли кучга эга бўлмаган Жалолиддин қалъада узоқ туриш хавфли эканлигини тушуниб, Ғазна томон йўл олади.

Чингизхон эса бу вақтда улкан қўшин билан Хуросонга изма-из келаётган эди. Жалолиддин Ғазнага етмасдан яқин орада 10000 кишилик қўшинга эга бўлган Ҳирот ҳокими ҳамда қайинотаси бўлмиш Амин Малик билан учрашади. Унинг ёрдамида Қандаҳор (Валиён) яқинида мўғуллар қўшинини тор-мор этилади. Мўғуллар кўприкни бузибгина тўлиқ тор-мор этилишдан сақланиб коладилар. Аммо, Насавийнинг ёзишича бу жанг ҳам биринчи ғалаба сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган[224].

Бу воқеа Жувайнийда бошқача баён қилинади. Яъни, унга кўра Амин Маликда 50000 кишилик қўшин бўлганлиги айтилади, иккинчидан эса, Жалолиддиннинг айнан мўғуллар билан бу жангги Қандаҳор эмас, Валиён қалъаси ёнида бўлганлигини ёзади. Учинчидан эса, Жувайний Валиён қалъаси ёнидаги жанггача унга яна Сайфиддин Ағроқ ўзининг 40000 кишилик қўшини билан келиб қўшилганлигини айтадики, бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайди[225]. Аммо, Жувайнийда мўғуллар қўшини қўмондонлари келтириб ўтилганки, булар Насавий ва Ибн ал-Асирда йўқ.

Ибн ал-Асирда бу уч кунлик жанг Балак деган ерда бўлганлигини ёзади ҳамда у ҳам бу жангнинг мўғуллар устдан эришилган илк ғалаба деб атайди[226].

Жалолиддин ва Амин Малик биргаликда Қандаҳор қалъасини қамал қилаётган (Жувайнийга кўра мўғулларга Тақажуқ ва Мўлғор нўёнлар бошчилик қилган) мўғуллар устига юриш қиладилар. Араб-форс манбаларининг ошириб кўрсатиш анъанасига кўра, бу жангда Жалолиддин

---

[224] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.96; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.369-370.

[225] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.369-370.

[226] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С. 365.

қўшини мўғулларникига нисбатан анча кўп бўлган (яъни Жувайнийга кўра, Жалолиддиннинг ўзининг қўшинига Амин Маликнинг 50000 қўшини ва Сайфиддин Ағроқнинг 40000 жангчиси келиб қўшилгач, унинг жангчилари сони 100000га етган, мўғулларники эса номаълум, аммо, Рашидиддинга кўра 1000 киши ўлдирилганлиги маълум)[227].

Бу ердаги жангда Жалолиддин бу курашда ҳарбий илм тарихида илк бора “пиёда ёйандозлар”ни мўғулларнинг отлиқ аскарларига қарши қўяди. Инглизлар кейинчалик бу ҳарбий усулга юқори баҳо бериб, ўзларининг Кресси ёнидаги машҳур жангларида ундан фойдаланишади.

Уч кунлик жангдан сўнг мўғуллар мағлуб этилиб, Жалолиддин ғолиб бўлади ва у Ғазна томон йўл олади. Кўплаб тарихчилар жумладан, Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин бу жангга юқори баҳо берган эдилар[228].

Жалолиддин 1221 йилнинг февралида Ғазнага кириб келади. Манбаларда қайд этилишича, халқ Жалолиддинни жуда катта тантана билан кутиб олади. Шаҳар худди ҳайит байрамидек шоду-ҳуррамликка тўлади. Ғазнада Жалолиддин хизматига Сайфиддин Ўғроқ ал-Халажий, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғон қабилалари сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар раҳбари ал-Ҳасан қарлуқ ўз қўшинлари билан қўшиладилар. Жами қўшиннинг сони тарихчиларнинг хабарига кўра 90-130 минг киши атрофида бўлган[229]. Чингизхон Жалолиддиннинг куч-қудратини ошиб бораётгани ва мўғуллар ундан Қандаҳорда зарбага учраганлигидан ғазабланиб, нўён Шики Хутуху бошчилигидаги қўшинни унинг устига юборади.

Бўлим хулосаси сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг Хоразм давлатини тиклаш

---

[227] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.370-371.

[228] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та’рих. (Полный свод истории). С. 366; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б. 371; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.221.

[229] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.105.

йўлидаги илк уринишлари муваффақиятсиз чиқди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири бу, Хоразмшоҳлар давлатида илгаридан мавжуд бўлган чуқур ижтимоий инқироз, қабилалараро ва уруғлараро зиддиятлар бўлиб, айнан шу ҳолат хоразмшоҳларнинг мўғуллардан енгилиб, давлат сифатида барҳам топишига олиб келди. Бу зиддиятлар шу даражада чуқурлашиб кетган эдики, мўғул босқини хавфи ҳам уни бартараф эта олмади ва ҳатто бизнинг қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердини умрининг охиригача таъқиб қилди. Шу ўринда яна бир нарсани эътиборга олиш лозимки, Жалолиддиннинг охир-оқибат енгилишининг сабабларини таҳлил қилиш жараёнида, айнан шу муаммони ва шу каби яна бир қанча муаммоларни умумийликда, бир-бирига узвий боғлиқликда чуқур тадқиқ қилишни талаб этади.



Талиқонни қамал қилиб турган Чингизхонга узлуксиз Жалолиддиннинг муваффақиятлари ҳақида хабарлар келиб турарди. Айнан шу пайтдан бошлаб Чингизхон ҳали Ўрта Осиёга юришдан олдинги жосуслари Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги (Тўрғай ёки Иргиз ёнидаги жангдаги Жалолиддиннинг жасорати) етказган маълумотлар қанчалик тўғри эканлигини ва унинг олдида қобилиятли ва хавфли рақиб намоён бўлганлигини ҳис эта бошлади.



Жалолиддин Ғазнага етиб келган пайтида шаҳар Балх ҳокими Аъзам Малик тасарруфида эди. Ўшанда Сўлтон ва Амин Малик қўл остида 30 минг лашкар бўлган. Жувайний ёзишича, Ғазнада унга яна 60–70 минг лашкар келиб қўшилган. Амин Малик қўл остида 50 минг, Сайфиддин Эғроқда эса 40 минг лашкар бўлган[230]. Ибн ал-Асир эса Жалолиддин қўли остида отасидан қолган 60 минг лашкар бор эди, деб ёзади[231]. Рашидиддиннинг маълумотига кўра, Амин Малик ўзининг 40 минглик қўшини билан қўшилган бўлса, Сайфиддин Эғроқ қўшинида ҳам



[230] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).// Маъсул муҳаррирлар Ҳ. Болтабоев, М. Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2015/ – Б.370.

[231] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С.365.







40 минг кишилик лашкар бўлган. Шунингдек, Жалолиддин сафига 40 минг кишилик қўшин билан “атрофдаги ўғуз амирлари ҳам келиб қўшилган” [232], ан-Насавий уларни Музаффар Малик бошчилигидаги афғонлар, ал-Ҳасан йўлбошчилигидаги қорлуқлар деб атайди[233]. Абул Фараж Жалолиддиннинг қўшинидаги барча лашкарлар сонини 90 минг деса, Жузжоний “куч-ғайратга минган 130 минг лашкар бор эди”[234], дейди.

Аммо бу ерда яна қўшин сонининг ошириб кўрсатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Аслида эса Жалолиддинда Амин Малик билан қўшилгунча 10000 га яқин жангчиси бўлган бўлса, Амин Малик қўшинлари сони эса 20000 дан ошмаган. Улар иккаласи бирлашган пайтда эса қўшин сони 30000 га яқин жангчи бўлган. Насавийнинг: “...Унинг хизматига Сайфиддин Эғроқ ал-Халажий, Балх ҳукмдори Аъзам Малик, қарлуқлар йўлбошчиси ал-Ҳасан Қарлуқ кабилар ўтишди. Улардан ҳар бирининг қўл остида 30 мингдан лашкар бор эди...”[235], деган сўзларини аслида уларнинг ҳаммасининг қўшинини бирлаштирса, унинг умумий сони 30 минг бўлган, деб тушуниш лозим. Шунда ҳам Жалолиддиннинг қўшини умумий сони (60 минг киши) мўғулларникидан (30 – 45 минг) икки баравар устун бўлган.

Жалолиддин 1221 йилда ўзининг турли қабилалардан ташкил топган қўшини  билан мўғулларга қарши чиқиб, Парвон (Кобул дарёсининг ирмоғи Луғор ариғининг бошланиш ерига яқин ерда жойлашган) яқинида жанг майдонини эгаллаган. У бу ерда туриб даставвал Тохаристондаги Валиён (ёки Валиштон) қалъасини қамал қилаётган Тақачук ва Мўлғор бошчилигидаги мўғул қўшинини тор-мор этган. Мўғуллар 1000 га яқин ўлган аскарларини ташлаб, дарёдан (эҳтимол Панжшир) ке-

[232] Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.220.

[233] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.105.

[234] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.Б.327.

[235] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.105.

чиб ўтганлар ва кўприкни бузиб ташлаганлар. Бу билан улар рақибларини бир оз муддатга тутиб турганлар ва натижада эсон-омон Чингизхон ҳузурига етиб олганлар. Ибн ал-Асир бу ғалабани Жалолиддиннинг биринчи йирик ғалабаси бўлганлигини таъкидлайди[236]. Шундан сўнг Жалолиддинга қарши Чингизхон ўзининг энг тажрибали, мағлубият нималигини билмайдиган қўмондони, тутинган укаси татар Шики-Хутуху нўён бошчилигидаги қўшин жўнатган. Жувайнийнинг ёзишига кўра, қўшинда 30 минг жангчи бўлган[237]. Жузжонийнинг таъкидлашича қўшин сони 45000 бўлган[238].





Насавий Чингизхон Жалолиддинга қарши ўз ўғли Тулини юборган деб янглиш маълумот келтириб ўтади. Аммо унинг маълумотида ҳам жон борки, у асарида шундай деб ёзади: "Чингизхон Қандаҳорда қўшинлари бошига қандай талафотлар тушганини билгач, ўғли Тулихонни кескир қиличдек мард, тўқим тагига солинган наматдек садоқатли, энг яхши сараланган лашкарлардан иборат кўп минг сонли қўшинга бош қилиб отлантирди..."[239]. Бундан келиб чиқадики, юқорида таъкидлаганимиздек бу даврга келиб Чингизхон ким унга қарши кураш олиб бораётганлигини жуда яхши тасаввур қилгани ҳолда, Жалолиддинни қандай қилиб бўлса ҳам йўқ қилиш лозимлигини тушуниб етади. Бунинг учун эса у Жалолиддинга қарши ўғли Тулихон бўладими ёки тутинган укаси Шики Хутухи нўён бўладими, асосийси энг ишонган қўмондон бошчилигидаги энг сараланган қўшинини юборган.



Парвондан бир фарсах (6-7 км) масофадаги ерда бўлган жангда мусулмонларнинг ўнг қанотига Жалолиддиннинг қайнотаси, қанғлилар қўшини сардори Амин ал-Мулк, сўл қанотига туркман халажлардан ташкил топган қўшини билан Сайфиддин Ағроқ бошчилик қилган.

---

236 Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). С. 364

237 Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.371.

238 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.328.

239 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.105.







Жалолиддин Мангуберди бундан олдин кўп бора мўғулларнинг жанг тактикасини ўз кўзи билан кўриб, жанг майдонларида бир неча бор дуч келганлиги учун бу жангда алоҳида жанг услубини қўллаган. Яъни, у мўғулларнинг шиддатли камон ўқи ёғдириб келиб, душман қўшини сафини бузиб ташлаш ва кейинчалик саросимага тушириб, қириб ташлаш тактикасига қарши жангчиларини отдан тушиб от жиловларини тутиб белларига ўраб, дастлаб душман отлиқларини камондан ўққа тутиб, уларнинг ўзини саросимага солиб, кейинчалик отда қарши ҳужумга ўтиб, охир-оқибат уларни қириб ташлашни буюрган. Кўпгина тарихчи ва ҳарбий мутахассисларнинг фикрига кўра бу самарали усулни биринчи бўлиб, айнан Жалолиддин Мангуберди қўллаган. Бу жангдан юз йилдан кейин инглизлар Креси ёнидаги жангда айнан шу усулда ва фақат камон ёрдамида французларнинг ўзидан бир неча баробар кўп қўшинини тор-мор келтирганлар.

Бу усул жуда яхши самара берган. Аммо, Шики Хутухи нўён ҳам жуда айёр ва тажрибали қўмондон эдики, бежиз Чингизхон уни Жалолиддинга қарши юбормаган.

Жувайнийнинг ҳикоя қилишича, Шики-Хутуху нўён жангнинг иккинчи кунга ўтар кечаси душман мўғулларга мадад кучлари етиб келибди деб ўйлаши учун ўз қўшинига кигиздан қўғирчоқ суворийларни ясашни амр қилади. Дастлабига бу айёрлик иш берган ва сал бўлмаса Жалолиддиннинг лашкарбошилари унга чекинишни таклиф қилганлар. Аммо Жалолиддин ўзининг мардлиги билан сал бўлмаса фожиага айланиши мумкин бўлган ҳодисанинг олдини олиб, қўшинига далда берган. Уларни олға бошлаган[240]. Мўғуллар қаттиқ жангдан ҳолдан тойганларида Жалолиддин қўшинига отларга минишга фармон берган ва умумий хужумга ўтган, шу билан жанг тақдири ҳал бўлган. Шики-Хутуху фақат озгина жангчилари билангина Чингизхон хузурига қайтиб келган. Парвон жан-

---

[240] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.371-372.

ги мўғулларнинг бу урушдаги энг катта мағлубияти бўлади. Жалолиддиннинг бу ғалабаси жуда катта маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, халқларнинг ватанпарварлик руҳини кўтариб юборган. Мўғуллар босиб олган кўпгина шаҳарларда халқ қўзғолон кўтариб мўғул ноибларини ўлдирганлар. Аммо жангдан кейин шундай воқеа рўй бердики, бу кейинчалик нафақат Парвондаги ғалабани йўққа чиқарди, балки кейинчалик Синд дарёси бўйидаги жангда Жалолиддиннинг мағлубиятига учрашининг энг асосий сабабига айланди. Охир-оқибат озодлик курашига тўғирлаб бўлмас даражада зарар етди[241].



Ёзма манбалар маълумотларига кўра, жангдан сўнг Жалолиддиннинг лашкарбошилари ўлжа устида жанжаллашиб қолганлар. Бу жанжал миллий нифоқни келтириб чиқарган, Жалолиддин бунинг олдини ола олмаган. Сайфуддин Ағроқ, Аъзам малик ва Музаффар малик ўз хукмдорларини тарк этганлар, Жалолиддиннинг ёнида эса фақатгина Амин ал-мулк ўз турк-қанғлилари билан қолган, холос. Бунинг натижасида Жалолиддин қўшини ярмига қисқаради[242].



Насавий ҳам бу жанжалдан жуда хафа бўлган ҳамда бу жанжал айбдорларини айблаш билан бирга ҳақли равишда Жалолиддиннинг хатти ҳаракатларини, тўғрироғи жанжал оқибатларини вақтида бартараф қилишга ҳаракат ҳам қилмаганлигини қоралаган. У афсус-надомат билан нафақат Жалолиддиннинг балки умуман хоразмшоҳ-ануштагинларнинг сиёсатда ва жангларда фақат туркийларга суяниб қолганликларини уларнинг охир-оқибат энг катта хатоси бўлганлигини ва бу сулоланинг мағлубиятининг асосий сабабларидан бири эканлигини тўғри таъкидлаб ўтган эди[243].



---

[241] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.106-107; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.373; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.366.

[242] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.106-107.

[243] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.106-107.



Шики Қутуқу омон қолган аскарлари билан қочиб, Талакан қалъасида жойлашган Чингизхон қароргоҳига етиб келади. Шундан сўнг Чингизхон Жалолиддинга қарши жангда шахсан ўзи бошчилик қилишга қарор қилади.

Рашидиддиннинг ёзишига кўра, Чингизхон кейинчалик Парвонга келиб, жанг майдонини кўздан кечириб, майдонда мўғул қўшинини ноқулай жойлаштирганлиги учун ўзининг саркардаларига танбеҳ берган[244].



Ўзининг энг яхши лашкарбошиларидан бири Шики Хутухи нўённинг Парвонадаги мағлубиятини эшитган Чингизхон баъзи маълумотларга кўра атрофдагиларига бу воқеа юзасидан ҳеч қандай ғазабланиш ҳиссини кўрсатмади дейилади. У фақат ғалабалар эришишга кўникиб қолган Шики Хутуху учун бу мағлубият фойдага таъсир қилиб, бундан буён у энди доимо ҳушёр бўлиб юриши лозимлигини айтган холос[245]. Аммо Чингизхоннинг кейинги хатти ҳаракатлари унинг бундай кайфиятда бўлмаганлигини ва Жалолиддин ҳақидаги илгариги маълумотлар тўлиқ ўзини оқлаб, эндиликдаги биринчи даражали масала барча кучларни Жалолиддинга қарши ташлаб уни йўқ қилиш лозим деган фикрга келганлигини кўрсатади. Жумладан, у биринчи навбатда унинг ўзига хос бўлган одати жосусликни янада кучайтириб, Жалолиддин ҳақида тўлиқ маълумот олишга киришади. Айни шу жараёнда унинг учун кутилмаган жуда қулай вазият юзага келди. Яъни, юқорида таъкидлаганимиздек, Жалолиддиннинг лашкарбошиларининг ўз аскарларини олиб уни тарк этиши хабарини эшитади.



Жалолиддинни Парвона жанггидан кейин Сайфиддин Ағроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Маликларнинг тарк этиши, унинг аскарлари сонини ниҳоятда камайтириб юборди. Шунинг учун у эндиликда ўз мулкларини тарк этиб, Ҳиндистонга ўтиб кетишни ва шу ердан туриб, маъ-

244 Рашидаддин. Сборник летописей. С.223.

245 Рашидаддин. Сборник летописей. С.222.

лум вақтгача Чингизхонга қарши кураш олиб боришга қарор қилди. Насавийнинг ёзишича унинг асосий мақсади Ҳиндистонга ўтгач, у ердан туриб аразлаб кетган Сайфиддин Ағроқ ва Аъзам Маликлар билан қайтадан ярашиб, уларни яна қўшинига жалб қилмоқчи ва тўғридан – тўғри Чингизхонга қарши юриш қилишни мўлжаллаган эди[246]. Аммо, унинг бу мақсади амалга ошмай қолди. Чунки, яна Насавийнинг таъкидлашича: "у ўйлаган ишларни амалга оширишга Чингизхон имкон бермади. Жалолиддинга Ғазнадан чиқаётган пайтда оғриқ қаттиқ азоб берарди. Бу аҳволда у тахтиравонда ўтириб боролмасди. Шу сабабли у қаттиқ оғриқ ва оғир азобга чидаган ҳолда отга минди. Ва бу аҳвол унга дори-дармон бериб, тўла соғайгунича давом этди..."[247]. Бу маълумотлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Жалолиддиннинг мақсадини амалга оширишга айнан шу касаллик ҳалақит берган. Чунки бунинг натижасида у қимматли вақтдан айрилди. Бу вақтдан эса Чингизхон унумли фойдаланган. Жалолиддин Ҳинд дарёсининг қулай жойидан кечиб ўтиш учун Ғазнадан йўлга чиқандан ўн беш кундан кейингина Чингизхон бу шаҳарга етиб келган бўлиб, агар катта тезликда ҳаракатланганда ҳам Жалолиддинга етаолмасди.





Жалолиддин изидан таъқиб қилишдан олдин Чингизхон жазирама ёзни салқинроқ Талиқон ҳудудларида ўтказиш орқали аскарларига кузгача дам берди. Шундан сўнг у Хуросон ва Хоразмнинг бошқа ҳудудларида урушлар олиб бораётган ўғилларини ўз ёнига чорлаб, қандай қилиб бўлса ҳам Жалолиддинни мағлубиятга учратиш лозимлигини уқтириб, унга қарши катта куч тўплади. Бу юришга унинг шахсан ўзи бошчилик қилади.



Чингизхон Ғазнага келиб, уни эгаллаган пайтда ёш султоннинг бу ҳудудни ўн беш кун олдин тарк этганини эшитди ва шитоб билан уни қувиб етишга киришди. У

[246] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б. 107.

[247] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.107.







бунинг учун қисқа йўллардан ҳаракатланиб, айнан Жалолиддин кесиб ўтган Сулаймон тоғидаги хавфли довондан ошиб ўтди. Жалолиддиннингбу ерда ҳеч қандай тўсиқ ёки довонни бузиб-бекитиб ташлашга уринмаганлигидан унинг Чингизхоннинг бундай тезлик билан унга етиб олишига ҳаракат қилишини билмаганлигини кўрсатади. Чингизхон бу довонда қўшинининг бир қисмини асосий бойликлари, сафар қароргоҳи (ўғруқ) билан қолдирди ва уларга довоннинг ўтиш мушкул бўлган жойидан ўтиб, Жалолиддин қўшинлари орқасидан чиқишни буюрди.

Насавийнинг бошқа бирон манбаларда учрамайдиган маълумотига кўра, Жалолиддин Ғазнадан 50 км шимолда жойлашган Гардиз шаҳри яқинида Чингизхоннинг хировулини (юриш ва сафар пайтида қўшиннинг олд қисми) тор-мор келтиради[248].

Ниҳоятда тезликда ҳаракатланиши натижасида, 1221 йилнинг 20 ноябридаёқ Чингизхон қўшинлари Жалолиддиннинг Урхон бошлиқ чиндовулига (арьергард – орқа қўшини) *етиб олиб, у билан жангга киришадилар ва* мағлубиятга учратадилар[249]. Чингизхоннинг бундай тез ҳаракати, Жалолиддиннинг Ҳинд ёки Синд дарёсидан кечиб ўтиб, бутун қўшин ва оила – ҳарами билан Ҳиндистонга ўтиб кетишдек режасининг амалга ошмай қолишига олиб келди. Жалоладдин ҳатто ўзининг оиласи ва ҳарамини ҳам нариги қирғоққа ўтказа олмайди. Зеро, қирғоқ бўйидаги мавжуд ягона кема ҳам эски бўлганлигидан дарё ўртасига етар-етмас тошларга урилиб, парчаланиб кетади. Охир-оқибат чорасиз қолган Жалолиддин Чингизхонга қарши жанг майдонига киришга мажбур бўлади.

Бу жангда Жалолиддиннинг ҳақиқий лашкарбошилик қобилияти яққол кўзга ташланади. Бу воқеаларни акс эттирувчи деярли барча ёзма манбалар маълумотлари-

---

[248] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.107.

[249] Рашидаддин. Сборник летописей. С.222; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.373.

дан биз шуни кўрамизки, Чингизхоннинг ўзи ёки унинг ўғиллари ёки лашкарбошиларига қарши курашган ҳар қайси халқ, қабила ёки элат қаҳрамонлари ичида Жалолиддингина уларга қарши муносиб кураш олиб борган, ягона ва энг асосий хавфли рақиб бўлганлиги яққол кўзга ташланади. Зеро, ер юзининг мўғуллар эгаллаган бирорта ҳудудидан мўғулларга Жалолиддин каби муносиб қаршилик кўрсатган куч ёки қаҳрамон чиқмаган.

Гарчанд бу жанг Жалолиддин учун маълум бир етарли сабабларга кўра (айниқса, қўшин сонининг озлиги) мағлубият билан тугаган бўлса ҳам, ўз кўламига кўра энг йирик жанглардан бири бўлди ва ҳатто ҳеч бир муболағасиз айтишимиз мумкинки, агар Жалолиддин билан Чингизхон қўшинлари ўртасидаги фарқ унчалик кўп бўлмаганида эди, тарихни ҳам ўзгартириши мумкин бўлган жанглардан бири бўлиши мумкин эди. Жумладан, араб тарихчиси Ибн ал-Асир: "Синд дарёси бўйидаги уч кунлик жанг шундай шиддатли бўлган эдики, бошқа жанглар бу жанг олдида болалар ўйинидак гап эди", деб таъкидлайди[250].

Шунинг учун биз бу жангни ёзма манбалар маълумотларини чуқур таҳлил қилиш асосида тўлиқ тасвирлашга ҳаракат қиламиз.

Дарёни кечиб ўтишга кеч бўлганлиги учун Жалолиддин Чингизхон билан очиқ майдонда жанг қилишга қарор қилди. У Жуд тоғи даралариннинг дарёга туташ еридаги нисбатан қисиқроқ майдонни танлади. Ҳозирда бу дарёнинг иккинчи қарама-қарши соҳили Чўли Жалолий, дарёнинг Жалолиддин оти билан сакраган дараси эса "От сакраган дара" деб аталади.

Жалолиддин бундай жанг майдонини бежиз танламаган, албатта. У жанг олдидан ўзининг бутун лашкарбошилик қобилиятини амалда қандай қўллашни бир неча бор чамалаб чиқиб, шу қарорга келди. Чунки у танлаган

[250] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.367.

майдоннинг чап тарафи ўтиб бўлмас тоғ даралари ва қалин ёввойи пастбўйли дарахтлар билан қопланган чакалакзор билан тўсилган бўлса, орқа тарафида эса тез оқар ва кечиш учун жуда хавфли Ҳинд ёки Синд дарёси оқиб ўтарди. Бу ҳолат майдон тор бўлганлиги учун Чингизхон қўшининг сон жиҳатдан устунлигини камайтириши билан бирга, мўғулларнинг ён тарафлардан қутилажак ҳужумларни йўққа чиқарар эди. Аммо, шу билан бирга Жалолиддин жуда яхши билардики, айнан шу ҳолат унинг қўшинининг чекиниш имкониятини йўққа чиқарар ҳам эди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, Жалолиддиннинг Парвон жангидан кейин  қўшин сонининг камайиб кетишига қарамасдан ҳамда ўзидан икки баравар кўп куч билан шахсан Чингизхоннинг ўзи турганлигини билса ҳам унга қарши ҳаёт-мамот жанггига киришганлигини кўрсатиб турибди.

Жалолиддин ўз қўшинини қанотлари билан дарёга тиралиб турган ярим ой шаклида сафга тизди. Насавийга кўра, ҳар сафаргидек у қўшиннинг марказига раҳбарлик қилган бўлса, ўнг қанотга унинг энг ишончли амирларидан бири ҳамда қайнотаси Амин ал-Мулк бошчилик қилган[251]. Чап қанотга эса ҳамишаги каби амир Ўрхон раҳбарлик қилган. Унинг қўшинининг умумий сони тахминан 30000 жангчига яқин бўлган.




***Синд дарёси бўйидаги жанг арафасида Хоразм ва мўғул қўшинлар жойлашуви ва режаси.***

[251] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.108.

Чингизхон ҳам бу жангни ҳал қилувчи бўлишини жуда яхши билган ва шу ерда ўзининг энг хавфли рақиби устидан ғалаба қозониб, узил-кесил бу хавфни тугатишга ҳаракат қилган. Шунинг учун у деярли барча кучларини шу ҳудудга жалб қилган. Бу жангда унинг қўшини сони 80000га яқин бўлган.



Чунки бу юришга кейинчалик унинг ўғиллари Чиғатой ва Ўқтой (30000 дан ортиқроқ жангчи) ҳамда Тули (20000 га яқин жангчи) ҳам ўз қўшинлари билан келиб қўшилган эди. Унинг қўшинлари сон жиҳатдан устун бўлсада, тор майдонда кенг кўламда ҳаракат қилиш имконинига эга эмасди. Шунинг учун у ўз қўшинини изма-из жойлашган уч қатордан иборат қилиб, уч қисмга бўлди. Бундай жойлашувни биз манбаларда (ан-Насавий, Ибн ал-Асир, Рашидиддин ва шу кабилар) келтирилган жанг тавфсилотини чуқур ўрганган олимлар ва ҳарбийлар таҳлили асосида кўрсатишга ҳаракат қилдик.



Жангни биринчи Чингизхон бошлаб берди ва биринчи қатор жангчиларини жангга ташлади. Жалолиддин эса уларни кучли ўқ ёмғири билан кутиб олиб, уларни чекинишга мажбур қилди ва қайтадан жангавор саф тортиб қарши ҳужумга ўтмаслиги учун жанг услубини ўзгартириб, мўғуллар учун кутилмаганда оғир қуролланган отлиқ қўшинини жангга ташлади.

Натижада мўғуллар ўзларининг севимли жанг усули, ёлғондакам чекинишга киришдилар. Аммо Жалолиддин уларнинг бу ҳийласига учмасдан дарҳол изига қайтиб қўшинини яна жангавор сафга тузди. Мўғуллар кун давомида яна бир неча марта шундай ҳужумлар уюштирдилар, аммо ҳар сафар уларнинг мақсади амалга ошмай қолаверди.



Чингизхон жангнинг иккинчи куни жангга ҳали чарчамаган янги иккинчи қаторни ишга солди. Аммо биринчи кундаги каби қанча уринмасин вазиятни ўзгартира олмади. У тушуниб етдики, анъанавий усул билан Жалолиддинни енгиб бўлмайди. Шунинг учун у жангга бар-

ча кучларни тушириб ҳамда қўшини сони устунлигидан фойдаланиб кўчманчи халқларнинг яна бир севимли жанг усули “тўлғама”ни қўллашга қарор қилди.




***Синд бўйидаги жангнинг бориши режаси .***

Кўчманчи халқларнинг жанг майдонидаги асосий жанг услубларидан бўлган “тўлғама” усули ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур батафсил маълумотларни берганлиги учун кўпчилик тадқиқотчилар бу усул XV – XVI асрларда Дашти Қипчоқ кўчманчилари ичида шаклланганлигини, хусусан Ўрта Осиёга Шайбонийхон бошлиқ ўзбеклар билан кириб келганлигини таъкидлайдилар. Аммо, мўғулларнинг, хусусан Чингизхоннинг кўпгина жангларида душманларини ўнг ёки чап қанотдан айланиб зарба бериш услуби ҳам айнан тўлғама усулидан фойдаланганликларини кўриш мумкин. Жумладан, Синд дарёси бўйидаги жангда ҳам Чингизхон бу усулни қўллаб, энг асосий зарбани у ўнг қанотга бериб, уни янчиб ташлаб Жалолиддин қўшинларини ўраб олиб яксон қилиб ташлашни режалаштирди (бу ҳақда қуйида батафсил маълумот берамиз).

У қўшинларига қандай қилиб бўлмасин мазкур қанот қаршилигини синдириб, асосий зарбани хоразмликлар-

нинг ён томонидан беришни буюрди. Мўғулларнинг сон жиҳатдан устунлиги бу режани муваффақиятли амалга оширилишга олиб келди[252]. Хоразмликлар қўшини тобора сиқила бошлади. Шундан сўнг Чингизхон учинчи қўшинини Жалолиддиннинг чап қанотига ташлади. Жанг тобора шиддатли тус ола бошлади. Хоразмликларга чекинишнинг умуман иложи йўқлиги (орқада шиддатли Синд дарёси оқиб турарди) уларга қайтанга янада куч бағишлаб, ўз султонларидан ўрнак олиб бор кучларини ишга солиб жанг қила бошладилар. Бу ҳолат эса Чингизхонни ҳам тобора кўпроқ ташвишга сола бошлади. Шу пайт, яна у кутмаган ҳолат рўй берди. Жангнинг тобора ўзи учун ҳалокатли тус олаётганини кўрган Жалолиддин охирги бор душманга марказдан ҳужумга ўтди. Яъни, Чингизхоннинг ҳатти ҳаракатларини диққат билан кузатиб турган Жалолиддин унинг мақсадини тушуниб етиб, Чингизхоннинг асосий кучларни ўнг ва чап қанотларга ташлаганлигидан фойдаланиб, у кутмаган тарафга яъни, Чингизхоннинг ўзи турган марказга энг асосий кучларини ташлаб, бир зарб билан Чингизхоннинг ўзини йўқ қилиб ташлаш режасини қўллади. Бу дадил ҳаракат деярли ўзини оқлади ҳам. Чунки, Жалолиддин Чингизхон қўшинининг марказини ёриб ўтиб, унинг учинчи корпусини янчиб ташлади ва деярли унинг ёнига яқинлашиб қолган эди. У Темур Малик ва бошқа сараланган 1000 жангчиси билан Чингизхон атрофида жанг олиб борарди. Бир неча дақиқаларда Чингизхоннинг тақдири ҳал қилиши мумкин эди. Аммо, Чингизхон унга қарши ўзининг энг сараланган 10000 кишилик хос соқчилар гуруҳи – "кешик"ни ташлашга мажбур бўлди[253].

Вазият Чингизхон учун ниҳоятда хавфли бўлиб қолди. Даставвал Чингизхон кутмаган ҳолда Жалолиддиннинг Амин ал-Мулк бошлиқ ўнг қанотини кучли зарбаларга







[252] Рохмистров В.И. Битва на реке Инд – Чингизхан наносит поражение армии хорезмшаха Джелал-ад-Дина (1221 год).// В кн.:Великие сражения Востока: сборник./ ред.-сост. Светлов Р.В. – М.: Яуза: Эксмо, 2009. – С.166-190.

[253] Рохмистров В.И. Битва на реке Инд. С. 186.







дош беришдан ташқари, қарши ҳужумга ўтишга ҳам муваффақ бўлган эди. Жалолиддин эса ўзининг сараланган кучлари билан унинг ўзига хавф солмоқда эди. Аммо, хоразмликлар ҳам кутмаган ҳолатда жанг майдонига Чингизхоннинг Сулаймон тоғларидаги даралардан айланиб ўтиб, Жалолиддинга орқа тарафдан зарба бериш вазифаси юклатилган сараланган кешиктенлар қўшини кириб келди. Бу қўшин мўғуллар учун жуда вақтида етиб келган ёрдам кучлари бўлиб, жанг тақдирини айнан ўшалар ҳал қилди[254]. Натижада кўп минглик душман аскарлари жуда оз миқдордаги Жалолиддин аскарларини уч томондан қуршаб, Синд дарёси ёқасига сиқиб келдилар. Жалолиддиннинг чап қаноти бир зумда янчиб ташланди. Мўғуллар Жалолиддиннинг қароргоҳини айланиб ўтиб унинг 7 ёшдаги ўғлини асирга олдилар ва уни пачоқлаб ташладилар. Бу даҳшатли қонхўрликдан ўта ғазабланган Жалолиддиннинг кўзи дарё ёқасида тўпланиб турган оила аъзоларига тушди. Онаси унга: "Ўғлим, бизни бу қонхўр, инсон қиёфасини йўқотган жаллодларга ташлаб кетма. Ўз қўлинг билан шу ерда бизни ҳам ўлдир", деб талаб қилди. Шундан сўнг, у ноилож ўз оила аъзоларини Синд дарёсига ғарқ қилдирди[255].

Жалолиддиннинг ёш ўғлининг ўлдирилиши воқеаси бошқа манбаларда учрамайди. Шундан келиб чиқиб, баъзи тадқиқотчилар бу воқеани мўғулларни қонхўр қилиб кўрсатиш учун Насавийнинг ўзи тўқиб чиқарган деб кўрсатадилар. Жумладан, бу боланинг ёши 7-8 ёш деб кўрсатилган. Бу пайтда Жалолиддин 22 ёшда бўлганлигини ҳисобга олсак, у бола туғилган пайтда 14 ёшда, болани вужудга келтириш арафасида эса 13 ёшда бўлган бўлиши керак. Бу эса физиологик жиҳатдан иложи йўқ ҳодиса бўлиб, бу воқеа тўқима эканлигининг исботи ҳисобланади[256].

Чингизхон уни тириклайин қўлга туширишни буюргани

---

254 Рохмистров В.И. Битва на реке Инд. С. 187

255 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.107; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.374; Рашидаддин. Сборник летописей. С.223.

256 Чернявский С.Н. Империя хорезмшахов. – М.: Вече, 2018. С. 203-204.

учун унга қараб бирорта ҳам ўқ узилмади. Аммо, унинг қолган қўшинлари устига мўғуллар ёмғирдек ўқ ёғдириб уларнинг кўпчилигин қириб ташладилар. Афсуски ўлганлар ичида унинг энг яқин сафдоши ва малакали лашкарбошиси Амин ал-Мулк ҳам бўлиб, у Пешавор тарафга чекинган эди. Аммо мўғулларнинг пистирмасига дуч келиб, унга ҳам ўқ тегиб ҳалок бўлди[257]. Жалолиддин ўзининг сараланган 700 жангчиси билан жуда ажойиб ҳарбий дастани ташкил қилган ҳолда то куннинг ярмигача Чингизхонга қарши мардоновор жанг қиларди. Чингизхон кешиктенлари (хос соқчилари) қанча уринишмасин унинг яқинига яқинлашиб бўлмасди. Яқинлашганлари ҳам тезда Жалолиддин қўлидан ўз ўлимини топар эдилар.



Шундан сўнг Жалолиддин жангнинг бой берилганлигини тушунди. Душман қўлига тириклайин тушмаслик учун Жалолиддин ҳам оти билан бирга ўзини дарёга ташлади ва нариги қирғоқ томон оқиб кетди.



Бу воқеалар Чингизхоннинг кўз ўнгида содир бўлди. Кўрганларидан ҳайратга тушган буюк мўғул ўз ўғилларига қараб деди: "Отанинг фақат шундай ўғли бўлиши керак. У шундай даҳшатли жангдан омон қолиб, шундай офатдан кечиб ўтиб, омонлик қирғоғига етиб олган экан, ундан ҳар қандай хавф – хатарни, кўплаб ташвишларни кутиш мумкин"[258].

Жалолиддиннинг дарёдан омон-эсон ўтгандан кейинги Чингизхонннинг бу гапи фақат форс манбаларида ўз аксини топган. Шунга асосан, ҳозирги кўпгина тадқиқотчилар Чингизхоннинг бу гапини форс муаллифларининг Жалолиддинни қаҳрамонга айлантириш учун тўқиб чиқарган уйдирмаси деб ҳисоблайдилар[259].



Бизнингча, Чингизхоннинг Жалолиддинни тирик қўлга тушириш ҳақидаги буйруғи ва унинг Жалолиддин ҳақидаги гаплари ҳақиқатдан юз берган бўлиши мумкин. Чунки Жалолиддин мўғуллар учун буюк ҳамда муносиб

[257] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.373.

[258] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.375; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.224.

[259] Чернявский С.Н. Империя хорезмшахов. – М.: Вече, 2018. С. 202.







рақиб бўлганлиги учун Чингизхон уни тириклай қўлга туширишга буйруқ берган. Жалолиддинни тириклай қўлга тушира олмаганларидан кейин ҳам унга қарата ўқ узмасликларини буюрган. Турли манбаларда шунга ўхшаган кўплаб воқеаларнинг учрашидан кўриниб турибдики, мўғуллар ва айнан Чингизхон ўзларига муносиб рақибларни ҳар доим ҳам ўлдиравермаганлар ва ҳатто тириклайин қўйиб юборганлар. Бу билан мўғуллар ўзганинг, рақибларининг жасоратини ҳам ҳурмат қилиш лозимлигини кўрсатганлар. Бу воқеани келтириб ўтган Жувайний ва Рашидиддин каби тарихчилар Эронда вужудга келган мўғул – хулагулар саройида катта лавозимларда ишлаганлар ва айнан шу ҳукмдорлар топшириғи билан ўз асарларини ёзганлар. Шундан келиб чиқиб хулоса чиқаришимиз мумкинки, хулагулар ҳукмдорлари ҳам Чингизхон анъаналарини давом эттириб, бу воқеанинг келтириб ўтилишини ўзлари хоҳлаган ёки буюрган бўлишлари мумкин. Зеро, Жалолиддин барча мўғуллар наздида ҳам Чингизхоннинг муносиб рақиби ҳисобланган[260].

Синд дарёси бўйидаги жангни ҳарбий санъат миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак, бу жангда ҳар иккала лашкарбошининг ҳарбий қобилияти тўла-тўкис юзага чиқади. Ҳар иккала лашкарбоши ҳам жанг тақдирини қўшин сони эмас, балки, тўғри танланган жанг майдони ва шу майдонда қўшиннинг пухта режалаштирилиб жойлаштирилиши ҳал қилишини жуда яхши билганлар. Айниқса, Жалолиддин ўз қўшини сонининг икки ярим баравар камлигига қарамасдан, бу жангни жуда пухта режалаштиргани, жанг майдонидаги ўзининг кучли саркардалик қобилияти билан жанг бой берилган тақдирда ҳам ўз жонини сақлаб қолишга муваффақ бўлди ҳамда келгусида яна ўн йилча Чингизхон ва унинг ворисларига қарши кураш олиб боришига олиб келди.

Синд дарёси бўйидаги жангда мағлубиятга учраган, ҳолдан тойган, кўп аскарларини йўқотган Жалолиддин

[260] Тимохин Д.М. Арабо-персидские историки о битве на реке Инд между войсками Чингисхана и Джалал ад-Дина Манкбурны в 1221 году // Иран-наме. 2008. № 2. С. 132 – 133.

қолган одамлари билан шимолий Ҳиндистонда жойлашган Жуд тоғлари этагига етиб келади. Бироз вақт ўтгач дарёдан эсон-омон ўтиб олган жангчилари ҳам унинг атрофида тўплана бошлади. Икки-уч кун ичида унинг 4300 жангчиси тўпланди[261].



Кейинчалик 1222 йилда Чингизхон унга қарши Ибн ал-Асир ва Жувайнийларнинг ёзишича Торбей Тоқшин бошлиқ 20000 кишилик қўшин юборган бўлса, Рашидиддин Дурбай нўён ва Боло нўён бошчилигидаги етарлича қўшинни Жалолиддинни таъқиб қилиш учун юборди деб ёзган эди[262]. Аммо бу қўшин иссиққа чидамасдан Мўлтондан орқага қайтадилар.

Уни ҳал қилувчи пайтда ташлаб кетган Сайфиддин Ағроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Маликлар тақдири ҳам аянчли якунланди.



Жувайнийнинг ёзишича Жалолиддиндан ажралиб кетгач дастлаб Сайфиддин Ағроқ билан халажлар қўмондони Нуҳ Жондор ўртасида жанжал чиққан. Сайфиддин Ағроқ Нуҳ Жондор аскарлари томонидан ўлдирилгандан кейин Сайфиддин Ақроқ аскарлари бу ўлимга Аъзам Маликни айбдор қилиб уни ҳам ўлдирадилар. Кейинчалик Нуҳ Жондор, ўғиллари ва қўшинини ҳам қириб ташлайдилар. Шу пайтда Чингизхон уларни йўқ қилиш учун юборилган Тақажуқ ва Сайид Алоумулк Қундуз бошчилигидаги мўғуллар қўшини халаж, туркман ва ғурликлардан соғ-омон қолган барча аскарларни қириб ташладилар[263].



Рашидиддиннинг ёзишига кўра, Жалолиддин дарёдан тахминан 4000 та тирик қолган кишилари билан Ҳиндистон қирғоғида учрашади. Дарёдан тирик чиққанлар орасида 300 нафар зиёд отлиқлар ҳам бўлган. Улар саркардалар Қулбарс Баҳодир, Кабкух, Саъдаддин Али аш-Шаробдор бошчилигида бўлиб, дарёнинг турли

---

[261] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.109-110; . Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.375-376; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.237.

[262] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.329;Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.376; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.224.

[263] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.413-415.



қирғоқларига чиқишиб, уч кун ичида уни излаб учрашишган эди. Жалолиддин ҳам тирик қолганлар ҳам маънавий-руҳий ҳам оғир жанглардан жисмоний эзилган ҳолда мураккаб бир аҳволда қолишган эди[264].

Бу вақтда, Жалолиддиннинг ночор аҳволидан фойдаланиб, Жуд тоғлари атрофида жойлашган Шатра деб аталган ҳудуддаги[265] маҳаллий ҳинд рожаларидан бири, 1000 отлиқ ва беш минг пиёда аскарлари билан дарёнинг бу бетига сузиб ўтган хоразмликларни қириб ташлаш учун етиб келди. Жангни ҳам биринчи бўлиб, Шатра округининг подшоси бошлаб берди ва Жалолиддинга қарши ҳужум бошлади. Жалолиддин бор куч-ғайратини жамлаб, мисли кўрилмаган шижоат билан "ё ўлим, ё ҳаёт" шиори остида душманга ташланиб, уни тор-мор келтирди[266].



Фақатгина Жалолиддиннинг тенгсиз баҳодирлиги ва қаҳрамонона хатти ҳаракати туфайли рожа ўлдирилиб, қўшин орқага чекинди. Бу жангдан хоразмшоҳ аскарларининг руҳи ҳам кўтарилиб, тез орада Жалолиддин ўз атрофига бир неча минг кишилик аскарни йиғишга муваффақ бўлди.

Синд дарёси бўйидаги тарихий жангдаги мағлубиятдан сўнг Шимолий Ҳиндистонга келиб тез орада ўзини ҳар томонлама ўнглаб олган Жалолиддин Мангубердининг куч-қудрати, обрў-эътибори атрофдан унга келиб қўшилган бир қанча қўшинлар ҳисобига янада ошди. Султон Жалолиддин энди ўз қўшини билан Қалор вилояти ҳукмдори Қўбача мулкларига қараб юрди. Чунки, бу ҳукмдор ўзининг Султон ва унинг амирларига душманлиги билан танилган, ҳатто Жалолиддиннинг вазири Шамсулмулкни, унинг ўғлини, шунингдек амир Аминомулкнинг ҳам ўғлини ўлдиртирган эди. Жалолиддин қўшини Қалор шаҳрини, Парасравар, Тарнуж қалъаларини қисқа муддатли қамалдан сўнг эгаллади. Қубача Шимолий Ҳиндистоннинг ҳукмдори Шамсиддин Элтутмишдан каттагина ҳарбий ёрдам олади ва яна султонга қарши чиқади. Лекин Қубача қўшинлари яна енгилади. Талайгина ўлжага эга бўлган Жа-



[264] Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.237.

[265] Шатра вилояти "Жуд" деб ном олган тоғлик қисмини ўз ичига олган.

[266] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.110-111.

лолиддин ўз қўшинини янгидан кийинтириш ва қуроллантириш имконига эришади[267].

Шундан сўнг, Шимолий Ҳиндистон ҳукмдори Шамсуддин Элтутмиш аввалига Султон Жалолиддинга қарши 30 минг кишилик отлиқ, 100 минг кишилик пиёда ҳамда 300 та жанговар фили билан жанг қилишга тайёргарлик кўра бошлайди. Айни вақтда, Элтутмуш Жалолиддиннинг эришаётган ғалабаларидан, мўғулларга қарши қаҳрамонона курашидан ҳам бохабар эди ва шунинг учун ҳам унга нисбатан ўзига хос ҳурмати ҳам бор эди. Шу муносабат билан Элтутмиш ўзининг унга қарши ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиш ва унинг ҳузурига ўз элчиларини сулҳ тузиш таклифи баён этилган нома билан юборишни лозим топади. Улар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилади. Ҳатто, Элтутмиш Жалолиддинга ўз қизини турмушга бериб, икки халқ ўртасида қариндошлик риштасини боғлайди[268]. Бироқ, келгинди бир Султон ва унинг аъёнларининг обрў-эътиборининг кун сайин ошиб бориши Элтутмиш, Қубача ва бошқа ушбу ҳудудлар ҳукмдорлари кўнглига доимо ғулғула соларди ва ёқмасди. Шунинг учун ҳам улар биргалашиб, Жалолиддинни Шимолий Ҳиндистондан суриб чиқариш учун ўзаро келишиб оладилар. Энди Жалолиддин учун яна маъсулиятли, оғир дамлар бошланди. Бунинг устига, шундай мураккаб вазиятда унинг икки йирик саркардаси – Язидак Паҳлавон ва Санқуржиклар Султонга хиёнат қилиб ўз қўшини билан Элтутмиш томонига ўтиб кетдилар. Султоннинг ҳарбий қудрати анча заифлашди. Вужудга келган вазиятни муҳокама қилиш учун Султон кенгаш чақиради ва кенгашда бу ерларни энди тарк этиб, Ироққа кетишга келишиб олинади[269]. Султоннинг кўнглида Ҳиндистонда катта куч тўплаб, сўнг мўғулларга қарши қатъий кураш бошлашдек катта мақсад бор эди. Лекин бу ердаги вазият унинг бу ниятини амалга оширишга имкон бермади. У Ҳиндистонни тарк этишга мажбур бўлди.







---

[267] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.114.

[268] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.116.

[269] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.116.



# II-БОБ.
# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ – МУСУЛМОН ДУНЁСИНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ ОЗОДЛИК КУРАШИ ТАШКИЛОТЧИСИ



II.1.



# Жалолиддин Мангубердининг Эрон, Озарбайжон ва Ироққа қайтиши ва бу ҳудудларда хоразмшоҳлар давлатини тиклаши



Ҳиндистонни тарк этган Жалолиддин Ҳиндистон ва Кирмон оралиғидаги саҳро ва даштлардан жуда катта қийинчиликлар билан ўтадилар. Султон Жалолиддин катта қийинчиликлардан сўнг 4000 жангчиси Кирмон вилоятига етиб келди. Бу ҳудуд унинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ қўлида бўлиб, унинг ҳокими Бароқхон эди. Ғиёсиддин Пиршоҳдан унчалик ҳайиқмаган Бароқхон, атроф ҳудудларга донғи кетган Жалолиддиндан анча қўрқар эди. Шунинг учун ҳам у билан муносабатини яхши йўлга қўйишга интилади. Унга тобе-





лигининг рамзи сифатида Жалолиддинга ўз қизини эрга беради. Лекин, табиатан жоҳил, ҳийлакор бу ҳукмдор зимдан султонга қарши куч йиға бошлайди. Султон бундан хабардор бўлиб, уни жазоламоқчи бўлганда, аъёнлари уни бу ишдан қайтаришади. Шундан сўнг Жалолиддин Кирмонни Бароқхонни ўзига қолдириб, Форс вилояти томон юради[270].

Ҳиндистондаги ҳукмдорлардан фарқли равишда Кирмон ва Форс вилоятлари ҳокимлари мўғул босқинининг оқибатларини жуда яхши тушуниб етганлар. Шу билан бирга, илгари Алоуддин Муҳаммад ҳам Ироқда кучли қўшин тўплаб, Чингизхонга кучли зарба бериб, Хоразм давлатини яна қайтадан тиклашга умид боғлаган эди. Аммо, унинг ўлимини эшитганларидан кейин, бу ердаги кўплаб ҳокимлар ва отабеклар ўз юртларини ўз билганларича бошқара бошладилар. Бундан энг аввало Бағдод халифалари фойдаланиб қолмоқчи бўлганлар. Улар хоразмшоҳлар давлатининг емирилишидан фойдаланиб, бу ҳудудларда ўзларининг тўлиқ ҳукмронлигини ўрнатишга киришиб кетдилар. Аммо 1224 йилда бу ҳудудларга Жалолиддиннинг кириб келиши уларнинг режаларини бузиб юборди. Кейинги бўлимда сўз юритадиганимиз Жалолиддиннинг Бағдод халифалигига юришидан ҳам мақсад халифаликнинг бу ҳудудлардаги айнан шу таъсирини ва ўз ҳукмронликларини ўрнатиш борасидаги ҳаракатларига чек қўйиш эди.



Форс вилоятига етиб келганда, унинг ҳукмдори отабек Саъд ҳам султонга ўзининг тобелигини билдириб, кўп миқдорда совғалар инъом қилади ва ўз қизи Малика Хотунни (отабек Ўзбекнинг хотини эмас) ҳам унга завжаликка беради. Язд вилояти ҳокими отабек Алоудавла ҳам унга ўз тобелик ёрлиғини топширади. Сул-



[270] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.107; Жувайний. *Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.374; Рашидаддин. Сборник летописей.* С.223.

тоннинг куч-қудрати яна ошиб боради. У Исфаҳон томон силжиб боради. Аҳоли уни шодлик билан кутиб олади. Бу ерда Султон ўз қўшинини қайта қуроллантиради. Исфаҳон ҳам Султоннинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ ерлари таркибида эди. Султоннинг бу ерларга келиши Пиршоҳга ёқмасди. Унинг келишини Пиршоҳ ўз ерига акасининг тажовузи деб тушунди ва унга қарши 30 минг кишилик қўшин юборди. Ака-ука ўртасидаги бу шармандали тўқнашувни олдини олиш мақсадида Султон Жалолиддин Пиршоҳ амирлари ҳузурига ўзининг тажрибали вазири Одақни жўнатди[271]. Вазир Пиршоҳ амирларини, унинг онасини уруш қилмасликка кўндиради. Онаси ҳам Пиршоҳни бу йўлдан қайтаришга эришади. Султоннинг нияти Хоразмшоҳларга тегишли бу ҳудудда мўғулларга қарши тура оладиган кучли давлат барпо қилиш эди. Шунинг учун у 1224 йилда Озарбайжонга қараб юрди.



Хоразмшоҳларга азалдан душманлик кўзи билан қараб келган Боғдод халифалари юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразмшоҳлар давлатини қулашидан фойдаланиб, Ироқ ва Озарбайжонда ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қиладилар. Жалолиддиннинг Ҳиндистондан аввал Ироққа, сўнг Озарбайжонга қайтиши ҳамда унинг куч-қудрати ва обрў-эътиборининг ошиб бориши халифа ан-Носирни безовта қила бошлайди ва у қандай бўлмасин Султонни йўқ қилиш ниятида бўлади[272]. Бу воқеалар хоразмшоҳларга ғаразгўйлик руҳида қараган Ибн ал-Асирда бошқача руҳда акс этган. Жувайний ва Рашидиддин келтириб ўтган Жалолиддиннинг дастлаб халифадан ёрдам олиш учун ва биргаликда мўғулларга қарши курашиш нияти билан келганлиги масаласи Ибн ал-Асирда умуман йўқ[273].





---

[271] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.122.

[272] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.382-383; Рашидаддин. Сборник летописей. С.241.

[273] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.370-372.



Юқорида кўп бора таъкидлаганимиздек, ўзини мусулмон дунёсининг ҳомийси деб ҳисоблаган халифа ан-Носир мусулмонлар бошига не-не кулфатлар, вайронагарчиликлар солаётган мўғул босқинчиларига қарши барча кучларни бирлаштириш, мўғулларга ягона қарши тура оладиган шерюрак Жалолиддинни қўллаб-қувватлаш ўрнига, ўз шахсий ҳоҳишини юқори қўйиб, Жалолиддинни йўқ қилишга ва бошқа мусулмон ҳукмдорларни ҳам унга қарши қўйишга ҳаракат қилади ва ўзининг бу хиёнатли ҳаракати билан мўғулларнинг мусулмонлар устидан ҳукмронлик ўрнатишига ўз ҳиссасини қўшади. У шу мақсадда Озарбайжон ҳукмдори, Пиршоҳнинг тоғаси Иғон Тоисийни Жалолиддинга қарши чиқишга кўндиради. Иғон Тоисий ўзининг 50 минг қўшини билан Озарбайжонга йўл олган Жалолиддинга пешвоз юриб, улар Ҳамадонда тўқнашадилар. Бу жангда ҳам Жалолиддин ўзининг жасорати ва моҳир саркардалигини намойиш этиб, оз сонли қўшини билан рақибини тор-мор қилишга эришади. Иғон Тоисий эса Жалолиддиндан шафқат сўраб, таслим бўлади ва унинг қўшини Жалолиддин қўшинлари таркибига киритилади[274]. Минг афсуски, Жалолиддин Хоразмшоҳлар давлати ҳудудида унга қарши бўлган ана шундай ички рақиблар билан курашишга кўп вақт ва куч ажратишга мажбур бўларди. Ваҳоланки, бу ишларнинг барчаси истилочи мўғулларга қарши қаратилиши керак эди.



Жалолиддин энди Хоразмшоҳларнинг азалий душмани бўлмиш халифаликнинг пойтахти Бағдодга юриш қилишга қарор қилади ва бу ҳақда халифани огоҳлантирди. Лекин Жалолиддин халифалик билан хоразмшоҳлар ўртасида илгаридан мавжуд душманликка қарамасдан, даставвал халифа ан-Носир билан



---

[274] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.133, 135; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.205-206.

келишишга ва умумий душман мўғулларга қарши биргаликда ҳаракат қилишни таклиф қилган ва ундан ёрдам беришни илтимос қилган. Шунинг учун у мўғулларга қарши курашда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосномани ўз элчиси Аловиддин ан-Насавий орқали халифа ан-Носирга жўнатади. Лекин Халифа бу илтимосни жавобсиз қолдиради. Аксинча, Жалолиддинга қарши 20 минг кишилик қўшин жўнатади. Жалолиддин Боғдод томон юришни давом эттириб, Ғут деган жойда халифанинг Қўштемур бошчилигидаги 20 минг кишилик қўшини билан тўқнашади. Жалолиддин Қўштемурга ҳам ўзининг мақсади халифаликдан ёрдам олиб мўғулларга мўғулларга қарши уруш олиб бормоқчи эканлигини ва халифадан нома кутаётганлигини айтади. Аммо, ўз қўшинининг кўпсонли эканлигидан ҳамда бевосита халифанинг кўрсатмаси билан Қўштемур унга қарши уруш бошлайди. Бу жангда Бағдод қўшинлари енгилади. Қўштемур ўлдирилади[275].

Араб тарихчиси Сибр ибн ал-Жавзийнинг маълумотига асосланиб, З.Буниёдов Жалолиддиннинг халифаликка қарши юришининг яна бир сабабини кўрсатиб ўтадики, мўғулларнинг хоразмшоҳлар давлатига бостириб киришида, аввало Боғдод халифаларини асосий сабабчиси деб билганлигидадир деб шошилинч хулоса чиқаради. У яна, халифа Чингизхонга яширинча мактублар юбориб, уларда мўғул ҳукмдорини Хоразм давлати устига юриш қилишга даъват этганлигини келтириб ўтиб ўз фикрини гўёки янада мустаҳкамлайди[276]. Тўғри юқорида таъкидлаганимизни такрорлаб ўтирмасдан, бу фикрга биз ҳам қўшилишимиз мумкин. Аммо бу

---

[275] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.382-383; Рашидаддин. Сборник летописей. С.241; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.370-371.

[276] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.338-339. Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.205-206.







ерда у Жалолиддиннинг мактуб юбориб ўтирмасдан нега дастлаб тўғридан-тўғри халифаликка ҳужум қилмаганлиги сабабларини таҳлил қилиб ўтирмаган, бунга кўз юмиб ўтади холос. Аслида ҳам, нега Жалолиддин шу пайтгача халифаликни ўзининг энг асосий душмани деб билиб келгани ҳолда ан-Носирга хат юборади. Ёки Жалолиддин халифанинг барибир ёрдам бермаслигини билиб, унга ҳужум қилишда бу ҳолатдан бир баҳона сифатида фойдаланмоқчи бўлганмикан? Аммо воқеаларнинг давомини кузатадиган бўлссак, Жалолиддин Бағдод атрофларини қамал қилгани билан аскарларига бу шаҳарга юриш қилмасликларини буюради.

Қўштемур қўшини енгилганини эшитган халифа Бағдодда мудофаа ишларини шошилинч бошлаб юборади ва бу ишга *1 миллион динор маблағ ажратилади.* Хоразмшоҳ ўз қўшини билан Боғдод яқинига келиб, 12 кун туриб, яна орқага Озарбайжон томонга қайтиб кетади. Аммо, йўлда Дақуқа шаҳрининг аҳолисининг Жалолиддинни халифаликка юриш қилганликда айблаб, ҳатто уни ҳақорат қилишларигача бориб етгандан кейин 1225 йил март – апрел ойларида бу қалъани босиб олди ва аҳолисини қирғин қилди. Ундан кейин Тикрит шаҳрига йўл олган Жалолиддин бу ерда халифаликнинг Ирбил ҳукмдори Музаффариддин Кўк Бўри бошчилигидаги яна бир қўшинига дуч келади. 1225 йилнинг апрел – май ойларида бўлган жангда халифаликнинг бу қўшинини ҳам енгиб, Музаффариддинни асир олади. Аммо Жалолиддин ундан ўзига қарши бошқа жанг қилмаслик тўғрисида ишончнома олиб, қўйиб юборади[277].

Ана шу воқеадан кейингина Жалолиддин З.Буниёдов китобида келтирилган Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Муаззам Исо (1218 – 1237 йиллар) мактубини ёзган.

[277] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.382-383; Рашидаддин. Сборник летописей. С.241.

Шундан кейин ал-Малик ал-Муаззам Исо Музафариддин Кўк Бўрига хат ёзадики, унда қуйидагилар баён қилинган эди: "Менга хоразмшоҳ Жалолиддин нома юборди, унда шундай сўзлар битилган: Мен билан ҳамкорлик битими тузинглар, сен ва бошқалар, тайёр туринглар, халифага қарши юриш бошлаймиз. Негаки кофирларнинг ислом мамлакатларига бостириб киришига, мусулмонларнинг ва менинг отамнинг ўлимига у сабабчидир. Биз халифанинг уларга ёзган мактубини топдик. Бу мактубда у уларни ислом мамлакатларига ҳужум қилишга даъват этади"[278]. Бундан келиб чиқадики, Жалолиддин халифанинг мўғулларга хоразмшоҳларга қарши юриш уюштиришга даъват этганлигини билсада, халифа билан яна бир бор келишишга ҳаракат қилиб кўрган. Негаки, халифанинг обрў-эътибори ҳукмдорлар олдида тушиб кетган бўлсада, унинг мусулмон дунёсидаги обрўйи барибир улкан эди. Шу жиҳатдан олганда, Жалолиддин халифадан мўғулларга қарши кураш йўлида мусулмон дунёсини бирлаштиришини умид қилган холос. Аммо, у мақсадига эриша олмагач, юқоридаги мактуб билан ҳукмдорларга мурожаат қилган бўлиши мумкин. Шу билан бирга, Жалолиддин барча мусулмон ҳукмдорлари қатори ислом дини ва унинг ақидаларини ҳурмат қилганлиги туфайли мусулмонларнинг ғоявий маркази – Бағдодга ҳужум қилиб, бу муқаддас шаҳарни вайрон қилишни истамаган.

Шундан кейин у Озарбайжонга қайтишга ният қилди. Чунки, унга Мароға шаҳри аҳолиси хат билан мурожжат қилиб, бу ерда давлатни ўзбошимчалик билан бошқараётганлар ва хотинларҳукмронлиги натижасида юзага келган шармандали аҳволдан холос этишларини сўраган эдилар. Улар мамлакатнинг ҳукмдори Отабек Ўзбекнинг кучсизлигидан ўз мулклари даҳлсизлигини







278 Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.207.







сақлай олмаслигидан, ҳимоя қилаолмаслигидан, грузинларнинг эса ўткир тирноқларининг Мароғага елкаларига янада қаттиқ ботиб бораётганлигидан шикоят қилган эдилар. Озарбайжоннинг сўнгги отабеги Ўзбек ўша кезларда давлат ишларидан бутунлай четлашиб қолган бўлиб, давлатни аслида унинг хотини Малика Хотун (сўнгги салжуқий Тўғрул III нинг қизи) бошқарарди. Шунда Жалолиддин тезлик билан 1225 йили майда Мароға шаҳрини эгаллайди[279].

Мароғада турганда у Озарбайжонга қўшни мамлакатлар билан алоқа ўрнатиб, ўзининг Озарбайжонни эгаллаш сабабларини ва келгусида грузинлар устига юришга тайёрланаётганлигини айтиб ўтган. Матни бир хил бўлган мактублар 1225 йил июнда Қўниё султони Алоуддин Қайқубод I га, Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашрафга, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муъаззамга ва Миср ҳокими ал-Малик ал-Комилга юборилди.

Султон Қайқубод I ва Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муъаззамлар жавоб мактубларини юбориб, султон Қайқубод I Жалолиддин билан дўстона ҳамкорлик битимини тузиб, Жалолиддиннинг қариндоши бўлган Шероз ҳукмдори Абу Бакр ибн Саъднинг қизини ўғли Ғиёсиддин Кайхусрав II га олиб бериш билан қариндошлик ришталарини ҳам боғладилар.

Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муъаззам билан эса биргаликда ҳужум қилиш ва ҳимояланиш битимларини туздилар. Бу битимга Ирбил ҳокими Муззаффариддин Кўк Бўри ҳам қўшилиб, улар Жалолиддин номини хутбага қўшиб ўқиттирадилар ва унинг номи билан тангалар зарб қилдира бошладилар[280].

Мароғадан кейин Жалолиддн Учон шаҳрига юриш пайтида Насавийнинг маълумотига кўра Табриздан ким-

[279] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.135-136.

[280] Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.240.

дир ташриф буюриб, уни босиб олишга ундади. Бошқа манбаларда эса Жалолиддин Табриз раиси Шамсиддин ат-Туғроийдан Табриздан аскарларига озиқ-овқат сотиб олишга рухсат сўраган. Рухсат олингандан кейин эса хоразмлик жангчилар аҳолини талаб, зўравонлик қила бошладилар. Хоразмшоҳга бу ҳақда хабар етказганларида у Табризга ўз шиҳнасини юборди. Лекин, шиҳна ҳам ўз ўз фойдасини ўйлаб табризликлардан солиқ йиғиб ола бошлади. Жалолиддинга қилинган шикоятлар инобатга олинмади. Натижада табризликлар Низомиддин бошчилигида исён кўтариб, хоразмликларни ўлдира бошладилар. Бу эса Жалолиддиннинг Табризга юриш қилиб, уни қамал қилди. Бу ерда унинг шаҳарни эгаллаш учун турли қамал воситаларини (манжаниқ, оғир тўқмоқ, юрувчи қалъалар) тайёрлашни буюради. Отабек Ўзбек Табризда ўз хотинини ташлаб Алинжоқ қалъасига қочиб кетди[281].

Дастлаб шаҳар аҳолиси Шамсиддин ат-Туғроийнинг жияни шаҳар раиси Низомаддин ат-Туғроий бошчилигида шаҳарни муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Аммо, қамалнинг еттинчи куни Малика Хотун Жалолиддинга мактуб йўллаб, унга Хой шаҳрини бериб, ўзи, одамлари ва мол-мулки учун омонлик сўраб, султон лашкарлари ҳимоясида шаҳарни тарк этажагини ҳамда султоннинг ўзига уйланишини шарт қилиб қўйди. Жалолиддин бу шартни қабул қилди ва 1225 йил 25 июлда Табризни эгаллади. У Табриз аҳолисига мурувват кўрсатиб, уларнинг шикоятларини қабул қилди ва одил ҳукмдор бўлишга ҳаракат қилди. Низомиддинни шаҳар ҳокими қилиб қўйди. Кейинчалик Малика Хотунга уйланди. Бу воқеани эшитган отабек Ўзбек вафот этди. Натижада Озарбайжон тўлиқ Жалолиддин тасарруфига ўтди[282].

---

[281] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.384; Рашидаддин. Сборник летописей. С.242.

[282] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.385; Рашидаддин. Сбор-



Шундан кейин, у Шарафулмулкни шаҳарда қолдириб ўзи Грузияга юриш бошлади. Жалолиддин фаолияти тарихининг энг нозик саҳифаларидан бири бўлган, бу масалани кейинги бўлимда батафсил таҳлил қиламиз.

Жалолиддин Грузия томон юриши давомида Ганжа, Байлақон, Шамхор ва Шутур каби шаҳарларни эгаллаб, у ерга ноиб қилиб лашкарбошиси Урхонни тайинлади.

Лекин султоннинг вазири Шарафулмулк очкўзлик қилиб, Шамсиддин ва Низомиддинларни султонга ёлғондан ёмонлаб, уларни йўқ қилишга ва бойлигини эгаллашга ҳаракат қилди. Оқибатда Жалолиддин Грузияда кўпгина амирларини қолдириб, Озарбайжонга қайтди ва Низомиддинни қатл қилдирди[283].



Айнан, Шарафулмулкнинг иғволарига ишониши, унинг гапига кириши султоннинг энг катта хатоси бўлиб, кейинчалик ҳам у умрининг охиригача ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келди.

Бу бўлим бўйича хулоса қилиб шуни айтишимиз лозимки, Жалолиддиннинг бу даврдаги фаолиятига ёзма манбалар муаллифлари ва кейинги тадқиқотчилар турлича баҳо берадилар. Жумладан, Ибн ал-Асир Жалолиддиннинг Бағдодга юришининг сабабларини келтириб ўтмаган. Аммо унинг маълумотларида Жалолиддинга нисбатан босқинчи сифатида қараш руҳи сезилади[284].



Жувайний ўз асарида аниқ қилиб, Жалолиддиннинг умумий душманга қарши бир тўсиқ вазифасини ўташини ўз зиммасига олган ҳолда мўминлар амири Носир Лидиниллоҳдан ёрдам кутганини ва шунга умид қилганлигини келтириб ўтади[285].

---

ник летописей. С.242.

[283] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.141-143..

[284] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.370-371.

[285] *Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.382; Рашидаддин. Сборник летописей. С.241.*

З.Буниёдов Жалолиддиннинг Бағдодга юришининг асосий сабаби, ўз отасининг ўлими ва давлатининг мўғуллар томонидан босиб олинишида халифани айбдор деб билганлиги бўлган ва шунинг учун бу юришни халифадан қасд олиш ёки уни йўқ қилиш учун қилган деб баҳо берган[286]. Аслида эса, дастлаб Жалолиддиннинг нега халифага ўз элчиларини юборганлиги ва халифа унга ёрдам бермаганлиги сабабларини таҳлил қилишга ва тушунтиришга умуман эътиборини қаратмаган. Бу ерда халифа ан-Носирнинг хатти ҳаракатларига холисона баҳо берилмаган. Бунинг натижаси эса халифалар ўзларича Жалолиддиннинг халифаликка ҳужумини қайтардилар-у, лекин, янада хавфли ва умуман бошқа дин вакиллари бўлган мўғуллар босқинига йўл очиб бердилар. Мўғуллар эса, тарихдан маълумки, 1258 йили Боғдодни босиб олиб, уни вайрон қилдилар, таладилар. Хоразмшоҳлар давлатига душманлик қилган халифалар тақдири ана шундай тугади. Бу ҳақда ҳали кейинги бўлимларда ҳам тўхталиб ўтамиз.







286 Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.207-208.







## II.2.

# Грузия ва Арманистоннинг забт этилиши сабаблари ва оқибатлари. Кичик Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари, халифалик билан кейинги муносабатлар

Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган курашлари тарихидаги энг муаммоли саҳифаларидан бири бу, шубҳасиз унинг Грузия ва Кавказортида олиб борган урушлари масаласи ҳамда унинг халифалик, Кичик Осиё ва Яқин Шарқдаги давлатлар билан муносабатлар масаласи ҳисобланади. Мана XIX асрдан ҳозиргача Жалолиддин Мангуберди ҳақида тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар унинг фаолиятининг шу нуқтасига келганда, В.В.Бартольднинг қарашлари билан чекланиб қолади холос. Кўпчилик тадқиқотчилар эса бу борада умуман ўз фикрини билдирмасдан воқеаларнинг ўзини келтириб қўя қолади. Ёзма манбалардан ҳам фақат ан – Насавий ва Жувайний бунинг сабабларини кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Шу ерда биз ҳам бу муаммони таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз ва уни Жалолиддиннинг Грузия билан муносабатлари масаласидан бошлаймиз.

Умуман олганда, Жалолиддиннинг Грузияга қарши олиб борган урушлари бу унинг инжиқлик хусусиятидан

(амбиция) эмас балки, тарихий зарурат бўлганлиги маълум. Аммо, ҳеч бир тадқиқотчи нимагадир буни ҳисобга олмайдилар ёки истамайдилар. Ҳатто, юртимизда чоп этилган кўпгина асарларда масалага бир ёқлама муносабатда бўлиш оқибатида ёки В.В.Бартольд ва З.Буниёдовларнинг фикрларига кўр-кўрона ёпишиб олиш оқибатида Жалолиддиннинг Грузия ва Кавказортида олиб борган урушлари масаласи борасида ҳалигача фақат салбий фикрлар шаклланиб қолган. Жумладан, хоразмшоҳлар-ануштегинийлар ҳақида ва хусусан Жалолиддин Мангуберди ҳақида бир қатор асарлар ёзган ва энг сўнгги тадқиқот муаллифи, тарихчи О.Машарипов ўзининг умумий "Хоразмнома" рукни остида чоп этилган тарихий мажмуининг еттинчи китоби яъни, "Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар" китобида бу борада қуйидаги умумий хулосалар чиқарган. Жумладан: "...Назаримизча у Гуржистонга унчалик лозим бўлмаган урушни бошлаб, гуржи ва бошқа христиан халқларни ўзига қарши қилиб қўйди. атрофига бошқа мусулмон давлатларини ҳам уюштириб, уларни асосий душман мўғулларга қарши отлантириш ўрнига, ўз қўшини билан ички курашларга берилиб, ўз обрўйи ва куч-қудратига путур етказди. Шунингдек, унинг Гуржистон билан қилган уруши ҳам, фикримизча, зарурияти йўқ уруш эди", деган фикрлар билан чекланиб қолинган холос[287].

Шу жиҳатдан олганда Жалолиддиннинг Грузия, арманлар ва ҳозирги Озарбайжон ҳудудларида олиб борган урушлари сабабларини бу воқеаларга боғлиқ барча ёзма манбаларни чуқур таҳлил қилиш асосидагина тушуниш ва тушунтириш мумкинки, ҳозиргача бу мавзунинг муаммо даражасида қолиб келишига ҳам шу ҳолат сабаб бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга Жалолидиннинг Грузияга билан олиб

[287] Машарипов О. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар. // Хоразмнома. 7 – жилд. – Урганч: "Қуванчбек – Машҳура" МЧЖ нашриёти, 2018. – С.499-500.







борган урушларининг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишдан ва Жалолиддин Мангубердининг бу ҳудудларга келиб ўз давлатини тузишдан олдин қандай сиёсий вазият хукм сурганлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Хуллас, Жалолиддин Мангубердининг Ҳиндистондан бу ҳудудларга келгунича Жанубий Кавказ ҳудудида учта давлат билашмаси ва битта ярим мустақил давлат мавжуд эди. Булар: Грузия давлати, Ширвоншоҳлар ва Озарбайжон отабеклари давлатлари ҳамда ярим мустақил Арран давлатлари.

Шубҳасиз, булар ичида энг кучлиси Грузия давлати ҳисобланиб, мазкур даврдан сал олдинроқ, ҳукмдорлар Георгий III (1156–1184) ва Малика Тамара (1184-1213) даврида Грузия қўшни мусулмон давлатлари билан муваффақиятли урушлар олиб борганлар. Жумладан, 1195 йилдаги Шамхор жангида Озарбайжон илдегизийларидан отабек Абу Бакр қўшинлари тор-мор келтирилган бўлса, 1202 йилдаги Басиан текислигидаги жангда салжуқийлар Қўниё давлати султони Рукниддин Сулаймон II (1194 – 1204) қўшинлари тор-мор келтирилган эдилар[288]. Натижада илгари Озарбайжон отабеклари тасарруфида бўлган Арран давлати энди Грузияга ярим қарам бўлиб қолган эди. Арзирум беклиги ҳам Грузия тасааруфига ўтган. 1207 йилда эса грузинлар Карс шаҳрини эгалладилар. 1210 йилда эса Грузиянинг машҳур лашкарбошиси Закария Мхаргдзели Эронга юриш қилиб, унинг энг ичкари ҳудудларигача кириб борди. Айнан шу ҳолат Грузия учун кейинчалик Озарбайжонни истило қилиш уун юриш қилишга туртки бўлган бўлиши мумкин[289].

Тамарадан кейин тахтга ўтирган Георгий IV Лаша (1213-1223) даврида Грузия янада кенг миқёсда истило-

[288] Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии(с древнейших времени до наших дней). – Тбилиси: Изд – во: "Артануджи" 2008.- С.62-63.

[289] Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии.- С.63.

чилик урушларини бошладики, унинг асосий эътибори айнан Озарбайжон отабеклари ва Арронга қаратилди. 1213 йилда Озарбайжоннинг йирик шаҳри Ганжа бўйсундирилди. Грузинлар ҳатто 1217 йилда бошланган ва тўрт йилдан бери давом этаётган бешинчи салиб юришига ҳам тайёрланаётган эдилар. Шунинг учун ҳам, қуйида келтириб ўтадиганимиз Жувайнийнинг грузинларнинг мусулмон мамлакатларига қарши режалаштирилаётган юришлари ҳақидаги маълумоти ҳақиқат бўлса керак. Аммо айни, шу юришга тайёргарлик кўрилаётган пайтда 1221 йилда Кавказорти ҳудудига жумладан, Грузияга ҳам мўғуллар бостириб кирди[290].



Бу ҳудуддаги иккинчи давлат Озарбайжон отабеклари давлати бўлиб, бу даврга келиб у анча заифлашган эди. Бунга сабаб эса юқорида келтириб ўтганимиздек, отабек Ўзбекнинг айш-ишратга берилиб, давлат ишларига умуман эътибор қаратмагани ва унинг ўрнига хотини Малика хотин бошқараётгани эди. Шу сабабли грузинлар бу ҳудудларга ҳужумларини кучайтириб юборган эдилар.



Учинчи давлат, Ширвоншоҳлар давлати ҳам бу даврда чуқур ички инқироз ҳолатида бўлиб, бу ҳудудда атрофларига ҳеч қандай таҳдид солиш кучига эга эмасди.

Озарбайжон отабеклари тасарруфида бўлган Аррон эса отабек Ўзбек даврида заифлашган Озарбайжон давлатидан деярли мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилган. Аммо бу билан фақат Грузиянинг тажовузорлик объектига айланди холос.



Жалолиддиннинг Грузия билан Гарни жангги тафсилотлари деярли барча манбаларда акс этган. Жумладан, араб-форс манбаларига ан-Насавий, Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин, Сибт ибн ал-Жавзий, Мирхонд ва Хондамир асарларини киритсак, арман манбаларидан Киракос Гандзекацининг "Тарих", епископ Степанос ва

[290] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.385-386; Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии.- С.74.







епископ Себастациларнинг “Йилнома”лари, грузин тилидаги манбалар эса бу XIV асрда ёзилган ва муаллифи номаълум “Хронограф” ёки “Юз йиллик йилнома” асари ҳамда “Картлис Цховреба” (ёки “Грузия тарихи”) асарлари киради[291]. Шунингдек, бу манбалар турли тилларда, турли диний қарашдаги тарихчилар томонидан акс эттирилгани учун, бу воқеаларга муносабатлар ҳам турли-туман бўлиши табиий. Бу эса бизга мазкур манбаларни жуда диққат билан таҳлил қилишни талаб этади. Демак бу мавзуни таҳлил қилар эканмиз, энг аввало, араб-форс манбаларида қандай фикр билдирилгану, арман-грузин манбаларида бу воқеаларга қандай муносабат билдирилганлигини таҳлил қилиш лозим.

Деярли барча араб-форс манбаларида грузинларнинг Озарбайжон ва Арронга ўзлари юриш қилиб, мўғуллардан енгилган бу ҳудуд ҳукмдорлари ҳамда Жалолиддин Мангубердининг ҳам ўзларига қаршилик кўрсатиш қобилиятидан маҳрум бўлган деган хулосага келганлар. *Натижада гуржилар бир неча марта Озарбайжонга уруш* очиб, мусулмонларни анчагина қирғин қилган эдилар.

*Ан – Насавийнинг маълумотига кўра:* “Султон Озарбайжонни босиб олгандан сўнг гуржилар (грузинлар) Двин теграсидаги Гарни номи билан машҳур бўлган жойга олтмиш минг кишилик одамини йиғди. Уларнинг намойишкорона матонатлари орқасида аҳмоқона хатти *ҳаракатлар яширинган эди. Султон билан қўшни бўлишдан,* ёнма-ён яшашдан улар қўрқув ва ваҳимага тушган эдилар... Султон бу йиғинни кўриб, биз билан ҳамкорлик қилишга интилади ва омонлик сўраб келади... деб ўйлашганди. Уларнинг бир пайтлари ўзлари учун ов ма-

---

[291] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.138; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.385-386; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.375-376; Рашидаддин. Сборник летописей. С.242; Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII – XIV вв./Перевод А.Г.Галстян. – М.,1962. – С.33-34; Картлис Цховреба./История Грузии. Глав.ред. Роин Метревели. Тбилиси: Изд-во Артануджи, 2008. – С.339.

скани, осон ўлжа макони бўлган Отабеклар давлатининг қулаганини билгани ҳолда бунча қўшин билан бу ерга йиғилишининг сабаби ҳам шу эди."[292]

Жувайнийнинг маълумотига кўра эса, грузинларнинг мақсади янада жиддийроқ бўлган: "Ўша пайтда иффатсиз гуржилар мусулмон ўлкаларига эга бўлиш орзусига берилиб, Султонни улоқтириб ташлаб, Табризни ишғол қилиш ва кейинчалик Бағдодга кириб халифанинг ўрнига попни, жомеъ масжидлари ўрнига черковни бунёд этиб, ботил йўлга солишни истаган эдилар"[293]. Яъни, юқорида таъкидлаганимиздек, Грузия бешинчи салиб юришида қатнашмоқчи эди.

Тушунишимизча бу салиб юришининг, яъни христианларнинг мусулмонларга қарши юришининг алоҳида бир қисми сифатида Грузия Қуддусга эмас, балки мусулмонлар дунёсининг етакчиси – халифалар яшаётган Бағдодга юришни мўлжаллаётган бўлиши мумкин эди.

Шу билан бирга Эрон, Хуросон ва Озарайжоннинг бир қисмига мўғул тажовузи хавф солаётган пайтда грузинлар ўзларига унчалик ҳам қаршилик кўрсатувчи кучни кўрмаётган эдилар. Аммо, уларнинг бу режаларини дастлаб Субутой ва Жебе нўён бошлиқ мўғуллар қўшинининг бостириб кириши бузиб юборган эдилар. Улар учта жангда грузинларни тор-мор этдилар. Ҳатто иккинчи жангда Грузия подшоси Георгий Лаша ўзининг 90000 қўшини бўлишига қарамасдан, мўғуллар томонидан шармандали мағлубиятга учради. Ва ҳатто, шундай жанглардан бирида олган жароҳати эвазига у 1223 йилда вафот этди. Унинг ўрнига синглиси малика Русудана тахтга ўтирди (1223-1245).

Рашидиддин ҳам шунга яқин маълумот келтириб ўтадики, унга кўра, юқоридаги келтириб ўтганимиз, грузинларнинг салиб юриши режаларининг бир қисми сифати-

[292] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.138.

[293] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.385-386.







да Озарбайжоннинг Нахичеван ва Маранд каби вилоят ва шаҳарларига юриш қилиши Жалолидин Мангубердининг улар устига юришига сабаб бўлган[294].

Ибн ал-Асир, янада бошқа маълумотларни келтирадики, бу воқеалар бошқа манбаларда ва ҳатто ан-Насавийда ҳам йўқ.

*Жумладан, унинг ёзишича, бу урушнинг асосий айбдорлари* грузинларнинг ўзлари бўлиб, Жалолиддин дастлаб уларга қарши урушмоқчи бўлмаган ва Грузияга ўз элчисини юборади. Аммо, грузинлар унга сурбетларча жавоб берадилар ва ҳаттоки 1220 йилда мўғулларнинг Субутой ва Жебе нўён қўшинларидан шармандаларча енгилганлари ҳолда, қайтанга улар ғолиб чиқиб мўғулларни қувиб юборганликларини айтиб алдайдилар[295].

Демак, Жалолиддин гуржилар устига юришдан асосий мақсад, ўзи эндигина тузган давлатини уларнинг талончилик юришларидан ҳимоя қилиш бўлса, иккинчидан мўғулларга қарши юриш олдидан ўз орқа томони хавфсизлигини таъминлаш ҳам унинг мақсади бўлган. Учинчидан эса, Жалолиддиннинг Грузия билан урушишдан мақсад, уни ўз давлати таркибига қўшиш ва бу орқали эса, Эрон ва Форс Ироқи ҳудудларида давлат тузиб, бу давлат келгусида мўғуллар ҳужумидан ҳимоя қилувчи ўзига хос “девор” вазифасини ўташи лозим эди[296].

Шулардан келиб чиқиб, 1225 йилда Жалолиддин гуржиларнинг Двин шаҳрини эгаллаб, Гарни ёнида ўз қўшинидан 2 ярим 3 баробар ортиқ бўлган гуржи қўшинлари билан тўқнашади. Ибн ал-Асир грузинлар қўшинининг сони 70000 дан ортиқ бўлган деса, епископ Степанос ва Насавийларнинг маълумотига кўра грузинлар қўши-

---

294 Рашидаддин. Сборник летописей. С.242.

295 Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.376.

296 *Тимохин Д.М. Хорезмийское завоевание Южного Кавказа и битва при Гарни 1225 г.* // Вестник института истории, археологии и этнографии. 2017. № 3, 5-18 с. – С. 9.





нининг сони 60000 бўлган[297]. Насавий Жалолиддиннинг қўшин сонини келтирмасада, Ироқ ва бошқа жойларга турли ишлар билан кетганлиги учун унинг қўшинининг сонининг анча оз бўлганлигини ёзади[298]. Жувайнийда грузинларнинг қўшини сони 30000 бўлганлиги, Рашидиддинда эса Хоразм қўшини сони 30000 бўлганлиги келтириб ўтилади. Грузин ва арман манбаларида Жалолиддиннинг қўшини жуда ошириб кўрсатилган. Жумладан, епископ Себастацининг "Йилнома"сида Жалолиддин 200 минг жангчи билан бостириб киргани ҳолда[299], грузинларнинг "Картлис Цховреба"сида эса хоразмшоҳнинг қўшини 140 мингга яқин бўлганлиги таъкидланади[300].

Бу ерда ан-Насавий маълумотлари ҳақиқатга тўлиқ мос келади. Зеро, бу жанг пайтида у Жалолиддиннинг котиби сифатида шахсан иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрганларини ёзган. У Жалолиддин Мангубердининг Гарни ёнидаги 1225 йилдаги жанг арафасида, унинг аскарларининг кўпчилиги Ироқ ва бошқа жойларга турли ишлар билан кетганлиги учун унинг қўшинининг сонининг анча оз бўлганлигини ёзади. Шунинг учун, бу жангда Жалолиддин Мангубердининг қўшин сони 20 – 25 минг кишидан иборат бўлган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ.

Гарнидаги қаттиқ жангда Хоразм қўшинлари ғолиб чиқди. Манбаларда келтирилишича гуржилардан 20 мингдан ортиқ жангчи ўлдирилди. Грузин қўшинининг етакчилари Шалва Ахалцихали асир олинди, унинг укаси Иване Ахалцихали эса арман-грузин манбаларига кўра жангда ҳалок бўлган, араб-форс манбаларига кўра эса

---

[297] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.376; Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII – XIV вв./Перевод А.Г.Галстян. – М.,1962. – С.33-34; Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.138.

[298] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.138.

[299] Армянские источники о монголах. – С.23;

[300] Картлис Цховреба./История Грузии. Глав.ред. Роин Метревели. Тбилиси: Изд-во Артануджи, 2008. – С.338.





акаси Шалва билан бирга асир тушган. Асосий қўмондон Иване Мхаргдзели жангга кирмасдан қочиб кетди ва Бжни қалъасига яширинган[301]. Жувайний ва Рашидаддинга кўра Шалва қўрқанидан ва ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳатто ислом динини ҳам қабул қилган[302].

Жувайнийга кўра Жалолиддин кейинчалик ёрдами тегар деган *мақсадда Шалва ва Иванега иззат – ҳурматлар* кўрсатиб, уларга Маранд, Салмос, Урмия ва Ушну шаҳарларининг бошқарувини топширган[303]. Аммо улар Жалолиддиннинг ўзларига бўлган бу ишончни оқламасдан, хиёнат *йўлига ўтиб, қулай фурсат келганда* Жалолиддинни йўқ қилиш учун грузинларга хатлар юбориб, қўшин тўплаганлар. Бу қўшинларни улар Жалолиддиннинг Грузияга юриш пайтида, унинг йўлларига пистирма қўйдилар. *Воқеаларнинг давомини кузатадиган бўлсак,* Жувайнийга кўра, Жалолиддин дастлаб грузинлар маликаси Русуданага Тоштдор Малик бошчилигида элчилар юборган. Аммо, бу элчилар йўлда Кура дарёси соҳилида маст бир роҳиб, хоразмликларни маликанинг ўғли пистирмада кутиб турганини ва улар Жалолиддинга ҳужум қилиб уи йўқ қилмоқчи бўлганлигини айтиб қўяди. Шунда элчилар дарҳол орқага қайтиб, бу ҳақда Жалолиддинни огоҳлантирганлар. У эса дарҳол амирларни шу жумладан, Шалвани ҳам чақириб, ундан ёлғондан Гуржистонга олиб борувчи энг яхши йўл қайси эканлигини сўраган. Шалва эса айнан пистирма қўйилган Маркоб йўлини энг қулай деб, ўзининг фитна уюштираётганлигини тасдиқлаган. У ўз қўли билан Шалвани иккига бўлиб ташлади. Малика Русудана эса хоразм элчиларини қабул қилмаган.

Грузинларнинг "Картлис Цховреба" китобида эса,

---

[301] *Картлис Цховреба./История Грузии. – С.339; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.215.*

[302] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.386-387; Рашидаддин. Сборник летописей. С.243.

[303] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.387; Рашидаддин. Сборник летописей. С.243.

Шалва ислом динини қабул қилмагани учун ўлдирилган эмиш[304]. Жувайнийдаги Жалолиддиннинг малика Русуданага юборган элчилик ҳақида "Картлис Цховреба"да ҳам акс этган. Унга кўра Жалолиддин Тифлисга юришдан олдин, Бжнисидаги грузин қўшинлари қўмондони Иване Мхаргдзелининг ўғли Аваг ҳузурига борган ва унга: "Мен Гуржистонга талончилик учун келмадим, балки, тинчлик олиб келдим. Лекин, сизлар тезда менга қарши қуролланиб олдингиз ва тинчлик бузилди...Мен сизнинг мамлакатингиз кучи ва қудрати ҳақида ва гуржиларнинг жасорати ҳақида эшитганман. Ҳозир эса мен бирлашишимизни ва биргаликда душманга қарши чиқишимизни истардим. Эшитишимча, сизнинг подшоҳингиз – аёл. Мени унга уйлантиринг ва ўзингизга подшоҳ қилинг ва биз биргаликда душманларимизни енгамиз. Агар сиз шундай илмасангиз, сизнинг давлатингиз яксон қилинади, мабодо мен кетсам ҳам барибир тоторлар келиб туришибди. Сиз уларга бардош бера олмайсизлар ва улар билан курашиш учун кучга ҳам эга эмассизлар. Малика ҳузурига чопар юбориб, менинг таклифим ҳақида билдир, зеро мен Гуржистоннинг вайрон бўлишини истамайман ва уни душмандан ҳимоя қилмоқчиман, агар сиз мени қўлласангиз тинчлик бўлғусидир."

Аммо малика Русудана Хоразмшоҳнинг таклифини рад этади[305].

Бу воқеалар қисман Насавийда ҳам акс этган. Бироқ Шалванинг хоинлиги воқеаси унда грузинларни Жалолиддиннинг улар устига юриш қилаётганини огоҳлантирувчи Шалванинг хатини олиб бораётган айғоқчиси қўлга олингандан кейин унинг қатл қилингани айтилади.

Шу билан бирга, Жалолиддиннинг Аваг билан учрашиб, Русуданага элчи юборишни мақсад қилган воқеаси-

---

[304] Картлис Цховреба./История Грузии. – С.339.

[305] Картлис Цховреба./История Грузии. – С.340-341.







га, Русудананинг Жалолиддин таклифига жавобан унинг христианликни қабул қилишини шарт қилиб қўйганлигини қўшимча қилади[306]. Кейиналик у билдирмасдан пистирмадаги грузин қўшинларининг орқасидан ҳужум қилиш учун ўтиш қийин бўлган Банди Памба довонини (ҳозирги Рамбок тоғ тизмаси) ошиб ўтди. Пистирмадаги грузинларни енгач, у Лори шаҳрига юриш бошлади ва бу шаҳарни эгаллади аммо, аҳолига ҳеч қандай зарар етказмади. Шундан сўнг Жалолиддин грузинларнинг Алиобод қалъасини ҳам эгаллади ва бу ернинг аҳолисининг омонлик сўрагани учун уларга шафқат қилди[307].

1226 йилнинг январидан то февралигача бўлган даврни у шу ерда ўтказди. Март ойида у Ўрхон бошлиқ қўшинни Тифлисга юришга буйруқ берган эди.

Шу даврда грузинлар уни йўқ қилиш учун унга қарши ҳужум уюштирдилар. Жалолиддин қўшини озчилик бўлишига қарамай грузинлар устига қўрқмасдан уюштирган ҳужуми натижасида улар қоча бошладилар. Жалолиддин уларни Тифлисгача қувиб борди. Бу ерда грузинлар Ўрхон ва хоразмшоҳ қўшини ўртасида қолиб кетиб, кейин дарё тарафга қочдилар. Уларнинг катта кўпчилиги дарёга ғарқ бўлиб ўлдилар[308].

Шундан сўнг, малика Русудана Тифлисдан қочиб, иккинчи пойтахт Кутаисига кетди. Тбилиси ҳимоясини эса Боцонинг ўғиллари Боцо ва Мемно Боцосдзениларга топширди[309].

Ибн ал-Асирга кўра грузинлар ёрдамга аланлар, лезгинлар, лаклар ва қипчоқ қабилаларини ҳам ёрдамга чақирадилар. Жуда катта қўшинга эга бўлганларидан кейин улар хоразмшоҳга қарши жанглар олиб бордилар. Ле-

---

[306] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.149; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.216.

[307] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.387-389; Рашидаддин. Сборник летописей. С.243.

[308] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.389.

[309] Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 341.

кин, Жалолиддин бир неча ерга пистирма қўйиб, уларни бир неча марта мағлубиятга учратди. Грузинлар тартибсиз равишда чекина бошладиларки, бу қочқинда ака ука учун, ука эса ака учун ёки ота фарзанди учун, фарзанд эса ота учун қайғурмасдан ҳамма фақат ўзи учун қайғурди[310].



Жалолиддин Тифлис – Тбилисининг жуда мустаҳкам шаҳарлигини билганлиги учун дастлаб, Сомхити атрофларини эгаллаб, Тбилисини ўраб олди ва ташқи дунёдан ажратиб қўйди. Бу шаҳар Кура дарёси бўйида жойлашгани учун, дарё уни ҳам атрофдан, ҳам ички қалъаси Исанини ҳам айланиб оқиб ўтарди. Ибн ал-Асирда ҳам, Насавийда ҳам Тифлиснинг жуда мустаҳкам бўлганлиги қайд қилинади[311]. Шундай бўлса ҳам Жалолиддин шаҳарни босиб олишга киришди. У дастлаб аскарларининг асосий қисмини пистирмаларга жойлаштириб, ўзи 3000 отлиқ билан шаҳар олдига келди. Грузинлар унинг қўшинининг озлигини кўриб, унга қарши ҳужумга ўтдилар Жаолиддин ёлғондан чекиниб, уларни пистирма олдига олиб келди. Пистирмадагилар ҳужумга ўтиб грузинларнинг катта кўпчилигини қириб ташладилар. Аммо, қамал барибир узоқ давом этди. Жалолиддин фақат шаҳар ичкарисида яшаётган мусулмонларнинг ёрдами билан 1226 йил 9 мартда ташқи шаҳарни эгаллайди[312]. Шаҳар ичкарисидаги жангда Мемно ўлдирилди. Аммо Боцо ички қалъа Исанига кириб яширинади. Ички қалъа жуда қулай ерда жойлашганлиги учун уни қамал қилиш қишгача давом қилди. "Картлис Цховреба"да малика Русуданнанинг қалъани ташлаб чиқиш ҳақидаги бир неча буйруқларидан сўнггина қалъа ҳимоячилари уни ташлаб, Жалолиддинга таслим бўлганлар[313]. Жалолид-





---

310 Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.379.

311 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.150; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.380.

312 Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 341.

313 Картлис Цховреба/История Грузии. – С. 342.







дин 10000 га яқин таслим бўлган бу жангчиларни (грузин манбаларида барча аҳолини) ислом динига ўтишини буюрган. Аммо, улар мусулмончиликни қабул қилишдан бош тортганлари учун, уларни Кура дарёсидаги кўприк устида қириб ташлади. Натижада бу кўприк: "Тифлислик ўн минг жабрдийдалар муқаддас кўприги" деган ном олган. Бу воқеаларни тасвирлаган "Картлис Цховреба" муаллифи хоразмликларнинг Тбилисида қилган ёвузликларини тасвирлар экан, бизнингча бу ваҳшийликларни жуда ошириб кўрсатган[314]. Бу зўравонликларни ҳаддан зиёд ошириб кўрсатиш анъанаси кейинги асрларда янада оширилиб юборилиши натижасида, бу кўприк ҳозир "юз минг жабрдийдалар муқаддас кўприги" номини олган. Ҳатто сўнгги пайтларда нашр этилган "Грузия тарихи" китобларида ҳам бу тарихий нохолислик, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ҳоллари йўқолмаганлигини кўрамиз. Яъни, 2008 йилда чоп этилган Грузия тарихида Жалолиддин 1226 йилда Тифлисни эгаллаганда 100000 аҳолини қирғин қилганмиш[315]. Бу китобларда яна Жалолиддин уюштирган бу қирғинни ошириб кўрсатиш учун Грузиянинг шу даврдаги умумий аҳолиси сонини келтириб ўтадиларки, асосан тоғликлардан иборат Грузияда бу даврда аҳоли сони 5 миллион кишини ташкил қилганмиш[316]. Энг кам тоғликларга эга, аммо аҳоли зич яшайдиган Сурия ва Фаластин ҳудудларида эса, тадқиқотларга кўра, ҳудди шу даврда 3 миллион аҳоли яшаган[317]. Шу ерда бир савол туғилади. Бу даврда Тифлис – Тбилисининг аҳолиси қанча бўлган?

XI – XIII асрлар шаҳарлари тарихига бағишланган тадқиқотларда Грузиянинг энг яқин қўшниси ҳамда

---

[314] Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 342.

[315] Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии.- С.75.

[316] Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии.- С.77.

[317] Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока.(VII – середина XIII в.). Социально – экономические отношения. – М.: Наука, 1984. - С.138.

аҳоли зич яшайдиган ҳудудлар сирасига кирадиган Сурияning энг йирик шаҳри Халаб майдони 250 гектарни ташкил қилгани ҳолда аҳолиси 50 мингни ташкил қилган[318]. Тоғлик ҳудудда ва Кура дарёси бўйида жойлашган майдони бор-йўғи 20 гектарни ҳам ташкил қилмайдиган Тифлисда қанча аҳоли яшаган бўлиши мумкин деб ўйлайсиз? Бошқа тадқиқотларни жалб қилган ҳолда ҳамда Грузия ўрта асрлар шаҳарлари ҳақидаги маълумотларни умумийлаштириб шу хулосага келиндики, Жалолиддин юришлари даври энг катта шаҳри бўлган Тифлисда кўпи билан 20 мингга яқин ёки бундан ҳам оз аҳоли яшаган бўлиши мумкин. Агар атрофлардан шаҳарга қочиб келган аҳолини қўшганда ҳам Тифлис аҳолиси 50 мингга ҳам етмайди. Чунки, Грузия тоғли ўлка бўлгани учун бу ҳудуд Сурия, Фаластин ёки Ироқ каби аҳоли зич яшайдиган ҳудудлар сирасига кирмайди. Қолаверса, грузин манбаларининг кўрсатишича босқиндан қочган аҳоли шаҳарларга эмас асосан тоғликларга яширинганлар.

Тўғри бу қирғинлар ҳақида Насавийда ҳам, Ибн ал-Асирда ҳам маълумотлар келтириб ўтилган. Аммо Ибн ал-Асирда яна Жалолиддиннинг исломни қабул қилганларни безовта қилмаслик ҳақида буйруқ берганлиги маълумоти келтириб ўтилса, Насавийда Жалолиддиннинг Грузияда "талаб ал-амон" (омонлик сўраш) сўраб чиққанларни тегмаганлиги воқеаси келтириб ўтилади[319].

Насавийга кўра эса, Жалолиддиннинг ҳам қалъани эгаллаш йўлида астойдил ҳаракати ҳамда қалъанинг дарё ажратиб турган еридан кечиб ўтиб, қалъага ҳал қилувчи ҳужумга ўтиш арафасида қалъадагиларнинг ўзлари омонлик сўраб, чопар юборадилар Натижада қалъа эгалланиб, шу даражада кўп ўлжа олиндики, Грузия ҳукмдорлари бир неча аср давомида тўплаган хазинаси қўлга ту-

---

[318] Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока.- С.137, таблица 3.

[319] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.150; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.380.

ширилди. Уларни ҳисоб-китоб қилишга бармоқлар, ёзиб боришга қоғозлар етишмади, деб ёзади Насавий[320].

Хуллас, манбалардаги воқеаларни таҳлил қилар эканмиз, *Жалолиддин 1226 йил 9 мартда Тбилиси шаҳристонини* эгаллаган бўлса, ички қалъа – аркини Насавийга кўра қишда эгаллаган[321]. У Тифлисни босиб олгандан кейин Грузиянинг яна Сомхити, Картли, Триалети, Самцхе, Тао, Жавахети, Артаани каби вилоятларига ҳам юришлар қилган. Тифлис ва Шарқий Гуржистон тўла босиб олинганидан сўнг Жалолиддин бу ерда ўз номидан тангалар зарб қилдиради. Унинг номида тангалар ниҳоятда кўп бўлиб, улар, ҳатто, Русудана номидан зарб этилган тангалардан ҳам кўп бўлган[322].

Жалолиддин Грузиянинг катта қисмини ўз давлатига қўшиб олаётган бир пайтда, Ироқдан нохуш хабарлар кела бошлади. Яъни, унга кўпгина вилоятлар ҳокимлари тобеликдан чиқа бошлаганлиги ҳақидаги хабарлар етиб кела бошлади. Айниқса, унинг Кермондаги ноиби Бароқ Ҳожиб хоразмшоҳга бўсунмасликка интилаётгани, *энг асосийси, мўғуллар билан номалар алмашиб, уларни* хоразмшоҳга қарши гиж – гижлаётгани ҳақидаги хабарлар Жалолиддинни анча ташвишга солаётган эди. Бароқнинг қўлида катта куч бўлиб, у Жалолиддиннинг Грузияга юришлари унинг кўп куч сарфлаб, заифлашиб қолган деган ўй-хаёлда Жалолиддин Кирмонга келганда осонгина ғалабага ҳам эришишга ишонаётган эди.

Жалолиддин Тифлисда вазири Шарафулмулкни, ҳарами ва бошқа хазина ва юкларини эса Севан кўли бўйидаги Килокун қалъасида қолдириб, ўзи олти минг енгил қуролланган отлиқ жангчилари билан Кирмонга қарши юриш бошлади. У шу билан бирга укаси Ғиёсиддинни ҳам олиб, унга Кирмонни беришга ваъда берди. У Тифлисдан

[320] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.150.

[321] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.346-347.

[322] Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 342.

Кирмонгача бўлган ерни 17 кунда босиб ўтиб, Бароқни қамал қилди. Аммо, Бароқ мустаҳкамланган қалъага яширингани учун, уни қамал қилиб ўтирмасдан, Ҳилотга юриш бошлайди. Чунки, Жазира ҳукмдори ал-Малик ал-Ашраф ўзининг Ҳилотдаги ноибларига хоразмшоҳ ҳудудларига юриш қилишга буюрган эди. Жумладан, унинг ноиби ҳожиб Али Жалолиддин мулкларига юришлар қилади. Султоннинг вазири Шарафулмулк ўзбошимчалик билан Арзирумга юриш қилиб, унинг аскарлари бу ерда бебошликлар қиладилар. Аммо, катта ўлжа билан қайтаётган Шарафулмулкга ҳожиб Али ҳужум қилиб, унинг аскарларининг кўпчилигини қириб ташлайди ва ўлжасини тортиб олади. Шунинг учун Шарафулмулк хоразмшоҳни Кирмондан чақириб олган эди. Жалолиддин 1226 йил сентябрда Тифлисга қайтиб, Ани ва Карс шаҳарларини ҳамда Кемаҳ ва Арзинжон қалъаларини босиб олади. 1226 йил ноябрда у Ҳилот шаҳрини биринчи марта қамал қилишга киришади.





Қамалнинг қирқ кун давом қилгандан сўнг (1226 йил, 15 декабрда) совуқ туфайли ҳамда туркманларнинг иваий қабиласининг Озарбайжондаги бебошликлари ва қароқчиликлари натижасида Озарбайжонга қайтади. Шу билан бирга султоннинг бу ердаги хотини Малика Хотун ҳам унинг қайтиб келиб, унга ёрдам бериши кераклиги ҳақидаги илтимосига кўра ҳам қайтиб келади. У иваийларга қаттиқ зарба бериб, жуда катта ўлжани қўлга киритади. Энг асосийси эса жуда хавфли бўлиб қолган савдо йўлларини иваий қароқчиларидан тозалаб, хўжаликнинг бир маромга тушишига ёрдам беради.



Аммо шу пайтда Жалолиддиннинг энг яқин сафдошларидан бири, Ганжадаги ноиби Урхон исмоилийлар томонидан ўлдирилди. Унда, исмоилийлар Урхоннинг улар мулкини талон-тарож қилишда айбладилар. Шу билан бирга исмоилийлар Жалолиддинга ҳам суиқасд уюштиришга уриндилар. Лекин бу суиқасд бахтли тасодиф ту-



файли бартараф этилди[323]. Бу суиқасдларда албатта энг аввало Бағдод халифасининг, қолаверса мўғулларнинг қўли бор эди.

У 1227 йил январигача Табриз ва унинг атрофларида дам олади. Лекин, шу пайтда мўғулларнинг яна ғарбга юришларини бошлаганликлари ҳақидаги хабарни эшитиб, Исфаҳон тарафга юради. Бу шаҳар бой озуқа жамғармасига эга ҳамда кўплаб аскарлар тўплаш мумкин бўлган шаҳар эди. У тўрт минг кишилик қўшинни қўшиннинг илғори сифатида Рай ва Дамғонга юборди. Улар мўғуллар билан тўқнашувдан кейин чекиниб, Жалолиддинга келиб қўшилдилар. Улар мўғул қўшинига Бойжу нўён, Тойнал нўён, Наку нўён, Ҳасан Тўғон нўён, Ётмас нўён, Ясовур нўён ва бошқалар қўмондонлик қилаётганликларини ҳамда улар Исфаҳондан ярим кунлик ёки 4 фарсах (30 км) йўлдаги Ас-Син қишлоғида жойлашганликларини етказдилар[324].



Жалолиддин бу жангда юз минг кишилик қўшинга эга бўлган бўлса, мўғуллар қўшинининг сони ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Аммо, юқоридаги лашкарбошиларнинг кейинчалик ҳам Ўқтой томонидан Эрон ва Ироққа янгидан истилочилик урушлари учун юборилиши айнан уларнинг Жалолиддин билан урушда енгилган бўлсаларда, тажриба орттирганликлари бу ҳудуддаги кейинги жангларда ҳам асосий лашкарбошилар бўлишига олиб келган. Мўғуллар Жалолиддиннинг муваффақиятларидан, ташвишга тушганликларини ва унга қарши кўзга кўринган лашкарбошиларнинг юборилишига қараганда мўғулларда энг ками 30 000 жангчи бўлган. Жалолиддиннинг қўшин сони шубҳа уйғотади ва у анъаний тарзда ошириб кўрсатилган. Зеро, Жалолиддин Эрон ва Ироққа келганидан бери, бу даражада қўшин тўпламаган. Шу билан



323 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.162-164.

324 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.165; Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 344; Рашидаддин. Сборник летописей. С.243.

бирга у яқин даврлар ичида кўпгина рақиблари билан урушлар олиб боришга мажбур бўлди. Натижада унинг қўшини камайиб борган. Ёзма манбалар маълумотларида Жалолиддиннинг қошидаги қўшинининг сони ҳамма вақт 4000 – 5000 бўлганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг қўшини кўпи билан 40000 бўлиши мумкин эди. Шу билан бирга жангнинг биринчи куниданоқ унинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ ўз амирлари ва қўшинини олиб кетиши ҳам Жалолиддиннинг қўшини сонининг анча камайишига олиб келган. Шундан келиб чиқадики Жалолиддин жанг бошлагандан кейинги қўшини мўғуллар қўшинидан озроқ бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқ.



Бу жанг олдидан, мўғуллар ҳам ўзлари учун озиқ-овқат манбаини жамғариш учун, ҳам Жалолиддиннинг озиқ-овқат манбаларидан ажратиб қўйиш учун Луристонга 2000 кишилик қўшин жўнатдилар. Бундан хабар топган Жалолиддин уларга қарши 3000 кишилик қўшин юборди. Улар мўғулларни тор-мор келтириб 400 асир ҳам олиб келдилар[325].



1227 йил 5 сентябрда Исфаҳон яқинида Жалолиддин қўшинлари билан мўғуллар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Лекин, жангнинг ҳал қилувчи пайтида қўшиннинг чап қанотида (Рашидиддинда чап қанот, Жувайнийда эса ўнг қанот) урушаётган укаси Пиршоҳ Жалолиддинга хиёнат қилиб, ўз қўшинини олиб, жанг майдонини ташлаб кетди[326]. Гарчанд жангда Жалолиддин ғалаба қозонган бўлса ҳам, укасининг бу хиёнати унга берилган катта ички зарба эди. Бундай ҳолатлар Жалолиддин қўшинида рўй бериб турарди. Шунинг учун у баъзан ўзининг энг яқинларига ҳам ишона олмасди.



Бу жанг жанглар тарихидаги энг тушунарсиз жанг

[325] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.166.

[326] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.166; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.392; Рашидаддин. Сборник летописей. С.243.







бўлган. Яъни, Ғиёсиддин Пиршоҳнинг жанг майдонини ташлаб қочиши, бир тарафдан фойдали ҳам бўлди. Чунки, мўғуллар Ғиёсиддин Пиршоҳ қўшинлари уларга орқа тарафдан зарба бериш учун кетди, деб тушуниб, ўнг қанот мўғуллар қўшини чекина бошлади. Шунда Жалолиддин марказдан туриб, жангга кирди ва у ҳам мўғулларни таъқиб эта бошлади. Аммо, марказдаги мўғулларнинг чекиниши ҳийла бўлиб чиқиб, унга қарши мўғулларнинг баҳодирлари пистирмадан туриб зарба бердилар. Улар Жалолиддинни чап қанотини итқитиб ташлаб, марказ билан бирга қўшиб, халқа ичига олдилар. Аммо, хоразмшоҳ қўшинининг чап қаноти жуда қаттиқ турди. Бу қанотда мавжуд Жалолиддин лашкарбошиларидан фақат учтаси: Куч тегин Паҳлавон, Ҳожиб Хонберди ва амир – охур Ўдоқ тирик қолди. Ахаш Малик, Алпхон, Ортиқхон, Куч Буғахон, Юлуқхон, Менглибек Тоий каби Жалолиддиннинг энг яқин сафдошлари ҳалок бўлди. Насавийда бу жанг 1228 йил 26 августда тугаган[327].

Ибн ал-Асирда бу воқеаларга қўшимча сифатида унинг Исфаҳон жангидан олдин Жалолиддиннинг икки марта мўғуллар билан тўқнашиб иккаласида ҳам мағлубиятга учрагани ҳақидаги маълумотлари бошқа манбаларда учрамайди[328].

Жувайнийда бу воқеалар айнан Насавий маълумотларига ўхшасада, баъзи қўшимчалар бор. Рашидиддин эса бу жанг ҳақида жуда қисқа тўхталиб ўтади[329].

Доимо чап қанотда туриб жанг қиладиган Урхоннинг исмоилийлар томонидан ўлдирилиши бу жангда ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Чунки Урхон қўмондонлигидаги чап қанот қўшинлари, ҳеч бир жангда енгилмасдан, Жалолиддиннинг охир-оқибат бу жангларда

---

327 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.167-168.

328 Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.392.

329 *Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.392-393; Рашидаддин. Сборник летописей. С.243-244.*

ғолиб чиқишига замин яратиб келаётган эди. Чап қанот жангчилари Урхонсиз қаттиқ туриб берган бўлсаларда, барибир чекинди ва ҳатто мўғуллар Жалолиддинни ўраб олдилар[330]. Бу сафар ҳам у худди Синд дарёси бўйидаги жангдаги каби халқани ёриб чиқиб, Луристон томон чекинди. Жангдаги бу қаҳрамонлигига ҳатто мўғулларнинг лашкарбошиси Тайнал нўён ҳам тан бериб, Жалолиддин ҳақида шундай деган эди: "Сен қаерда бўлма, ҳар қандай шароитда ҳам қутулиб кета оласан! Ҳақиқатан, сен ўз даврингнинг улуғ қаҳрамонисан, тенгдошларингнинг буюк йўлбошчисисан!"

Насавийнинг таъкидлашича, унинг бу гапларини кейинчалик Жалолиддин томонга қочиб ўтган мўғуллар лашкарбошисидан бири айтиб берган[331].

Жангнинг охирги оқибати шу бўлдики, мўғулларнинг бир қисми чекиниб бориши жараёнида йўқ қилинган бўлса, унинг бир қисми деярли ҳарбий кучсиз қолган Исфаҳонни қамал қилди. Исфаҳондагилар ҳатто Жалолиддинни жангда ўлган деб ўйлаб, шаҳар ичкарисидаги жанг куни касаллигини баҳона қилиб жангга чиқмаган Иған Таисийни подшо қилиб кўтариб, сал бўлмаса мўғулларга таслим бўлмоқчи ҳам бўладилар. Аммо, шу тобда Жалолиддиннинг қайтиб келиши ва мўғулларга зарба бериши бу шармандаликдан сақлаб қолди. Натижада мўғуллар Исфаҳондан итқитиб ташланиб, то бир нечтасигина Амударёдан сузиб ўтишга муваффақ бўлишигача таъқиб этилди[332].

Чингизхоннинг ўғли Тулуйхон мўғулларнинг бу мағлубиятини тан олмай, Жалолиддинга мактуб йўллайди ва унда: "султон томонидан енгилган мўғуллар бизнинг аскарларимиздан эмас эди, биз уларни ҳайдаб юборган





---

330 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.168-169.

331 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.169.

332 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.170; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.393.



эдик", – дейди. Аммо мағлубиятга учраган мўғул нўёнлари ичида Бойжу нўённинг кейинги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, 1231 йилдан кейинги мўғулларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Кичик Осиёдаги истилоларида айнан шу лашкарбоши жуда муҳим рол ўйнаган ва бу баъзи араб-форс ва арман-грузин манбаларида ўз аксини топган[333]. Шундан келиб чиқадики, Жалолиддиннинг бу ғалабасининг аҳамияти катта бўлган.

Бу жанг ғалати жанглардан бири бўлсада, унинг натижаси Жалолиддин учун ғолибона якунига етди. Мўғуллар то 1230 йилларгача бу ҳудудга қайтиб келмади.



Жангни ташлаб қочган Жалолиддиннинг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ ва унинг амири Жаҳон Паҳлавонларнинг тақдири ҳам фожиали якунланди. Афтидан, у Жалолиддиннинг мўғуллардан енгилишига астойдил ишонган бўлса керак. Жанг майдонини ташлаб у Хузистонга бориб ўрнашади. Бу ердан туриб у дастлаб Бағдод халифасидан ёрдам сўраб чопар юборади. У агар Жалолиддинга қарши курашда ва ундан илгариги ўз мулкини қайтариб олишда ёрдам берса, халифага содиқ қул сифатида хизмат қилишга ваъда беради. Жалолиддиннинг ҳар қандай душманини қўллаб-қувватлашга тайёр халифа эса унга ёрдам беришга ваъда бериб, 30 минг динор ва кўпгина қимматбаҳо буюмлар юборади[334].



Акасининг Исфаҳонга қайтиб келганини эшитиб ва унинг жазосидан қўрқиб, Ғиёсиддин исмоилийлар қароргоҳи Аламутга қочиб кетади. Жалолиддиннинг Ғиёсиддинни унга беришларини талаб қилиб Аламутга юборган элчиларини исмоилийлар сардори Алоуддин Муҳаммад III турли баҳоналар билан уни қайтариб бермаади ҳамда Жалолиддиндан уни кечиришни сўради. Жалолиддин ҳаммасига рози бўлгач ва уксига тегмас-

[333] Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 344; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2. / Пер. с перс. Ю.П. Верховского. М.; Л., Изд-во АН СССР, 1960.- С.123.

[334] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.174.

лигини билдиргач Алоуддин Муҳаммад уни Жалолиддин ёнига юборишга тайёргарлик кўраётган бир пайтда, акасига хизмат қилишдан, дунё бўйлаб кезиб юрган афзалроқ деб, Аламутни ҳам тарк этади. У охири ўзининг Кирмондаги ноиби Бароқ Ҳожиб ҳузурига боради. Бароқ Ҳожиб дастлаб уларнинг қаршилигига қарамай Ғиёсиддиннинг онасига уйланади ва кейинчалик баҳона топиб, Ғиёсиддинни, онасини ва Жаҳон Паҳлавон Элчи каби амирларини ҳам ўлдиради. Ғиёсиддиннинг бошини Ўқтойга Мўғулистонга юборади[335].

Бу жангдан сўнг Жалолиддин Мангуберди шошилинч Озарбайжонга қайтди. Бунга сабаб эса ал-Малик ал-Ашрафнинг ноиби ҳожиб Али Озарбайжонга бостириб киргани эди. Ҳожиб Алининг бу ерларга бостириб келишига эса Хой ҳудудида ҳокимлик қилаётган хоразмшоҳнинг хотини (собиқ десак тўғри бўлади) Малика Хотуннинг унга мурожаат қилиши бўлди. Аммо, бу ғавғоларнинг барчасининг тагида Жалолиддиннинг шуҳратпараст, очкўз вазири Шарафулмулкнинг ўзбошимчалик билан қилган ҳаракатлари ётарди. У Малика Хотунни ёқтирмасди.





Жалолиддин Ироқи Форсда пайтидалигида отабек Ўзбекнинг собиқ мамлуклари Беклик ас-Садидий, Сайфиддин Сунқуржа, Насириддин Оққушлар ва бошқа мамлуклар Жалолиддинга ҳиёнат қилиб, отабек Ўзбекнинг авлодини тахтга ўтказиб, унинг ҳокимиятини тиклашга ҳаракат қилганлар. Насавийнинг ёзишича қўзғолон бостирилиб, Табриз ғаразли кишилардан тозаланди.



Шамсулмулк шу воқеалардан фойдаланиб, Малика Хотунни Жалолиддинга ёмон қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди.

У маликани шундай қилишга мажбур қилувчи хатти

335 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.173-175; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.420-421; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.31-32.







ҳаракатларни амалга оширдики, Малика Хотуннинг ҳожиб Алидан ёрдам сўрашга мажбур қилди. Дастлаб катта ютуқларга эришган Шамсулмулк кейинчалик ҳожиб Алининг бостириб келиши билан унинг барча ютуқлари йўққа чиқиб, Жалолиддиннинг тўплаган хазинасининг қўлдан кетишига ва ҳатто, Шарафулмулкнинг ўз қизининг асир тушиб қолишига ҳам олиб келди[336].

Шу билан бирга у кейинроқ Ширвоншоҳдан ундирмоқчи бўлган солиқни ҳам ундира олмади ва Нахичевонни ҳам эгаллай олмади. Ширвоншоҳ Афридун ибн Фарибурз (яна бир ерда: Жалолиддин Султоншоҳ ибн Ширвоншоҳ) Шарафулмулкка солиқни бермай қочиб кетади ва кейин ўзи Жалолиддин ҳузурига келиб унинг тобелигига ўтганлигини билдирди[337]. Қолаверса, ҳожиб Али яна унга ҳужум қилиб, яна Жалолиддинга тегишли ҳудудларни забт этди, Шамсулмулкнинг шахсий хазинисини ҳам қўлга киритди. Шамсулмулк Табризга қочди. Ҳожиб Али Табризга ҳам ҳужум қилди. Лекин, бу пайтда Жалолиддин Ироқ Форсдан қайтиб келди, ҳожиб Али чекинди. 1228 йил Барки ёнидаги жангда ҳожиб Али енгилиб, зўрға қочиб қутулди. Жалолиддин эса у эгаллаган барча мулкларини қайтариб олди[338].

Айни шу пайтда отабек Ўзбекнинг яна бир собиқ мамлуги Иззаиддин Балбон ал-Ҳалҳолий ҳам Жалолиддиннинг мўғуллар билан курашётганидан фойдаланиб, исён кўтарди. Биринчи марта Жалолиддин уни мағлуб қилган пайти, у ўз ихтиёри билан таслим бўлиб, унинг ҳузурига келганлиги учун Жалолиддин унинг қилган ишларини кечирди. Аммо, у Жалолиддиннинг бу яхшиликларини унутиб, ҳожиб Али билан биргаликда унга қарши курашлар бошлади ва яна талончиликларни кучайтирди. Жалолид-

---

[336] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.355.

[337] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.194, 209,210,211.

[338] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.201-202.

дин уни Насавий ёрдамида алдаб Исфаҳонга юбортирди. Лекин у Исфаҳон ноибига уни ўлдиришни буюрди ва бу буйруқ Исфаҳон ноиби томонидан бажарилди[339].

Юқоридаги воқеаларни келтириб ўтишимизга сабаб, бу воқеалар кейинчалик Жалолиддиннинг Кичик Осиё ва Яқин Шарқ ҳукмдорлари билан муносабатларнинг янада ёмонлашуви ҳамда ўзаро ишончсизликнинг пайдо бўлишига олиб келди.

1228 йилда Жалолиддиннинг Грузияга учинчи юриши бошланди. Бу юриш сабаблари турли манбаларда турлича келтирилган. Жумладан, Насавий Жалолиддиннинг грузинлар устига юришини икки воқеа билан боғлаган ҳолда баён қилади. Жумладан, биринчи воқеа бу Жалолиддиннинг амирларидан бири Кўчоба Кўкхон султондан ҳам, унинг саройидагилардан ҳам рухсат олмасдан ўз қўшини ва яна бошқа амирлар қўшини билан бирга ўлжа қўлга киритиш учун грузинларнинг Лори шаҳрига юриш қилади. Хоразмликлар уни талон-тарож қилиб қайтаётганларида Баттоҳ кўлида иккига бўлиниб, бир қисми кўлнинг шарқ томонида, иккинчи қисми ғарб томонида тунайдилар. Шунда уларга грузин қўшини ҳужум қилиб, Баттоҳ кўлининг ғарбидаги хоразмшоҳ қўшинларини тор-мор келтирадилар. Шарқ тарафдаги қўшинлар эса омон қолиб Жалолиддинга бу хабарни етказадилар. Бундан Жалолиддин ғазабга минди. Чунки унинг наздида улар уйлари вайрон бўлмай, жонлари омон қолгани учун шукроналар айтиб ўтиришлари лозим эди (бундан келиб чиқиб, шуни эътиборга олиш керакки, арман-грузин манбаларида келтирилган воқеалар акси сифатида Жалолиддин Мангуберди Грузияни ёппасига талон-тарож қилиб, аҳолисини қиравермаган.)[340].

Иккинчи воқеа эса, Жалолиддинга Грузия маликаси Ру-

---

339 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.260.

340 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.211.







судана ва унинг бош қўмондони Иваненинг хоразмшоҳга қарши қўшин йиғаётганликлари, уларга лакз (ал-лакз), аланлар (ал-алан), сванлар (ас-суван), ёрдамга келганликлари ва қўшин сони қирқ мингга етганлиги ҳақида маълумот етиб келади. Натижада Жалолиддин Грузияга ҳужум бошлайди[341].

Жувайний ва Рашидиддинда ҳам Насавийнинг иккинчи воқеасига ўхшаш вазият, яъни, Жалолиддиннинг уларга ҳужум қилиши ва ерларини эгаллашидан қўрқиб, унга қарши иттифоқ тузилади. Унга Рум ва Сурия султонлари, гуржи, алан, сарир, лўғз (лазгин), қифчоқ (қипчоқ), суан, абхаз, шонат ҳукмдорлари қўшинлари кирган. Улар Жалолиддинни йўқ қилиш учун бирлашган эдилар[342].

"Картлис Цховреба"да эса бу воқеа баъзи ноаниқликлар ёки хато маълумотлардан иборат шаклда келтирилган. Жумладан, Жалолиддиннинг Гурузияга навбатдаги юришига сабаб, Тулу бошлиқ мўғулларнинг яна Озарбайжон ва Ироққа бошлаган ҳужуми бўлган. Жалолиддин Мангуберди эса уларга бир ўзининг кучи етмаслигини билдириб ва уларга қарши биргаликда курашиш учун Кўнё султонига ва халифага мактуб юборган. Аммо, улардан рад жавоби олинганидан сўнг Жалолиддин Озарбайжонда қолмасдан барча оила аъзолари ва хазинасини олиб, Тбилисига қайтган. Шунда малика Русудана Жалолиддинни кучсизланиб қолган деган маънода унга қарши юриш бошлайди. Бу юришга у Кавказнинг жуда кўп халқларини, жумладан: имэрлар, эрлар, кахлар, сомхитаврлар, арманлар, месхлар, таойлар, абхазлар, жиклар, шу билан бирга Дарёл дарасини очиб, у тарафдаги ослар, дурдзуклар ҳамда улар билан бирга барча тоғ халқларини ҳам ёрдамга чақиради. Бундан ташқари Грузиянинг энг кўзга кўринган саркарда ва бо-

---

[341] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.212-213.

[342] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.394; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.27-28.

шлиқлари: хазиначи Шанше, бош қўмондон Иваненинг ўғли Авак, ички ишлар вазири Варам (Вахрам) ва машҳур Цотне Дадиани (у ҳақда кейин достонлар тўқилган ва шу асосда "Цотне" трилогияси ёзилган) юришда қатнашди. Бу катта қўшин Начармагеви деган жойда тўпланиб, кейин Жалолиддинга қарши юриш бошлаган. Жалолиддин эса бу даврда Болнисида қароргоҳ қурган эди. Натижада шу жойда иккала қўшин тўқнашиб, жанг бошланади. Бу манбага кўра дастлаб грузинларнинг қўли баланд келган. Аммо кейинчалик Иване ва айниқса Русудананинг жуда катта гуноҳлари учун, йирик ер-мулк эгаларининг ва умуман грузин халқининг худо олдида қилган гуноҳлари учун худонинг жазоси сифатида улар мағлубиятга учраган[343].



Жувайний ва Рашидиддинда эса бу жанг тавфсилотида икки воқеа қўшилган. Биринчиси, Жалолиддин жангдан олдин тепаликка чиқиб грузин қўшинларини кўздан кечириш жараёнида улар тарафда 20 минг кишилик қипчоқ қўшини байроқлари ва туғларига кўзи тушади. У ўзининг қипчоқ саркардаси Кўшқорни ёнига чақиради ва унга қипчоқлар лагерига бориб, бир пайтлар отаси Аловуддин Муҳаммад уларни асир қилган пайтда қутқарганини эсига туширишни ва яхшиликка ёмонлик билан жавоб бериладими қабилида сўзни етказишни буюради. Натижада қипчоқлар жангга кирмайдилар. Иккинчиси эса, Жалолиддин грузин қўшинлари қўмондонига жангнинг биринчи кунида ҳар иккала тарафнинг энг кучли жангчилари яккама-якка олишишларини таклиф қилади. Натижада, Жалолиддиннинг ўзи жанг майдонига чиққан ва дастлаб грузинларнинг девқомат бир паҳлавонини ва унинг уч ўғлини навбатма-навбат олишувда енгиб ўлдирган. Сўнгра грузинлар янада кучли азнавурини (Европа рицари ёки япон самурайига ўхшаган ҳарбий табақа вакили) чиқарадилар. Жалолиддин ва оти жуда





---

[343] Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 344.







чарчаганлигидан, дастлаб грузин жангчиси уни ярадор қилган. Аммо, Жалолиддин бор кучини тўплаб, отидан тўғри унинг устига сакраб, уни найза санчиб ўлдиради. Бу ҳолат оз сонли бўлган Хоразм қўшинининг руҳини кўтариб юборади ва ғалабага олиб келади[344].

Шундай қилиб, бу жангда ҳам Жалолиддин Мангуберди қўшини сони анча оз бўлишига қарамай душманлари устидан ғалаба қозонди ва тажрибали саркарда сифатида тарихга ўз номини муҳрлаб қўйди.

Насавийнинг асарида грузинлар билан боғлиқ яна бир воқеа келтириб ўтилганки, бу воқеа бошқа манбаларда акс этмаган.

Унга кўра, Жалолиддин Ироқдалигида Грузиянинг йирик арбобларидан бири Баҳром Гуржи (бу шахс аслида манбаларда кўп бора тилга олинган, подшонинг шахсий гвардияси бошлиғи Вахрам Гагский ҳисобланади) Озарбайжоннинг Ганжа вилояти ҳудудларига талончилик юришлари уюштирганлиги қайд қилинган. Жалолиддин Ганжага қайтганидан кейин Вахрам қўл остидаги вилоятларга юриш қилган. Бахром Гуржига тегишли кўп ҳудудлар эгалланиб, бойликлари қўлга киритилди. Унинг ўзи ва аҳолиси тоғлар орасига кириб яширинишга мажбур бўлганлар. Шаккон, Қавазин ва ҳатто малика Тамтага тегишли Алиобод қалъаси ҳам эгалланди. Ва ниҳоят, Вахрамнинг асосий қароргоҳи Гаг қалъаси уч ой қамал қилингач, Вахрамнинг аҳволи оғирлашди. Натижада у Жалолиддинга пул бериш эвазига ва ўз итоаткорлигини билдириб, омонлик сўради. Жалолиддин пулни дарров тўлаш шарти билан рози бўлиб, пулни олгач Ҳилот қамалига йўналди[345].

1229 йил август ойида Суриядаги Ван кўли атрофида жойлашган Ҳилот қалъаси Жалолиддин томонидан учин-

---

[344] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.395-396; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.28.

[345] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.213-214.

чи марта қамал қилинди. Бу қалъанинг қамал тавфсилотларини батафсил келтириб ўтирмаймиз. Умумий ҳолатда Ҳилот қамали ҳар иккала томон учун ниҳоятда оғир бўлди. Жалолиддин ҳам анча одамини йўқотди, лекин қамални бўшаштирмади. Мудофаачилар ҳам мудофаада қаттиқ турдилар. Лекин, ярим йилдан кўпроқ (аниқроғи 8 ой, бу ерда Жувайнийнинг маълумотларидан фойдаланилди) давом этган жангдан сўнг очликдан дармони қуриган Ҳилот мудофаачилари 1230 йил 14 апрелда таслим бўлди. Хоразм жангчилари 3 кун давомида шаҳарни таладилар. Насавий султоннинг кейинчалик бу ишидан афсусланганини ёзади[346]. Аммо айнан Ҳилотнинг эгалланиши Жалолиддин Мангуберди ҳаёти фаолиятининг энг муммоли ва ҳозиргача мунозарали саҳифаларидан бири ҳисобланади.

Жалолиддиннинг Ҳилотга ҳужум қилишнинг асосий сабаби сифатида, асосан манбалардаги воқеалар, яъни, ал-Малик ал-Ашрафнинг Ҳилотдаги ноиби ҳожиб Алига бўлган нафрати деб биладилар. Чунки, ҳожиб Али Жалолиддин мулкларига сурбетларча юриш қилиб, Жалолиддин мулкларини талон-тарож қилиш билан биргаликда, унинг хазинасини ҳамда ўз ихтиёри билан бўлган бўлсада, хотини Малика Хотунни ҳам олиб кетган эди. Жалолиддин айнан шу сабабларга кўра, қасд олиш учун Ҳилотга ҳужум бошлади. Шунинг учун кўпчилик манбаларда ҳам, унга боғлиқ ҳолда кейинги тадқиқотларда ҳам Жалолиддиннинг Ҳилотни кўп вақт ва кўп куч сарфлаб эгаллаши унга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирган ва кейинчалик иттифоқчилардан айирилиб, мўғуллардан енгилишининг асосий сабаби бўлган деган фикр шаклланган. Ҳатто унинг шахсий муншийси Насавий ҳам бу ҳақда: "Ҳилот уни олган учун ортиқча юк ва унга эга бўлган киши учун бахтсизлик бўлди", деб ёзган эди[347]. Ле-

[346] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.242.

[347] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.238.







кин баъзи манбаларда бу воқеага холисона ёндашилиб, шаҳарнинг эгалланиши сабаблари кенгроқ мушоҳада қилинган ҳолда баён қилинган. Жумладан, Жувайний Ҳилотнинг эгалланиши ҳақида шундай деб ёзади: “Султон иккинчи марта у ерга бораётганида келганини билдириш ва бошқарувчиларини ҳузурига чорлаш учун элчилар юборди. Ихлот бошқарувчилари унинг даъватига рози бўлишни маъқул кўрмадилар. Султонга қарши туриш йўлини танлаб, қалъа дарвозаларини ёпиб ташладилар. Улар бундай қилаётганларида саодат ўзидан кетаётганини ва ётадиган тўшак сифатида тиканли майдонни танлаганларини билмадилар. Султон уларга сўзини ўтказа олишидан умидини узиб, аскарлар шаҳарни қуршаб олиб қамал қилиши, манжаниқларни жойлаштириши, ўқ отувчи иккита ғилдиракли аравалар ва нефт шишаларини тайёрлашга буйруқ берди... Шаҳарнинг таниқли кишилари Султонга нисбатан шафоатда бўлсинлар, деб яширинча Бағдод, Онадўли ва Сурияга элчилар юбордилар. Шунга кўра мўминлар амири Мустансир Биллоҳ билан Онадўли ва Сурия султонлари бир неча марта орага тушиб, ҳар икки томонни муросага келтиришга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам Ихлотнинг таниқли кишилари Султонга бўйин эгишни қабул қилмай, ўз жоҳиллиги ва бошидаги бўш хаёллар берган жасорат билан Султонни ҳақорат қилдилар. Кутилмаганда одамларни тўғри йўлдан адаштирган шайтон уларнинг ақлларини олиб қўйган, насиҳатни эшитмайдиган қилиб қулоқларини беркитиб қўйиб, жанг қилиш учун ундаётган эди...Шундан сўнг Султон аскарларига ҳамма томондан ҳужумга ўтишни буюрди. Қисқа вақт ичида шаҳар қўлга киритилди. Шаҳар таниқли одамларининг ҳақорат ва куфрли ишларини хотирлаб, ғазаб отига минган Султоннинг амрига биноан эрталабдан то туш пайтгача унга қарши турганларни қирғин қилдирди, сўнгра ғазаб олови сўнган Султон одамларга ачиниб,

уларни авф этганини билдирди."[348]

Рашидиддин ҳам Ҳилот аҳолисининг "таслим бўлиш ҳақидаги яхши ниятдаги маслаҳатга қулоқ осмадилар", деб таъкидлаган эди[349].

Ибн ал-Асир эса Жалолиддиннинг Ҳилотни эгаллашини салбий баҳолаган ва унинг бу ишини қоралаган[350].

Насавийнинг ёзишича шаҳар қамал қилинган пайтда халифаликдан ҳам элчилар келишган.

Халифа Ҳилотнинг эгалланишига қаршилик қилмаган, аммо, баъзи ҳудудлар ҳокимларидан, жумладан: Мўсул ҳукмдори Бадриддин Лўълудан, Ирбил ҳукмдори Музаффариддин Кўк Бўридан, Иваъий ҳукмдори Шиҳобиддин Сулаймоншоҳдан ва Жибал ҳукмдори Имомиддин Паҳлавон ибн Ҳазораспдан бўйсунишни талаб қилмасликни сўраган. Чунки, улар халифа тарафдорлари ва унинг хизматидагилар эди[351].

З.Бунёдов халифа ал-Мунтансир (1226-1242 йиллар) мусулмон ҳокимларининг ҳалокатли ўзаро курашларига тўсқинлик қилмоқчи бўлди деб таъкидлайди. Аммо Насавий ва Жувайнийда халифанинг бундай мақсади ҳақида ҳеч қандай сўз юритилмайди. У султондан илгари отаси Алоуддин Муҳаммад даврида баъзи ҳудудларда тўхтатилган хутбани тиклашга фармойиш берган. Бундан мақсад бу ҳудудларни яна халифа тобелиги остига ўтириш эди[352]. Бундан ташқари халифанинг бу пайтда Жалолиддинни қўллаб-қувватлашдан умуман бошқа мақсад кўзланган, яъни, унинг халифаликка яна бўлиши мумкин бўлган юрушининг олдини олиш ва Жалолиддиннинг Кўние ва Дамашқ ҳукмдорлари билан урушиши уларнинг янада заифлашишига олиб келиб, охир-оқибат халифа-

---

[348] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.398.
[349] Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С. 28.
[350] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.394-395.
[351] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.223-224.
[352] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.224.







ликка тобе бўлиб қолишлари мақсади кўзланган эди.

Бу даврда Жалолиддин ҳузурига Арзон ар-Рум ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ келиб, Ҳилот босиб олинганидан кейин амакиваччаси ар-Рум ҳукмдори Алоуддин Қайқубодга қарши курашда ёрдам сўраган. Жалолиддин бунга рози бўлган. Рукниддин Жаҳоншоҳ Жалолиддинга кўплаб қурол-яроғлар, совутлар, ўқлар ва қамал қуроллари, шу жумладан, "Қора Буғро" деб аталган катта манжаниқ олиб келди[353].

Манбалардаги маълумотларни кенгроқ таҳлил қилиб кўрсак, Жалолиддиннинг Ҳилотни эгаллаши масаласида бизнингча тўғри хулоса келиб чиқади. Биринчидан, бу қалъа хоразмшоҳ рақибларидан бўлмиш айюбийларнинг энг муҳим таянч нуқтаси эди. Шу жиҳатдан ҳам уни эгаллаш тажрибали саркарда Жалолиддин учун фақат ўжарликдан ёки қасд олиш учун зарур бўлмасдан, унинг учун ҳам бу шаҳар стратегик аҳамиятга эга бўлган. Айнан шу сабабга кўра Жалолиддин бу шаҳарни эгаллагандан сўнг дарров тиклашга киришиб кетади.

Насавий бу ҳақда шундай деб ёзади: "Маълумки, Ҳилот султон томонидан босиб олинганидан кейин, у унинг лашкарлари истагига кўра талон-тарож қилинди. Шундан сўнг Султоннинг кўнглида шаҳарни қайта тиклаш ишлари истаги туғилди. У бузилганларни қайта қуриш, тарқаб кетганларни қайта йиғиш иштиёқида ёнар, талон-тарож ва бузишга рухсат берганига афсусланарди... У манжаниқлар билан бузилган деворларни қайта тиклаш учун хазинасидан тўрт минг даинор ажратди. Деворлар тез фурсат ичида қайта қурилди".[354]

Демак, Жалолиддин учун ҳам Ҳилот стратегик жиҳатдан муҳим шаҳар сифатида, унинг ғарбий чегараларининг муҳим таянч маркази вазифасини бажариши лозим эди. Иккинчидан, бу даврда ҳали мўғуллар босқини

[353] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.222.
[354] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.242.







Жалолиддинни безовта қилмаётган эди. Бунинг исботи сифатида, айни Ҳилот қамали пайтида у ҳам Қуниё сул-тони Аловуддин Қайқубоддан, ҳам синглиси Хонсултон-дан бир хил мазмундаги хат олади. Бу хатларда иккала хат муаллифи ҳам Жалолиддинни мўғуллар билан тин-члик сулҳи тузишга ундаган эди. Фақат Хонсултоннинг хатида имконият топиб, мўғуллардан қасос олишга чақи-риш аломатлари кучлироқ сезилади ва у Жалолиддинни қасос олишга ундаган. Жалолиддиннинг кейинги хатти ҳаракатларидан келиб чиқадиган бўлсак, Хонсултоннинг бу хати, Жалолиддинни ҳатто бамайлихотир ҳам қилиб қўйиб, унга шошилинч қарор қабул қилишга зарурият ҳам қолдирмади. Хатдаги мўғулларнинг сулҳ тузишга ин-тилиши, Жалолиддинда уларнинг ҳали бери ҳужумга ўт-масликлари тўғрисидаги хулосага олиб келди.

Чунки аслида ҳам 1227 йилда Чингизхоннинг ўлими мўғулларнинг то 1230 йилгача йирик ҳарбий юришлар-нинг тўхтаб қолишига олиб келди. Тўғри, Жалолиддин буни билмас эди. Айни, Исфаҳон жангидан кейин мўғул-ларнинг узоқ вақт қорасини кўрсатмаганлиги, қолаверса синглисининг хати бунинг тасдиғи эди. Жумладан, мўғул-лар 1230 йилда ўзларининг асосий кучларини Хитойнинг Цзинь империясини тугатишга қаратдилар. Бунга ҳалақит берувчи бирор-бир кучнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун ҳамда келгусида забт этилиши мўлжалланган ҳудудларни ўрганиш учун 1229 йилда бир неча кичик гу-руҳлар ҳам ташкил этилди. Жалолиддин сўнгги бор тўқна-шган Чормагун нўён қўшинлари, айни шундай гуруҳлар-дан бўлиб, Насавийнинг Жалолиддин ҳузурида сўроқ қилган мўғул элчисининг сўзларига қараганда, бу қўшин Бухорода кўрикдан ўтказилган пайтда қайд ҳужжатлари-даги қўшинлар сони 20 000 бўлган[355]. Жувайний ва Раши-диддин маълумотларига кўра эса, Чормагунга Жалолид-дин қаршилигини синдириш ҳамда Грузия, Арманистон ва

[355] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.276.







Озарбайжонни бўйсундириш учун 30 000 аскар бириктирилган эди[356]. Булар ҳақида эса кейинги бўлимда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ва шу даврдаги вазиятни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, Жалолиддин учун кўпроқ унинг мўғуллар билан чегарадош шарқий чегаралари эмас балки, унинг халифаликка, Қўниё султонига, Дамашқ ва айюбийлар билан чегарадош ҳамда уларга расман тобе, аммо амалда мустақил ва ўз билганларича иш тутувчи маликлар, отабеклар ва ноиблар ҳудудлари билан чегарадош ғарбий чегаралар хавфли эди. Шунинг учун ҳам Жалолиддин уларга ҳеч қачон ишонмаган. Жалолиддин ўз давлатига қўшни бўлган бу қисмида ўзаро курашлар ҳали ҳам шу даражада кучли эдики, ҳатто уч ака-ука ҳукмдорлар: Миср ҳукмдори ал-Малик ал-Комил, Жазира, Ҳилот ва Майофориқин ҳукмдори ал-Малик ал-Ашраф, Дамашқ, Қуддус ва Табария ҳукмдори ал-Малик ал-Муаъаззамлар бир-бири билан Миср ва Сурияда биринчилик учун ва энг асосийси ҳудуд учун доимо курашлар олиб борардилар. Шундай экан бу ҳукмдорлардан ва уларга расман тобе ҳисобланувчи ҳокимлар ва ноиблардан Жалолиддин нима кутиши мумкин эди? Шунинг учун ҳам бу ўринда Жалолиддиннинг улар билан муносабатда хато йўл тутган эди деган фикрда тўхталиб қолавермасдан, масалага чуқур ёндошиш зарур. Яъни, фақат бу ҳукмдорлар нуқтаи назаридан эмас, балки, Жалолиддиннинг ҳам уларга ишониш ёки ишонмаслик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёки унинг кейинги хатти ҳаракатларидан қандай мақсад кўзланганлигини чуқур таҳлил қилган ҳолда фикр юритиш ҳамда шу асосда якуний хулосалар чиқариш лозим. Шу жиҳатдан кўпчилик тарихчиларнинг Жалолиддиннинг Ҳилотни эгаллаши унинг энг катта хатоси бўлган эди деб

---

[356] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.208; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.21.

ҳисоблашлари бизнингча масалага бир ёқлама ёндошув асосида келиб чиққан хато фикр ва эрта чиқарилган хулоса ҳисобланади. Бизнинг хулосамизга кўра, Жалолиддин Ҳилотни келгусида ўз давлатини ғарбий қисмининг таянч нуқтасига айлантиришни мўлжаллаган бўлса керак.

Шу жиҳатдан олганда ҳамда айнан юқоридаги ҳукмдорларга нисбатан ишончсизлик оқибатида Жалолиддин Мангуберди қандай бўлмасин Ҳилотни эгаллашга ҳаракат қилди ва кўп куч сарфлашга тўғри келсада уни эгаллади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ҳилот қамали ва унинг ишғол этилиши Жалолиддиннинг ҳарбий муваффақиятларининг сўнгиси, бутун ҳаёти ва фаолиятидаги бурилиш нуқтаси эди.

II.3.

# Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг сўнгги босқичлари. Унинг Чингизхон _ мўғул босқинини бартараф қила олмаганлигининг сабаби ва оқибатлари

Ҳилот босиб олинганидан кейин, Жалолиддин бу шаҳарни атрофлари билан бирга энг яхши хизмат кўрсатган хон ва амирларига икто қилиб берди. Жумладан, Ҳилот атрофидаги Сурмари ҳудудини дастлаб у лашкарбоши Урхонга (Темур Малик бўлиши керак), кейинчалик эса Насавийнинг илтимосига кўра Ҳилот қамалида жонбозлик кўрсатган Ҳусомиддин Хидирга берган. Демак, Ҳилотнинг Жалолиддин томонидан ўз одамларига икто қилиб бериши юқоридаги фикримизнинг яна бир тасдиғидир. Бу орқали Жалолиддин Ҳилот шаҳрини ўзининг ғарбий чегараларидаги асосий таянч марказиги айлантирган.

Балким шунинг учундир бу ҳудудларнинг ҳақиқий эгаси Ҳилот, Жазира, Майофарикан ўлкалари ҳукмдори Малик ал-Ашраф Жалолиддинга тўхтовсиз ўз элчиларини юборган. У Ҳилот қамалидан сўнг Жалолиддиннинг Жазирага ҳам юриш қилиши мумкинлигини ўйлаб, аввалроқ унга мактуб йўллайди. Мактубда унга яхши қўшничилик, дўстона муносабатларни таклиф қилади. Бу Шом ҳукмдо-

рининг Жалолиддиндан қўрққанлигини кўрсатади ҳамда келгусида нафақат Ҳилот балки, ўзининг бошқа мулкларидан ҳам маҳрум бўлиш хавфи кўнглини эгаллаган эди. Аммо, Жалолиддин унинг хатларига жавоб бермайди[357].



Худди шундай хатти ҳаракатни Қўниё султони Алоуддин Қайқубод ҳам амалга оширди. Айниқса, Ҳилот қамали пайтида илгари унга тобе бўлган мулклар ҳукмдорлари: Амид ва Ҳусн Кайфий ҳукмдори ал-Малик ал-Маъсуднинг ва Мордин ҳукмдори ал-Малик ал-Мансур Носируддин Ортуқийнинг султон хизматига кириш ва унга бўйсуниш ниятини билдириб ўз элчиларини юборганликлари уни янада ташвишга солди. Ҳилот эгаллангандан кейин Жалолиддинга асир тушган Диёрбакр ҳукмдори Ҳусомиддин Тўғрул ҳам аввал соқчилар орқали, кейин эса, Насавий орқали султоннинг уни ўз тобелигига олишни сўраган. Султон унинг илтимосини қондириб, Диёрбакрни ўз ҳукмронлиги остига олди[358].



Эътиборимизни яна кейинги воқеалар ривожига қаратадиган бўлсак, Хоразмшоҳнинг сўнги муваффақиятидан хавотирга тушган Қўниё султони Қайқубод I Султон Жалолиддинни илгаригидай Ғарбга, мусулмонлар устига юришдан кўра мўғуллар билан сулҳ тузишга ундашда ва уни мусулмонлар қони тўкилишига барҳам беришга чорлашда давом этади. Шу насиҳатлар битилган мактубни Жалолиддин ҳузурига юборади. Шу билан бирга, Алоуддин Қайқубод I элчилари Арзон ар-Рум ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳни ўзларига беришни талаб қилганлар. Жалолиддин учун бу талабнинг бажарилиши, Ҳилот қамалида жуда катта хизматлар кўрсатган иттифоқдоши Рукниддин Жаҳоншоҳга нисбатан ҳиёнат бўлган бўларди. Шунинг учун, Султоннинг вазири Шараф ал-Мулк маслаҳатига қулоқ солган Жалолиддин бу мактубни эътиборсиз қолдиради. Элчилар Шарафулмулк ҳузуридан қайтиб кетдилар. Аслида, Алоуддин Қайқубод буни ол-



[357] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.240.

[358] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.229, 241.







диндан билган, лекин унинг мақсади айёрлик қилиб, шу йўл билан Жалолиддиннинг кейинги режаларини билиб олишга уринганлиги кўриниб турибди. Шу пайтда яна халифа элчилари ташриф буюриб, султон қўлида асирликда бўлган, айюбийлар ҳукмдори ал-Малик ал-Одил Абу Бакрнинг ўғиллари Мужириддин ва Тоқиаддинларни озод қилишни сўраб келган эдилар. Жалолиддин Мангуберди уларнинг талабини бажариб, Тоқиаддинни қўйиб юборди. Мужириддин эса ўз ихтиёри билан 1231 йилгача султон ҳузурида қолди[359].

Кўпгина тадқиқотчилар Жалолиддиннинг Қўниё ва Дамашқ ҳукмдорлари билан иттифоқ тузмаганлигини унинг энг катта хатоси бўлганлигини таъкидлайдилар. Аммо, бундай сиёсий вазиятда Жалолиддиннинг улар билан сулҳ тузиши масаласи ҳам қийин бўлган. Чунки, бу ҳукмдорлар фақат ўз манфаатларини, ўз ҳудудларининг даҳлсизлигини ўйлагани ҳолда Жалолиддиннинг умумий душман мўғулларга қарши биргаликда курашиш ҳақидаги фикрларига дастлаб умуман эътибор ҳам бермаган эдилар. Жалолиддиннинг бир неча ғалабаларидан кейингина бу даъватга қўшилишга рози бўлдилар. Жалолиддин уларнинг, айниқса, Алоуддин Қайқубоднинг Ҳилот эгаллангандан кейин, унинг мўғуллар билан сулҳ тузишга даъвати, кейинчалик эса, мусулмонлар билан эмас, мўғуллар билан кураш Жалолиддиннинг асосий мақсади бўлиш кераклигига кўпроқ урғу беришининг орқасида нималар турганини яхши билган. Жалолиддиннинг бу ҳукмдорларга умуман ишонмаганлиги, унинг умрининг охирларида Насавийга айтган гапларидан ҳам билса бўлади.

У машваратлардан бирида султон билан ёлғиз қолганда, Жалолиддин шундай деган эди: "Уларнинг бизга ҳеч қачон ёрдам қилмаслигига ва бошқалар устидан ғалабага эришишимизга имконият бермаслигига бирор

---

[359] *Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.* Б.245-246; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.404; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.28-29.

марта бўлсин шубҳаланмаганмиз. Бизга ёрдам бермайдиганлардан гина-кудурат қилиб ўтирмаймиз..."[360]. Демак, Жалолиддин Ҳиндистондан бу ҳудудларга келгандан бери, бу ҳудудлар ҳокимлари ва ҳукмдорларига ҳеч қачон ишонмаган. Чунки, бу ерда у нафақат, Қўниё, Дамашқ ҳукмдорлари ва Ҳилот ноиби, балки ўзининг укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ, қариндоши Иғон Тоисий ва Кирмон ноиби Бароқхон ва бошқа кўпгина ҳокимлар ва халифанинг хиёнатига шоҳид бўлган эди. Булар унга кучли руҳий таъсир қилган албатта.

Тарихчи Ибн Бибининг "Салжуқнома" асаридаги Алоуддин Қайқубоднинг қўшни ҳудудлар билан олиб борган урушлари ҳақидаги маълумотлардан ҳам унинг фаол агрессив сиёсат олиб борганлигининг гувоҳи бўламиз[361].

Хуллас, Алоуддин Қайқубод I элчилари Жалолиддин ҳузуридан натижасиз қайтгач, у Кичик Осиё, Сурия ва Шимолий Ироқдаги кичик мулкларга келадиган хавфдан қўрқиб, хоразмшоҳга қарши иттифоқ тузишга эришди. Бу иттифоққа Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашраф, Ҳилот ҳокими Иброҳим Ширкуҳ, Хартабарт ҳокими Артуқхон, Ҳалаб ҳокими Шамсиддин Савоб, Майофориқин ҳукмдори Шаҳобиддин Ғозий ва Баниёс султони ал-Азиз Усмонлар кирди. Ал-Малик ал-Ашрафга юборган мактубида Алоуддин Қайқубод I бундай ёзган эди: "Жалолиддинни қиличсиз тўхтатиб бўлмайди; унга ҳушомадгўйлик қилишга интилиш бефойда. Энди сўзларимиз ва ишларимизни келишувга олиб келсак ва мамлакатларимизни ҳимоя қилсак, бас"[362].

Ибн ал-Асирнинг ёзишича, бу иттифоқчиларнинг Жалолиддинга қарши уруш бошлашнинг асосий сабаби Алоуддин Қайқубоднинг амакиваччаси ва илгари унга тобе бўлган Арзон ар-Рум ҳукмдори Рукниддин Жаҳон-

---

360 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.285-286.

361 Бу ҳақда яна қаранг: Запорожец, В.М. Сельджуки. – М.: Воениздат, 2011. – С. 174-176.

362 Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б.228-229.







шоҳнинг Жалолиддиннинг тобелигига ўтиши бўлган[363].

Жалолиддин душманларининг бирлашиб, унга қарши юриш бошлаганини ҳам айнан Арзон ар-Рум ҳукмдори, Рукниддин Жаҳоншоҳ огоҳлантирган эди. У яна султоннинг рақиблари қўшинларини бирлаштирмасдан олдин ҳужум қилиб, уларни алоҳида тор-мор қилишни таклиф қилган. Султон бунга рози бўлиб, унинг қўшинлари билан беш кундан сўнг Хартберд қасабасида учрашишга келишиб олдилар. Шу билан бирга Жалолиддин хизматлари учун Рукниддин Жаҳоншоҳга Хартберд вилоятининг Каъбан ва Харсин қасабаларини бериш тўғрисида ёрлиқ чиқартирган. Қўшин амирларига юриш бошланганлигини билдирувчи қизил ўқлар юборди. Лекин у Хартбердда оғир касалга чалинганки, Насавийнинг ёзишича, "унинг соғайишига умид қолмаганди". Жалолиддиннинг Арзинжон жанггидан олдин қандайдир бир касал билан касалланганлигини Жувайний ва Рашидиддинлар ҳам ўз асарларида келтириб ўтадилар. Натижада вақт бой берилиб, унинг душманлари ўз қўшинларини бирлаштиришга муваффақ бўлдилар[364].

Бу Жалолиддиннинг ўзига боғлиқ бўлмаган биринчи хатоси бўлган бўлса, унинг иккинчи хатоси у асосий қўшинларининг катта қисмини тарқатиб юбориб, қайта чақириб олмади. Афтидан, бунга ҳам касаллиги ҳалақит бериб, бу ишни вақтида амалга ошира олмаган бўлиши мумкин. Шарафулмулк ўзининг ва Ироқ қўшинлари билан Малазгирдда қолдирилди, Хой иқтоси эгаси Тегинни Беркрига ўз қўшини билан юборди, Аррон, Озарбайжон, Ироқ ва Мозандарон қўшинларининг катта қисми мамлакатларига қайтариб юборилган эди[365]. Натижада унинг қўл остида анча кам жангчи қолган бўлиб, жангнинг натижаси деярли олдиндан ҳал бўлган эди.

Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Қўниё ва айюбийлар қў-

---

[363] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.396.

[364] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.247; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.403; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.29.

[365] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.247.

шини 25000 сараланган отлиқ жангчидан иборат бўлган. Яна унинг ёзишича, иттифоқчилар аскарлари сони кўплигини кўрган Жалолиддиннинг юрагини қўрқув эгаллаган эмиш[366]. Аслида эса, Жалолиддин уларнинг 6 минг кишилик қўшинини енгач қайтанга Алоуддин Қайқубоднинг юрагини қўрқув эгаллаган эди. Жалолиддинда эса Рукниддин Жаҳоншоҳ қўшини билан қўшиб ҳисоблаганда 10 мингдан ортиқ қўшини бўлган. Ибн Биби эса ўз ҳукмдори Алоуддин Қайқубоднинг ғалабасининг аҳамиятини ошириш учун Жалолиддин Мангубердининг қўшин сонини атайин кўп қилиб кўрсатган. Унинг ёзишича Жалолиддин қўшини сони 100 мингдан ошиқ бўлган[367]. Жалолиддин ва иттифоқчилар қўшинлари ўртасидаги дастлабки тўқнашув, 1230 йил 7 августда Арзинжон яқинидаги Ясси Чаманда бўлиб ўтди. Жалолиддин олдинроқ юборган Утурхон бошлиқ 2 минг отлиқ қўшин, Алоуддин Қайқубоднинг 6 минг кишилик қўшинини тор – мор этади[368]. Ибн Биби эса бу воқеанинг аксини тасвирлаб, Алоуддин Қайқубоднинг қўшини дастлабки тўқнашувда хоразмшоҳ қўшинларининг илғорини тор-мор келтирган эмиш[369].







Жалолиддиннинг душманлари шу даражада қўрқиб қолган эдиларки, агар унинг қўшинлари биринчи ғалабадан сўнг тўхтаб қолмасдан улар устига юриш қилганларида, улар тўлиқ мағлубиятга учратилган бўларди[370]. Аммо, афсуски, Жалолиддин қўшинлари душман қўшинларини таъқиб этмадилар. Улар эса ўз қўшинларини тартибга келтириб, яна жангавор ҳолатга келдилар. Иккинчи жанг 1230 йил 10 августда Аржинжонда бўлиб ўтиб, Жувайнийнинг ёзишича бу вақтда Жалолиддин ҳали касалликдан бутунлай қутула олмаган эди ва жанг майдонига чиққан пайти отига миниб олишга ҳам унда ўтиришга ҳам

[366] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.397.

[367] Бу ҳақда яна қаранг: Запорожец, В.М. Сельджуки. – М.: Воениздат, 2011. – С. 176.

[368] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.247-248; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.403; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.29.

[369] Запорожец, В.М. Сельджуки. – С. 176.

[370] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.248.







қуввати етмаган. Натижада амирлари унга дам олишни тавсия қилган пайтларида унинг жанг майдонини тарк этиши тартибсиз амалга оширилгани учун унинг қўшини ҳам султон жанг майдонини ташлаб қочиб кетди деб тушунганлар ва чекина бошлаганлар. Душманлар дастлаб бу ҳолатга тушунмасдан, Жалолиддин ёлғондакам чекинмоқда деб аскарларини жангавор сафда қолишни буюрганлар. Аммо, кейинчалик, бунинг ҳақиқий чекиниш эканлигини билишгач Жалолиддин қўшинларини таъқиб этиш бошланди. Бундай шароитда Жалолиддин ҳам Ҳилотга чекинди[371].

Бу жангда Жалолиддиннинг Улуғхон ва Атласхон каби лашкарбошилари асир олиниб қатл қилиндилар. Унинг иттифоқчиси Рукниддин Жаҳоншоҳ ҳам асир олиниб кейинчалик Алоуддин Қайқубод томонидан қатл қилинди[372].

Мағлубиятга учраган Жалолиддин Маназгирддаги вазири Шарафулмулкни қўшинлари билан олиб, аввал Ҳилотга ундан кейин эса Озарбайжонга қараб кетди. Йўлда у Сукмонободда Рум ва Шом қўшинлари таъқибининг олдини олиш учун Шарафулмулкни қўшини билан қолдирди. Насавийнинг ёзишича Жалолиддинни унинг кўпгина амирлари ва унга тобе кўпчилик амирлар ташлаб кетган. Бундан хабар топган ал-Малик ал-Ашраф Шарафулмулкка элчи юбориб, Жалолиддинни сулҳ тузишга қўндириши лозимлигини таъкидлади. Натижада, Жалолиддин тинчлик ва ҳамкорлик сулҳини тузишга рози бўлиб, бир неча элчилар алмашинилди. Бу сулҳга кўра Жалолиддин ал-Малик ал-Ашрафга Ҳилот ва унинг атрофларини қайтариб берди[373].

Жалолиддин фақат Алоуддин Қайқубод билан тинчлик сулҳи тузиш ва унинг ерларига ҳужум қилмаслик

---

[371] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.249-250; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.403-404; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.29.

[372] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.249.

[373] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.251.

ҳақида қасам ичиш кераклигини дастлаб рад қилиб келди. Аммо, мўғулларнинг бостириб кирганлигини эшитгач у билан ҳам сулҳ тузиб, ерларига ҳужум қилмаслик ҳақида қасам ичди[374]. Шундан кейин султон Хойга, ундан кейин эса Ғилонга кетди. Айни шу пайтда Алоуддин Қайқубоднинг асл мақсади тўла-тўкис ойдин бўлди. Тез орада у ўз иттифоқчиси ал-Малик ал-Ашрафга хиёнат қилиб, бу Ҳилотни босиб олди. У бу билан чекланмасдан Арзон ар-Рум, Арзинжон, Харпут, Сивас ва Мардинни ҳам босиб олди. Натижада кечаги иттифоқчилари ал-Малик ал-Ашраф ва бошқа айюбийлар Алоуддинга қарши уруш бошладилар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Алоуддин Қайқубод ҳатто Сурия ва Мисрга қарши туриш учун мўғул хони Ўқтойга ўз тобелигини билдириб, элчи юборди ва натижада у мўғулларга тобе бўлиб қолди. Аммо, бу мазкур давлатнинг мўғуллар ҳужумидан сақлаб қола олмади.







Лекин шу пайтда мўғулларнинг ҳужум қилиши Жалолиддинни янада оғир аҳволга солиб қўйди. Аслида мўғуллар юқорида айтганимиздек, Ўқтойнинг буйруғига кўра, Хитой бўйсундирилгандан кейингина барча йўналишларда асосий ҳужумга ўтишга қарор қилинган эди. Буни мўғулларнинг “Сирли тарихи”даги маълумотлар ҳамда мўғуллар тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар фикрлари ҳам тасдиқлайди[375]. Юқорида таъкидлаганимиз, Бухорода жойлашган Чўрмагун қўшинларига Хитойдаги уруш даврида мўғулларнинг асосий ҳудудларига уюштирилиши мумкин бўлган ҳужумларнинг олдини олиш, бўйсундирилган халқлар бош кўтарган тақдирда уларни бостириш ва келгусидаги асосий юришларга тайёргарлик кўриш, бўйсундирилиши лозим бўлган ҳудудларни ўрганиш вазифалари юкланган эди. Аммо Жалолиддиннинг яна бир асосий душмани исмоилийлар Жалолиддиннинг Арзинжондаги мағлубиятидан кейин, дарҳол

[374] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.251.

[375] Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – С. 340.



мўғулларга мактублар юбориб, Жалолиддин жуда заифлашиб қолганлигини, айни пайтда унинг устига юриш учун жуда қулай вазият юзага келганини таъкидлаб, унга қарши юриш қилишга шошираётган эдилар. Исмоилийларнинг Жалолиддинга қарши ҳақиқатдан ҳам мўғулларга мактублар юборганликларини барча ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Жалолиддинга салбий муносабатда бўлган Ибн ал-Асир ҳам исмоилийларнинг мўғулларга мактуб юборганликларини таъкидлаб, шундай деб ёзган эди: "Ҳижрий 627 йилда (милодий 1231 йилда) даҳрий – исмоилийлар етакчиси мўғулларга мактуб юбориб, Жалолиддиннинг бошига мағлубият алами тушиб, заифлашиб қолганлигини, ҳозир айни унга қарши ҳужум қилиш пайти эканлигини, агар тезда ҳужум қилсалар, Алоуддин ва ал-Ашрафдан мағлубиятга учраганлиги учун уларнинг ғалабасига кафолат беражакларини етказдилар..."[376].



Насавий ҳам мўғуллар ҳужуми арафасида, айнан исмоилийларга элчи қилиб юборилган бўлиб, унинг зиммасига юклатилган вазифалар ичида, нима учун улар мўғулларга номалар юборишганининг сабабини тушунтириб беришлари лозим эди[377].

Жалолиддин мўғуллар ҳужум қилгандан кейин атрофдаги ҳукмдорларнинг ҳаммасига ёрдам сўраб элчилар юборади. Элчилар орқали юборилган номаларда бундай дейилганди: "Бу галги тотор қўшинлари аввалгиларга қараганда бир неча баробар кўп, ушбу мамлакатларнинг лашкарлари эса уларга қарши ўзлари курашишга қўрқмоқдалар. Агар сизлар лашкарлар ва қурол-аслаҳалар билан ёрдам бермасангизлар, бу ерда уларга қарши девор мисоли турган менга қийин бўлади. Мен мағлуб бўлганимдан кейин эса сизларда уларга қарши курашиш имкони қолмайди. Ўзингизга, болаларингизга ва барча мусулмонларга раҳм қилиб, ҳар бирингиз бир гуруҳ лаш-



[376] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.398-399.

[377] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.256.

карларни туғингиз билан бирга ёрдам юборинглар. Зеро, тоторларга бизнинг ўзаро келишувимиз ҳақида хабар етса, улар бундан оз бўлсада зарба оладилар. Айни пайтда бизнинг лашкарларимиз ҳам бу далдадан кучга кирадилар. Агар бунда сал бўлсада бепарволикка йўл қўйилса, бошингизга нима тушишини ўзингиз кўрасиз"[378].



Лекин, бу номалардан бирорта ҳукмдор хулоса чиқармади ва уларнинг ҳеч бири ёрдам бермади. Натижада, Жалолиддиннинг номада келтирилган охирги сўзининг амалий натижаси ўзини узоқ куттирмади. Сал кейинроқ мўғуллар мазкур ҳудудларни бўйсундирдилар, бўйсундирмаганларини талон-тарож қилиб жуда катта зарар келтирдилар.



Мўғуллар ҳужум қилган пайтда Жалолиддин Мангубердининг аҳволи яна бир сабабга кўра оғирлашганди-ки, унинг асосий қўшини, қишлаш учун Муқон ва Озарбайжоннинг турли вилоятларига тарқалиб кетган эдилар. Уларни мўғулларга қарши кураш учун тўплашга эса вақт камлик қиларди. У аввал Табризга келди. Шу ердан эса ўзининг амири Йилон Буғуни мўғуллар ҳақида маълумот тўплаш учун Ироққа юборди. Йилон Буғу у ердан вахимали хабар билан, яъни у мўғулларнинг илғори билан тўқнашганини, фақат ўзи қочиб қутулганини айтди. Султон мўғуллар Озарбайжонга баҳорда ҳужум қиладилар деб ўйлаганди. Хавф шунчалик тез яқинлашиб келаётган эдики, у Табризга энди етиб келган яқинлари ва ҳарамини қаерга юборишни ҳам билмай уларни Табризда Шарафулмулкка қолдириб, аскарларининг асосий қисми тўпланган Муқонга кетди. У Орминанда Ёдуқ қалъаси ноибидан мактуб олиб, унда мўғулларнинг Марж Занжонга етиб келганликлари ёзилган эди. У Муқонга келганда янада хунук воқеа гувоҳи бўлди. Яъни, вақт ниҳоятда тиғиз пайтида унинг бу ердаги қўшинлари тарқаб кетган эдилар. Султон уларни йиғишга улгурмасданоқ мўғуллар



---

[378] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б. 404; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2.- С.30.

уларга ҳужум қилиб, уларни йўқ қилдилар. Султоннинг режаси амалга ошмади. Шундан сўнг у Хуросон ва Мозандарон шихналари Йўғон Сунқур билан Арслон Паҳлавонни мўғуллар қўшинининг ҳаракатини кузатиш ва зарур бўлганда пистирма қўйиш учун юборди. Аммо, улар Жалолиддинга ҳиёнат қилиб, юборилган жойларга бормаганлар[379]. Натижада, Жалолиддин мўғуллар ҳақида, уларнинг ҳаракатининг йўналиши ҳақида умуман маълумот тўплай олмади. Бу унинг аҳволини янада оғирлаштириб, имкониятларини янада чеклаб қўйди. Ва ниҳоят кутилган воқеа рўй берди. Яъни, Жалолиддин Ширкабутда ов қилиб юрганда унга мўғуллар ҳужум қилди. У мўғулларни адаштириб, Ганжага кетган қилиб кўрсатиб, аслида эса Махонга қочди. У ерда қишгача турди. Аммо, ҳудуд ҳокими мўғулларнинг у тарафга келаётганини айтиб, Арронга кетишини маслаҳат берди. Чунки, бу ерда қўшин тўпланган бўлиб, у ердаги туркманлардан ҳам ёрдам олиш мумкин эди.

Шу вақтда Жалолиддиннинг айёр ва очкўз вазири Шарафулмулкнинг бўйсунмаслик йўлига ўтганлигини эшитди. Шарафулмулк султоннинг оғир аҳволда қолганлигидан фойдаланиб, Аррон ва Озарбайжон ҳукмдорларига нома юбориб, эндиликда бу ҳудудлар ҳокими у бўлажагини ва бундан буён унга бўйсунишларини маълум қилди. Шарафулмулк ҳатто Алоуддин Қайқубод ва ал-Малик ал-Ашрафга ҳам мактуб юбориб, эндиликда у ўзининг Жалолиддинга эмас, уларга тобе эканлигини билдирди. Аммо, унинг мактубларининг кўпчилиги Жалолиддин қўлига тушди. Шундан кейин Жалолиддин уни қатл қилдирди[380].

Султон Насавийни у ердан маҳаллий ҳокимлар ҳамда туркманлардан қўшин тўплаш учун Арронга юборди. Бу вазифа муваффақиятли бажарилди. Аммо, шу пайтда Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида Бандар исмли одам

---

[379] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.264-265.

[380] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.277-281.

бошчилигида шаҳарликлар исён кўтарганликлари, уларнинг шаҳардаги хоразмликларни ўлдираётганликлари ҳақида хабар келди. Султон уларни бу ёвуз ҳаракатдан қайтаришга ва узр сўраб исёнларини тўхтатсалар, уларни кечиришни билдириш учун бир неча мрта элчилар юборганлигига қарамай улар бунга кўнмадилар. Натижада Жалолиддин Ганжага юриш қилишга мажбур бўлди. У Ганжани эгаллаб, қўзғолон раҳбарларининг барчасини қатл қилдирди[381].



Жалолиддин Ганжада турган пайти Жазира ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафга одам юбориб, ундан мўғулларга қарши курашда ёрдам беришини сўради. Аммо ал-Малик ал-Ашраф кетма-кет Жалолиддиннинг элчилари келавергач, Мисрга жўнаб кетди ва у ердан қўшин тўплаб боришини ва султонга ёрдам беришини билдириб хабар юборди. Жалолиддин Валашжирдда пайтида унинг ал-Малик ал-Ашраф ҳузурига юборган элчисидан хабар келди. Элчи Жалолиддинга ал-Малик ал-Ашрафдан ёрдам кутиш бефойда эканлигини, унинг мақсади, Жалолиддиннинг мўғуллар билан кураши қандай тугашига *боғлиқ эканлигини, яъни, султон агар мўғулларни енгса* ҳам енгилса ҳам шундан кейин Дамашққа бориш эканлигини билдирган эди[382].



Илгари ўз мақсадига эришгунча Жалолиддинга мўғуллар билан сулҳ тузишга ундаб келган ва у билан иттифоқчилик қилишга ваъда берган Алоуддин Қайқубоднинг мақсадлари янада юзага чиқа бошлади. Тарихчилар шу ўринда бир масалага ўз эътиборларини қаратишлари лозимки, нега мўғуллар бостириб келмасдан олдин, Аловуддин Қайқубод кўп бора Жалолиддинга улар билан сулҳ тузишни таклиф қилгани ҳолда, нега бу вазиятда шу ниятини амалга оширишга уринмади? Чунки улар фақат ўз мулклари ва жонини ўйлаб, вазиятга қараб иш юритганлар ҳамда шунинг учунгина Жалолиддинга ишонма-



[381] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.281-287.
[382] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.284-285.







дилар ёки атайин “иттифоқ тузишга, биродар бўлишга” ҳаракат қилдилар. Буни олдиндан билган Жалолиддин кутганидек, улар бу пайтда ҳам, бошқа пайтда ҳам ҳеч қачон унга ёрдам қўлини чўзмадилар ва чўзмас ҳам эдилар. Аловуддин Қайқубод Жалолиддинга ёрдам бериш ўрнига, унинг оғир вазиятидан фойдаланиб, унга Ҳилотни қайтариб беришларини сўраб бир неча марта хат юборди холос. Бундан ғазабланган Жалолиддин эса унинг мулклари бўлган Хартбард, Малатия ва Арзинжонга юришлар уюштирди. Натижада у Жалолиддин билан умуман алоқани узди.

Шундан кейин Жалолиддин Насавийни айюбийлардан бўлган Майафориқин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффар Шаҳобиддин Ғозий ҳузурига юборди. У Шаҳобиддин Ғозийдан ва расман унга тобе Амид ва Мардин ҳокимларини ҳам қўшини билан мўғулларга қарши курашда ёрдам беришларини сўраган эди. Аммо, бу ҳукмдор ҳам ал-Малик ал-Ашраф каби ўз фойдасига қулай вазиятни кутишини айтди[383].

Ал-Малик ал-Музаффар Шаҳобиддин Ғозийнинг бирдан-бир ёрдами унинг айғоқчилари мўғулларнинг Жалолиддинни излаб Беркрига келганлигини ва Ҳилот атрофларида излаб юрганларини айтганлиги бўлди.

Жалолиддин эса бу даврда Хони вилоятида мўғулларга пистирма қўйиш билан банд эди. Бу пайтда Жалолиддин ҳузурига мўғул амирларидан бири Кўкэ Бижкэм ўзининг мингга яқин аскарлари билан келиб, унинг хизматига кирди. У қандайдир айби учун жазоланиши лозим бўлган, аммо, у ҳаётини сақлаб қолиш учун султон ҳузурига қочган эди. Бу мўғул амири ҳам Жалолиддинга муҳим хабарларни келтирган эди. Шу билан бирга у Жалолиддинга уни излаб юрган мўғулларга атайин ўлжа қолдириб, пистирма қўйиб йўқ қилишни таклиф қилган. Аммо, Жалолиддин мўғулларнинг сони ва умумий аҳволи ҳақида маълумот тўплаш учун қўшиннинг илғори си-

383 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.285-286.

фатида тоғаси амир Утурхонни 4 минг кишилик қўшин билан жўнатади. Аммо, Утурхон қўрқоқлик қилиб, ўз жонини ўйлаб, Жалолиддинга мўғулларнинг Маназгирддан орқага қайтиб кетган эканлар деб уни алдади[384].



Жалолиддин Хонида ўзининг хонлари ва амирлари билан кенгаш ўтказиб, Исфаҳонга кетишга қарор қилди. Аммо, шу пайтда Амид ҳукмдори ал-Малик ал-Маъсуднинг элчиси мактуб олиб келди. Унда ал-Малик ал-Маъсуд Жалолиддинни Қўниё султонлигига юришга ундади. Жалолиддинга бу ерларни эгаллаш осон бўлади, аҳоли ҳам унга бўсунишга тайёр, бу давлатни бўйсундирса унга қипчоқлар ҳам ёрдамга келадилар деб ёзган эди.

Аммо, аслида ал-Малик ал-Маъсуд Қўниё султони Алоуддин Қайқубоднинг унинг мулкларига юриш қилиб, унинг бир неча қалъаларини босиб олганлигидан ғазабда эди.



Жалолиддин унинг гапига кириб, Амид тарафга отланди ва шаҳар ёнига келиб жойлашди. Айнан, шу ерда 1231 йил 17 августда унга мўғуллар ҳужум қилди ва уни ўраб олдилар. Султон бу ердан Урхоннинг ёрдамида қочиб қутулишга муваффақ бўлди. Яъни, у Урхонга мўғулларни чалғитиш ва ўзидан узоқлаштириш учун бошқа йўлдан қочишни буюрди. Бу ҳийла амалга ошди. Аммо, Насавийнинг ёзишича бу Жалолиддиннинг катта хатоси бўлди. Чунки, Урхонга кўп ўтмай катта қўшин келиб қўшилди ва Урхон тирик қолиб то асир тушгунча Исфаҳонда ҳукмронлик қилган бўлса, 1242 йилгача Форсда асирликда сақланиб, шу йилда вафот этди. Шунинг учун агар султон у билан қочганда балким тирик қолиши ҳам мумкин эди[385].



Унинг ёнида қолган амирлардан Утурхон эса султонга мўғуллар таъқиб этиб келган йўлдан орқага қайтиш хавфсиз деб ишонтириб, қайтанга уни ўлимга бошлаб борди. Насавийнинг фикрича, султоннинг ўлими ҳар жиҳатдан Утурхон ишлаб чиққан режа асосида амалга ошган. Унинг

384 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.288.

385 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.292.

бу сўзида ҳақиқат борки, тезда Утурхон Жалолиддинни ташлаб, Майофориқин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффар Шаҳобиддин Ғозий ҳузурига қочиб кетади. Чунки, Утурхон Жалолиддиндан яширинча у билан ҳамкорлик қилишга келишган эди. Аммо у ҳам ўзининг хиёнатига яраша жазо олади. Утурхон бу ерда кўп вақт қамоқда ётган. Кейинчалик, у Мисрда ҳалок бўлган[386].

Шундан сўнг Жалолиддин Ироқнинг шимолига ёлғиз, қочоқ бир аҳволда етиб келди. У мўғуллардан беркиниб, якка ўзи қишлоқлар ичига оралаган ва бир неча ой ғойиб бўлган эди. Унинг тирик ё ўликлигини ҳеч ким билмасди.

Мўғул изқуварлари Жалолиддинни ахтариб, қишлоқларни остин-устун қилдилар ва ниҳоят унинг изини топишлари билан 15 мўғул суворийси унинг ортидан йўлга чиқди. Улар Жалолиддинга йўлиқдилар, у мўғул изқуварлари билан олишди ва иккитасини ер тишлатди, қолганлари эса, қўрққанларидан қочиб қолишди.

Сўнгра Жалолиддин Амид тоғларига чиқиб кетаркан, йўлда курд қароқчиларига дуч келади. Улар ҳар доимгидек ўзларининг ишларини қилиб, унинг нарсаларини тортиб олдилар ва энди ўзини ҳам ўлдирмоқчи бўлиб турганда у қароқчилар бошлиғининг қулоғига: “Мен Султонман, ўлдиришга шошилма, агар мени ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддиннинг олдига олиб борсанг, сени бой қилади ёки мени ўзимнинг ўлкамга олиб борсанг, малик унвонини оласан ҳамда бадавлат бўласан”, деди. Шунда қароқчи уни ўзининг юртига олиб боришни мақсад қилиб, уйига олиб келади ва оиласининг ёнида қолдиради. Қароқчилар бошлиғи тоққа чиқиб кетганда, қўлида найза кўтариб олган бир курд келиб, қароқчининг хотинига: “Қани ўша хоразмлик, кўрсат менга, ўлдираман уни”, дейди. У эса: “Эрим уни менга омонат қилган, бундай қилолмайсан”, дейишига қарамай, у Ҳилот шаҳрида ундан кўра яхшироқ бўлган акамни ўлдирган, деб уйга

---

[386] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.292-293.

кириб, найзасини Жалолиддиннинг кўксига қадайди. Найза кучли урилганидан, иккинчи бор найза санчишга ҳожат қолмаганди.

Бир муддатдан кейин ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддин ўша тоққа одам жўнатиб, султоннинг тортиб олинган нарсаларини, минган отини, эгари ва машҳур қиличини олиб келтирди, деб ёзади Насавий.[387]

Жалолиддиннинг ўлими ҳақида турли фаразлар бўлсада, биз уларнинг ичида фақат Насавийнинг маълумотини тўғри деб қабул қилиб, бошқа фаразларни келтириб ўтирмаймиз.

Майафориқин амири ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддин Ғозий олдига Жалолиддиннинг амирларидан Ўтурхон келиб, Жалолиддиннинг жасадини олмоқчи эканини айтади. Ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддин уни қишлоқдан олиб келтиради ва: "Қарагин, у Жалолиддинмикан?" – дейди. Ўтурхон не кўз билан кўрсинки, қаршисида Жалолиддиннинг руҳсиз бадани ётарди, у ўзини йиғидан тутолмай ҳўнграб юбориб, "Ҳа, бу Жалолиддин", – дейди. Сўнгра кечаси уни дафн қилдилар, қабри эса махфий қолдирилади. Чунки, қабр мўғуллар томонидан таҳқирланиши мумкин эди.[388]

Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафга Жалолиддиннинг ўлими хабари айтилганда: "Сиз мени шу билан қутлаяпсизми, ҳали бунинг оқибати нима бўлишини кўрасизлар. У Яъжуж ва Маъжужларга қўйилган тўсиқ мисоли биз билан мўғуллар орасидаги тўсиқ эди. Оллоҳга қасамки, бу тўсиқнинг синдирилиши мўғулларнинг Ислом ўлкаларига хотиржам киришларига сабаб бўлади" [389], деган эди.

Шундай қилиб, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти 1231 йил 23 августда фожиали суратда якун топди. У вафот қилганида ҳали 33 ёшда эди.

Мана Жалолиддиннинг 11 йил давомида мўғулларга

---

[387] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.295.

[388] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.295.

[389] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.375.







қарши олиб борган курашлари тарихини кўриб чиқдик. Манбалардаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ниҳоятда қийин ва мураккаб кечган. Яъни, Жалолиддин оғир бир пайтда, Мовароуннаҳр уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми мўғуллар томонидан истило этилган, хоразмшоҳлар қўшини яксон қилинган, амирларнинг бир қисми хоинлик, қолгани ўз жони-мулкини асраш йўлига тушган, султон мамлакатни ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўзаро саросима ва таҳлика ҳукм сурган бир вақтда тарих саҳнасида пайдо бўлди. Бу пайтда ҳали бор-йўғи 22 ёшда эди. Ҳиндистондаги мавжуд оғир сиёсий вазият ҳам унга мўғулларга қарши кучли қаршилик ҳаракатини барпо этиш имконини бермади. Қолаверса, у кейинчалик ўз давлатини тузган Эрон, Озарбайжон ва Ироқ ҳудудларида ҳам ниҳоятда оғир сиёсий вазият ҳукмрон эдики, унга ҳатто ўз укаси ва қариндошлари ҳам қарши чиқдилар. Халифалар эса эски адоватларни унутиш ўрнига унга қарши турли ҳокимларни гиж – гижлаб, Жалолиддиннинг кучли давлат тузишига халақит қилдилар. Айнан шу сабабга кўра, Жалолиддиннинг энг асосий душмани бўлган мўғуллар билан кураши тарихида уч йил: 1227–1230 йиллар ораси нисбатан осойишта кечсада, бу вазиятдан фойдаланиб, у мўғулларга қарши кучли иттифоқ тузиб, охир- оқибат уларни ўз юрти Мовароуннаҳрдан ҳам қувиб чиқариш каби мақсадига эриша олмади. Чунки, шу йиллар ичида мусулмон дунёси мамлакатлари ва ҳатто халифалар ҳам ўзаро низо, нифоқ, ва адоват ҳолатида эдилар. Улар айниқса, Чингизхоннинг ўлими оқибатида мўғулларнинг тинчиб қолганлигидан фойдаланмадилар, сафларини бирлаштириб, Жалолиддин ёрдамида улар томонидан забт этилган ўлкаларни озод қилмадилар, аксинча ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, бир-бирлари билан жанг қилдилар. Бундай ҳолат фақат Ироқ ва Эроннинг ғарбий минтақаларида, Жалолиддин билан Аббосийлар халифаси орасида содир бўл-

мади, балки бутун шу даврдаги ислом оламида юз берди. Барча минтақаларда фитна, жанжал, қўзғолонлар авжига чиққан эди. Айниқса, Шом ва Мисрда мусулмон амирлар ўртасида урушлар тўхтамади, гаплари бир жойдан чиқмади, ваҳоланки, бу минтақалар ҳокимлари Айюбийлардан бўлиб, улар орасида кучли қариндошлик ришталари бор эди. Шунга қарамай, баъзан ота-она бир, туғишган ака-укалар орасида уруш содир бўлди.

Шуларни ҳисобга олиб, Жалолиддин Мангубердининг мўғулларни бутунлай енгиб, хоразмшоҳлар давлатини тиклай билмаганлигини, фақат унинг ношуд сиёсатчи бўлганлиги билан боғлайвермасдан, унинг яшаган даври, шу даврдаги сиёсий ва ижтимоий вазиятни илмий жиҳатдан кенг ва чуқур таҳлил қилиш орқали, холисона хулоса чиқариш асосидагина баҳо бериш лозим. Шу ўринда, нима учундир ҳеч бир тадқиқотчи Жалолиддиннинг ёшини ҳисобга олмайди. Жалолиддининг сиёсат майдонидаги фаолияти даври унинг 20 – 33 ёшлардаги даврига тўғри келади. Унинг деярли барча рақиблари эса ўрта ёшдан ўтган ёки кекса ёш тоифасига кирар эдилар. Тўғри бу ёш доирасида Александр Македонский ўзининг Шарқ юришини амалга оширган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса муваффақиятсиз бўлсада, Шайбонийхонга қарши курашиб, темурийлар давлатини сақлаб қолишга ҳаракат қилган (шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан Бобурнинг ҳаёт йўли Жалолиддин Мангубердиникига жуда ўхшайди). Унинг энг асосий рақиби Чингизхон эса бу 22 – 32 ёшлар доирасида ҳали энди ўзининг уруғи доирасида фаолият олиб бораётган бўлиб, унинг номи бу вақтда қўшни қабилалар ичида ҳам маълум эмас эди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда унинг шахс сифатидаги фаолиятига баҳо беришда рақиблари бўлган Чингизхон ва бошқа мўғул саркардалари, мусулмон дунёси ҳукмдорлари, вилоят ҳокимлари ва қолаверса, грузинлар давлат арбоблари ҳаётини ҳам қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ иш бўлишлигини эътиборга олишимиз зарурки, бу келгусида Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти







тарихининг тадқиқотчиларидан янада кўп меҳнатни талаб қилади.

Хуллас юқорида келтириб ўтганимиз, Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти тарихи билан боғлиқ воқеалар, ҳодиса – жараёнларни, унинг Чингизхон – мўғул босқинини бартараф қила олмаганлигининг сабаби ва оқибатларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Чингизхон босқини арафасида хоразмшоҳлар-ануштегинийлар давлатини шу даражада чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқироз чулғаб олган эдики, бу инқирозий жараёнлар нафақат бу давлатнинг ўзини йўқ қилди, балки, келгусида Жалолиддин Мангубердининг фаолиятига ва мўғулларга қарши олиб борган курашларига ҳам ўзининг кучли таъсирини ўтказди. Айниқса этник низолар Жалолиддин фаолиятининг сўнгги даврларигача унинг йўлидаги энг асосий тўсиқлардан бири бўлди.

Чингизхоннинг деярли бир этник қатламдан иборат интизомли, яхши қуролланган мунтазам қўшинига қарши, Жалолиддин ўзининг бир-бири билан чиқиша олмайдиган турли этник қатламлардан иборат ҳамда ёлланма, тартиб-интизомсиз ва қолаверса ишончсиз қўшинини қарши қўйди. Натижада, унинг қўшини ҳал қилувчи жангда мағлубиятга учради ва Жалолиддин Хоразм давлатининг асосий ҳудудларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Жалолиддин Хоразм ва Мовароуннаҳрни тарк этиб, Ҳиндистонга борганида, бу ерда ҳам вазият анча оғир эди. Деҳли султони Шамсиддин Элтутмиш давлати ва унга номига бўйсунувчи ёки умуман бўйсунмаган, ҳокимлар ва ҳукмдорлар ўзаро тўхтовсиз ички курашлар гирдобига тортилган бўлиб, улар бирорта ҳукмдорга бўйсунишни истамас эдилар. Натижада, улардан ёрдам олишни кутган Жалолиддиннинг ўзи ҳам уларга қарши курашлар олиб боришга мажбур бўлди ва бу ерда мустаҳкамлана олмади.

Бу ҳолат Эрон, Озарбайжон, Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларида ҳам кузатилиб, улар ҳам Жалолиддинни мўғул

босқинчиларига қарши курашда қўллаб – қувватлаб туриш ўрнига, унга нисбатан ҳиёнат йўлини тутдилар. Зеро, бу ҳолатда кўпгина ҳокимлар ва ҳукмдорларнинг ҳаракатсизлигининг ўзи ҳам бир ҳиёнат эди. Айниқса, Қўниё ҳукмдори Аловуддин Қайқубоднинг тутган йўли, тушунарсиз ва фақат ўз манфаати доирасида бўлган. Унинг Жалолиддин вафотидан кейинги ҳукмронлик даври тарихидан ҳам хулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун кўпгина тадқиқотчиларнинг Аловуддин Қайқубод каби фақат ўз манфаатларини ўйлаб иш қилувчи ҳукмдорларнинг Жалолиддинга ишонмаганлиги ва шунинг учун уни қўллаб-қувватламаганлиги тўғрисидаги фикрлари умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Аксинча, бундай фикри тез ўзгарувчан ҳукмдорларнинг мақсадини жуда яхши билган Жалолиддиннинг уларга илк фаолияти даврларида ҳам, умрининг охиригача ҳам умуман ишонмади деб хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир. Жалолиддин Аловуддин Қайқубоднинг мўғуллар билан сулҳ тузиш тўғрисидаги таклифи тагида қандай асл мақсад ётганлигини билгани учун уни қабул қилмади. Жалолиддиннинг халифалар билан муносабати масаласида ҳам худди шундай хулосалар чиқариш мумкин. Зеро, ислом оламининг раҳбари бўлган халифалар биринчи навбатда Жалолиддинни қўллаб-қувватлаб, мусулмон давлатлари қўшинларини унинг атрофида тўпланишига ёрдам беришлари лозим эди. Шунинг учун Жалолиддиннинг мағлубиятининг энг асосий сабаби, мусулмон ҳукмдорларни бирлаштира олмаганлиги ёки Грузияга қарши кераксиз урушлар олиб борганлиги эди деган фикрлар ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

Умуман олганда Жалолиддин Мангубердининг Чингизхон – мўғул босқинини бартараф қила олмаганлигининг сабаби хусусида биз шундай хулосаларга келдик. Мўғул босқинининг фожиавий оқибатлари эса ҳаммага маълум бўлиб, бу фожиавий оқибатларга айнан Жалолиддиннинг эрта ўлими ҳам бевосита сабаб бўлган.













# III БЎЛИМ



III.1.

## Жалолиддин Мангуберди ҳарбий санъати, тактикаси ва унинг ўрта асрлар Шарқ ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрни



Бу давлат асосан мўғулларнннг ғарбга қилган юришида биринчи зарбани ўзига олиши ва сон жиҳатдан мўғуллар қўшинидан ортиқ ҳарбий кучларга эга бўлишига қарамасдан, давлатнинг чегара вилоятларида ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам мудофаа ишларинн ташкил эта олмаганлиги билан ҳамда умумий ҳолатда нима сабабдан мўғуллардан енгилиши сабаблари ҳозиргача кўпчилик тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этиб келди ва келмоқда. Жумладан, унинг бир қатор шаҳарлари аҳолиси (жумладан, хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж аҳолиси) ва кўпгина ҳарбий қисмлар босқинчиларга қарши жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатиб уларга катта талафотлар етказган бўлсаларда, охир-оқибат мўғуллардан енгилдилар.



Айниқса, юқорида кўп бора таъкидлаганимиздек, сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг (Манкбурни) мўғулларга қарши энг сўнгги нафасигача кураш олиб бориши ва шубҳасиз шахсий жасорати билан мўғул

босқинчиларнинг энг матонатли на серғайрат рақиби деган шон-шуҳратга сазовор бўлиб, буни ҳатто Чингизхон ва мўғул босқинчиларининг ўзлари ҳам тан олганлар ҳамда буни шу воқеалар билан боғлиқ тарихий жараёнлар ҳам тўла тасдиқлайди.



Бу масаланинг ечими эса шубҳасиз, энг аввало ҳар иккала тараф – рақиблар: хоразмшоҳлар ва мўғуллар давлатлари ҳарбий санъати, уларнинг қуролланиш даражаси, жанг услублари ва қўшин тузилиши қандай бўлган деган саволларга тўлиқ жавоб топишдадир.

Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати вужудга келишидан то инқирозигача ўз ҳарбий салоҳиятини янада яхшилаш, қўшинни ўз даврининг энг мукаммал қурол-аслаҳа билан таъминлаш ва уларнинг сонини тўлдириб туриш, қўшин таъминотини узлуксиз таъминлаб туришга ҳаракат қилганлар. Дастлабки хоразмшоҳлар даврида Хоразм армияси яхши ўқиган, ҳар хил қуроллар билан қуролланган мунтазам қўшин бўлиши билан бирга, унинг қўмондонлари ҳам жангларда ўзларининг жасорати ва тадбиркорликлари билан Хоразмнинг шу даврдаги душманлари билан муваффақиятли курашлар олиб борганлар. Ҳатто Хазар хоқонлигининг ҳам энг сараланган гвардияси хоразмликлардан иборат бўлган. Аммо, вақт ўтиши билан Хоразмшоҳлар қўшини ўзининг жангаворлик қобилиятини йўқота бориши билан бирга ёлланма қўшинга айланиб борган. Илгариги Хоразмнинг асосий қўшин турини ташкил қилувчи оғир қуролланган отлиқлари энди аҳамиятини йўқотди[390]. Бу эса келгусида катта мағлубиятларга ва охир-оқибат мўғуллар томонидан босиб олинишига сабабчи бўлди.





Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати тарихини ва мўғулларнинг Ўрта Осиёга юриши масалаларини чуқур

---

[390] Рохмистров В.И. Битва на реке Инд – Чингизхан наносит поражение армии хорезмшаха Джелал-ад-Дина (1221 год).// В кн.:Великие сражения Востока: сборник./ ред.-сост. Светлов Р.В. – М.: Яуза: Эксмо, 2009. – С.180.



ўрганган В.В.Бартольд хоразмшоҳлар армияси бу даврда фақат ёлланма қўшиндан иборатлигини ва кўпчилик ҳолларда уларнинг маҳаллий аҳоли билан келиша олмаганлигини ёзади[391]. Жаҳон ҳарбий санъати тарихидан маълумки, қайси давлат ёлланма қўшинга таяниб қолса, бу ҳолат охир-оқибат давлатнинг заифлашиб қолишининг сабабларидан бири сифатида, келгусида унинг муайян душманлари билан бўладиган жангларда мағлубиятга учрашига олиб келган. Жумладан, қадимги дунёнинг Рим давлати, юнон шаҳар-полислари, Карфаген каби давлатлари ва айниқса, ўрта асрлар Европа ва Осиё давлатлари тарихи бунга яққол мисол бўла олади.



Мўғуллар босқини арафасида хоразмшоҳлар қўшини сонини, қай даражада кучли ёки ҳарбий жиҳатдан таъминланганлигини манбалардан кўриб, хулоса чиқариш мумкин. Аммо, бу манбалар маълумотларини ҳамма вақт ҳам тўғри деб қабул қилавермаслик лозим. Айниқса, ўрта асрлар хитой ва мусулмон манбашунослигида ҳам, европа ва арман-грузин манбашунослигида ҳам қўшин сонини бўрттириб кўрсатиш ҳолларини кўп кузатамиз. Замонавий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги хоразмшоҳлар қўшини сонини фақат манбалардаги маълумотларни келтириб ўтиш билан чекланадилар холос. Бу мавзу бўйича деярли махсус тадқиқот олиб борилмаган. Мазкур мавзу юзасидан ҳозирча қўлимизда Насавийнинг маълумотлари ҳамда унинг маълумотларига кўпроқ таяниб ва яна кўпгина манбалар маълумотларини жалб қилган, хоразмшоҳ-ануштегинийлар ҳарбий тизими ҳақида кўпроқ тўхталиб ўтган тадқиқотчилардан энг муҳимлари З.Буниёдов, Ойдин Тонарий ва С.Сабуровалар тадқиқотлари ҳисобланади. Шу жиҳатдан, биз ҳам хоразмшоҳлар ва хусусан Жалолиддин Мангуберди ҳарбий санъатини шу тадқиқотлар маълумотлари изчиллигида кўриб чиқамиз.



---

[391] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. -Сочинения. Т.I. – М.: «Наука», 1964. С. 441-442.

Хоразмшоҳ-ануштегинийлар ва хусусан Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга ва бошқа душманларга қарши олиб борган курашлари мавзуси турк тадқиқотчиси Ойдин Тонарий ўз тадқиқотларида хоразмшоҳларнинг ҳарбий салоҳиятини кўплаб манбаларни жалб қилган ҳолда очиб беришга ҳаракат қилган бўлса ҳам, маълумотларни чуқур таҳлил қилмасдан келтириб ўтади ҳамда бу мавзу бўйича унинг тугал якуний фикри йўқ[392].

Насавийнинг келтириб ўтган маълумотларига, З.Буниёдов ҳамда Ойдин Тонарийнинг тадқиқот маълумотларига тўлиқ боғланиб қолган С.Сабурованинг хоразмшоҳ-ануштегинийлар ва шу жумладан, Жалолиддин Мангуберди ҳарбий санъати мавзусига бағишланган монографиясида ҳам афсуски шу хусусият кузатилади[393].

Улар ўз тадқиқотларида ўрта асрлар манбашунослигига хос анъана, тарихий фактларни бўрттириб кўрсатиш ҳолатларини, эътиборга олмасдан, фақат шу маълумотларни келтириб ўтиш билан чекланганлар. Зеро, бу маълумотларни илмий таҳлил қилиб ўтиш лозим эди.

Жумладан, З.Буниёдов мўғул босқини арафасида Хоразм давлати умумий ҳисобда 540 000 жангчидан иборат бўлганлигини келтириб ўтади. Масалан, у: “давлат қўшинининг сони хоразмшоҳларнинг ҳарбий юришлари кўламига қараб ўзгариб турган. Чунончи, 1195 йилда хоразмшоҳ Текеш ҳарбий девони (девон ал-ард)нинг рўйхатларида (дафотир) 170 минг отлиқ жангчининг исми шарифи қайд қилинган. Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида бир неча кун ичида 70 мингтагача отлиқ жангчи қўя олган. У 1214 йилда Эрон Ироқига бостириб кирган. Озарбайжон ва Форс отабеклари Ўзбек ва Саъдга қарши отланганда

---

392 Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. (Турк тилидан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси). Т.: Шарқ, 1999.– Б.86-92.

393 Сабурова С. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй.). – Т.: 2008. –Б. 24.







улар билан урушиш учун 100 мингга яқин отлиқ жангчидан иборат энг жасур ва қўрқмас баҳодирларни танлаб олган. Отабек Ўзбек ўзини хоразмшоҳ Муҳаммаднинг вассали деб тан олгандан кейин ундан грузинларга қарши курашда ҳарбий ёрдам сўраганда Муҳаммад 50 минг сараланган отлиқ қўшинга грузинларга қарши ҳужум қилишга фармон берган", деб таъкидлагани ҳолда[394], у Текеш ҳарбий девони дафтарларини ўз кўзи билан кўрганлигини ёки бор бўлса, ҳозирда улар қаерда сақланаётганини ҳеч қаерда айтмаган.

Тўғри, хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ҳукмдорлиги даврида давлат қўшини миқдори жуда кўп бўлган. Аммо, бу қай даражада кўплиги ҳеч қаерда таҳлил қилинмаган.

1218 йилда Хоразмшоҳ қўшин кўригини ўтказади, унда 150 мингга яқин отлиқ ва бундан ташқари яна 100 минг пиёда жангчи қатнашганлиги воқеасини ёки Ирбил ҳокими Отабек Музаффариддин Гёк Бўри (1190- 1233) нинг элчиси Хоразмдан қайтиб келиб, ўзининг хўжайинига берган хабарига кўра, хоразмшоҳнинг бевосита қўл остида 350 минг жангчи бўлган деган маълумотини ҳам қандай исботлаш мумкин. Муаллиф қўшин сонини бўрттириб кўрсатишни ёқтирувчи мусулмон анъанасидан (аслида бу анъана нафақат араб-форс, балки бутун ўрта асрлар бошқа тиллардаги манбаларида ҳам кузатилади) келиб чиқиб, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг 1211 ва 1212 йилларда қорахитойлар билан бўлган урушда уларга қарши фақатгина 400 минг отлиқ қўшин қўйганлиги маълумоти эса умуман ҳақиқатга тўғри келмайди[395].

Худди юқоридагидек, яна бу маълумотлар хоразмшоҳнинг кўшин девони рўйхатлари билан ҳам тасдиқланишини, уларга кўра Бағдодга қарши юришда ҳам 400 минг отлиқ ва туя минган жангчи қатнашганлиги қайд қилинишини қайта-қайта таъкидлар экан, юқорида айтиб ўт-

---

[394] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 120.

[395] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 119-120.

ганимиздек ўша девон дафтарларининг ўзи борми ёки ҳозир уларнинг қаерда сақланиши ҳақида умуман оғиз очмаган[396]. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ўша давр манбаларида эътироф этилганидек, от энг қиммат товар бўлганлигини ҳисобга олсак, шунча отлиқ қўшин қандай ташкил қилинган бўлиши мумкин. Бу ҳам мантиққа тўғри келмайди.



Унинг, “Ҳатто давлат таназзулга учраган даврда ҳам хоразмшоҳ Жалолиддиннинг Ҳиндистонда 90 минг отлиқ жангчиси бўлган, аммо Кавказ ерларига бостириб кирган даврларида унинг 200 минг отлиқ жангчиси бор эди. 1227 йилда мўғуллар билан Исфахон яқинидаги жангда эса унинг ихтиёрида 100 мингдан ортиқ отлиқ ва пиёда жангчи бўлган.”[397], – қабилидаги маълумотлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.



Келинг, унинг яна: “Шубҳасиз, оғир, енгил отлиқлар ва туя минган жангчилар, шунингдек пиёда ва кўнгилли лашкарлардан ташкил топган шундай улкан ва қудратли қўшинга ундан кам бўлмаган ёрдамчи кучлар бириктирилган. Улар ҳаракатдаги қўшинни ўқ-дори, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, пул ва ем-хашак билан таъминлаган.”[398], деган фикридан келиб чиқиб, хоразмшоҳлар қўшини ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб кўрамиз. Агар қорахитойларга ва Бағдод халифасига қарши урушда 400000 отлиқ жангчи қатнашган бўлса, унда бу юришда камида 1 000 000 дан ортиқ одам (чунки яна бир ерда уларнинг оилалари ҳам қатнашган деган маълумот келтириб ўтилган), отлиқ жангчи бўлганлигини ҳисобга олсак 400000 от, қўшин озиқ-овқати учун ишлатиладиган 100 минглаган қорамоллар, қўйлар ва қанчадан-қанча аравалар қатнашган бўлиб чиқади. Шундай қўшиннинг қандай ҳаракатланишини тасаввур қилиб кўрингчи. Буларни та-



396 Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 120.
397 Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 120.
398 Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 120.







саввурга ҳам сиғдириб бўлмайдику. Зеро, ҳозирги кун шароитида ҳам (яъни, замонавий ҳарбий гарнизонлар, базалар ва бинолар, улкан совутгич ва холодильниклар мавжудлиги, аҳолининг кўпайиб, тушадиган солиқлардан бюджет даромадининг анча кўпайганлиги шароитида) бундай қўшинни сақлаш ва уни таъминлаш, боқиш масаласи қийин масала ҳисобланади. Матбуот маълумотларига таяниб таҳлил қиладиган бўлсак, ҳозирда 33 миллион аҳолига эга бўлган Ўзбекистоннинг армияси 65 минг бўлгани ҳолда, ҳарбий резерв ҳам 300 000 кишини ташкил қилади холос. У даврда улкан хоразмшоҳлар империясининг барча ҳудудларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам аҳолининг умумий сони кўпи билан 10 – 12 миллион кишини ташкил қилганлигини ҳамда қўшиннинг асосан ёлланма қўшиндан иборатлигини ҳисобга олган ҳолда ва ниҳоят В.В.Бартольднинг оддий аҳолининг жанг майдонларига камдан-кам ҳолларда жалб қилинганлигини таъкидлаганини ҳисобга оладиган бўлсак, хоразмшоҳларнинг бунча қўшинга эга бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди.

Аммо, қайси тадқиқотчи бу давлат тарихи ёки Жалолиддин Мангуберди ҳақида ёзмоқчи бўлса, барибир айнан шу маълумотларни такрор келтириб ўтаверадилар. Масалан, тадқиқотчи С.Сабурова Ануштагин-хоразмшоҳлар давлати тарихига бағишланган тадқиқотида ҳам З.Буниёдов, ва турк тарихчиси Ойдин Тонарий асарларидан фойдаланиб, мазкур масала борасида баъзи бир хулосалар чиқаришга ҳаракат қилган, аммо, унда ҳам илмий таҳлил кузатилмайди ва тугал хулосалар чиқарилмаган[399].

Ф. Ҳасанов ўзининг "Турон халқлари ҳарбий санъати" асарида З.Буниёдов китобидаги нафақат қўшин сонини,

[399] Сабурова С. А. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй.).// "ИФЕАК иш ҳужжатлари" сериясидан. №32, октябрь. – Тошкент. 2008. – 162 б.

балки хоразмшоҳлар ҳарбий салоҳияти ҳақидаги маълумотларни, тўғридан-тўғри кўчириб қўя қолган[400].

Шу ўринда мазкур бизнинг асарни ўқиётган китобхон ёки ўқувчида бу масалаларни икир-чикиригача кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш зарурми деган савол туғилади.

Бу саволга эса биз шундай жавоб берган бўлардик: бу муаммони ўрганиш нафақат зарур, балки ниҳоятда муҳим масала эканлигини ҳамда айнан бу масала ечими хоразмшоҳларнинг ёки Жалолиддин Мангубердининг мўғуллардан енгилиши муаммосининг ечимларидан бири бўлишини қайта-қайта таъкидлаб ўтган бўлардик. Тўғри бу муаммонинг кўпгина сабаблари бор ва уни биз юқоридаги бўлимларда таҳлил қилиб ўтдик. Шунинг учун биз келгусида эмас балки бугун хоразмшоҳ-ануштегинийларнинг, қолаверса Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий салоҳиятини чуқур илмий таҳлил қилган ҳолда якуний хулосалар чиқаришимиз лозим. Чунки шу пайтгача, мўғуллар босқини арафасидаги хоразмшоҳлар қўшини аҳволи қай даражада бўлганлиги масаласи илмий таҳлил қилинмаган муаммо ҳисобланади.

Хоразмшоҳ-ануштегинийлар кўп йиллар мобайнида турли душманлар билан урушлар олиб борганликлари натижасида бу минтақада турли ҳарбий санъат намуналари қоришмаси, турли жанг усуллари шаклланиши табиий. Демак, Хоразмнинг қадимданоқ турли маданиятлар: Хитой, Эрон, Ҳиндистон, қадимги юнон маданиятлари таъсирида бўлиши унинг шу ҳудудлар ҳарбий санъатидан баҳраманд бўлишига ҳам сабабчи бўлган. Иккинчидан, Хоразм ҳарбий санъатига Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари, шарқий Осиё дашт-кўчманчилари ҳарбий санъати ҳам кучли таъсир қилган. Жумладан, тарихдан маълумки, бу даврда хоразмшоҳлар салжуқийлар, ғурийлар, Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва қорахитойлар билан курашлар

[400] Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2018. – 440 б.







олиб борганлар ва уларнинг жанг усуллари ва қуролларини маълум маънода ўзлаштирганлар, албатта.

Баъзи тадқиқотларга кўра, гўёки Хоразм шоҳлари ўз давлатида мажбурий умумхалқ ҳарбий таълим тизимини жорий қилган эмиш[401]. Бундан хоразмшоҳлар қўшинида номунтазам қўшин бўлган, деган фикр келиб чиқади. Аммо, бу ҳолат кўпчилик манбаларда ўз аксини топмаганлиги учун ҳамда юқоридаги В.В. Бартольднинг аҳолидан тўпланадиган (номунтазам) қўшин тўғрисидаги фикрини тўғри деб қабул қилган ҳолда тадқиқотчиларнинг бу фикрни хоразмшоҳларнинг қўшинида халқдан тўпланадиган номунтазам қўшин ҳам бўлганлигини тасдиқловчи асосий маълумот сифатида қабул қила олмаймиз. Манбаларда фақат эҳтиёж туғилган паллада армияга халқдан ёлланма ҳарбийлар ҳам жалб этилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Аммо, маълумотларнинг кўрсатишича улар ҳам ёлланма бўлган. "Ҳашам" деб номланган бу кўнгилли қисмдан кўпроқ шаҳар ва қалъа мудофаасида фойдаланиларди. Баъзи тадқиқотларда келтирилганидек[402], "ҳашам" ҳамда "мутанажжида" деб номланган ҳарбий қисмлар қўшиннинг асосини ташкил қилмаган. Уларга ҳақ тўланмаган (шунинг ўзи ҳам унинг ёлланма бўлганлигини кўрсатади) ва улар талон – тарож орқали кун кўрганлар.

Тўғри, бирор-бир шаҳар қамал қилинганда, шаҳар аҳолисининг мудофаада иштирок этиши бу бошқа масала. Яъни, бу ҳозирги кундаги каби Ватан мудофааси учун ҳамманинг ўз ватанпарварлик ҳиссасини қўшиши лозимлиги каби бир гап. Лекин бу халқ кўнгиллилари барибир ҳарбийлар табақасига кирмайди. Қайтанга, манбаларга эътибор берадиган бўлсак, мўғуллар босқини даврида

[401] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 118; Сабурова С. А. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм. – Б.104; Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Б. 283.

[402] Сабурова С. А. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм. – Б.106.

шаҳар аҳолиси билан ёрдам учун қолдирилган қўшинлар (лашкари бирун – ташқаридан юборилган қўшин) ёки шаҳар ҳокимининг қўшинлари ўртасида доимо келишмовчилик келиб чиққан ёки улар алоҳида ҳаракат қилиши натижасида мудофаа тизими ниҳоятда сустлашган. Натижаси эса ҳаммага маълумки, шаҳарлар қисқа муддат ичида мўғуллар томонидан эгалланган. Кўпчилик шаҳарларда (Бухоро, Самарқанд, Ўтрор, Жанд ва қисман Гурганж) эса афсуски айнан ёрдамчи қўшинлар ва ҳокимлар ўз қўшинлари билан хиёнат қилиб, шаҳар дарвозаларини ҳам очиб берганлар.



Закария ал-Қазвинийнинг давлат пойтахти Гурганж шаҳри аҳолиси ҳақидаги маълумотларини эса кўпчилик тадқиқотчилар бошқа маънода, яъни Гурганж шаҳрининг барча аҳолиси доимо ҳарбий хизматга шай (яъни ҳозирги заҳирадаги қўшинлар каби) аскарлардан иборат бўлган деб тушунадилар. Жумладан, Закариё Қазвиний бундай деб ёзади: “Жуда кўп аҳолига эга бўлган бу улкан шаҳарнинг барча аҳолиси аскарлардир, ҳатто баққол, қассоб, нонвой ва бўзчилари ҳам аскарлардир. Айтишларича, қорахитойлар (аслида ғурийлар) билан бўлган жангларнинг бирида султон Муҳаммад ибн Текеш енгилиб, шаҳарда бекиниб олган. Султон унча кўп бўлмаган одамлари билан қочган. Буни ҳеч кимга билдирмаслик учун у шаҳарга кечаси кирган. Тонг отганда у шаҳардан 30 минг отлиқ аскар билан чиқиб, душманга қарши йўл олган”[403].



Аммо, В.В. Бартольднинг ўз асарида Авфий маълумотига таяниб билдирган фикрига кўра, аслида бундай ҳолат малика Туркон Хотуннинг ҳийласи бўлган. Яъни, Туркон Хотун шаҳарни қамал қилаётган ғурийларга шаҳарда асосий қўшиннинг йўқлигини билдирмаслик учун шаҳар аҳолисининг барчасини ёлғондакам “қуроллантирган”



[403] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. I. – С.414. Прим. 5. 33 бетга қараш керак.







ҳамда шу орқали душманга Хоразм жангчиларининг беҳисоблигини кўрсатиб, уни қамал мақсадидан қайтариш учун шундай қилган. Шуниси диққатга сазоворки, бу қурол-яроғлар ҳақиқий бўлмаган, жумладан дубулғалар қоғоздан ясалган[404]. Закариё Қазвинийнинг юқоридаги фикрини эса айнан шу маънода тушуниш керак. Муҳаммад хоразмшоҳ шаҳарга кириб келганда эса унинг бор йўғи юзта жангчиси бўлган. Унинг тонг отганда 30000 отлиқ аскар билан чиқиб кетганлиги воқеасида ҳам қўшинлар сонини ошириб кўрсатиш анъасига дуч келамиз. Қолаверса, воқеалар ривожида бу қўшинлар ҳам турли томонларга қочиб кетиб, кейин келиб йиғилган қўшин бўлганлиги кўриниб турибди[405].

Хоразмшоҳларнинг ҳарбий ташкилоти ҳам ҳудди салжуқийларникига ўхшаш бўлган эди демасдан, ўзидан олдин ўтган ва ўзига замондош мусулмон давлат ва сулолаларникига (сомонийлар, ғазнавийлар, ғурийлар, қорахонийлар ва ниҳоят салжуқийларникига) ўхшаш бўлган дейилса тўғри бўларди. Чунки, манбаларда келтирилган бир қанча мансаб ва лавозимлар энг аввало сомонийлар давридан, қолаверса ғазнавийлар давридан мавжуд бўлиб келаётган эди. Жумладан, оддийгина сарханг, яъни 500 кишилик гуруҳ қўмондони араблар давридан маълум. Шу билан бирга фақат Хоразмга хос бўлган мансаб лавозимлар ёки қўшин бўлинмалари мавжуд бўлиб, бу алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Айни замонда армия қўмондонларининг рутбаларида Алоуддин Муҳаммад давридан бошлаб, бир қанча ўзгартиришлар қилинган. Лекин унинг ижобий аҳамиятга эга бўлмаганлигини ва қўшиннинг сифат даражасига таъсир қилмаганлигини кейинги воқеалар кўрсатиб берди.

Жалолиддин Хоразмшоҳ даврида ҳам султон Алоуддин Муҳаммад вақтига нисбатан армияни ташкил этган

---

404 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. I. – С.414.

405 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. I. – С.414. Прим. 5.

унсурларга қатор ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, қўшиннинг этник таркиби илгаригидек, турли қабилалар алоҳида бўлинмаларни ташкил этиши анъанасидан воз кечилганлиги аниқ. Чунки, Парвон жанггидан кейинги аччиқ сабоқ Жалолиддин учун етарлича дарс бўлган. У бу муаммони тўлиқ бартараф қилаолган дея олмасак ҳам, манбаларда Жалолиддиннинг душманлари билан кейинги жангларида бундай ҳолат кўзга ташланмайди.



Хоразмшоҳларда қўшинга оид бошқарув ишлари билан буюк девоннинг бўлими - девони арз шуғулланган. Давлат хазинасидан олинган маблағлар ва уларнинг сарфи тўғрисидаги барча ёзувлар шу девонда сақланган. Аммо, бу дафтарлар бизгача етиб келмаган ва фақат бирор-бир воқеага боғлиқ ҳолда баъзи ёзма манбаларда бу дафтарлар маълумотлари келтириб ўтилган. Бизнинг фикримизча эса, уларнинг маълумотлари доимо ҳам ишончли бўлавермаган. Порахўрлик авж олган даврда бу дафтарларда маълум вилоятлардан тўпланадиган қўшинлар сони атайин ошириб кўрсатилган дейишга тўла асосимиз бор. Чунки аскарлар сонини кўпайтириш орқали иложи борича давлат уларга тўланиши лозим бўлган пулларни алдов йўли билан кўпроқ ундиришга ҳаракат қилган бўлишлари табиий. Шу ўринда, Жувайнийнинг хоразмшоҳлар қўшини қандай сафарбар қилинганлиги ёки тўпланганлиги ва сифат даражаси қандай бўлганлигини яққол очиб берувчи қуйидаги маълумотларини келтириб ўтиш ўринли бўларди: "У ерларда пулига бир неча қулларни сотиб олган, молхонаси ё отхонасида бир-икки ҳайвонлари бор бўлган киши ўзини бой деб ҳисоблаб, у билан ўйланиброқ гаплашиш зарур. Бундан ташқари унинг қўл остида қўшин ҳам, бойлик ҳам бўлса, у энди бўйсунишни истайдими? Бу ҳолатда унинг қиладиган биринчи иши ўзига мансаб ва бойлик берган кишига қарши чиқиши бўлади. Агар ҳукмдор бирор давлатга ҳужум уюштирмоқчи бўлса, ёки аксинча бирор бир душман ҳужум қилса, бунга зарур қўшинни тўплаш учун ойлар, йил-











лар кетарди ва аскарларнинг, лашкарбошиларнинг маошини тўлаш ва уларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун эса лиқ тўла хазина бўлиши лозим бўларди. Маош ёки қўшимча устама олиш даврида аскарлар сони юздан ва ҳатто мингдан ошиб кетарди. Аммо, жанг қилишга тўғри келган пайтда, жанг майдонида улардан ҳеч кимни топиб бўлмайди ва қўшин сафи бўшаб, камайиб қоларди....Яна бу мамлакат амирлари ўз эҳтиёжларини атайин ортиқча қилиб кўрсатадилар, аскарлари сонини ҳам атайин кўп *қилиб кўрсатадилар. Ҳисоб пайтида эса кўп ҳийлаларни ўйлаб топишади.*[406]" Шу жиҳатдан олганда, З. Буниёдов назарда тутган қайд дафтарларидаги қўшин сони фақат рўйхатда бор-у, амалда шу келтирилган соннинг ярмидан ҳам озини ёки чорак қисмини ташкил қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз юқорида таъкидлаганимиздек, З.Буниёдов ва С.Сабуроваларнинг ўз тадқиқотларида ёзма манбалар маълумотларига таяниб кўрсатиб ўтган хоразмшоҳ-ануштегинийлар ҳарбий тизими, қўшинлари сони ҳақидаги маълумотларидан эҳтиётроқ бўлиб фойдаланиш лозимлигини таъкидлаган эдик.

Ўрта асрларда давлатларни ички тарафдан емирувчи яна бир куч – иқто тизими Хоразмшоҳлар даврида ҳам бор эди. Қўшинда хизмат қилган ҳарбийларнинг ҳаммаси маълум қийматдаги иқтоларга эга бўлишган. Хусусан, катта, кичик саркардалар, қўмондонлар ва ҳарбий волийларнинг бой иқтолари бор эди. Катта иқтолар ҳукмдорнинг марҳаматига мувофиқ, камайиши ёки янада йириклашиши мумкин эди. Кичик иқтолар эса ўзгармаган. Улар ота мерос эди. Иқто эгалари чақирилган заҳоти ўз амирлари қаноти остига тўпланишар ва юриш тугагач, яна ўз ерларига қайтиб кетишарди. Хоразмшоҳлар янги бир ўлкани забт этгач, у ердаги ерлар дарҳол иқтоларга бўлиниб, мансабдорлар ўртасида тақсимланар ва девони арз дафтарида қайд қилинар эди.

---

[406] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).- Б.103.

Бу иқтодорлардан ташкил топган кўп сонли суворий қўшин, вилоят аскарларини ташкил этарди. Душман ҳужуми даврида вилоят ва шаҳарларга юбориладиган қўшимча кучлар (лашкари бирун) ҳам айнан шулардан ташкил топарди. Аммо ўзаро ички курашлар ғоятда кучайган шароитда бу қўшинлар умуман ишончсиз эдики, мўғуллар босқини уларнинг қиёфасини тўлиқ очиб берди.

Бундан ташқари, ҳукмдорнинг гвардияси ҳам мавжуд бўлиб, у "харас" деб аталган. Гвардия ичидан танлаб олинган "хоса ғуломон" деб аталган қисмга эса султон хавфсизлиги ва ҳаётини сақлаш вазифаси юклатилган эди. Уруш, жанг вақтларида бу қисм султон атрофида бўларди[407]. Манбаларда мўғуллар ва бошқа кўпгина жангларда Жалолиддин Мангубердининг ҳам хоссоқчилари ва ғуломлари бўлганлиги кўп бора эслатилган.





Хоразмшоҳларнинг дастлабки ҳукмдорлари даврида вилоят марказларида юқоридаги йирик ер эгаларининг қўшинларидан ташқари етарли миқдорда давлатнинг ўз ҳарбий қисмлари турган. Бундан ташқари, мамлакатнинг чегара қисмлари, йўллар ва мудофаа аҳамиятига молик, яроқли қалъаларда мудофаа қисмлари бор эди. Волийлар ва қалъа қўмондонлари асосан асли туркий бўлган сарой хизматчиларидан тайинланган. Муҳаммад хоразмшоҳ даврида эса улар йирик уруғ беклари орасидан танланадиган бўлган. Бу бадавлат ва нуфузли шахсларнинг қўли остида бевосита уларга бўйсунадиган ва аксарият ҳолларда қуллардан таркиб топган хусусий ҳарбий қисмлар ҳам бор эди. Уруғ беклари хизматга тайинланган жойга ўз уруғига мансуб муҳим бир қисмни олиб кетарди. Иқто соҳибларидан ташкил топган маҳаллий қисмлар ҳам уларнинг қўли остида бўлган[408]. Бора-бора бу ҳокимлар, уруғ беклари "иккинчи ҳукмдор" – Туркон



---

[407] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 120; Сабурова С. А. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм. – Б.106.

[408] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Б.260.







Хотун қариндошларидан тайинланиб, бу жараён кейинчалик аянчли оқибатларга олиб келди. Инолчиқ Ғойирхон, Тўғайхон, Хумортегин ва шу каби ношуд ҳокимлар ва сотқинларнинг барчаси унинг қариндошлари бўлгани ҳолда Муҳаммад хоразмшоҳнинг асосий қўшинини ташкил қилганлар.

Хоразмшоҳлар қўшини таркибида учинчи турдаги қўшинлар бўлиб, улар маҳаллий хонадонларнинг идорасидаги мухтор вилоятлар ёки вассал давлатларнинг аҳднома шартларига мувофиқ, яъни хоразмшоҳларга муайян миқдорда ҳарбий қисмлар жўнатиш мажбуриятидан келиб чиқиб тўпланган қўшинлар эдилар. Бу қисмларнинг барча сарф-харажати ҳам уларнинг бўйнида бўлган. Афсуски, мўғуллар босқини билан боғлиқ воқеаларни таҳлил қилар эканмиз, бу турдаги қўшинлар ҳақида умуман маълумотлар учратмаймиз.

Юқоридагиларнинг барчасидан умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, шу пайтгача хоразмшоҳларнинг қўшини сони ва турларининг ҳарбий салоҳияти ҳамда сифати даражаси тўғрисидаги мавжуд маълумотларни қайтадан кўриб чиқиш лозим деб ўйлаймиз. Кўпгина маълумотларни таҳлил қилиш жараёнидан кўриниб турибдики, хоразмшоҳлар қўшинининг барча турлари – вилоятлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимлари ва қабила-уруғлар хонлари ва беклари қўшинлари, шу жумладан, Жалолиддин Мангуберди қўшини ёлланма бўлиб, уларнинг жанговорлик салоҳияти ўта интизомли ҳамда ҳамма жангчилар, ҳатто лашкарбошилари бир ҳил мавқеда бўлган мўғул қўшинига нисбатан анчайин паст бўлган. Лекин, қўшини сони кўп бўлгани ҳолда, унинг этник таркиби турли-туман ва интизомсиз ёлланма қўшинлардан иборат бўлганлиги хоразмшоҳларнинг, жумладан, Жалолиддин Мангубердининг мўғуллардан енгилишининг ҳал қилувчи сабаби бўлмасада, воқеалар жараёнига етарлича таъсирини ўтказа олганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Яна бир энг муҳим хулоса кўпгина тадқиқотчилар

томонидан “халқ армияси” деб таъриф берилган мўғул мунтазам қўшинидан фарқли ўлароқ, хоразмшоҳ ҳукмдорлар ўз армиясини тузган вақтда унинг армияси ёлланма (зархарид) турк аскарларидан тузилган эди. Қўшин бўлинмалари ва қисмлар қабилавий асосда ташкил қилинар эди. Ҳатто давлатнинг энг гуллаб-яшнаган, аскарликка бошқа халқ ва қабила йигитлари олинган вақтларда ҳам ёлланма турклар қўшиннинг асосий ва жанговар қисмини ташкил қилар эди.



Султон Алоуддин даврида армия энг аввало қипчоқлар, сўнг қалач, қарлуқ, уран, уғрақ каби уруғлардан ташкил топганди. Алоуддин даврида уруғ беклари қўл остида бўлган ёлланма қипчоқ – қанглилар гвардиянинг асосини ташкил қилган. Улар қуролланиши жиҳатдан яхши қуролланган қўшин бўлсада, ёлланма қўшин қандай хусусиятга эга бўлса, шу хусусиятни ўзида мужассам этган эдиларки, уларда на она ватан туйғуси, на жангчига хос мардлик каби ижобий хислатлар мавжуд эмас эди. Уларни фақат бойлик ва ўлжа қизиқтирган. Қолаверса, уларнинг ўзлари ҳам турли уруғ вакиллари бўлиб, бир – бири билан умуман келиша олмаганлар. Бу ҳолат Жалолиддиннинг энг муҳим жангги, Парвон даштидаги жангдаги ғалабасидан кейин ўз таъсирини кўрсатиб, ғалаба натижаларини дерли йўққа чиқарди. Айрим қипчоқ беклари Жалолиддин валиаҳдликка тайин қилингандан сўнг унга қарши бош кўтаришган ва ҳатто Жалолиддиннинг пойтахтни тарк қилишига сабабчи бўлган эдилар. Баъзи тадқиқотчилар шундан келиб чиқиб, Жалолиддин салтанатининг охирига қадар қипчоқларга ишонмади ва уларни армияга олмади деб хато фикр юритадилар. Чунки, Жувайнийда Жалолиддиннинг Грузияга юришларидан бирида грузинлар тарафида турган қипчоқларни “уларни отаси қўлидан қутқарган пайтда берган ваъдаларини” эслатиб, ўз томонига оғдириб олган эди[409].





[409] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).- Б.395.



Насавийда эса Дарбанд довони ортидаги қипчоқларни ёрдамга чақиргани ва уларнинг бошлиғи Гурхон султонга хизмат қилишга рози бўлганлигини ёзади[410]. Қолаверса, бирорта манбада Жалолиддин қўшини этник таркиби қандай бўлганлиги батафсил баён қилинмаган. Иккинчидан, Жалолиддиннинг қўшини асосини фақат туркманлар ташкил қилганлиги ҳам манбалар маълумотларига зид ҳисобланади. Чунки, Жалолиддин ўз давлатини тузган ҳудудларда турли ҳалқлар ва қабилалар яшаганки, улар Жалолиддин қўшинининнинг қабилавий тузилишига таъсир қилган ва қўшиннинг турли қабилалардан ташкил топишига олиб келган. Шу жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек, қипчоқлар ҳам Жалолиддин қўшини таркибига жалб қилинган. Чунки, кўпгина урушлар олиб борган Жалолиддин учун ҳар қандай қўшимча куч зарар қилмаган. Улар ҳатто мўғул бўлса ҳам. Қолаверса, ҳар тарафдан душманлар ўраб олган шароитда қўшиннинг этник таркибига алоҳида эътибор беришнинг имконияти ҳам, аҳамияти ҳам йўқ эди.



Хоразмшоҳларнинг ҳарбий зобитлар таркиби, ҳарбий унвонлар қандай бўлганлигини З.Буниёдов ўз асарида батафсил маълумотлар бериб ўтган ва бу ҳақда айниқса Насавийнинг асаридан ва бошқа кўпгина манбалардан ҳам билиб олиш мумкин.

Жумладан, хоразмшоҳлар лашкарларининг бош қўмондонига «қоъид» ёки «муқаддам» деган унвон берилган. Аммо дастлаб бунга лаёқатли ва энг қобилиятли амирлар кўрсатилар эди. Масалан, Хоразмшоҳ Эл-Арслон “ҳарбий қўмондон (ал-муқаддим ал-асокир) қилиб, қорлуқ амирларидан бири бўлган Шамс ул мулк ибн Ҳусайн Айёрбекни тайинлади. Шоҳ унга синглисини узатди ва ўз қўшинига қўмондон (қаъид жайшиҳий) қилиб олди”. Алоуддин Муҳаммад I нинг ҳокимияти вақтида Рай ўлкасининг беги ва ҳарбий қўмондони этиб шаҳзода



---

[410] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.207-209.

Абулфатҳ Юсуф тайинланган бўлиб, унинг унвони «амири исфаҳсолор» эди[411]. Ўлкаларда ҳарбий қўмондонларга «соҳиб ал-жайш» унвони берилар эди. Муҳаммад хоразмшоҳ даврига келиб эса улар фақат қариндошлик-уруғчилик тамойилларига асослана бошлади.

Хоразм шоҳлари янги забт этилган ўлка ёки вилоят ерларини амирларга иқтоъ тариқасида тақсимлаб берар ва маҳаллий амирлар орасидан энг кўзга кўринганини уларга бошлиқ қилиб тайинлар ҳамда унга «амир ал-умаро» (амирлар амири) номини берар эди.



Ўн минг кишилик суворийлар гуруҳига қўмондонлик қилган кишилар «малик» унвонига эга бўлар эди. Камдан-кам ҳоллардагина бундай унвонлар паст табақадан чиққанларга берилар эди. Масалан, шоҳ Алоуддин Муҳаммад даврида султон таштдори Аёз «малик» даражасигача кўтарилди. Оддий халқ орасидан чиққан Муаййид ал-мулк Қавомиддин ҳам «малик» унвонини олган, буни ан-Насавий "жуда қийин эришилган ютуқ" деб баҳолаган[412].



Жангларда алоҳида ўзини кўрсатган маликларга «хон» унвони берилар эди.

Хоразм шоҳлари қўшинидаги чопарларга "човуш" унвони, уларнинг бошлиғига эса "муқаддами човушия" деган ном берилар эди.

Жалолиддин Хоразмшоҳ қўшин қўмондонларига юксак унвонлар берди. У отаси султон Алоуддин каби амирлик рутбасидан юқори бўлган хон ва малик унвонларини юқори мансабдорларига берди. У даврда "хон" армиянинг энг юксак унвони эди. Ундан кейин малик ва амир унвони турарди[413]. Улардан кейин қўшинда "сипоҳбуд" дейилган ва суворийларга қўмондонлик қилган юксак унвонли зобитлар тоифаси бор эди. Муқаддам қисм қў-



---

[411] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 121; Сабурова С. А. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм. – Б.108.

[412] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.47.

[413] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. - Б.170, 353.







мондонига "паҳлавон" дейиларди. Унвони юқори бўлган хон, малик, амир, сипоҳбуд ва паҳлавонларнинг қўл остида кичик унвонли зобитлар, сарҳанглар ва човушлар хизмат қилган.

Султон жангда ўзини кўрсатганга унвон берар эди. Булар алп, хон, хос хон, сунгур хон деган унвонлар ҳам бўлган[414].

Ҳарбий ташкилотга мансуб қўмондонлар ҳам, аскарлар ҳам туркий қавмлардан бўлган. Айни чоғда, турли сабабларга кўра Жалолиддин қўшинида мўғуллар ҳам хизмат қилган. Жумладан, Насавийнинг ёзишича, мўғул амирларидан бири Исфаҳон ёнида мўғулларга қарши жангда султон тарафига қочиб ўтган ва айнан у Тойнал нўённинг Жалолиддин хусусидаги сўзларини етказган эди. Лекин, Насавий унинг исмини келтириб ўтмайди. Иккинчисининг исми Кўкэ Бижкэм бўлиб, жонини сақлаш учун Жалолиддиннинг ҳузурига қочиб келган эди[415].

Насавий Жалолиддиннинг ҳарбий соҳада мўғулларнинг айрим одатларини қабул қилганлигини ёзади. Жумладан, Жалолиддин ўзининг вазири Шарафмулкнинг ҳожиб Алига қарши жанг олиб бораётган Маранддаги қўшинига ўзининг учта амири: Куч Тегин Паҳлавон, ҳожиб ал-хасс Хонберди ва амир – охур Ўдоқларни ёрдамга юборади. Афтидан, бу амирлар Исфаҳон жангида сусткашликка йўл қўйганлар ёки жанг майдонидан қочган бўлишлари мумкин. Чунки бу жангда чап қанот амирларидан уччаласидан бошқа ҳаммаси қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлганлар. Мўғуллар ўз вазифасини уддалай олмаган кишига бундан ҳам оғирроқ ва таҳликалироқ вазифа топширишган, агар уддаласа уни кечиришган. Жалолиддин ҳам ўз амирларига нисбатан мўғуллардан ўтган бу одатни тадбиқ этди[416].

[414] Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. (Турк тилидан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси). Т.: Шарқ, 1999. – Б. 91.

[415] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. - Б.169, 288-289.

[416] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.200.

Энди, хоразмшоҳлар лашкаридаги баъзи ҳарбий унвонларни кўрсатиб ўтадиган бўлсак, булар ичида нуфузи жиҳатидан бош қўмондондан кейин турувчи нозир ал-жайш (ҳарбий нозир) –лавозими бўлиб, у ҳарбий девонхона бошлиғининг назорати остида фаолият кўрсатар эди[417].



Бундан ташқари: Ариз ёки девон ал-жайш – қўшинлар штабининг бошлиғи[418], жамақдор (султон девон ал-хоссининг хизматчиларидан бири ёки султоннинг шахсий мамлуги ёки шахсий қўшини жангчиси)[419], мустаҳфиз (қалъалардаги горнизонлар қўмондони)[420], жондор (сарой мансаби, султоннинг соқчиси)[421], силоҳдор (Хоразмшоҳ қўшини девонидаги қурол-яроғ сақланадиган бўлинманинг бошлиғи)[422], сарҳанг (500 лашкарга бош бўлган лашкарбоши)[423] каби мансаблар ҳам бўлган.

Хоразмшоҳлар давлатида хуфия айғоқчилар бўлими ҳам бўлиб, у – жосусия деб аталган ҳамда манбаларда ўта муҳим иш бўлганлиги таъкидланади[424].



Барча мусулмон давлатларида бўлгани каби қўшин ичидаги ҳарбий, диний-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқувчи ва ҳал қилувчи – қозий ҳашам, лашкарий ҳазрат ёки қози ал-асокир каби қозилик ташкилотлар ҳам бўлган[425].

Энди, Хоразмшоҳларнинг, шу жумладан, Жалолиддин Мангубердининг қўшинининг қуролланиши қай даражада бўлганлигини таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразм оғир қуролланган отлиқ мунтазам қўшини эндиликда ўз аҳамиятини йўқотган эди.



[417] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б.121.

[418] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.– Б. 214, 363.

[419] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.– Б. 278,373.

[420] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 122.

[421] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 192, 357.

[422] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 35, 266, 305, 372.

[423] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 69, 319.

[424] Низом ул-мулк. Сиёсатнома. – Б. 75-88.

[425] Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 122. Яна қаранг Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 49, 311.







Аммо, бу билан ёлланма қўшиндан иборат қўшин яхши қуролланмаган эди, деган хулоса келиб чиқмайди. Жумладан, ёлланма қипчоқ оғир қуролланган отлиқ жангчилари шу даврда энг жангавор отлиқ қўшин сифатида кўпгина давлатларда ёлланма жангчилар сифатида хизмат қилганлар.

Жалолиддин армиясининг ҳам катта қисми суворийлардан иборат бўлгани назарда тутилса, отнинг аҳамияти ўз-ўзидан ойдинлашади. Жалолиддин отга катта аҳамият берган. Жумладан, Насавийнинг ёзишича, унинг Бағдод халифасига юборган совғалари ичида энг қадрлиси мўғул отлари бўлган[426]. Шу билан бирга, манбаларда ҳукмдорлар бир-бирига юборган совғалар ичида энг қимматлиси от бўлганлигини кўрсатувчи жуда кўп маълумотлар мавжуд.

Султон ва катта амалдорлар отларни махсус яйловларда етиштирганлар. Жумладан, манбаларда Муқон водийси от боқиш учун жуда қулай ер бўлганлиги акс этган. Ҳатто мўғуллар ҳам бу ерни билиб, баъзида шу ерда қишлаганлар ва отларини кўпайтирганлар[427]. Қўшин, шунингдек, кўчманчи туркманлардан сотиб олинган ва ўлжа туширилган отлар ҳисобига ҳам таъминланган бўлса керак. Бундан ташқари, вассал ҳукмдорлар ҳадя тариқасида ҳарбий анжомлар қаторида хачир ва туялар қаторида от ҳам юборганликлари манбалардан маълум.

Кейинчалик Жалолиддин мўғуллар билан кўп бора тўқнашганидан кейин, пиёда қўшинларга ҳам катта эътибор бера бошлади. Чунки жанглар таҳлили шуни кўрсатдики, мўғулларнинг камончи отлиқлари ҳужум қилганда, улар ёғдирган ўқ ёмғиридан кўпроқ отлиқлар зарар кўрган. Шунинг учун у мўғул отлиқ камончиларига ҳам, кейинчалик грузин қўшинига ҳам пиёда камончиларни қарши қўйган ва ютиб чиққан. Бу манбаларда кам эсла-

---

[426] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.245.

[427] Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 365-366, 407.

тилсада ва асосан Жалолиддиннинг ўзининг урушни ўз отлиқлари билан бошлаб берганликлари кўп бора тилга олинсада, айнан шу ҳужумлар пиёда камончиларнинг душманга қарши ўқ ёғдириш ёрдамида амалга оширилган деган хулосага келиш мумкин.



Хоразмшоҳлар қўшини ўз даврнинг энг мукаммал қурол-аслаҳаси, мустаҳкам қалъаларни забт қилиш учун керакли турли техник воситаларга эга бўлганлиги табиий. Бунинг исботи сифатида мўғулларнинг ҳарбий санъатини ўрганган кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, мўғул қўшинининг асосини дастлаб енгил камончи отлиқлар ташкил қилган бўлса, айнан, Хоразм билан бўлган урушдан кейин мўғуллар қўшинининг асосини оғир қуролланган отлиқ жангчилар ташкил қилган.



Хоразмшоҳларнинг суворийлари ҳам, пиёда аскарлари ҳам энг замонавий қуроллар билан қуролланган эди. Энг аввало, ўқ-ёй, қалқон, қилич, найза асосий қуроллар эди. Хоразмликлар қамал воситаси сифатида манжанақ, нарвон ва девортешар қуроллар ишлатганлар. Ҳилот қамали вақтида Жалолиддин ўн иккита манжанақ курдирган. Уларнинг ҳар бирини саккиз киши ишлатган. Қамал вақтида Жаҳоншоҳ «қорабуғро» деб аталган бир манжанақ, кўп миқдорда ўқ-ёй, қалқон ҳадя қилган. Қамал машиналари (даббобат), «тошбақалар», яъни ҳаракатчан миноралар (матарис), таранлар (жамалуқот) ва штурм нарвонлари (салолим) бўлган. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, мўғуллар қамал машиналарининг баъзи турларини мусулмон дунёсидан, аниқроғи, уларнинг биринчи зарбасини қабул қилган Хоразм давлатидан ўрганганлар ёки қабул қилганлар[428].



Жанговар ҳаракатлар бошланиши олдидан ёки уруш эълон қилинишидан аввал хоразмликлар бўлажак ҳаракатларни муҳокама қилиш учун ҳарбий кенгаш чақирган-

---

[428] Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – С. 231-241.







лар. Унга йирик лашкарбошилар, уламолар, фақиҳлар ва мунажжимлар таклиф қилинган. Бироқ бу ҳарбий кенгашлар доимо қарорнинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, хоразмшоҳнинг якка ўзи қабул қилган қарор билан тугар эди.

Хоразмшоҳлар қўшинининг ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳужум ва мудофаадаги тузилиши қуйидагича бўлган: авангард (аванғор – олдинги қисм) – ўнг қанот – марказ – сўл қанот – аръергард (орқадаги қисм) ва пистирма. Манбаларда таъкидланишича, ҳар бир 10 минг кишилик қўшин ортидан жангчиларнинг оилалари эргашиб юрган. Шу билан бирга баъзи жангларда жанговар яроғ-аслаҳалар билан қуролланган хотин-қизлар ҳам иштирок этган. Аммо бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, манбаларнинг бирортасида, жангларда хотин – қизлар қатнашганлигини кўрсатувчи маълумот мавжуд эмас.

Хоразмшоҳлар қўшини жангга кирганда ёки ҳимояланганда ўзига хос тартиб-қоидага амал қилган. Бунда қўшиннинг олдида “муқаддима” ёки “ёзоқ” қисми бўлган. Буни қўшиннинг илғор қисми ҳам дейишган. Бу қисм қўшиннинг асосий қисми учун йўл очиб берган ва асосий қисмнинг душман қўшини билан юзма-юз келиб қолишининг олдини олган. Қўшиннинг “ёзоқ”, илғор қисмидан кейин ўнг қанот лашкарлари жойлашган. Бу “маймана” деб аталган. Ундан кейин қўшиннинг марказий қисми ўрин эгаллаган. Марказий қисмга “қалб” деб ном берилган. “Қалб”дан кейин қўшиннинг чап қанот қисми ўрин олган. “Майсара” чап қанот қўшин номини билдирган. Энг охирида асосий қўшиндан кейин борувчи ҳимояловчи ва пистирма қисмлар бўлган. Улар “муъаххара” ва “хафиа” номлари билан аталган.

Хоразмшоҳлар давлатида қўшин (армия) бир неча қисмлар ва бўлинмалардан ташкил топган. Энг кичик қисм ўн иккитадан ўн олтитагача лашкардан иборат бўлган. Унга ўнбошилар етакчилик қилган. Ундан кейинги қисм юз йигирматадан юз олтмиштагача лашкарни

ўз ичига олган. Уни юзбошилар бошқарган. Навбатдаги қисмга бир минг беш юз лашкар бириккан. Унга мингбошилар раҳбарлик қилган. Ўн мингдан ортиқ лашкарлардан иборат қўшин бўлинма, туман деб аталган. Бўлинма, туманни эса малик унвонига эга бўлган ҳарбий бошқарган. Қўшин бир неча ўнлаб бўлинмалардан ташкил топган. Мамлакатнинг, давлатнинг барча қўшинлари олий ҳарбий бошқарув "Девон ал-ард" ёки "Девон ал-жайш", яъни "Қўшин девони" томонидан бошқарилган. "Қўшин девони" бошлиғи эса "соҳиб ал-жайш" ёки "арид ал-жайш" деб аталган. Хоразмшоҳлар қўшинининг "соҳиб ал-жайш"и "қоъид" ёки "муқаддам" деган унвон билан улуғланган. Масалан, хоразмшоҳ Эл-Арслон қўшинларининг бошлиғи — муқаддами қилиб қорлуқ амири Шамсулмулк ибн Ҳусайн Айийёрбекни тайинлаган ва уни ўз синглисига уйлантирган. Жалолиддин Мангуберди қўшинининг бошлиғи — муқаддами эса кўп ҳолларда унинг ўзи бўлган. Айрим ҳолларда лашкар бошилар муқаддам қилиб тайинланган. "Қўшин девони" лашкарларни рўйхатдан ўтказиш, уларни қуроллантириш, лашкарбошиларни тайинлаш, уларга ойлик белгилаш, қўшинни озиқ-овқат ва маблағлар билан таъминлаш каби ҳарбий ишларга бошчилик қилган. "Қўшин девони" таркибида "девон нозири", "девон қозиси" каби ҳарбий лавозимлар ҳам бўлган. Бу лавозим эгалари қўшиндаги бўлинмалар, қисмлар фаолиятини назорат қилиш, лашкарлар ва лашкарбошилар ҳақ-ҳуқуқларининг қонуний асосларини белгилаш билан шуғулланганлар.





Жалолиддин даврида хоразмликлар қўшинининг сони қанча бўлгани ҳақида аниқ бир рақам айтиш мушкул. Аммо, юқоридаги манбалардаги маълумотларни танқидий таҳлил қилган ҳолда шуни айтиш лозимки, унинг қўшин сонининг энг кўп бўлган даври 40 мингга яқин кишидан иборат бўлган.



Жалолиддин қўшинида жангавор байроқлар бўлганлиги табиий. Чунки,байроқлар нафақат жанг майдонида







қўшиннинг руҳини кўтариш учун ишлатилган, балки, бу байроқлар катта амирлар, хон, малик ва кичик амирлар, уруғ бошлиқларида ҳам бўлиб, жанг майдонида уларнинг кимга ёки қайси уруғга тегишлилигини кўрсатишидан ташқари уларни жанг майдонида бошқаришни ҳам осонлаштирган.

Хоразмшоҳ қўшинининг қисмлари ҳам давлатнинг рамзи бўлган қора байроқ кўтариб юрган. Уларни кўтариб юрган махсус байроқдорлар бўлган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Жалолиддининг байроғи қора рангда бўлганлиги хоразмшоҳларнинг Султон Санжарнинг ва Буюк Салжуқийлар салтанатининг қонуний ворислари деб ҳисоблашларидан келиб чиққан.

Урушдан олдин сафарбарлик эълон қилинган аммо уни, шубҳасиз, фақат султон эълон қилган. Сафарбарлик кенгашдан сўнг эълон қилинган. Жалолиддин сафарбарлик қарорига келгач, қўшинининг юксак рутбали саркардаларига, яъни хон, малик, амир ва паҳлавонларга, гоҳо човушларга қирмизи ўқ юборар эди. Қирмизи ўқни олган қисм қўмондони дарҳол қўл остидаги аскарлари билан султон ёнига етиб келарди.

Сафарбарликнинг яна мактуб йўллаб, ҳузурига чақиртириш, узук юбориш каби бошқа шакллари ҳам мавжуд эди.

Сафарбарликдан сўнг қўшин тўплангач, қўшин расмий кўрикдан ўтказаилган. Бу йўл билан ҳукмдор аскарларининг тайёргарлигини ва уларнинг анжомини назорат қиларди. Бундан ташқари расмий кўрик аскарларининг руҳини кўтаришга ҳам хизмат қиларди.

Баъзи тадқиқотлардаги Жалолиддин Хоразмшоҳнинг урушга қарор бергач, душман билан тўқнашишдан бир-икки кун олдин жангаворлик қобилиятини ошириш нуқтаи назаридан ов ташкил қилиши ҳақидаги маълумотлар[429] ҳам манбаларда эслатилмайди. Манбаларда келтирилган ов билан боғлиқ воқеалар Жалолиддин-

---

429 Сабурова С. А. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм. – Б.115.

нинг овдан кўнгихушликнинг бир тури сифатида фойдаланганлигини кўрсатади холос. Овдан ўз жангаворлик қобилиятини ошириш учун эса мўғуллар кенг фойдаланганини маълум.



Манбаларда урушдан олдин мажлис ўтказилганлиги, унда жангда қўлланиладиган тактика тўғрисида фикрлашилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Аммо, уларга эътибор қаратадиган бўлсак, Жалолиддин фақат ўзининг фикрини маъқуллаб жангга кирган. Шу билан бирга, Жалолиддин жангни қайси куни бошлаш тўғрисида мунажжимларнинг маълумотларига суянганлиги манбаларда учрайди. Лекин бу масалада ҳам у кўпинча ўзи мустақил қарор қабул қилган. Масалан, Жувайнийнинг таъқидлашича, грузинлар билан Миндур яқинидаги жангда, мунажжимнинг (аслида вазир Шарофулмулк) қўшин озлиги сабабли, сув манбаларини эгаллаб, душманни сувсиз қолдириб, кейин шунгача етарли куч тўплаб, уларни янчиб ташлаш керак деганда, Жалолиддин унинг бошига сиёҳдон билан уриб, жангга кирамиз деб ўз сўзида турган ва жангга кириб грузин қўшинини енгган[430]. У фақат мўғуллар билан бўлган Исфаҳон ёнидаги жанг олдидан мунажимларнинг маслаҳатига қулоқ тутиб, уларнинг маслаҳати билан жангга тўртинчи куни кирган[431].



Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича Жалолиддин жангга анъанавий Шарқ давлатлари жанг шаклларида: майдон жанги, қуршовга олиш ва муқобил тўқнашув тарзида уч хил шаклда жангга кирган эмиш. Аммо бу кўрсатилганлардан қуршовга олишдан бошқалари жанг шакллари эмас, балки бутун бир жанг жараёнининг босқичлари ҳисобланади. Жанг шакллари деб эса ёлғондакам чекиниш, пистирма қўйиш, айланиб ўтиб ён томондан зарба бериш (тўлғама) каби тактик жараёнлар тушунилади. Жумладан, Жалолиддин мўғулларга қарши



[430] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).- Б.394.

[431] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.165.







Парвон жанггида дастлаб отдан тушиб пиёда жанг қилиш усулини қўллаб мўғулларни қуршаб олишга ҳаракат қилган. Натижада, Шики Хутуҳи нўён қўллаган мўғулларнинг севимли услуби, ёлғондакам чекиниб, сўнгра зарба бериш усули ўз қўшинининг қуршовга тушиб қолиш хавфини келтириб чиқарган ва энди улар ҳақиқатдан чекинганлар.

Синд дарёси бўйидаги жангда эса у мўғулларнинг ҳар уч қанотдан кучли зарбаларга қарши туриб, мўғулларнинг ёлғондан чекинганида ўз жойида туриб, уларнинг кучли иккита зарбасига дош берган. Аммо, қўшинининг икки баравар камлиги барибир қуршовга тушиб қолишига олиб келган ва мағлубиятга учраган.

Жалолиддин жангларда ўз қўшинини анъанавий бир шаклда, яъни ўнг, марказ ва сўл қанотга сафлаган. Марказга одатда ўзи қўмондонлик қилган эди. Ўнг ва сўл қанотларга хон, малик ва амирлар қўмондонлик қилишарди.

Аксарият холларда марказ суворийлар, ўнг қанот камончилар, сўл қанот пиёдалардан ташкил топган. Жанг вақтида султон атрофидаги хосси ғуломон билан олдинги сафда уришарди.

Тадқиқотчи С.Сабурованинг Ануштегинийлар давлатига бағишланган монографиясида: "Ўзаро ашаддий душман бўлган хоразмликлар ва мўғуллар бир-бирининг жанг тарзини қабул қилмаганлар. Хоразмшоҳ қўшинлари мумтоз тартиб ва тактика асосида жанг қилган. Мўғуллар бўлса қисмларини ўзларининг махсус жанг услубида икки қатор тизган ҳолда урушганлар", деган фикри нотўғри бўлиб, *тадқиқотида шу фикридан кейиноқ, Жалолид*диннинг халифа қўшинларига ҳамда мўғулларнинг ўзига қарши урушда ёлғондакам чекиниб, пистирма қўйиш усулини қўллаган деб ўз фикрини ўзи рад этади. Ҳақиқатан ҳам, ёзма манбаларга эътибор қаратадиган бўлсак, нафақат Жалолиддин, балки бошқа Шарқ давлатлари ҳукмдор ва лашкарбошилари ҳам кўчманчиларга (жумладан, айниқса мўғулларга) хос бу усулни (ёлғондакам

чекиниб, пистирмадан зарба бериш) қўллаганликлари тўғрисида маълумотлар кўп. Жалолиддин ҳам дастлаб мўғулларнинг бу усулини қўлламаган, аммо, иқтидорли лашкарбоши сифатида, у бу усулга ўз эътиборини қаратгани ҳақиқат, албатта. Кейинчалик у бу усулнинг афзалликларини кўргач, айниқса, ўз қўшинининг сони душманига нисбатан озчилик қилганда, ундан самарали фойдаланган. Жумладан, Қуш Темур бошлиқ араб халифалиги қўшинларини шу усул билан енган бўлса, Ясси-Чаман жангида Жалолиддиннинг жанг майдонини тарк этишини шом ва рум жангчилари ёлғондакам чекиниб, пистирма қўймоқчи деб ўйлаганликлари воқеаси ҳам Жалолиддин кўпгина кичик жангларда бу усулдан кўп фойдаланганлигини кўрсатади[432].



Иккинчидан эса, Жалолиддиннинг мўғуллардан ўрганган яна бир хусусияти, у ўзи билан жанг қилмоқчи бўлган душман қўшинини иложи борича яхши ўрганган ҳамда мўғуллар каби жанг олдидан душман қўшинини заифлаштиришга ҳаракат қилган. Жумладан, грузинлар билан бўлган Болниси жангида у душман тарафидаги қипчоқларни, илгари уларни отаси чангалидан қутқарган пайтда берган ваъдасини эслатиб, уларни ўз тарафига оғдириб олган. Яъни, у мўғулларнинг жанг тактикасини ўз амалиётида қўллаган. Бу унинг буюк лашкарбошилик хусусиятидан дарак эмасми?



Ўз навбатида мўғуллар ҳам юқорида айтганимиздек, хоразмликлар билан уруш жараёнида жангнинг ҳал қилувчи палласида оғир куролланган отлиқ қўшиннинг душман қўшини сафларига пона сингари ёриб кириш ва уни охиригача йўқ қилиш усулини хитойликлардан эмас, айнан, хоразмликлардан ўрганганлар[433]. Чунки Хитойга ёки тангутларнинг Си Ся давлатига қилинган биринчи



---

[432] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.165.

[433] Кулешов Ю.А. "Монгольская латная конница" – историческая реальность или научная спекуляция? (К вопросу о тактике монголо – татар в период Великого завоевания).// Золотоордынская цивилизация. Выпуск №5. – 2012. С. 177.





юришларда (1207 – 1215 йиллар) мўғулларнинг бу усулни қўллаганлиги ҳақидаги маълумотлар умуман учрамайди.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Жалолиддин жангнинг босқин шаклини кўпроқ Ҳиндистонда қўллаган ва бу унинг қўшинининг сонининг камлигидан бўлган эмиш, деган фикри ҳам хато. Чунки, бир нарса маълумки, Жалолиддин Мангубердининг энг асосий хусусияти, қўшини сон жиҳатидан душманидан оз ёки кўп бўлсин, бошқа лашкарбоши ёки ҳукмдорлар каби ҳеч қачон баланд тепаликда туриб жанг ҳолатини кузатиб ёки бошқариб бормаган. Жумладан, ўзининг энг асосий душмани Чингизхон каби. Унинг ўзи доимо жанг майдонининг энг олдида бўлган ва ўз аскарларига намуна бўлиб, жанг олиб борган. Буни барча ёзма манбалар маълумотлари тасдиқлайди. Аммо бу хусусият афсуски, унинг энг катта хатоси ёки камчилиги ҳамдир. Зеро, Чингизхон ва мўғуллар “Ясо” қонунига кўра, мўғулларда ўз мардлиги билан ажралиб турган ёки жисмонан жуда бақувват жангчиларни ҳеч қачон қўшиннинг оддий ўнлигига ҳам бошлиқ қилиб қўймаганлар. Чунки унинг мардлиги ва қўрқмаслиги ўнликнинг бошқа аъзоларига зарар келтирган ёки жангда мардликка берилиб кетиб, ўз ўнлигини хавф остига қўйиши мумкин бўлган[434]. Ана шу жиҳат, мўғулларнинг доимо ғалаба қозонишига олиб келганки, бу ерда бир жангчининг эмас, балки барча жангчиларнинг биргаликдаги ҳаракати, ғалабанинг асосий гарови бўлган. Мўғулларда Жалолиддин Мангубердидаги “марди майдон” каби ижобий хислат эмас, қандай қилиб бўлса ҳам ғалабага эришиш лозимлиги хусусияти устун бўлган ва шунинг учун улар доимо ғалаба қозонганлар. Жалолиддин Мангуберди эса айни шу ҳақиқатни кўра олмаган.

Жалолиддин қамал пайтлари манжанақ девортешар

---

[434] Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.262; Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – С. 194.

қуроллар ва нефть мойи ишлатган. Қамал узоқ давом этгудек бўлса, султон ўз қўшинларини қалъа атрофига доира шаклида жойлаштирар, шаҳар атрофида уйлар қурдирарди. Султон душманларини алдаш учун ҳийла ҳам ишлатган. Масалан, у мўғулларнинг байроғига ўхшаш оқ санжоқ ва мўғул кийимлари билан Исфахондан чиқиб, Рай шаҳрида турган укаси Ғиёсиддин қўшиниа ҳужум қилади. Мўғуллардан жуда қўрқиб қолган Ғиёсиддин лашкарбошилари дарров қочишга тушади. Ибн ал-Асирнинг ёзишича Жалолиддин Тифлисни эгаллаш пайтида мўғулларга ўхшаб ёлғондакам чекиниб, қувиб келаётган Тифлис ҳимоячиларни пистирмага туширган ҳамда кўпчилигини қириб ташлаган ва шу билан шаҳарни эгаллаган[435].



Шундай қилиб, Жалолиддин шу пайтдаги мўғуллардан қўрқув психологияси ёрдамида ўзининг қўшинидан анча устун бўлган қўшинни енгади[436].



Манбаларда Жалолиддин Мангуберди қўшинининг ҳарбий мусиқа марши бўлганми ёки бўлмаганлиги тўғрисидаги ёки жанг майдонида қандай жангавор чақириқ(урон)лардан фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Фақат "ё, Аллоҳ", "Аллоҳу акбар" каби чақириқлардан фойдаланганликлари ҳақида тахмин қилиш мумкин. Манбаларда эслатилган ва кейинги тадқиқотларда ҳарбий – жангавор қўшиқ дея хато таърифланган "навба", "навбаи зулқарнайн" каби маълум вақтларда мусиқа чалиниши ёки чалдирилиши одати ҳарбий марш қўшиғи ҳам эмас, ҳарбий соҳага ҳам тааллуқли эмас[437].



Хулоса сифатида шуларни таъкидлаш лозимки, Хоразмшоҳлар давлатининг Алоуддин Муҳаммад давридаги ҳарбий салоҳияти ташқаридан қарагандагина жуда кучли кўринар эди. Унинг куч-қудрати саробга ўхшаб қолган, хоразмшоҳ нафақат маҳаллий, вилоятлар ҳокимла-

---

[435] Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории).С.393-394.

[436] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).- Б.381; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.240.

[437] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.240.







ри, балки ўз қариндошлари мададидан, диний қавмлар ва уламолар, энг асосийси эса аҳоли мададидан маҳрум бўлиб қолди. Хоразмшоҳнинг дастлабки қараганда енгилмас қўшини асосан кўчманчи турклардан таркиб топган ёлланма қўшин бўлиб, жанг қилиш усулларини буткул ёддан чиқариб юборганди. Ўзининг энг асосий рақиби бўлган мўғуллар қўшинидан фарқли равишда хоразмшоҳлар армиясида соф камончилар бўлинмалари, захира ва фавқулодда ишлатиладиган сараланган қўшинлар бўлмаган. Жангда қўшиннинг тактик тузилиши, тактик ҳаракатлар, жанг усуллари ҳақида маълум бир меъёр ёки низом, умумлашган қоидалар тўплами йўқ эди. Хоразмшоҳлар мўғулларигача бўлган душманларини фақат қўшинининг сони устунлиги ва қўққисдан ҳужум қилиши билан енгиб келган эдилар. Бу усул ҳам эндиликда мўғулларга қарши иш бермай қўйди ва охир-оқибат кўп сонли ва яхши таъминланган Хоразм қўшини, бирорбир йирик жанг бўлмасдан, шармандали мағлубиятга учради. Хоразм давлати лашкарбошилари таркибида ҳам мўғул қўшинидаги Субутой Баҳодир, Жебе нўён, Мухули, Богурчи каби иқтидорли ёки жасур ва тадбиркор деган таърифга мос келувчи бирорта ҳам лашкарбоши йўқ эди. Афсуски, Темур Малик, Амин ал-Мулк, Урхон каби Жалолиддиннинг лашкарбошиларини ҳам мўғулларнинг юқоридаги лашкарбошиларига тенглаб бўлмайди. Масалан, Жалолиддиннинг қайнотаси ҳам тоғаси бўлган Амин ал-Мулк дастлаб мўғуллар тарафига ўтган эди. Кейинчалик Жалолиддиннинг Ғазна ҳудудларида пайдо бўлгандан кейин унга қўшилган. Мўғулларнинг "Сирли тарихи"да ҳам тилга олинган Темур Малик ҳақида араб-форс манбаларида маълумотлар жуда кам бўлиб, ҳатто Жалолиддиннинг 1225 – 1231 йиллардаги олиб борган жанглардан бирортасида ҳам Темур Маликнинг қаҳрамонлиги ҳақида маълумотларни учратмаймиз[438]. Фақат Насавий-

---

[438] Сокровенное сказание монголов. – М.: Изд – во "Э", 2018. (– 382 с.). – С.172-173.

нинг китобининг охирларида тилга олинган, яъни, 1231 йиллар воқеалари эслатилган бўлимларидаги Урхон аслида Темур Малик бўлса керак. Чунки, Жалолиддиннинг яна бир лашкарбошиси, доимо чап қанот қўмондони бўлиб, бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган Урхон эса 1226 йилда Ганжада исмоилийлар томонидан ўлдирилган эди[439]. Насавийда лашкарбошиларнинг қаҳрамонлигидан кўра кўпгина лашкарбошиларнинг сотқинлиги ёки ҳаракатсизлиги хусусидаги маълумотлар жуда кўп. Жувайний, Рашидиддин ва Ибн ал-Асир асарларида мўғуллар Хоразмга бостириб кирган даврданоқ мўғуллар тарафига ўтиб кетган ҳокимлар ёки лашкарбошилар ҳақида маълумотларнинг келтирилиши, хоразмшоҳлар давлати юқори, етакчи қатламининг аҳволи қандай бўлганлигини яққол ифодалаб турибди.

Насавийнинг асарини ўқиркансиз, Жалолиддин Хоразмшоҳнинг ташкилотчилик, саркардалик ва қаҳрамонлик фазилатлари батафсил, далиллар асосида кўрсатиб берилганига шоҳид бўласиз: “тақдир Жалолиддинни не ташвишларга гирифтор қилмади: у йиқилди ва яна турди, қалбидаги умид учқуни сўнди, аммо бу учқун яна пайдо бўлди. Яратганнинг марҳамати билан бу учқун оловга айланди. У бу оловнинг куч-қудрати нималарга қодирлигини кўрсатди. Босқинчилар остида топталган ва қулаётган давлатни асраб қолди, уни улкан мамлакатга айлантирди, ўзи эса улуғ ҳукмдорга айланди. Ўлим билан неча бор юзма-юз келди... ўз мақсадига эришиш йўлида ниҳоятда оғир синовлардан ўтди”.

Жалолиддин саркардалик қобилиятини жуда эрта намоён қилган. Насавийнинг ёзишича, Кушлухонни мағлуб этган Жўчихон (Насавий уни “Душихон” деб атайди) бошлиқ мўғул қўшини билан султон Алоуддин лашкарлари ўртасида бўлиб ўтган илк жангда Хоразм қўшини омон

---

[439] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.162, 291-292.



қолди ва душмандан “қасос ўчи олинди”[440]. Жувайний ва Рашидиддиннинг ёзишича, бу жангда ўнг қанотга Жалолиддин қўмондонлик қилган[441]. Агар жангнинг 1216 йилда бўлиб ўтгани тўғри бўлса, Жалолиддин 17-18 ёшидаёқ ўзини истеъдодли ва жасоратли саркарда сифатида намоён этгани маълум бўлади.



Аловуддин Муҳаммаддан кейин хоразмшоҳлар авлодларидан фақат Жалолиддин Мангубердигина ўз ҳарбий фаолияти орқали Хоразмнинг илгариги ҳарбий салоҳиятини амалда юқори босқичларга кўтаришга ва шу асосда мўғуллар зулмини йўқ қилишга ҳаракат қилди. Маълум маънода у бунга эришди ҳам. Жумладан, у “енгилмас” деб таърифланган мўғуллар қўшинини, мўғуллар олиб борган урушлар тарихида биринчи бўлиб мағлубиятга учратди. Зеро, дунёнинг бирорта ҳудудида битта лашкарбошига қарши Чингизхоннинг ўзи, ўғиллари ва моҳир лашкарбошилари биргаликда жанг қилмаганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, у бу борада ҳам ягона ҳисобланади (Синд жангги).



Умуман олганда Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъатига баҳо берар эканмиз, унинг ҳарбий саркардалик қобилияти юксак даражада бўлиб, биз унинг мўғуллардан ва бошқа рақибларидан фақат икки марта (улар ҳам маълум сабабларга кўра) мағлубият аламини тортиб кўрганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Булар, биринчиси Синд дарёси бўйидаги жангда Чингизхоннинг барча кучларини жалб қилиш эвазига ва сон жиҳатдан анча устунликка (3 баравар кўп бўлган ҳолатда) эга бўлган ҳолатдаги мағлубияти бўлса, иккинчиси, Ясси-Чаман ёнидаги жангдаги яна ўша Синд дарёси бўйидаги жангдагидек 3 баравар кам қўшинга эга бўлган ҳолдаги мағлубияти ҳисобланади. Қолаверса, Насавий, Жувайний ва Рашидиддинларнинг маълумотига кўра, иккинчи жангда

---

440 Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.27-29.

441 Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).- Б.125-126; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.190.

Жалолиддин шу даражада бетоб бўлганки, ҳатто жанг майдонида оти устида ўтиришга ҳам мадори етмаган. Биз бу ерда Жалолиддиннинг мағлубиятларини оқлаш ниятимиз йўқ, фақат Жалолиддиннинг ҳаёти ва фаолияти тарихини ёритишдаги шу пайтгача ҳукмрон бўлган қарашларни қайтадан кўриб чиқиш вақти етмадимикан деган мулоҳазада ҳамда манбалардаги маълумотларни қайтадан таҳлил қилиш асосида ўз хулосамизни чиқаришга ҳаракат қилдик холос. Қолганини эса сизнинг ўз ҳукмингизга ҳавола қилиб қоламизки, хулосангиз холисона бўлади деб ишонамиз.



Бу маълумотлар Жалолиддин Мангубердининг жанг майдонларида ниҳоятда мард, ботир инсонлигини, оз сонли қўшини билан ўзидан бир неча баробар кўп бўлган душманларни ҳам мағлуб қила олган етук, моҳир лашкарбоши эканлигини, жанг санъатини, унинг тактикасини мукаммал ўзлаштирган саркарда эканлигини кўрсатади. Тарихий манбаларда яна бир ҳолат алоҳида қайд этилади. Чингизхон ҳаёт пайтида бирорта мамлакатнинг қўшини унинг лашкарларини мағлуб эта олмаган. Жалолиддин ва унинг лашкарлари эса Чингизхон қўшини устидан бир эмас, бир неча марта ғалабага эришган. Юқорида санаб ўтилган жангларда эришилган ғалабалар бунинг яққол мисолидир. Жалолиддин Мангуберди нафақат жангу жадалларда қаҳрамонлик, мардлик кўрсата олган шахс сифатида, балки жанговар ҳаракатларнинг янги йўлларини, тактикаларини ишлаб чиққан, уларни амалиётга жорий эта олган ҳарб илмининг юксак билимдони сифатида ҳам тарихга муҳрланган. Масалан, у отлиқ қўшинларнинг жанг пайтида ҳам отлиқ лашкарлар, ҳам пиёда навкарлар сифатида жанг қилиш тактикасини ишлаб чиққан. Бунда жанг қуролларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, отлиқ лашкар қилич ва сўйилдан фойдаланиб ҳужумга ўтган











бўлса, у пиёда навкарга айланганда найзадан фойдаланган. Душманнинг отлиқ лашкари учун найза билан қуролланган пиёда ҳамиша хавфли ҳисобланган. Шунинг учун Жалолиддин қўшинида отлиқ лашкарлар ҳам қилич, ҳам сўйил, ҳам найза билан қуроллантирилган. Унинг яна бир ҳарбий ҳийласи — узун найзалар билан қуролланган пиёда навкарларни душманнинг отлиқ қўшинларига қарши қўйган. Бунда пиёдалар узун найза билан саф-саф бўлиб ёки тўп-тўп бўлиб душман отлиқларига қарши борган. Отлиқ қўшинлар бундай сафларни ҳам, тўпларни ҳам бузиб ўта олмаган. Аксинча, ўзлари ҳалокатга учраган.

Жалолиддин жанговар юришларида ишлатган ҳарбий ҳийлаларидан яна бири енгил қуролланган, тез ҳаракат қилувчи отлиқ қисмларни, бўлинмаларни ташкил этгани билан боғлиқ. Маълумки, жангу жадалларда отлиқ қўшинлар оғир қуроллар билан қуролланган ва турли хил воситалар билан ҳимояланган ҳолда қатнашганлар. Бу уларнинг тез ва енгил ҳаракат қилишига имкон бермаган. Шу сабабли у енгил қуролланган, тез ҳаракат қилувчи отлиқ қўшинларни ташкил этган. Улар душманлар қаршисида кутилмаган ҳолларда пайдо бўлиб қолиши, уларни эсанкиратиб қўйиши, жиддий зарба бериши билан ғалабага ҳисса қўшганлар. Султон Жалолиддиннинг ҳарбий тактикасида энг кўп қўлланилган жанг усулларидан бири — бу душман қўшини марказига ҳужум қилиб, уни пароканда қилиш, унинг ўртасига ёриб кириб, қириб ташлашдан иборат бўлган. Чунки марказнинг ҳалокати қўшиннинг мағлубиятига олиб келган. Шунинг учун Жалолиддин ўз қўшинининг марказига мард, довюрак, душман қўшини марказига ёриб кира оладиган лашкарларни тўплаган. Унинг ўзи ҳамиша қўшин марказига бошчилик қилган. Ҳар бир жангда бошқаларга мардлик, қаҳрамонлик борасида ибрат, ўрнак кўрсатган. Жалолиддиннинг оз сонли лашкарлар билан душманнинг кўп сонли қўшинлари устидан доимо

ғалаба қилиш сирларидан бири ҳам ана шунда бўлган. Жалолиддин Мангубердининг кейинчалик Ҳиндистонда оз сонли лашкари билан Шатра ранасига (Муаррих Рашидиддин бу воқеалар хусусида ёзар экан, Жалолиддин дастлаб дайдилар тўдасини енгди, кейин 120 кишилик қўшини билан ҳиндларнинг 40 минг лашкарининг додини берди, деб маълумот беради), Учча ҳукмдори Қубачага қарши жангларда қўлга киритган ғалабалари асосида ҳам мана шундай ҳарбий тактикалар ётади. Ёки Жалолиддиннинг 20 минг лашкари билан Деҳли ҳукмдори Шамсиддин Элтутмишнинг 100 минг пиёда, 30 минг отлиқ, 300 та фил билан қуролланган қўшинини саросимага солиб, уни ўзи билан тинчлик ўрнатиш борасида музокара қилишга мажбур қилиши ёхуд 40 минг отлиқ лашкарлари билан грузинларнинг 60 мингдан ортиқ лашкарини мағлуб этиши, Қўниё султонларининг бирлашган қўшини устидан кам сонли лашкарлари билан ғолиб бўлиши, Хуросон, Ироқ, Кирмон, Форс кўрфази, Озорбайжон, Аррон, Кавказорти ўлкаларини қўл остига бирлаштириб, улкан давлат тузиши Жалолиддин Мангуберди ҳарбий қудратининг, у ишлаб чиққан жанговар тактикалар, янгича кураш йўлларининг, мардлик ва матонатининг, ҳукмдорлик қобилиятининг яққол намуналари эди.





Умумий ҳолатда мазкур масалани чуқур таҳлил қилиш учун навбатдаги бўлимни, Чингизхон ҳарбий санъати, унинг ҳарбий ислоҳотларининг аҳамияти ҳамда жаҳон мўғул империяси вужудга келишидаги ўрни масаласига бағишладик.









III.2.

## Чингизхоннинг ҳарбий санъати: стратегияси, тактикаси ва унинг “жаҳон мўғул империяси”ни яратишдаги ўрни

Китобимизга Чингизхоннинг ва мўғулларнинг ҳарбий санъати масаласини киритишимиз ортиқча туюлиши мумкин. Аммо, китоб ёзиш жараёнида кўпгина манбалар ва адабиётлар билан танишиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт фаолиятини ва Чингизхон бошлиқ мўғулларга қарши олиб борган курашлари тарихини, унинг саркардалик ва сиёсий арбоблик даражаси қай даражада эканлигини, айнан Чингизхон ва мўғулларнинг ҳарбий санъати, стратегияси ва тактикасини чуқур таҳлил қилмасдан тўла-тўкис очиб бериб бўлмас экан. Ана шу жиҳатдан юқорида китобнинг муқаддима қисмида таъкидлаб ўтганимиздек, мазкур бўлимнинг киритилиши мавзумизни тўлиқ очиб беришга хизмат қилиши мақсадидан келиб чиқиб, Чингизхон ва мўғуллар давлати ҳарбий тизими, уларнинг ҳарбий санъати хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини очиб беришга бағишлангани ҳолда, бўлим мавзуси ҳам шунга мос равишда танланди.

Жаҳон тарихида ҳудудий жиҳатдан энг катта давлат сифатида тан олинган мўғуллар давлати қандай қилиб бундай улкан муваффақиятларга эришганликлари масаласи даврлар ўтиши билан бутун дунё бўйича Чингизхон ва мўғуллар тарихига бўлган қизиқишнинг кучайиб боришига олиб келмоқда. Айниқса, бундай муваффақиятларнинг асосий омилларидан бири бўлган мўғулларнинг ҳарбий санъати тарихига қизиқиш кейинги пайтларда янада кучайган.



Мўғулларнинг ўз душманларидан ҳарбий устунлиги юқори бўлганлигини тан олганимиз ҳолда, ўз-ўзидан уларнинг бундай устунлигини нималар таъминлаган деган савол туғилади. Тарихчилар мўғуллар қўшини ғалабасининг сабабларини турлича талқин қиладилар. Баъзи тарихчилар бу ғалабаларга Чингизхоннинг ҳарбий даҳоси ва мўғуллар қўшинидаги кўпчилик лашкарбошиларнинг юксак даражадаги ҳарбий қобилиятга эга бўлганликлари билан изоҳласалар, баъзилари, мўғулларнинг фавқулодда устомонлик билан амалга ошириладиган жанг тактикаларидан деб биладилар. Кўпчилик тарихчилар эса, бунинг сабаби сифатида, мўғул қўшинининг ўта интизомлилиги билан тушунтирсалар, яна бир қатор тадқиқотчилар мўғул қўшини ҳарбий тизимининг мукаммал тузилганлигида деб биладилар. Аслида эса, Чингизхон ёки мўғуллар қўшини ўз ҳарбий тузилмасини ва жангавор – тактик услубларини ўзлари мағлуб қилган киданлар ва чжурчженлардан ўзлаштириб олганликлари маълум бўлгани ҳолда XIII аср давомида олиб борилган юзлаб жангларда мўғулларга ҳамма вақт ҳам Чингизхоннинг ўзи ёки қобилиятли лашкарбошилар қўмондонлик қилмаганларку. Аммо нима учун улар доимо ғалабага эришганлар ва бу ғалабаларнинг сабаби нимада эди? Бу бўлимда ана шу саволга жавоб топиш жараёнида, бизнинг мавзумизнинг ҳам кўпгина муаммоли масалалари-







га жавоб топилади деб ўйлаймиз. Жумладан, Жалолиддин Мангубердининг ўн йил давомида кимларга қарши кураш олиб борганини ёки нима учун курашганини аниқ тасаввур қилишга, Жалолиддиннинг лашкарбошилик қобилиятини, унинг қаҳрамон сифатидаги қиёфасини янада ойдин очиб беришга хизмат қилади. Қолаверса, Жалолиддиннинг Чингизхон бошлиқ мўғулларга қарши олиб борган курашлари охир-оқибат натижасиз тугаганлигининг маълум бир сабаблари ҳам мазкур бўлим якуний хулосаларида ўз аксини топади деб ўйлаймиз.

Аслида, мўғулларнинг давлати ва унинг ҳарбий тузилмаси дашт – саҳро кўчманчи қабилалар дунёсида янгилик эмас эди. Яъни, Чингизхондан олдин ҳам баъзи қабилалар ва баъзи ҳукмдорлар бу ҳудудларни бирлаштириб, кўчманчи қабилалар давлатларини тузганлар. Жумладан, милоддан аввалги III асрда шанюй (хуннлар ҳукмдори шундай аталган) Модэ хуннлар давлатини тузиб, ҳатто кучли Хань сулоласини ҳам ўлпон тўлашга мажбур этган. Ундан олти аср кейин Аттила ҳам хунну қабилаларини бирлаштириб, Буюк Хитой деворидан то Франциягача бўлган ҳудудларни бирлаштирган эди.



VI аср ўрталарида эса Буюк турк хоқонлиги шаклланди ва нафақат бу кенг чўл-дашт минтақасида, балки, ғарбда Қора дengиз бўйларигача, шарқда Хитойнинг энг чекка шимоли-шарқий ҳудудларигача бўлган маконда кечган сиёсий жараёнларда муҳим ўрин эгаллаб, айниқса, бу минтақалардаги ҳарбий соҳа тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди.



X асрда эса Марказий Осиёнинг шарқий ҳудудидан Ғарбга томон мўғулзабон қабилалар фаол равишда кўча бошладилар ва йўл-йўлакай улар туркийзабон қабилаларни суриб чиқардилар, қўшиб олдилар ёки улар билан чатишиб кетдилар. Шу асрда Марказий Осиёда кидонларнинг ҳаракатга келиши бу кўчишни бошлаб беради. Кидонлар ортидан Марказий Мўғулистон дашт-

ларига қардош кўчманчи қабилалар – татарлар, мўғуллар ва бошқалар кўча бошлашади. Айниқса, киданлар кейинчалик Хитойнинг шимоли-шарқий қисмини забт этиб ўзларининг Ляо давлатига асос солдилар. Улардан кейин Хитойга яна бир мўғулларга мансуб қабила чжурчженлар кириб келиб, киданларни Шарқий Туркистонга суриб ташладилар ва ўзларининг Цзинь сулоласига асос солдилар.



Марказий Осиё кўчманчилари ҳарбий санъатининг ривожланган ўрта асрлардаги асосий хусусияти аввалги даврдаги ҳарбий анъаналар ютуқларини давом эттиришлари ва ривожлантиришларида эди. Жумладан, кўпгина тадқиқотчилар мўғуллар ҳарбий санъати тараққиётига айнан шу киданлар катта таъсир қилганлигини таъкидлайдилар[442].



Чингизхон ва унинг ҳарбий санъати тараққиёти ёки тартиб-интизоми юксак даражада бўлган мунтазам мўғул қўшинининг шаклланиши жараёни узоқ давом этган жараён бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича бу жараён 1178 йилдан, унинг ҳузурига Богурчи ва Жебенинг келиб, унинг хизматига киришидан бошланган. Яъни, у шу йили биринчи марта кичик бўлса ҳам, ўз қўшинига эга бўлган бўлса, 1179 йилда у маркитларга қарши уруш олиб бориб, унинг ихтиёрида энди йирикроқ қўшин бирлашмаси мавжуд эди. Ўн йилдан сўнг яъни, 1189 йилда унинг биринчи марта "Якка мўғул улуси" хони деб эълон қилиниши даврида эса у етарлича катта ҳарбий кучга эга бўлган. Айнан шу давр ичида унинг келгусидаги жаҳон империясини яратиш сиёсатида энг муҳим рол ўйнаган моҳир лашкарбошилари (Богурчи, Мухули, Субутой, Ная, Жебе, Желме ва шу кабилар) ҳам атрофида тўпланиб бўлди.



[442] Горелик М.В. Армии монголо-татар X–XIV вв. Воинское искусство, снаряжение, оружие.М.: ООО «Вост. горизонт», 2002. с.6-15.







Чингизхон ҳарбий санъатининг шаккланиши ва тараққиёти жараёнини шартли равишда тўрт даврга бўлиш мумкин:

1). 1178 – 1189 йиллар.
2). 1189 – 1204 йиллар.
3). 1204 – 1206 йиллар.
4). 1206 – 1227 йиллар.

Иккинчи босқичда Темучин кўпгина уруш ҳаракатларини олиб бориш жараёнида ўзининг ҳарбий стратегия ва тактикасини янада такомиллаштириб борди. 1204 йилда эса у ўз армиясини ўнлик тизими асосида қайтадан тузишни бошлаб, бу жараён 1206 йилда унинг ҳоқон деб эълон қилинишигача ҳамда бошлаган ҳарбий ислоҳотини якунлашигача давом қилди. Учинчи даврни ташкил этувчи бу давр, қисқа давр бўлса ҳам энди йирик ҳарбий юришлар ҳамда мўғул ва унга қардош қабилаларнинг бўйсундирилиш жараёнини ўз ичига олади.

Ўн тўрт йилдан иборат иккинчи босқич якунида шаклланган ўнлик тизими асосидаги қўшин, ҳали уруғ – жамоачилик анъаналарига асосланган бўлса, бор йўғи икки йилни ўз ичига олувчи учинчи босқичда бу қўшин энди соф ҳарбий анъаналар асосидаги "минглик" тизими асосидаги жангавор бирликка ва мунтазам қўшинга айланди. "Минглик" тизимининг негизи ҳам аслида тузилиш жиҳатдан ўнлик тизимига асосланган бўлсада, унинг энг асосий хусусияти, "ўнлик" тизими мўғулларнинг уруғчилик жамоаси даври ҳаётига кўпроқ мослашган эди. Бу тизим, Буюк мўғул давлати шаклланган 1206 йилдан то 1227 йилгача, яъни, Чингизхон ўлимигача давом қилган тўртинчи босқичида янада такомиллашиб, нафақат мўғул империясининг шаклланишида, балки, Чингизхон ўлимидан кейин ҳам унинг ворислари давлатлари тараққиётида муҳим аҳамият касб этди[443].

---

[443] Уэзерфорд, Дж. Чингисхан и рождение современного мира / Дж. Уэзерфорд. —

Умуман, Чингизхон қўшинини ўнлик бўлим – “арбан”, юзлик – “жугун”-“ягун” ёки “зун”, минглик – “минган”, ўн минглик эса “туман” деб аталган қисмларга бўлинган.




***Мўғул қўшинининг жангавор қисмларга бўлиниши.***

Юқорида таъкидлаганимиздек бу бўлиниш уруғчилик анъаналари асосида эмас балки, ҳарбий-маъмурий асосда ва фақат лашкарбошига сўзсиз бўйсунувчи бўлинмаларга бўлинган[444].

Қўшиннинг ўнлик тизими асосида бўлиниши баробарида мўғулларда армияни қанотларга ва марказга бўлиш ҳам сақланган. Ҳарбий қисмлар айрим қабила ва уруғлардан тузилган, улар маълум миқдордаги отлиқ қўшин ажратиб беришлари лозим эди.

Қўшинлар ва уларни таъминловчи уруғлар бахрин Ная бошчилигидаги марказга ёки қўлга, Мухали бошчилигидаги сўл қанот (жувонғор) ва Богурчи бошчилигидаги ўнг қанотга (борунғор) бўлинган[445].

---

М.: АСТ: АСТ Москва, 2006.( — 493 с.) – С.132.

[444] Храпачевский, Р. П. Военная держава Чингисхана / Р. П. Храпачевский. — М.: АСТ: Люкс, 2005. (— 557 с.) – С. 115.

[445] Хартог Лео де. Чингисхан. Завоеватель мира. — М.: Астрель, 2007. — (285 с. ). С.62.




***Мўғул қўшинининг жангавор саф тортиш тизими.***

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ўнлик ҳарбий тизими бу кўпгина тадқиқотчилар таъкидлаганидек, Чингизхоннинг ҳарбий даҳо сифатидаги кашф қилган янгилиги эмас эди. Бу тизим Чингизхондан 1400 йил олдин, милоддан аввлги III асрда, юқорида таъкидлаганимиздек хуннлар қўшинида амалиётга татбиқ этилган. Кейинчалик киданлар ва чжурчженлар давлати қўшинларида ҳам ўнлик тизими асосий ҳарбий бирлик бўлган. Қўшиннинг бундай бўлинишини мўғуллар айнан киданлар ва Цзинь империясидан қабул қилганлар. Вақт ўтиши билан марказлашган ҳарбий-маъмурий ўнлик тизими такомиллашиб, у мўғулларнинг ҳарбий ташкилотида ўзининг мантиқий ниҳоясига етади. Чингизхоннинг асосий хизмати эса ўнликларга бўлинган бу қўшинга у кучли тартиб-интизом ва бир тана каби бекам-кўст ҳаракат қилиш каби хислатларни сингдирди. Чингизхон жорий қилган тартибга кўра, лашкарбоши ва унинг қўл остидагилари бир-бирига сидқидилдан ва бошлиққа сўзсиз бўйсуниш асосида хизмат қилишлари лозим бўлган. Қўшиндаги бундай мустаҳкам жипсликка оддий усул билан эришилган. Яъни, аскарий гуруҳлар (ўнлик, юзлик ва мингликлар) ўртасида ҳеч қандай алмашинув бўлмаган ёки бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўзбошимчалик билан

ўтиш қатъий тақиқланган бўлиб, тартибни бузган аскар ҳеч иккиланилмасдан ўлим жазосига ҳукм этилган. Ҳатто энг юқори мансабдаги лашкарбошилар ҳам бундай ўз гуруҳини алмаштирганларни ўз гуруҳига қабул қилса қаттиқ жазоланган ва шунинг учун бундай ҳолатларга улар ҳам аралашмаганлар[446].



Кейинчалик дунёнинг бошқа давлатлари ҳам бундай бўлинишни айнан мўғуллардан қабул қилганлар.

Мўғулларда қўшин тузилиши ҳақида манбаларда анча батафсил маълумотлар сақланиб қолган. Бу хусусда Плано Карпини келтирган маълумотлар бой ва қимматлидир. "Чингизхон амрига кўра ҳар бир ўн киши тепасига бир киши раҳбар қилиб қўйилган. Ўнта ўнбоши устидан бир киши қўйилиб у юзбоши дейилган, ўнта мингбоши устидан бир киши қўйилиб у туманбоши дейилган. Барча қўшин тепасига эса икки ёки уч кишини қўйиб улар бир кишига бўйсунганлар"[447].



Мўғул қўшинининг сон жиҳатдан бўлиниш тизими ва уларнинг тартиб-интизоми ҳақида Жувайний қуйидагича маълумот беради: "...Лекин Одам Ато замонидан шу кунларимизгача тартиб интизом жиҳатидан Чингизхон аскарлари даражасига етиша оладиган ҳеч бир қўшинни тарих китоблари ёзмаган. Бирон бир подшоҳга татар (мўғул) қўшинидек бир қўшин насиб қилмади. Бу қўшин қийинчиликларга кўксини қалқон қилиб қаршилик кўрсатар, ўзларига берилган нарсаларга қаноат қилар, оч бўлса ҳам, тўқ бўлса ҳам ўз қўмондонларига итоат қилар эди, на маош, на мукофот, на мансабу – унвон, на мол-мулк кутарди. Аслида тартиб-интизомли бир қўшинни тутиб туришнинг энг яхши йўли ҳам шундай. Шерлар оч қолмагунча ҳеч бир жонзотга ҳужум қилмайдилар. Бу мавзудаги ажам мақолида "Қорни тўқ бўлган итдан ов кутилмас", араб мақолида эса "Итни оч ҳолда қолдирсанг, кетингдан эргашар", дейилган.



446 Хартог Лео де. Чингисхан. Завоеватель мира. С.60-61.

447 Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. М., 1957. С. 49.







Дунёда қайси бир аскар мўғул аскаридек бўла олди? Улар жангда гўё ов ичига тушиб қолиб, наъра тортаётган шерга, тинч пайтда эса сутидан, жунидан ва бошқа нарсаларидан фойдаланилган қўйларга ўхшардилар. Ҳеч қачон ўз ораларида жанжал чиқармаган бу қўшин аъзолари турли касбий гуруҳлардан ташкил топганлиги учун қўлларидан иш келарди, еб-ичишда, таъминотда, қуролланиш борасида ҳеч қандай қийинчиликка учрамасди. Мўғуллар гўёки аскарлик учун яратилгандек эди. Жанг пайтида уларнинг энг каттасидан кичигига қадар ҳаммаси қилич, ўқ ва найза каби қуролларни жуда яхши ишлата оладиган қаҳрамонга айланар эди. Давр ниманики тақозо қилса, ўшани қилар эдилар. Уруш эҳтимоли пайдо бўлганида ҳар хил қурол, от ва туя каби юк ташувчи ҳайвонларни тайёрлаб хизматга қўшардилар. Улар байрам ва маросимларда ҳам худди шундай тиришқоқлик ва эътибор кўрсатардилар. Хизмат қилишда нуқсон қилганлар сони озгина бўлса ҳам уларни қаттиқ жазолардилар. Уруш пайтида ҳеч кимга мухтож бўлмасдан еб-ичадиганларини ўзлари тайёрлар эдилар. Уйларида қолган аёли ва болалари эса тинч даврларда қилган ишлари қаторида эркакларнинг ишларини ҳам қилар эдилар.

Аскарларнинг йўқламасини аниқлаш учун санаш тизими ўзгартирилади. Бу ишни бажарган давлат идораси йўқ қилиниб, у ерда ишлаган котиблар ишларига якун ясалди. Бу тизимга кўра бутун халқ аввал ўнта-ўнтадан гуруҳларга ажртилар, уларнинг орасидан бир киши бошқа тўққиз кишининг бошлиғи қилиб тайинланарди. Бу ўнлик гуруҳлардан ўнтаси бир жойга келтирилиб, юз кишилик бир гуруҳ ташкил қилинар ва уларнинг бошлиғи қилиб юзбоши тайинланарди. Сони мингта бўлган ўнта юз кишилик гуруҳнинг бошига битта мингбоши, сони ўн минг киши бўлган ўн минглик гуруҳнинг бошига бир туман қўмондони тайинланарди. Хон ҳар қандай ҳабарни аввал туман қўмондонига хабар беради, у мингбошига, у юзбошига ва у эса ўнбошига ишни топширарди ва истак

мана шундай тарзда қабул қилинади. Ҳамма худди шундай ўлчовда меҳнат қилар ва ишламаган биронта одам топилмасди, мавқе, мансаб ва бойликка аҳамият берилмасди. Аскарий ҳаракатга зарурат туғилган пайтда фалон кеча ёки фалон кундузнинг фалон соатига фалон жойда тайёр бўлинг, буйруғини олган киши фармонни бажариш борасида "Қачонки, уларнинг мухлати келар экан, (уни) бирор соат кечга ҳам сура олмайдилар" ҳукми кучга кирар ҳатто эрта ёки кеч келишини хаёлига келтира олмасди. Буйруқларга бўйсуниш жуда муҳим эди. Хато қилган киши ҳатто у туман қўмондони бўлса ҳам хон билан унинг орасидаги масофа шарқ билан ғарб орасидаги узоқлик қадар бўлса-да, хоннинг юборган бир суворийси воситасида унинг ақлини киритиб қўйишар, хоҳласа жони, хоҳласа мулки олинарди."[448]



Қўшин тўпланаётган пайтда ҳар ўнта ўтовдан битта, иккита ва ҳоказо жангчилар жалб қилинган, улар ўз навбатида жангга керакли анжомлар ва озиқ-овқатлар билан таъминланган бўлишлари керак эди.



Қўшин таркибида алоҳида ўринни хон гвардияси (кешиг) эгаллаб, у энг жасур, аъло даражада қуролланган жангчилардан, хоқоннинг яқин сафдошлари ва уларнинг ўғиллари ёки қариндошларидан таркиб топган. Гвардияга Чингизхоннинг ўзи шахсан қўмондонлик қилган ва шу туфайли у қўшин сафлари билан алоқани узмаган. Кешикнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, Чингизхоннинг мазкур сўзидан ҳам билиш мумкин: "Менинг оддий кешиктеним ҳар қандай мингбошидан юқори туради.... Ҳар қандай баҳсли масалаларда ҳам кешиктенлар жазога тортилмасдан, мингбошилар жавобгар ҳисобланади"[449].



Мўғул ҳарбий ташкилоти тизимида ёрдамчи ҳарбий хизматлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мўғул қўши-

[448] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).- Б. 99-108.

[449] Сокровенное сказание монголов.– С.122.







нида интендантлик хизмати жорий қилинган бўлиб, янги *лавозим - чербилар ёки армия интендантлари тайин*ланган. Улар қўшиннинг ортидаги ёрдамчи хизматларни бошқарганлар. Озиқ-овқат заҳираларини сақлаш учун дўконлар қурилишига катта эътибор берилган. Қўшин ўтадиган йўлларни назорат қилувчи махсус қисм, ўзига хос соқчи-ясовуллар бўлинмаси мавжуд эди. Ҳарбий разведка, рақиб жойлашган ер, рақибнинг жанговарлик ҳолатини билишга катта эътибор берилган. Бу фаолият билан махсус элчилар ва савдогарлар шуғулланишган.

Чингизхон қўмондонлар тайинлашнинг ҳам пухта ўйланган тизимини жорий қилди. Жумладан, туманбо*ши, мингбоши ва юзбошиларни тайинлашда* Чингизхон уларнинг насл-насабига қараб эмас, балки унинг ақлий қобилияти, лашкарбошилик салоҳиятига ва фаҳм – фаросатига қараб тайинлаган. Чунончи, қўйчивон Дегей дайдиб юрган қабилалардан бирига мингбоши бўлган бўлса, дурадгор Гучугур янги ташкил этилган қабила бошлиғи этиб тайинланган[450]. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айниқса, ўзининг шахсий гвардияси кешикка шахсан ўзи қабул қилган ва унинг қўмондонларини ҳам ўз тайинлаган. Зеро, Чингизхоннинг бутун ҳаёти давомида унинг энг яқин сафдошлари кешикдан чиққан ҳамда қўшиннинг бошқа қўмондонлари ҳам унинг ичидан тайинланган. Кўпгина тарихчилар ўз сафдошларини ва қўмондонларни танлашда Чингизхон психологик жиҳатдан ёндашиб иш тутганлигини таъкидлайдилар. Масалан, унинг қўмондон тайинлаш борасида мазкур айтган сўзи фикримизни тўла тасдиқлайди: “Мен Исатойдан мардроқ одамни билмайман. У эга бўлган нодир фазилатларга бошқалар мансуб эмас. Энг қийин кўчишлар ҳам уни чарчата олмайди. У очликни ҳам, сувсизликни ҳам сезмайди ва ўз жангчиларини ҳам шу ишларга қодир деб ўйлайди. Мана шундай ўйлаши сабабли ҳам

[450] Сокровенное сказание монголов.– С.120.

у бош қўмондонлик қила олмайди"[451]. Зеро, қўшин қўмондонлигига муносиб киши ўзи очлик, чанқоқликни ҳис этадиган бўлиши ва шу ҳолати билан бошқаларнинг ҳолати ҳақида ҳукм қилиши, сафарда қўшинни очлик ва чанқоқликда қолиб кетишига, тўрт оёқли ҳайвонларнинг озиб кетишига йўл қўймаслигига эришиши керак бўлган.

Шу жиҳатдан туманбоши даражасидаги қўмондонлар кўплаган жангларда ўзини кўрсатган энг қобилиятли қўмондонлар бўлганки, Чингизхоннинг кўпгина сафдошлари тарихда энг буюк лашкарбошилар қаторидан ўрин олганлар. Масалан, ҳарбий тарихчилар Чингизхоннинг ва мўғуллар давлатининг энг қобилиятли лашкарбошилари Мухули, Жебе ва Субутой Баҳодирларни Александр Македонский, Амир Темур ва Наполеон билан бир қаторга қўядилар[452].

Умумий ҳолатда мўғул қўшини эришган жуда катта муваффақиятларга ўрнатилган қаттиқ тартиб-интизом натижасида эришилган. Жумладан, Плано Карпинининг ёзишига кўра, қўшинлар урушда бўлган чоқда, ўн кишидан бир ёки икки, уч ёки кўпроқ киши қочгудек бўлса, ҳаммаси ўлдирилган, агарда ўн кишининг ҳаммаси қочсаю қолган юз киши қочмаса, ҳаммаси ўлдирилган; қисқаси, агарда улар баҳамжиҳат чекинмасалар, барча қочганлар ўлдирилган; худди шунингдек, бордию бир ёки бир неча киши мардона жангга ташлансалар, қолган ўн киши уларга эргашмаса улар қатл этилган. Бордию ўнликдан бир ёки бир неча киши асир тушиб қолгудек бўлсаю дўстлари уларни халос этмасалар, улар ҳам қатл этилганлар[453].

Мўғул қўшинида ҳарбий интизомни бузганларга нисбатан жуда қаттиқ жазо чоралари кўрилганлиги ҳақи-

---

[451] Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.262.

[452] Хартог Лео де. Чингисхан. Завоеватель мира. С.63-64; Храпачевский, Р. П. Военная держава Чингисхана. – С. 194; Злыгостев В. А. Субэдэй. Всадник, покорявший вселенную. – Уфа: ДизайнПолиграфСервис, 2011. – С.11; Хара-Даван, Э. Чингисхан. Великий завоеватель / Э. Хара-Даван. — М.: Вече, 2008. — С.87-90.

[453] Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. М., 1957. С. 49.







даги Плано Карпинининг маълумотларини таҳлил қилган ҳозирги тадқиқотчилар, унинг маълумотлари ҳақиқатга тўғри келмаслигини ҳамда унинг мазкур маълумотларини тўғри маънода тушунмаслик керак деб таъкидлайдилар. Чунки, мўғулларнинг эришган улкан ғалабалари негизида фақат жуда қаттиқ интизом орқали эришилмаган. Балки, мўғул қўшинига ғалабани бундай бешафқат жазолардан қўрқиш туйғуси эмас, саркардаларнинг юксак маҳорати, ҳарбий таьлим, жанг хадисини яхши билиши, душман қўшинининг ҳам жангаворлик даражаси ва ниҳоят ўзининг енгилмас эканлигига ишончи келтирган эди.

Чингизхон асосий эътиборни қўшинининг жанговарлик маҳоратини ошириб боришга қаратди. Мўғуллар қўшини дастлаб, этник таркиби бир хил бўлган отлиқ қўшиндан иборат бўлган бўлса, кейинчалик, бўйсундирилган ҳамда мўғулзабон (татарлар, кераитлар, онгутлар, тайжуитлар ва шу кабилар) халқлардан ҳам қўшин таркибига қабул қилинган. Шу билан бирга олиб борилган жуда кўплаган жанглар оқибатида, жангавор қуроллар такомиллашиб боради, уларнинг хили, тури кўпаяди. Аммо, ҳамма вақт ҳам мўғулларнинг энг асосий қуроли камон бўлиб қолган. Мўғуллар камондан ўқ отишни уч ёшлигидан ўргана бошлаб, жангчи бўлиб, улғайгач, шу даражада моҳир камончи бўлиб етишганларки, манбаларда барча халқлар бунга тан берганликларининг гувоҳ бўламиз. Босиб олинган халқлар вакиллари ёзма манбаларида уларга “камончи халқ” дея бежиз таъриф беришмаган. Мўғуллар билан жанг олиб борган халқлар, мўғулларнинг устунлигини тан олишларининг сабаби нимада эди? Юқоридаги келтириб ўтилган мўғуллар ғалабаларининг асосий омиллари қаторида кўпгина тадқиқотчилар бунинг асосий сабаби сифатида мўғул камонини кўрсатадилар ёки мўғулларнинг камондан фойдаланиш санъатини юксак даражага олиб чиққанларида деб би-

ладилар. Шунинг учун ҳам дастлабки истилолар даврида мўғуллар қўшинининг жуда катта қисмини енгил қуролланган отлиқ камончилар ташкил қилгани ҳам бежиз эмас.



Мўғул типидаги камон тарқалгунча Марказий Осиё, Узоқ Шарқ кўчманчилар дунёсида ва Европадаги венгрларда камоннинг "хунн камони" ва "хитой – марказий осиё камони" турлари ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқ, Эрон ва Мовароуннаҳр халқларида "яқин шарқ камони" деб ном олган тури кенг тарқалган эди. Умуман XII асргача мазкур ҳудудларда "хунн камони" туридан кенг фойдаланилган. Бу камоннинг узунлиги 160 см ни ташкил қилиб, унинг асосий ажралиб турадиган хусусияти қўл тутгич қисмининг икки ён томондаги бирикма - ёнламалари бўртиб чиққан эди. Бу камоннинг эгилувчанлигини ошириб, ўқнинг учиш тезлигини оширган. XII асрда мўғуллар яратган "мўғул камони" тури хунн камонидан ёнламаларининг икки алоҳида қисмдан эмас, балки, бир бутун суяк бирикмадан иборат қилиб ясалганлиги билан фарқ қилади. Бу камоннинг эгилувчанлигини унча оширмаса ҳам ўқнинг учиш тезлигини ниҳоятда кучайтирган. Шу билан бирга мўғул камонлари хунн камонларига нисбатан кичик бўлиб, 120 см ни ташкил қилган ва отлиқ жангчи фойдаланиши учун ҳам қулай бўлган. Тадқиқотчилар олиб борган қиёсий таҳлиллар натижаси ҳам мўғуллар камонининг бошқа камон турларидан анча устунлигини кўрсатди. Жумладан, шу давр Европа минтақасидаги энг машҳур "катта инглиз камони"нинг таранглик даражасининг кучи 35 кг дан ошмагани ҳолда, 230 метр масофага етиб борган. Унинг таранглик кучидан келиб чиқадиган зарб кучи эса тахминан 120 жоулни ташкил қилган. Мўғул мураккаб камонининг таранглик кучи эса 70 кг гача, зарб кучи эса 152 жоулга тенг бўлган[454]. Мўғуллар камондан





[454] Немеров В. Ф. Воинское снаряжение и оружие монгольского воина XIII— XIV вв. Советская археология. 1987. № 2. С. 214–215; Макьюэн Э., Миллер., Бергман А. Конструкция и изготовление древних луков В мире науки. Scientifi c American. 1991.







ўқ отишнинг шундай бир техникасини жорий қилган эдиларки, мўғул камонидан отилган ўқ ўртача 320 метргача ва баъзида ундан ҳам узоқ масофага борган. Жумладан, *Чингизхон ташкил қилган мусобақалардан бирида унинг* жияни Есугей Мерган отган камон ўқи 600 метрга етган.

Цзинь камонлари таранглик – зарба кучи: 46 кг – 125-130 жоулни, венгрлар хунн типидаги камонннинг таранглик – зарба кучи: 34 кг – 110 жоулни, Ўрта Осиё турк камонлари таранглик – зарба кучи эса 32 кг – 100 жоулни ташкил қилган[455].

Ана шулардан кўриниб турибдики, мўғулларнинг ғалабасининг яна бир муҳим омили айнан шу мўғул камони бўлган. Мўғул қўшини нафақат интизоми ва моҳир лашкарбошилари билан балки, ўзининг камонлари ва ундан фйдаланишда моҳирликлари билан ҳам бошқа давлатлар қўшинларидан устун турганлар.

Мўғул жангчилари қурол – яроғлари ҳақида аниқроқ маълумотларни европалик сайёҳ Плано Карпини қолдирган. У келтирган маълумотларнинг барчасини ўз кўзи *билан кўрган. Унинг ёзишича, "жангга кириш олдидан* ҳар бир мўғул жангчиси ёнида доимо иккита – учта заҳира камон ва яхши ҳолатдаги битта камон ҳамда ўқ тўла бўлган учта катта садоқ олиб юришлари мажбурий бўлган...Уларнинг камон ўқлари жуда ўткир ва икки тарафи ҳам қилич каби кескирдир...[456]"

Жанг пайтида мўғул жангчилари ҳар бирида қиррали – ингичка учли узун ўқдан 30 та ва кенг – энли учли 30 та калта ўқлар ва умумий 60 та ўқ солинган битта садоқ билан жангга кирганлар. Шу билан бирга 30 та заҳира ўқ

---

№ 8. С. 46; Крадин Н. Н., Скрынникова Т. Д. Империя Чингисхана. М., 2006. С. 420; Шавкунов В. Э. К вопросу о луке чжурчжений. Военное дело древнего населения Северной Азии. Новосибирск. 1987. С. 200; Храпачевский, Р. П. Военная держава Чингисхана. – С. 187-188; Chambers J. The Devil's Horsemen: The Mongol Invasion of Europe. N. Y., 1974. P. 55–57; Martin H. D. The Rise of Chigis Khan and His Conquest of North China. Baltimore. 1950. P. 195.

[455] Храпачевский, Р. П. Военная держава Чингисхана. – С. 187-188.

[456] *Путешествие в восточные страны Плано Карпини и Рубрука.* М., 1957. С. 50–53, 62.

учлари ҳам бўлган.

Узун ўқлар душманнинг зирҳли, ҳимоя воситаларга эга от ёки жангчиларига қарши ишлатилган бўлса, энли учли калта ўқлар душманнинг зирҳсиз отларига ва енгил қуролланган жангчиларига қарши ишлатилган. Манбаларда, айниқса бу ўқ турининг ҳимоясиз жангчилар ва отларга даҳшатли жароҳатлар келтириши кўп бора таъкидланган[457].



Мўғул камонининг ҳажмининг кичиклиги отлиқ камончига ҳам фойдаланиш қулай бўлиши билан бирга, унга мўлжални аниқ олишига ва душман тарафига дақиқасига 10-12 ўқни йўллашига имкон туғдирган. Душман қўшини тарафга йўлланган бундай ўқ ёмғирининг қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Айниқса, зирҳтешар ўқларнинг 150 метр масофадан ҳар қандай совутни тешиб ўтишини ҳисобга оладиган бўлсак, душманнинг ҳар қандай зирҳли қўшинининг ҳам мўғулларга қарши тура олиши жуда қийин бўлган. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё халқлари ҳарбий санъатини ўрганган Ю.С.Худяков мўғул камони кашфиётининг аҳамиятини XX аср автоматик қуролининг кашф қилиниши аҳамияти билан тенглаштиради[458].



Юқоридаги Плано Карпини маълумотларига арман – Киликия давлати шаҳзодаси Гайтон (Гетум) келтириб ўтган маълумотлар ҳам мос келади. Жумладан, у шундай деб ёзган эди: “Улар билан жанг бошлаш жуда хавфли. Чунки, улар билан оддий тўқнашувдан кейин ҳам душман тарафдан жанг майдонида худди йирик жанглардаги каби жуда кўп ярадор ва ўлдирилганлар қолади. Бу уларнинг камондан отишда ниҳоятда моҳирлигидан бўлиб, уларнинг камон ўқлари ҳар қандай ҳимоя воситаси ва совутларни тешиб ўтади. Жангда муваффақиятсизлик-



[457] Путешествие в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. М., 1957. С. 50–53, 62.

[458] Худяков Ю. С. Вооружение кочевников Южной Сибири и Центральной Азии в эпоху развитого средневековья.- Новосибирск, 1997. С. 124







ка учраганида улар орқага тартиб билан чекинадилар, аммо, бу пайтда уларга ҳужум қилиш ниҳоятда хавфли, чунки, улар орқага ўгирилган ҳолда ҳам камондан аниқ нишонга урадилар ҳамда душманнинг кўплаб аскар ва отларини ярадор қиладилар. Агар қувиб келаётган душман сафлари бузилиб, улар қўшинида тартибсизлик бошланса, мўғуллар изига бурилиб, яна ҳужумга ўтадилар ва шундай қилиб ғалабага эришадилар[459]".

Худди шундай ҳолатни Хитойда мўғул хони Хубилайхон саройида 17 йил фаолият юритган Марко Поло ҳам тасвирлаб ўтган эди. У: "Улар жангда душман устидан мана шундай устунликка эришадилар: - Улар душмандан қочиб чекинишни уят ҳисобламайдилар, балки, чекинишдан ҳам унумли фойдаланадилар. Улар чекиниш жараёнида ҳам орқага ўгирилиб, камондан моҳирона ўқ узадилар. Уларнинг отлари худди итлар каби ўргатилган, ҳар тарафга айлана олади. Улар чекиниш жараёнида нишонга аниқ уришлари натижасида душманнинг кўплаб аскарлари ва отларини ўлдирадилар ёки ярадор қиладилар. Уларни қуваётган душман эса мўғулларнинг сафларини буздик ва мағлубиятга учратдик деб ўйлайдики, аслида ўзлари кўп талафот кўриб, енгилганларини билмай қоладилар. Душманнинг кўплаб аскар ва отларини қирган татарлар (мўғуллар) бирданига орқага бурилиб, душманга ташланади ва қойилмақом тарзда мардларча олишадилар ва охир-оқибат ғалабага эришадилар. Мана шундай йўл билан улар кўплаб жангларда ғалабага эришганлар ва кўплаб халқларни бўйсундирганлар.[460]", деб ёзган эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мўғуллар уч ёшдан бошлаб камондан ўқ узишни машқ қилиб бошлаганларки, жангчи бўлиб етишган пайтда уларга тенг келадиган камончи деярли топилмаган.

Мўғулларнинг манбаларда келтирилган жанг услубла-

---

[459] Кирпичников А. Н. Древнерусское оружие. Вып. 3.- Л.: Наука, 1971. С. 78.

[460] Поло Марко. Путешествие. Л., 1940. С. 65.

рини таҳлил қиладиган бўлсак, улар душманни мағлубиятга учратиш учун жангни шароитга ва душман жангаворлик ҳолатига қараб, уч босқичда амалга оширганлар.



Кучли камонларга эга бўлган ва улардан жуда моҳирона фойдалана олган мўғуллар, дастлаб душман устига ўқ ёмғирини ёғдириб ҳужумга ўтганлар ҳамда шу асосда биринчи уринишдаёқ душманнинг от ва жангчиларини жароҳатлаб ёки ўлдириб, қўшинни жангга яроқсиз ҳолга келтиришга ва бутунлай янчиб ташлашга ҳаракат қилганлар. Агар бу иш бермаса улар бундай ҳужумни уч-тўрт марта такрорлаганлар. Отлиқ мўғул камончилари душманга яқинлашгунча ҳар бир жангчи дақиқасига 10 – 12 ўқ ёдириб, шулардан камида 3 – 4 тасини аниқ нишонга уришга муваффақ бўлганлар. Натижада, душман қўшини аслида уларнинг биринчи ҳужумиданоқ жанг қилиш қобилиятини йўқотиб, деярли фалаж ҳолатига тушган[461].



Агар душман бир неча ҳужумдан кейин ҳам ўз жангаворлик қобилиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлса, мўғуллар жанг тактикасининг иккинчи босқичига ўтганлар. Энди улар ҳужумга ўтиб туриб, кейин ёлғондакам чекинганлар ва душманни пистирмагача қувиб келишга мажбур қилганлар, пистирмадаги ҳали чарчамаган қўшин эса қўққисдан ҳужумга ўтиб, душман қўшинини қириб ташлаган.

Кейинчалик, мўғулларнинг жанг тактикасида мазкур усул: душман сафига ўқ ёмғирини ёғдириб, жуда катта шикаст етказиш ва ёлғондан чекиниб, душманни пистирмага олиб келиш ва қириб ташлаш усули асосий жанг усулига айланган[462].



Мўғулларнинг бундай жанг усулини Плано Карпини жуда яхши тасвирлаб берган. Шу билан бирга у мўғулларнинг бундай жанг усулларига қандай қилиб қарши

[461] Худяков Ю. С. Вооружение кочевников Южной Сибири и Центральной Азии в эпоху развитого средневековья. Новосибирск, 1997. С. 124

[462] Бобров Л.А., Сальников А.В. Тактический прием "тулгама" в военном искусстве монголов XIII в. – С.790-793.

тура олиш йўлларини ҳам ўргатишга ҳаракат қилган. Жумладан, бундай вазиятда у худди мўғуллар каби жуда яхши камон – ўқларга ва моҳир мерганларга эга бўлиш ёки икки қаватли совутлардан фойдаланишни тавсия қилган[463].

Мўғулларнинг учинчи севимли жанг услуби душман қўшинини ён томонлардан айланиб ўтиб, ён қанотлардан зарба бериш усули, яъни, "тўлғама" усули бўлган. Тўлғама усулининг тарихий илдизлари қайси асрдан бошланганлиги маълум эмас.




*Мўғулларнинг "ўнг қанот тўлғамаси"*

Аммо, бу усул ривожланган ўрта асрлар бошларидан кенг қўлланила бошланган. Бу усул мўғуллар даврида тўлиқ ўз такомилига етган. Туркча сўз бўлган тўлғаманинг манбаларда мўғулча номланиши келтирилмаган.

[463] Путешествие в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. С. 50–53, 62.

Бу жанг усулининг қонун-қоидалари ва таърифи ҳақидаги тўлиқ маълумотлар XIII аср манбаларида учрамасада, аммо, мўғулларнинг жанг олиб бориш услублари акс этган шу давр маълумотларидан бу ҳақда хулоса чиқариш мумкин. Фақат XV аср охири XVI аср бошига тааллуқли маълумотлар акс этган "Бобурнома"да Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар қўллаган жанг услуби сифатида "тўлғама" ҳақида тўлиқ маълумотлар келтириб ўтилган[464].




***Мўғулларнинг "жуфт тўлғама"си (иккала қанотдан айланиб ўтиб ҳужум қилиш).***

Мўғулларнинг жанг усулларини кузатар эканмиз, улар тўлғама усулининг учта туридан фойдаланганликларининг гувоҳи бўламиз. Булар чап қанотдан амалга оши-

[464] Бабур-наме. Записки Бабура. Ташкент : Ин-т востоковедения АН РК, 1993. (464 с.) – С. 79, 208-211.







риладиган тўлғама, ўнг қанотдан амалга ошириладиган тўлғама ва ниҳоят, жуфт тўлғама, яъни бир вақтнинг ўзида икки қанотдан амалга ошириладиган тўлғама усулларидир.

Булар ичида мўғуллар ўнг қанот тўлғамадан кенг фойдаланганлар. Чунки, душманнинг ўнг қанотидан ҳужум қилинганида мўғул отлиқ қўшини ҳам ҳужумда, ҳам чекинишда камондан ўқ узиш учун қулай вазиятда бўлган. Чап қанот тўлғамаси нисбатан ноқулайроқ бўлгани учун мўғуллар ундан кўпинча кучли ўнг қанот ҳужумларини қўллаб-қувватлаб туриш учун фойдаланганлар. Шу билан бирга мўғуллар агар душманлари кучли бўлса, иккала қанот тўлғамаси – жуфт тўлғамадан фойдаланганлар ва охир-оқибат жанг тақдирини ўз фойдасига ҳал қилганлар[465].

Мўғулларнинг жангда саф тортиш тизими ҳам айнан тўлғамани қўллаш учун қулай бўлган. Яъни, мўғулларнинг жанг майдонида қўллаган энг асосий саф тортиш тизими ярим ой усули бўлиб, бунда иккала қанот марказдан бироз олдинроқ туртиб чиқиб, марказ ичкарироқда бўлган. Синд дарёси бўйидаги жангда ҳам мўғулларнинг қўшини шундай жойлашган эдики, Рашиддидиннинг ёзишича: "Чингизхон қўшини худди эгилган камондек жойлашган бўлиб, Синд дарёси эса худди бу камоннинг ипи каби эди"[466]. Бу жангнинг натижаси қандай тугаганлигини юқорида келтириб ўтган бўлсакда, шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу жангда Жалолиддиннинг қўллаган режаси ҳам тўғри бўлган. Чунки, қўшин сони бўйича анча устунликка эга бўлган мўғуллар бошқа пайтларда жанг тақдирини жуда тез ҳал қилган бўлардилар. Аммо, манбалардаги маълумотларга кўра, Чингизхоннинг Жалолиддинга қарши икки марта кучли зарба берган бўлсада, ҳар сафар Жалолиддин уни муваффақиятли

---

[465] Бобров Л.А., Сальников А.В. Тактический прием "тулгама" в военном искусстве монголов XIII в. – С.788-789.

[466] Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.223.

қайтарган. Шу билан бирга, бу жангда Чингизхон охир – оқибат фақат фавқулодда вазиятларда жангга ташланадиган сараланган баҳодирлардан иборат кешикни ишга солгандан кейингина устунликка эришган[467].



Мўғулларнинг жанг пайтида марказнинг олдига кўпинча мўғул бўлмаган халқлар қўшинини жойлаштириши ҳам уларнинг кам талафот кўрган ҳолда жангни якунлаш имконини берган. Чуқур эшелон бўлиб сафланиш мўғул саркардаларига рақибларига нисбатан устомонлик билан ҳаракат қилиш имкониятини берган. Рақиб сафларини қуршаб олиб, мўғуллар камондан ёмғирдек ўқ отиб унга шикаст етказишгани ҳолда ўзларига кам шикаст етган.

Мана шундай бетўхтов ўқ ёмғири оқибатида рақиб томон кўплаб талафот кўрган. Мўғуллар ўзлари иложи борича камроқ талафот кўришлари учун жанг тақдирини жангнинг бошланғич палласидаёқ бир ёқлиқ қилишга интилганлар.



Бундан кўринадики кўпгина тадқиқотчилар таъкидлаганидек, мўғулларнинг жангнинг якунловчи палласини оғир қуролланган отлиқ қўшинининг понадай ёриб кириш усули билан душман қўшинини бутунлай янчиб ташлаш асосида жанг тақдирини ҳал қилганлар деган фикри унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Шу ўринда мўғул қўшинида оғир қуролланган отлиқ қўшиннинг мавжудлиги масаласининг ўзи баҳсли бўлиб, кўпгина тадқиқотчилар мўғулларда бундай алоҳида қўшин турининг бўлганлигини шубҳа остига олганлар. Чунки мўғулларнинг юқорида келтириб ўтган жанг усулларининг ўзиёқ фақат енгил қуролланган отлиқ камончилар томонидан амалга оширилган ҳамда жангнинг охирги паллаларида ҳам айнан енгил отлиқ қўшин асосий рол ўйнаган[468]. Тўғри, мўғулларда оғир қуролланган отлиқ жангчилар бўлиши



[467] Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.- Б.108.

[468] Бобров Л.А., Сальников А.В. Тактический прием "тулгама" в военном искусстве монголов XIII в. – С.788-789.







табиий. Аммо улар кам сонли ва фақат сараланган баҳодирлар шундай қуролланган бўлиши мумкинки, улардан камдан-кам ҳолларда жангларда фойдаланганлигининг ўзиёқ мўғуллар қўшинининг асосини енгил қуролланган отлиқлар ташкил қилганлигини кўрсатиб турибди.

Шундай бўлсада, баъзи тадқиқотчилар мўғулларнинг зирҳли отлиқ қўшини жанг тақдири амалда ҳал қилиниб бўлгандан кейин жангга кирганлиги оқибатида улар эътибордан четда қолиб, оқибатда манбаларда акс этмаган бўлса керак деб таъкидлайдилар[469]. Жумладан, уларнинг фикрича, оғир қуролланган отлиқ қўшин жангнинг энг сўнггида, яъни, саросимага тушган, сафи бузилган рақибга ҳужум қилиб, душманнинг сўнгги ташкилий қаршилик кўрсатиш қолдиқларини тугатганлар, душманни тўлиқ йўқ қилиб ташлаганлар. Аммо, бу тадқиқотчиларнинг мазкур фикрлари ҳам ҳақиқатга унча мос келмайди. Чунки, деярли барча манбаларда қочган душманни таъқиб этиб, уни батамом тор-мор қилишдаги бош ролни ҳаракатчан енгил отлиқ қўшин ўйнаганлиги таъкидланган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кам сонли бўлсада мўғулларда оғир қуролланган отлиқ жангчилар бўлган ҳамда бундай қўшин туридан кейинги истилолар даврида кенг фойдаланилган (жумладан, рус князликлари, Европа ҳудудларига юришлар даврида ҳамда Ироқ ва Кичик Осиё ҳудудларини забт этиш даврида). Чингизхон хоразмшоҳлар давлатини бўйсундириш жараёнида профессионал – ёлланма оғир қуролланган отлиқ жангчилар қаршилигига дуч келган албатта. Бир қатор ҳарбий тарихчилар ҳатто мўғулларда оғир қуролланган отлиқ қўшиннинг пайдо бўлиши айнан Хоразм билан олиб борилган урушлар давомида пайдо бўлган деган фикрни билдирадилар[470]. Чунончи, манбаларда тасвирланган мўғулларнинг "багтерли" деб ном олган оғир қуролланган қўшин

---

[469] Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Б.337.

[470] Кулешов Ю.А. "Монгольская латная конница" – историческая реальность или научная спекуляция? (К вопросу о тактике монголо – татар в период Великого завоевания).// Золотоордынская цивилизация. Выпуск №5. – 2012. С. 177.

номи ҳам форсча - "бектар", яъни совут сўзидан келиб чиққанлиги бу фикрларнинг исботи ҳисобланади. Лекин улар анъанавий Шарқ жангчилари (салжуқийлар, ғазнавий – ғурийлар, қипчоқлар ва ниҳоят Хоразм жангчилари) фойдаланган зирҳли ҳимоя воситалари – жубба, жавшан ёки бектарлардан эмас, кўпроқ тибет жангчиларига хос ҳимоя воситалари бўлган ва ўзлари ҳам бир қатор ўзгаришлар киритган "хуяг" деб номланган совут типларидан (ҳарбий соҳада ламмеляр ва ламинар типдаги совутлар деб ном олган) фойдаланганлар[471]. Чунончи, мўғуллар истилолари давридан сал кейинги даврларда чизилган расм ва миниатюраларда мўғул жангчилари айнан шу ҳимоя воситаларида тасвирланганлар. Умумий ҳолатда мўғуллар ўз истилолари жараёнида забт этилган давлатлар ва халқлар ҳарбий санъати намуналарини, ҳарбий қурол-яроғларининг баъзиларини ўзлаштирганлар ва уларни такомиллаштирганлар ҳамда унумли фойдаланганлар. Масалан, инглиз ҳарбий тарихчиси М.Уиндроу фикрига кўра мўғуллар Хоразмга (шу пайтгача Хитойдан ўзлаштирилган деб келинган) қарши уюштирилган юришлар давомида ипакдан бўлган махсус кийимни ўзлаштирганларки, бу кийимлар мўғул жангчиларининг камон ўқидан ҳимояланиш даражасини ниҳоятда оширган ҳамда ундан олинадиган жароҳатларни сезиларли камайтирган[472]. Чунки ипак мато пишиқ бўлиб, ҳар қандай ўқни танага чуқур киришига йўл қўймаган ва натижада осон суғуриб ҳам олинган. Буни қалмиқ тарихчиси Эренжен Хара – Даван ҳам ўз асарида таъкидлаб ўтган эди[473].





Чингизхон бошлиқ мўғуллар қўшини томонидан қамал техникаси ва қалъаларни эгаллаш усулларининг ўзлаштирилиши уларнинг яна бир энг муҳим ютуғларидан



---

471 Крадин Н. Н., Скрынникова Т. Д. Империя Чингисхана. М., 2006. С. 419;

472 Уиндроу М. История военного искуство. // Перевод с англ. А. Тимофеевой. – М.: Махаон, 2018. С. 84.

473 ХараДаван Э. Чингисхан как полководец и его наследие. Элиста: Калмыцкое книжное издательство, 1991. С. 84.







бўлган. Мўғуллар ўзларидан олдин ўтган кўчманчилар давлатларидан фарқли равишда кўпгина ўтроқ деҳқончилик давлатлари мудофаасини синдириб, уларнинг шаҳарларини эгаллаш малакасини жуда муваффақиятли эгаллаганлар ва амалиётда қўллаганлар.

Қадимги ва илк ўрта аср кўчманчилари билан қиёслаганда мўғуллар қалъа урушида катта ютуқларга эришганлар. Аммо, дастлаб уларнинг шаҳарларни эгаллаш борасидаги кўникма ва малакалари жуда содда бўлган. Жумладан, улар дастлаб шаҳарларни содда усуллар, яъни, шаҳарга ҳужум уюштириб, ёлғондакам чекинганлар ва уларнинг алдовига учган, уларни таъқиб қилган шаҳар мудофаачиларини тор-мор этиб, мудофаа чизиғини заифлаштирганлар. Шундан кейин улар ялпи ҳужумга ўтиб, шаҳар мудофаа тизимининг энг ожиз жойидан кучли зарба берганлар. Иккинчи усул эса қамал қилинажак йирик шаҳар тўлиқ ташқи дунёдан узиб ташланиб, энг аввало атрофларидаги кичик шаҳар ва қишлоқлар эгалланиб, уларнинг аҳолиси асир олинган ва ҳашар сифатида қамал ишларида фойдаланилган. Жумладан, Хитой манбаси "Мэн-да бэй-лу" муаллифи Чжао Хун мўғулларнинг қамал пайтида ҳарбий асирлардан фойдаланганларига эътиборини қаратган[474]. Одамлар етарли миқдорда асир қилиб олингач, улардан ҳар бири ўзи билан ўтин, тупроқ ёки тош олишлари лозим бўлган. Бу ҳашар орқасида мўғул жангчилари юриб, агар одамлар орқада қолиб кетишса ёки қочса ўлдиришган. Одамлар ҳайдаб келтирилгач, улар ўзлари келтирган нарсалар билан шаҳар девори атрофидаги хандақларни тўлғазганлар ва зудлик билан уни текислаб ташлаганлар. Асирларнинг баъзиларини деворни бузишга ёки эгаллашга мўлжалланган қамал минораларини, деворбузар тошбақаларни ва қамал араваларини ҳайдашга мажбурлаганлар. Кўпчилик асирлар манжаниқларни қуриш ишларига ҳам жалб қилинганлар. Ва ниҳоят асирлар-

474 Мэн-да Бэй-лу (Полное описание монголо-татар) — С.67.

нинг баъзиларидан тўғридан – тўғри тирик қалқон сифатида фойдаланганлар. Бунда мўғуллар ҳатто ўн минглаб одамларни ҳам аяб ўтирмаганлар. Манбаларда баъзида ҳандақлар шу асирлар жасадлари билан тўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунинг учун шаҳар ва қалъалар эгалланганда аҳолининг барчаси ҳеч истисносиз асирликка олинган ҳамда уларнинг бақувватлари дарҳол келгуси шаҳарни эгаллаш жараёнига йўналтирилган. Жумладан, Чингизхон Самарқандни босиб олгандан кейин, дарҳол 50 минг асирни Хўжанд шаҳрини эгаллаш учун ҳашар сифатида юборган.



Шаҳар ва қалъаларни узоқ вақт қамал қилиб, мудофаачиларни очлик ва сувсизликдан силласини қуритиб, уларни таслим бўлишга мажбур қилиш ҳам мўғулларнинг илк истилолар даврида қўллаган усулларидан бири бўлган.



Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинлари қамал қуролларидан фойдаланишни 1205 йилдаёқ, яъни, тангутлар – Си Ся давлатига биринчи юриш давридаёқ илк бора қўллаган бўлишлари мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, дастлаб энг содда қамал қуролларидан фойдаланган мўғуллар, жуда тез уларнинг мураккаб турларини ҳм ўзлаштириб олганлар. Умуман, мўғулларнинг қамал қуролларини ўзлаштиришлари ва улардан амалиётда фойдаланишлари жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси, тангутлар даври: 1205 – 1211 йиллар. Иккинчи давр, Хитой – Цзинь даври: 1211 – 1218 йиллар. Ва ниҳоят учинчи давр: мусулмон даври: 1219 – 1223 йиллар. Бу даврларга бўлиниш шартли равишда қабул қилинган албатта. Жумладан, мусулмон дунёси ҳарбий санъатидан жой олган манжаниқлардан фойдаланишни мўғуллар Хоразмга юришдан олдиноқ ўзлаштирганлар. Масалан, мўғуллар манжаниқ билан уйғурлар ёки қорахитойлар орқали анча илгари танишган бўлишлари мумкин. Хуллас, Чингизхон ўзининг шаҳарларга эга ўтроқдеҳқончилик ҳудудларига илк юришларидаёқ қамал









қуролларидан фойдаланишни бошлаган. Мўғуллар жуда қисқа муддат ичида улардан унумли фойдаланишни ўргандилар. Жумладан, Чингизхон қўшинида тангутлар давлатига юришлар давридаёқ махсус артиллерия гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркиби асосан асирга тушган тангут ва хитойлик мутахассислар бўлгани ҳолда бошлиғи мўғул Анмухай бўлган. Анмухай қамал қуролларидан фойдаланиш малакасини тез ва жуда яхши ўзлаштириб олдики, Цзинь империясига юриш бошланган даврданоқ ўз иқтидорини намойиш қила бошлаган. Манбалардан маълумки, ҳатто Чингизхон ҳам ундан бу борада тез- тез маслаҳатлар олиб турган. Манбалар маълумотлари тўғри *бўладиган бўлса, мўғуллар* 1213 йилнинг ўзидаёқ Цзинь империясининг 862 та шаҳарини босиб олишга муваффақ бўлганлар[475].

Плано Карпини асарининг бир боби "истеҳкомларни *қамал қилиш" ҳақида бўлиб, унда мўғуллар томонидан* қўлланиладиган кўпгина усуллар баён этилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича Плано Карпинининг бу маълумотлари 1246 – 1248 йилларда ёзилган бўлсада, у айнан мўғулларнинг 1205 – 1211 йиллардаги қамал қуроллари билан қай даражада таъминланганлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳисобланади[476]. Жуладан, у қуйидагича маълумотлар келтиради: "Истеҳком қалъаларни қуйидаги усул билан забт этадилар. Агар шундай қалъа учраб қолса, *улар уни қуршаб олишади, ҳеч ким унга кира ва чиқа ол*майди; шу билан бирга улар манжаниқлар ва ўқ отиш билан анчагина мардона жанг қилишадики, куну тун жанг қилишни тўхтатмайдилар, бу билан қалъа ичидагиларни дам олишга имкон бермаганлар; татарларнинг ўзлари эса дам олишган, чунки улар қўшинни шундай тақсим қилганларки, жангда бир қисм уруш олиб бориб, кейинчалик улар дам олган ва қамални иккинчи қисм жангчи-

---

[475] Уэзерфорд, Дж. Чингисхан и рождение современного мира / Дж. Уэзерфорд. — М.: АСТ: АСТ Москва, 2006. — (493 с.) – С. 401.

[476] Путешествие в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. С. 50–53, 62.

лар давом эттирган, шунинг учун улар унча чарчашмаган. Бордию бу усул билан қалъани эгаллай олишмаса, унга юнон оловини отишган: камига одатда инсон ёғини олиб, уни эритилган ҳолда уйларга қуйишган; қайси ердаки олов мана шу ёға теккудек бўлса у ўтни ўчиришнинг иложи бўлмаган. Агарда шу усул билан эгаллай олмасалар, шаҳар ёки қалъа ичидан дарё ўтган бўлса унинг йўлини тўсганлар ёки бошқа ўзанга буриб юборганлар, агарда иложи бўлса истеҳком қалъани сув бостирганлар. Агар бунинг иложи бўлмаса қалъа тагидан лаҳм қазиганлар. Қалъа ичига киргач, уларнинг бир қисми унга олов отиб ёқиб юборган, бошқа қисми эса қалъа мудофаачилари билан жанг олиб боришган. Бордию мана шу усул билан ҳам ғалаба қозона олмасалар, истеҳком қаршисига, ўқ етмас ерда ўрдугоҳ қароргоҳ қуриб олиб то қуршовдагиларга тасодифан ёрдамчи кучлар етиб келиб, уларни куч билан ҳайдаб юбормагунча узоқ вақт қамал қилиб турганлар"[477].





Рус ҳарбий тарихчиси М.Иванин ҳам мўғулларнинг шаҳар, қалъаларни эгаллашда турли усуллардан фойдаланганликлари ҳақида батафсил мълумот берар экан: "Сув ва олов шаҳарларни вайрон қилишда баб-баравар хизмат қиларди", деб таъкидлаган эди[478].

Мўғуллар қўшинининг яна бир муваффақияти уларда тактик ва стратегик разведкага жуда катта эътибор берилганлигидадир. Уруш бошлашдан аввал Чингизхон ҳужум қилмоқчи бўлган давлатнинг ички ҳолати ва унинг ҳарбий салоҳияти ҳақида батафсил маълумотлар тўплашга ҳаракат қилган. Душман ҳақида батафсил маълумот тўпланмагунча, мўғуллар ҳеч қачон юришга чиқмаганлар. Чингизхоннинг бирор давлатга юришдан олдин амалга оширадиган яна бир иши бу сохта хабарлар тарқатиб, душман ичида тартибсизликлар келтириб чиқариш ва



[477] Путешествие в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. С. 31–32.

[478] Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. (Таржимон А. Маҳкамов) – Тошкент: Фан, 1994. – Б.34.







улар ичида бир-бирига ишончсизликни шакллантириш асосида мазкур душманни кучсизлантиришдан иборат бўлган. Шу билан бирга, мўғуллар қўшини бостириб келмасдан олдиноқ, душман юртига уларнинг ўта шафқатсизлиги ва умуман енгилмаслиги ҳақидаги қўрқинчли хабарлар етиб келарди. Бу хабарларни айнан мўғулларнинг ўзлари тарқатганлар. Чингизхон душман еридаги ҳокимиятдан норози бўлган кишилар билан махфий алоқалар ўрнатишга, уларга яхши ўлжалар ва катта лавозимлар ваъда қилиш асосида ўз хизматига олишга ҳаракат қилишга ҳам катта эътибор берган. Бундай мақсадли ва ҳар томонлама тайёргарлик билан олиб борилган уруш охир-оқибатда муваффақият келтирган. Жумладан, Чингизхон Ўтрорни босиб олганда, унинг ҳузурига сотқин Бадриддин Амид кириб келади ва Муҳаммад хоразмшоҳнинг лашкарбошиларининг ундан юз ўгириши учун сохта хат юборишни маслаҳат беради. Бу хат атайин хоразмшоҳ ҳузурига қочиб ўтган қилиб кўрсатилган бир киши томонидан етказилиб, Муҳаммад хоразмшоҳ бу хатга ишонади ва лашкарбошиларини бир ерга бирлаштирмаслик учун уларни бўлиб юборади. Шундай мактубни ҳожиб Донишманд деган киши орқали Туркон Хотунга ҳам юборадиларки, Чингизхон унда ўғли Муҳаммад хоразмшоҳ ундан юз ўгирганлигини агар ўзи таслим бўлса, унинг мавқеини сақлаб қолишига ваъда беради. Натижада Туркон Хотун ҳам шундан кейин Хоразмни ташлаб қочади ва умуман кейинчалик ўғлини кўрмайди. Кўриниб турибдики, бу сохта хатлар охир-оқибат Чингизхон фойдасига ҳал бўлди ва хоразмшоҳлар давлати сиёсий пиллапоясининг энг юқори қаватида ўзаро ишончсизлик ва бош-бошдоқликни келтириб чиқариб, бу давлатнинг Чингизхондан енгилишининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Юришга қурултойда қарор қилингандан сўнг киришилган. Қурултойда қўшинни йиғиш учун зарур бўлган барча тадбирлар, ҳар ўнликдан қанчадан киши кераклиги, қўшиннинг йиғилиш вақти ва жойи ҳал қилинган. Гар-

чи қурултой қатнашчилари ҳал қилувчи овозга эга бўлмасалар-да (қарорни шахсан хон қабул қилган), муҳокама жараёнининг ўзи, яъни уруш олиб боришдан мақсад ва вазифаларни аниқлаш, ҳужум йўналиши ва қўшин миқдорини белгилаш, қўмондон ва унинг ёрдамчиларини тайинлаш маросимининг ўзи ишнинг муваффақиятли тугашининг гарови эди.



Чингизхон урушни душман ҳудудига турли ерлардан бос- тириб кириш билан бошлаб, бу билан душманга ўз кучларини бир жойга тўплашга йўл қўймас ва уларни бўлинишга мажбур этарди. Агар у қаршиликка учрамаса унда давлат ичкарисига кира бориб, уни талон-торож қилар, подани қўлга киритар, аҳолини қирар, қўшиннинг бир қисми эса қалъа ва қўрғонлар ҳимоясидаги аскарларнинг ҳаракатини кузатиб турар эди. Илғор ва ён тарафдаги қисмлар талон-торожда қатнашмас, уларнинг вазифаси душман ҳаракатини кузатиб туриб қўшинни қўққисдан бўладиган ҳужумдан эҳтиёт қилиш эди. Душман қўшини ҳал қилувчи жанг бошлангунича кўплаб одамдан ажралиб юрти вайрон бўларди.



Жумладан, Хоразмшоҳлар давлатига юришда ҳам Чингизхон худди шундай услуб ҳаракат қилдики, агар Муҳаммад Хоразмшоҳ барча кучларни бир ерга тўплаганда ҳам, кўпчилик ўйлаганидек, мўғуллар ҳужумига бир зарб билан чек қўйилган бўларди ҳамда у мўғулларнинг Хоразмга ҳужумини қайтарган бўларди деган хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Чунки, Чингизхон ҳам худди шундай ҳолатнинг олдинии олиш учун хоразмшоҳлар давлатига тўрт йўналишда бостириб кирди.



Отлиқ қўшиннинг тезкорлиги мўғул саркардаларига асосий зарба бериш йўналишини ўз вақтида ўзгартириш, керакли вақтда керакли жойда кучларни бир ерга жамлаб, сон жиҳатдан устун бўлиш имконини берган. Худди шунингдек, агарда улар рақиб томоннинг қўшини жуда катта бўлса, улар баъзан уни бир ёки икки кунлик манзилга четлаб ўтиб, бошқа ерни талон-торож қилиб, одам-







ларни ўлдириб, ерларни вайрон қилишарди. Агарда улар шуни ҳам қила олмасликларига кўзлари етса, ўн-ўн икки кунлик йўлга чекинишади. Баъзан улар бехавотир жойда туриб, душман қўшини бўлиниб кетишини пойлашади ва кейин яширин келиб, уларни алоҳида-алоҳида тор-мор келтирадилар ва барча ерларни вайрон қилиб кетадилар.

Мўғул отлиқ қўшини нафақат тез ҳаракат қилган, балки қисқа муддат ичида катта масофаларни босиб ўтган. Бунинг энг ёрқин мисоли сифатида саркарда Субутой баҳодурнинг илғори Венгрияда уч кун ичида 290 км йўлни, яъни кунига 96 км масофани босиб ўтганлиги воқеасини келтириш мумкин[479]. Айнан шу Субутой баҳодир катта қўшинга эга бўла туриб, 1216 йилда бир неча ой ичида амалга оширган “блицкриг” (яшин тезлигида ҳаракат) натижасида Балхаш кўлидан Ёйиқ (Урал) дарёсигача бўлган ҳудудни (белгиланган ҳудудга боришдан яна йўлга чиқилган ҳудудга қайтиб келишгача бўлган тахминан 10000 км масофани) босиб ўтган. Бу юришда мўғуллар кунига 133 км босиб ўтганлар[480]. Умумий ҳолатда мўғул қўшинлари оддий кунлари 50 км дан йўл юришган.

Шу ўринда мўғуллар қўшинининг бундай ҳаракатчанлигининг сабабини ўрганар эканмиз, бунда мўғул отларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлганлигининг шоҳиди бўламиз. Бошқа от турларига нисбатан паст бўйли бўлган ҳамда фақат яйлов ўтлари билан озиқланадиган мўғул отларига шароитга мослашувчанлиги, чидамлилиги жиҳатидан ҳеч бир от тури тенглаша олмаган. Ҳар бир мўғул жангчиси қўшимча 3-4 отга ҳам эга бўлганлар. *Улар айниқса узоқ масофаларга йўлга чиқилганда жуда* қўл келган. Улар отларини алмаштириб боришлари натижасида мўғул қўшини узоқ йўл босиб келган тақдир-

[479] ХараДаван Э. Чингисхан как полководец и его наследие. Элиста: Калмыцкое книжное издательство, 1991. С. 79.

[480] Злыгостев В. А. Субэдэй. Всадник, покорявший вселенную. – Уфа: ДизайнПолиграфСервис, 2011. – С.54.

да ҳам ўзининг жангаворлик қобилиятини йўқотмаган. Шунинг учун ҳам кўпгина тадқиқотчилар ҳақли равишда мўғул қўшинининг мувафақиятларида мўғул отларининг ҳам ўрни беқиёслигини таъкидлайдилар.



Жанг пайтида хужум қилаётганларни бошқаришнинг муҳимлигини мўғуллар ҳарбий санъати тадқиқотчилари қайд этиб ўтишган. Уларнинг фикрича, қўшинларнинг қисмлари турли сигналлардан фойдаланиб, катта тезлик ва енгиллик билан моҳир ҳаракатлар қилишар эди. Бошлиқлар қўшин орасида туриб жангнинг боришини кузатишар, турли белгилар воситасида буйруқлар берар эдилар. Ўлжани ўзбошимчалик билан қўлга киритишга кетган жангчиларни ўлимга хукм қилардилар[481].

Мусулмон қўшинларидан фарқли равишда, мўғулларда “урҳо-ур” (шу сўздан ҳозирги қичқириқ “ура” келиб чиққан) деган аскарлар руҳини кўтарувчи жангавор қичқириқлар бўлган. “Картлис Цховреба”да мўғуллар уч марта: “Ахла” деб жангга кирганликлари келтириб ўтилади[482].



Мўғулларнинг ҳарбий муваффақиятлари асосини қўшиннинг юқори даражадаги жанговарлиги ва интизомлилиги, қатъий марказлашган ҳарбий ташкилот, етарли даражада қурол-аслаҳа ва техника билан қуролланганлиги ташкил қилган. Жангчиларнинг юқори даражада профессионал тайёргарликлари уларнинг ёшлик пайтларидан мақсадга мувофиқ тарбия кўрганликларидан эди. Кўлами ва санъати, қўққисданлиги ва ҳаракатчанлиги, қуршов тактикаси ва стратегиясини қўллаш бўйича мўғуллар олиб борган жангу-жадаллар тарихида беқиёсдир.



Мўғулларнинг ҳарбий иш соҳасида эришган муваффақиятларида қадимги туркий қабилалардаги каби ов маросимининг роли бениҳоят катта бўлган. Овга худди бегона юртга қилинган юришдек қаралган. Унга пух-

[481] Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. – Б.34.

[482] Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 344.







та тайёргарлик кўрилган. Овда жасорат ва жанг қилиш санъати синаб кўрилган. Унда энг чаққон суворийлар, мерган камончилар, уддабурон раҳбарлар аниқланган.

Овнинг мўғуллар ҳаётидаги аҳамияти жуда катта бўлганлигини ўш давр ва кейинги даврлар ёзма манбаларидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Жувайний мўғулларнинг овга қандай эътибор қаратганликларини қуйидагича тавсифлайди: "Чингизхон ов қилиш ишига жиддий қараган, бу борада мана бу қонунни чиқарган эди: бирор вахший ҳайвонни овлаш фақат ўша ишга маъсул бўлган қўмондон рухсати билан қилинади. Овчилар ов пайтида саф тортиб туриши, овнинг қандай қуршаб, ҳалқа ичига олиши қоидалар билан белгилаб қўйилган эди. Ов қилишга чиқишдан аввал овнинг сонини билиш учун овланадиган жойга одамлар юборилар, овчилар муқаррар тарзда ўқитилар эди. Қўмондон ва аскарлар бўш вақтларини ов билан ўтказишлари ташвиқ қилинарди. Бундан кўзланган мақсад эса фақат ов эмас, балки аскарларни машқ ҳолатида тутиб туриш, уларни ўқ отишдаги маҳоратини ошириш ва қийинчиликларга чидамли ҳолда ушлаб туриш эди.

Демак, мўғуллар урушда қўллаган услублари овда қўллаган услублар билан бир хилдир. Яъни, аввал ўлдирилади, кейин ўлдирилганлар сони санаб чиқилади, ундан сўнг омон қолганлар сақлаб қолинади. "Уларга кўра ов уруш қилишнинг бир тури эди", уларнинг ҳох урушда, ҳох овда озод қилиб қўйиб юборилганлари, бу урушларда душманларнинг қариялари ва шол бўлиб қолганлари эди."[483]

Мўғулларнинг ҳарбий ва жангаворлик салоҳияти ҳақида ва унда овнинг ўрни хусусида Мирзо Улуғбек шундай деб ёзади: ...Ов қилишни ёқтирадилар. Балки уни ҳаётнинг энг олий машғулоти деб биладилар. Аввал, сайёдни тафаҳҳус учун шикорнинг кўп ёки озлигини билиб келиш

[483] Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи).- Б. 99-101.

